


326
13 65
С. ОТАМУРОТОВ, И. ЭРГАШЕВ,
Ш. АКРОМОВ, А. ҚОДИРОВ

ПОЛИТОЛОГИЯ



"ЎЗБЕКИСТОН"

66.3(54)743

32c

С. ОТАМУРОТОВ, И. ЭРГАШЕВ, Ш. АКРОМОВ,

А. ҚОДИРОВ

П 65

ПОЛИТОЛОГИЯ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари
учун қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1999



66.3(59) я73
П 65

Муаллифлар жамоаси: проф. **ОТАМУРОТОВ С.** (раҳбар);
проф. **ЭРГАШЕВ И**; проф. **АКРОМОВ Ш**; проф. **ҚОДИРОВ А.**

Масъул муҳаррир сиёсий фанлар доктори, профессор
Р. З. ЖУМАЕВ

Тақризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор **Т. А. ЖУРАЕВ**,
юрidik фанлари доктори, профессор **О. Т. ХУСАНОВ**

Муҳаррир **А. Ҳакимжонова**

ISBN 5-640-02526-3

0802000000—73
П М 351 (04) 98 98

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1998 й.

К И Р И Ш

Политология фани ижтимоий фанлар тизимида ўзининг ўрнига эга бўлиб, уни ўрганиш натижасида муайян сиёсий қарашлар, ғоялар шаклланмоқда. Жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат ва давлат ҳокимиятининг шакли, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидалари, механизмлари, тамойиллари янги асосда, яъни дунёвий ва халқларнинг ўтмиш сиёсий ҳаёти анъаналари, тарихий, маданий-миллий хусусиятлари билан ўзаро мувофиқ тарзда ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Сайёрамизда содир бўлаётган инқилобий ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ бўлган янги муаммолар инсон ва сиёсат, давлат ҳокимияти, сиёсий институтлар ва жараёнларда содир бўлган ўзгаришларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини умумлаштиришни, турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсат субъектлари билан улар ўртасидаги муносабатни демократик жараёнлар билан тизимий функционал боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо этмоқда. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак»¹.

Жаҳон сиёсий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар ўзини маърифий деб ҳисоблаган ҳар бир кишидан сиёсатни чуқурроқ билишни, у билан шуғулланишни талаб этмоқда. Бу фуқароларнинг сиёсий онг, сиёсий маданият даражалари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг эркинликларини, ҳуқуқларини амалда таъминланиш инкониятларини яратади ҳамда жамиятнинг демократиялашишга ижобий таъсир кўрсатади.

Республикада мустақиллик туфайли белгиланган фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга ошириш мақсадлари, давлат ва жамият, сиёсий ва фу-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон». 1997, 6-бет.

қаролик жамияти муносабатларига янгича ёндошиш ва уни сиёсий таҳлил этиш асосида, унинг негизлари, таянч тушунчалари тўғрисида политологик маълумотлар билан ёшларни хабардор қилиш, таълим ва тарбия жараёнларини шунга мувофиқ тарзда олиб бориш давр талабидир. Бу ёшларнинг политология фани, унинг ўзига хос хусусиятлари, сиёсат объекти ва субъекти, инсон ва ҳокимият муносабатлари тўғрисидаги сиёсий қарашларининг тўғри шаклланиши ҳамда ривожланишига олиб келади. Истиқболда политология фанининг фан сифатида мустақил ривожланиши дунё политология фани тўплаган тажрибаларни янада бойитишга ва унинг ўз ўрнига эга бўлишига кўмак беради.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда «Политология» фанини ўрганишга, уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Бу соҳада дастлабки тажрибалар орттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда политология фани бўйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий Аттестация ҳайъатининг рўхсати билан Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошида Иқтисослашган кенгаш тузилди (1993) ҳамда биринчи маротаба сиёсий фанлар бўйича илмий даража берила бошланди. Бугунги кунда ана шундай кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида фаолият кўрсатмоқда. Политологияни олий ўқув юр்தларида ўқитиш 90-йилларнинг охиридан бошланган бўлсада, ихтисослашган кенгаш тузилганлиги унинг шаклланиши ва қарор топишида янги босқич бошланганлигини билдиради. Утган йиллар давомида ташкил этилган барча ихтисослашган кенгашларда (1998 йилгача) политология бўйича 8 фан доктори ва 10 дан зиёд фан номзодлари тайёрланди. Агарда дунёда мавжуд политологларнинг 90 фоизи АҚШга тўғри келишини ҳисобга олиб, қиёсан хулоса чиқарсак, бу мустақил давлат сифатида Ўзбекистонда политология фанининг шаклланиши учун қўйилган дастлабки қадамлар деб айтиш мумкин. Аммо Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, шу фанга мақом берилганлигининг ўзи унинг алоҳида истиқболга эга эканлигини ва унга эътибор билан ёндашилаётганини кўрсатади.

Республикамизнинг мустақиллик туфайли дунё ҳам-жамиятига чиқиши политологларга бўлган эҳтиёжни оширди. Бу эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, Мирзо Улуғбек номли ТошДУ фалсафа факультетида «Политология» бўлимнинг (1995) очилганлиги фикримизнинг далилидир. Миллий политологлар тайёрлашга киришилганлиги сиёсий-маданий ҳаётимизда ҳамда ижтимоий фанлар йўналишида янги муҳим воқеа бўлди деб айтиш мумкин.

Шуларга таянган ҳолда республикада политология фанининг шаклланишини икки босқичга бўлиш мумкин. **Биринчи босқич** 1991—1995 йиллар. Бу босқич политологиянинг фан сифатида бошқа ижтимоий фанлар тизимидан мустақил бўлиши, унга нисбатан ёндошувнинг радикал ўзгариши даври бўлган бўлса, 1995 йилдан ҳозиргача бўлган **иккинчи босқич** унинг фан сифатида ўз негизда ривожланиш даврининг бошланиши бўлиб, политологларни тайёрлаш бўйича улкан вазифаларни қўймоқда. Бу босқич уни ҳисобга олишни, замон талабига жавоб берадиган дастурларни ишлаб чиқишни, ўқув қўлланмаларини ва дарсликларини тайёрлашни тақозо этади.

Бу борада муайян ютуқларга эришилди. Дастлабки қўлланмалар ёзилди ва чоп этилди. Мазкур қўлланма ҳам ана шундай уринишлардан бири бўлиб, у «политологиядан» олий ўқув-юртлари студентлари учун ишлаб чиқилган ва тавсия этилган дастур асосида тайёрланганлиги билан характерлидир.

Муаллифлар мазкур қўлланмани тайёрлашда политология фани хусусиятларини, унинг предмети ва объектини аниқроқ ҳисобга олган ҳолда ёритишга ҳаракат қилганликларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Шунингдек, муаллифлар хорижий давлатларда чоп этилган политологияга оид мавжуд қўлланмаларни мазкур қўлланма билан қиёслаган ҳолда, унинг янада мукамал бўлишига ёрдам бериш мақсадида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар учун чуқур миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга, уни албатта ҳисобга олишларини билдирадилар. Ўқув қўлланманинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқишда фалсафа фанлари доктори, профессор, марҳум З. А. Абдуллаев ўз маслаҳатлари билан қатнашган эдилар. Муаллифлар жамоаси олимнинг номини ҳурмат билан хотирлайдилар.

І БУЛИМ

ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-мавзу

ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

Политологиянинг мавзуи ва объекти — Политология — жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳокимият, унинг асосий таркибий қисмлари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабат, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, жараёнлари ҳамда амалиётини ўрганадиган фандир.

Политология фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, уни жамиятда тақсимланиши ҳамда унинг механизмларини билиш политология фанининг муҳим объекти ҳисобланади.

Политологияни сиёсий ҳокимиятни ким, қайси сиёсий ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан қандай мақсадлар, манфаатлар ва тамойиллар тизимида амалга оширилиши қизиқтиради.

Политология фани сиёсий ҳокимият, уни амалга ошириш, ўрнатилган сиёсий режим фаолияти доираси, шунингдек, муайян гуруҳлар мавқеи ва муносабати, ҳокимият қамрови, уни бошқариш усулларини аниқлаб беради.

Республикамизда политология асосан мустақиллик йилларидан бошлаб шакллана бошлаганини айтиб ўтган эдик. Шунинг учун ҳам унинг номланишида турли

фикрлар мавжуд. Чунончи, республикамизда «политология»дан «Сиёсатшунослик» номи билан ўқув ва услубий қўлланмалар чоп этилмоқда. Бу тўғри эмас. Чунки «политология»ни ўзбек тилига «сиёсатшунослик» деб таржима қилиш у ўрганадиган мавзулар ва уларнинг моҳиятини сиёсатни ўрганиш билан чеклаб қўйишга олиб келади. Аслида «политология»нинг мавзулар доираси сиёсатшуносликка қараганда кенг бўлиб, у сиёсат, давлат, сиёсий партиялар ва гуруҳларнинг ҳокимиятни ташкил қилиш ва бошқаришдаги амалий сиёсий фаолиятлари билан бир қаторда сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, ҳаракатлар билан ўзаро муносабатларини, жаҳон мамлакатларининг сиёсий ҳаёти ҳамда умумбашарий муаммоларининг сиёсий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган жараёнларни ҳам ўрганади. Шунинг учун ҳам уни «политология» фани деб аташ унинг моҳиятига тўғри келади. Бундан ташқари бу фан жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида ҳам «политология» номи билан қабул қилинган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу фанни «политология» номи билан қабул қилиш ва унга кирувчи масалаларни политологик йўналишда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Политология фани ўрганадиган мавзулар доираси кенг бўлиб, у ўз ичига ҳокимият билан боғлиқ аниқ мавзуларни мужассамлаштирган.

Политология фанида етакчи ўринни жамият сиёсий ҳаёти, уни ҳаракатга келтирувчи сиёсий тузилмалар ва механизмлар фаолиятини ўрганиш эгаллайди. Яъни у асосий эътиборни сиёсий институтларнинг асл моҳиятини ташкил этган давлат, парламент, ҳукумат, сиёсий муассасалар ва партиялар ролини ўрганишга қаратади. Мавжуд сиёсий институтлар, жараёнлар, инсон, муайян гуруҳлар ва сиёсий кучлар фаолияти билан узвий боғлиқ. Ҳамма гуруҳлар жамиятдаги умум ғоялар ва қадриятлар йиғиндисини ифодалайди. Аммо манфаатлар, интилишлар, ғояларнинг хилма-хиллиги табиий равишда сиёсий муносабатларни ёки тараққиётнинг ўзгаришини умуминсоний манфаатлар асосида уйғунлаштиришни тақозо этади. Сиёсий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг умумий тузилмаси билан чамбарчас боғланиб кетган ва бу боғлиқликда улар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тизими тарзида муҳим ўрин эгаллайди.

Агар сиёсий институтларни, гуруҳларни сиёсат-

нинг субъектлари тарзида тасниф қиладиган бўлсак, уларни икки турга ажратиш мумкин. Улар, биринчидан, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатлардан, иккинчидан эса, уларнинг сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан муайян сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатларидан иборатдир.

Демак, улар ўртасидаги сиёсий муносабатлар асосан сиёсий, партиялараро, шунингдек, давлатлараро муносабатлар тарзида амалга оширилади ва намоён бўлади. Ана шу сиёсий муносабатлар натижасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари юзага келади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар сингари сиёсий муносабатлар ҳам ўзаро ички муносабатлардан иборат бўлади. Бир-бирига тўлиқ мос келадиган ёки бири иккинчисини уйғунлаштирадиган мақсадлар йўлида сиёсий кучлар ўзаро ҳаракат қилиши ва косенсусга эга бўлишига сиёсий ҳамкорликка эришиш дейилади.

Сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирига тўла мос келмайдиган ҳолатлари айрим ҳолларда сиёсий ихтилофларга сабаб бўлади. Сиёсий муносабатларда бундай ҳолатларни ҳисобга олиш сиёсатдаги стратегик мақсадларни амалга оширишнинг муҳим омил ҳисобланади. Бу жараён сиёсий кучларнинг вазиятни англаб олиш, узоқни кўра билиш кабилардаги интеллектуал имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

Жамиятнинг сиёсий мавқеига кўра, унинг иқтисодий ва сиёсий тизими ўзгаради. Бу кучларнинг ўзаро муносабатларида ҳам намоён бўлади.

Албатта, «политология»да ўзаро сиёсий муносабатлар деганда, турли сиёсий кучлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг сиёсий ҳокимият доирасидаги фаолиятларини тушунмоқ лозим. Чунки сиёсий муносабатлардан ташқари яна бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларида жамиятда амалга оширилаётган сиёсий муносабатларини ўз манфаатларига мос келадиган тарзда ўзгартиришлари мумкин.

Шундай қилиб, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, сиёсий институтлар хоҳиш-иродасидан ҳоли мавжуд сиёсий муносабатлардан фарқли равишда, сиёсий фаолият муҳим субъектив омил ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг мафқураси, сиёсий қарашлари, мақсадлари ва дастурларига асосланади. Бундай омил жамиятда мавжуд бўлиб турган сиёсий муносабатларни

мазкур гуруҳлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Политология фани ўрганадиган мавзулар тизимида сиёсий ҳокимият марказий ўринни эгаллайди. Сиёсий ҳокимият негизида давлат ҳокимияти назарда тутилади. Чунки политология юнон тилида polis, lodos — давлат-ижтимоий иш ва уни ўрганиш, таълимот маъносида пайдо бўлган, у кўпчилик ҳолларда сиёсат ёки давлатни бошқариш санъати маъноларида ишлатилиб келинмоқда. Бу номланишлар унинг умумий мавзулари моҳияти билан узвий боғлиқ. Политология сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий фаолият ва сиёсий ҳокимияни ўрганувчи фандир, деб ҳам таърифлаш мумкин.

Ана шу таърифдан келиб чиқадиган бўлсақ, политологиянинг объектини жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар ташкил қилади. Унинг предметини эса сиёсат, сиёсий муносабатлар ва ҳокимият ташкил қилади. Фан сифатида политология 2,5 минг йиллик тарихга эга бўлиб, у қадимги юнонistonда сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик у мустақил фан сифатида юзага келди. У ўз шаклланиш жараёнида бошқа мавжуд ижтимоий фанлар каби ўзининг мустақил ўрганадиган масалалари доирасини ҳам вужудга келтирди. Политологиянинг асосий мавзуи ҳокимиятни, сиёсий ҳокимиятни ўрганишни назарда тутди.

Политология ижтимоий фанлар билан алоқада бўлади. Политология ижтимоий фанларнинг илмий хулосаларини қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмасдан, балки, жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларни амалга ошириш усуллари, механизмларини талқин қилади.

Политологиянинг ўрганадиган қонунлари сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва сиёсий фаолиятнинг давлат фаолияти ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги зарурий сиёсий механизмлари сифатида намоён бўлади.

Қонун ва унинг тушунчалари Давлат фаолияти ва жамият сиёсий ҳаётида қонунларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратиш, уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро алоқаларида уйғун ҳаракат қилиш жараёнини вужудга келтира билиш, ўз навбатида, ундан кўзланган мақсад йўлида фойдалана билиш

сиёсатда муҳим ўрин тутади. Бу қонунларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчиси**, давлат ҳокимияти ва мамлакат ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонуниятлар бўлиб, у ўз ичига: а) жамиятдаги сиёсий жараёнларда сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш; б) жамият сиёсий ҳаётинининг демократиялашиши; в) сиёсий бошқариш жараёнлари; г) сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт муносабатлари; д) шахс, жамият ва давлат тизимида инсон манфаатининг устуворлиги кабиларни олади. **Иккинчиси**, халқаро муносабатларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий маърифий алоқалар билан боғлиқ бўлиб, улар: а) халқаро хавфсизлик ва ўзаро ишончни ривожлантириш; б) халқаро ва давлатлараро ихтилофларни бартараф этишнинг сиёсий воситалари; в) умумбашарий муаммоларни бартараф этишнинг сиёсий йўллари; г) турли хил сиёсий институтлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги сиёсий ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни барқарор ривожлантириб бориш шарт-шароитлари; е) жамият сиёсий ҳаётида сиёсий етакчининг ўрни ва ролини сиёсий таҳлил этиш билан боғлиқдир.

Политологиянинг тушунчаларига «сиёсат», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий жараёнлар», «сиёсий ҳаёт», «сиёсий муносабат», «сиёсий фаолият», «сиёсий партиялар», «сиёсий ташкилотлар», «сиёсий институтлар», «сиёсий тизим», «сиёсий онг ва маданият», «сиёсий қадриятлар», халқаро сиёсий муносабатлар ва бошқалар киради. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўз сиёсий мазмунига эга бўлиб, сиёсий жараёнлар тизимида намоён бўлади.

Политологиянинг вазибалари ва услублари Политологиянинг вазибаси уни мустақил фан сифатида ўрганадиган асосий мавзу билан белгиланади. Шунга мувофиқ унинг асосий вазибаси жамият сиёсий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга молик бўлган сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият ва сиёсий фаолият жараёнларида намоён бўлади. Политологиянинг вазибалари унинг предмети ва амалий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ёндошганда, политология методологик, назарий ва амалий вазибаларни бажаради.

Методологик вазибаси сиёсат ва сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришда, умумий услуб, қонуниятларни амалга оширишда намоён

бўлади. Политология жамият тараққиёти, сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши ва амал қилиши, шахснинг ижтимоийлашуви, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва бошқа бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган назария, концепциялар ишлаб чиқиш вазифасини ҳам бажаради. Политология фақат назария эмас, балки амалиёт ҳамдир. У жамият, давлат ва шахс фаолиятида содир бўладиган сиёсий жараёнларни умум манфаатларга уйғунлаштириб бориш вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб бораётган бугунги кунда политология **биринчидан**, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида содир бўлаётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тўплаган тажрибалари билан солиштириш асосида мамлакатимиз, миллатимиз хусусиятларига ва манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий хулосалар бериш; **иккинчидан**, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга кириб боришининг қулай йўлларини белгилаш; **учинчидан**, мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришнинг механизмларини вужудга келтириш ва уларнинг уйғун ҳолатда фаолият кўрсатишларига ёрдамлашиш; **тўртинчидан**, фуқароларнинг сиёсий маънавияти, салоҳияти ва фаолиятини ошириш, уларда мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришда яқдиллик руҳиятини, жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган турли ўзгаришларга сиёсий ҳушёрлик билан қараш туйғуларини шакллантириш; **бешинчидан**, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва юксак илмий салоҳият мамлакатимизнинг мустақиллигини таъминлашнинг, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашининг асосий шартини эканлигини ёшларимизнинг онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ бўлган тарбия вазифасини амалга оширади.

Политологиянинг воқеа, ҳодиса ва сиёсий жараёнларни ўрганишда турли услублари мавжуд. Жумладан, сиёсий-қийёсий таққослаш, моделлаштириш ва логик-математик услуб кабилардир. Уларни соддалаштириб ва конкретлаштириб қўйидаги асосий: 1) қийёсий таққослаш; 2) эмперик-социологик; 3) сиёсий таҳлил услубига бўлиш мумкин. Бу услублардан политология кенг фойдаланади.

Жамият сиёсий ҳаётида ва халқаро сиёсий муноса-

батларда бўладиган ўзгаришлар умумий алоқадорлик ва ўзаро таъсир этиш натижаларига асосланган ҳолда таҳлил этишни назарда тутди. Иккинчи қиёсий таққослаш услубига биноан сиёсий жараёнларда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни ўзаро таққослаш, уларни бир-бирига солиштириш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилса, эмперик-социологик услуб эса, сўров, анкеталаш, тажриба ўтказиш, статистик таҳлил қилиш, математик—моделлаштириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш билан боғлиқдир. Бу услубнинг энг муҳим томони шундаки, унга мувофиқ жамоатчилик, шахс фикрларини ўрганиш асосида тўпланган маълумотларга асосланиб сиёсий ҳодисалар ва жараёнларнинг вужудга келиш ҳамда ривожланиш хусусиятлари ҳақида олдиндан башорат қилиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, политологиянинг услублари унинг назария ва амалиёт уйғунлигидан иборат фан эканлигини кўрсатиб турибди. Политологияда бу услублардан унумли фойдаланиш асосида мамлакат ва халқаро майдонда сиёсат, унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш истиқболлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

**Политология
ролининг ошиб
бориши**

Политология фанининг бугунги кунда аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши қуйидагиларга боғлиқ.

Биринчидан, Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, жамият сиёсий ҳаётида икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойишта бўлиб қолгани йўқ¹. Ундаги можароларни, сиёсий воситалар йўли билан ҳал этишга зарурият кучайиб бормоқда. Бу уни политология нуқтаи назаридан атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.

Иккинчидан, сиёсатда жаҳон тараққиётининг муҳим омили мамлакатлар ва халқлар манфаатларини уйғунлаштиришга эришиш билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий фаолиятини умумба-

¹ И. А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон» 1997, 19-бет.

шарий муаммолар кўламининг кенгайиб бораётганига қаратиш ва уларни ҳал қилишдаги бирликни вужудга келтиришга қаратилган сиёсий қарашлар, назария ҳамда таҳлилларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

Учинчидан, ҳозирги даврда ҳар бир шахснинг сиёсат билан шуғулланишига бўлган эҳтиёж сиёсатни англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, мавжуд демократик жараёнлар билан белгиланади.

Тўртинчидан, ҳозирги замонда сиёсий жараёнларнинг тез ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўзгаришларнинг дунё ҳамжамияти ва инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши учун оқилона сиёсат олиб бориш билан бирга онгли сиёсий фаолият, сиёсатга онгли муносабатда бўлиш зарур. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, жамият иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда нодемократик ҳолатнинг олдини олиш учун унинг асосий кафолатларидан бири мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий, маънавий ва сиёсий фаолиятини ривожлантиришни давлат сиёсати даражасида уйғун бўлишидир. Шундай қилиб, политология фанининг аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши ҳозирги замонда инсоният тараққиётидаги ўзгаришлар, сиёсат ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳодисадир.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Политология нимани ўргатади?
2. Политологиянинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни нимада?
3. Политологиянинг қопун ва категорияларини тавсифланг.
4. Политологияни ўрганиш услублари қандай?
5. Политология фани ролининг ошиб боришининг сабаблари нимада?

2-мавзу

ПОЛИТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Диний анъана Сиёсий фанларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган. Қадимги халқлар ҳисобланган мисрликлар, хитойликлар, ҳиндлар, бобилликлар, яҳудий, форс, греклар ва римликларнинг қарашларида ер юзидаги тартиб ва тартиботларни илоҳий куч билан боғлаб тушуниш, Аллоҳни унинг асосий сабаби, манбаи деб ҳисоблаш анъанаси мавжуд бўлган. Бу сиёсий қарашлар диний анъана ҳисобланади.

Масалан, қадимги хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қаралган. Давлат ҳокимиятининг турли бўғинларида ишлаётган бошқа шахслар император ҳокимиятининг тартиботларини амалга оширувчилари ҳисобланган. Хитой императори осмоннинг ўғлигина эмас, ўз халқининг отаси ҳам ҳисобланган. Унинг ҳокимияти, ота-онанинг оилада болаларга нисбатан мавжуд бўлган ҳокимиятига ўхшашдир деб ёндошилган.

Қадимги Мисрда эса Аллоҳ — ҳукмдор ҳокимиятнинг илк манбаи сифатида қаралган. Ерда ҳам унинг таъсири худди шундай сақланиб қолган. Бу ўзига хос пирамидага қиёс этилган, унинг учи худо ва унинг сайлаб қўйган фиръавнлари, асоси эса оддий халқ деб қаралган. Улар ўртасида руҳонийлар ва зодагонлар турган. Жамият ва давлатнинг хулқ-атвори инсоннинг кўпроқ қайси тоифага тегишлилиги билан белгиланган.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам жамият ва давлатнинг келиб чиқиши илоҳий, мавжуд тартиб ва қоидалар ҳам шу асосда ўрнатилган деган ғоялар мавжуд бўлган. Масалан, ригведларда (эр. о: II минг йил) дунё тартиботи илоҳий қонунларнинг ҳукмронлигига ва инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг уруғ-кастачиликка асосланган ягона ғояга таянади. Бу тартибларни: маънавий (брахма) ва дунёвий (кшатра) томонидан, гарчи улар турли вазифаларни бажарса-да, лекин ўзаро бир-бирлари билан муносабатда амалга оширадилар. Ердаги тартиблар дунё тартиботларининг бир бўлаги, унинг таъсирида амалга ошади деб ҳисобланган. Сиёсий фикр тарихида диний анъананинг энг классик кў-

риниши А. Августин (Шимолий Африка, 354—430 йиллар)нинг сиёсий назариясида ўз ифодасини топган. Христиан черковига хос белгилар унинг давлатдан устун туришига асосланган. «Черковга бўйсунмаган, давлат, қасоскорлар тўдасидан фарқ қилмайди» деган ғоя илгари сурилади. Инсонларни эса «илоҳий одам» «ердаги одамга» бўлади. Августин қарашларига Платоннинг икки дунё; Стоикларнинг икки полис тўғрисида, зардуштийларнинг бир-бирига қарама-қарши икки асос (яхшилик ва ёмонлик) тўғрисидаги қарашларининг таъсири борлиги кўриниб туради.

Ф. Аквинский (1225—1274-йиллар)нинг сиёсий қарашлари ўрта асрда диний анъаналардаги сиёсий қарашларнинг энг чуққиси деб баҳоланган. Ҳаётлиги давридаёқ Рим католик черковининг, «доктори» фахрий унвонига муяссар бўлган. Унинг қарашлари XIX асрда Рим папаси Лев—XIII томонидан «католицизмнинг ягона ҳақиқий фалсафаси» деб эълон қилинган. Ф. Аквинский ҳокимиятни талқин этишнинг илоҳий назариясини ифодалаб, уч элементнинг бир-биридан фарқини кўрсатади: моҳият, шакл (эга бўлиш ва тузилиш) ва фойдаланиш. Ҳокимият ўз моҳиятига кўра илоҳийликнинг ўрнатилишидир. Шунинг учун у инсонларга яхшилик, эзгуликни олиб келади. Фақат ҳокимиятнинг конкрет шакли, ҳокимиятга эга бўлиш усуллари, унинг тузилиши ва ундан фойдаланиш Аллоҳнинг ғояларига зид, адолатсиз бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. Сиёсий қарашларидаги диний анъаналар амалий ҳаётда ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, турли мамлакатларда, дунёвий динлар кўринишлари билан мос равишда дин билан давлат ўртасида ўзига хос муносабат бўлиб, Черков билан подшоҳ ўртасида, руҳонийлар билан шоҳлар, амирлар, халифалар ўртасида ҳокимият учун низолар ва ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турган. Бу ўрта асрларда асосан теократик давлат ҳокимияти кўринишини олган.

Маълумки, ислом манбаларида «халиф», «амир», «имом» каби тушунчалар ҳокимият субъектлари, давлат ҳокимиятини юритувчи шахсларга нисбатан ишлатилган.

Муҳаммад (С. А. В)дан кейинги тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ҳам ҳокимиятнинг диний ва дунёвий асосларини ўзаро яхлит ҳолда бирлаштирганлар. Алидан сўнг тахтга келган халиф дунёвий давлат

тамойилларига алоҳида эътибор бера бошлайди. «Амир» диннинг ҳимоячиси унвонига сазовор бўлган, дунёвий ва давлатга хос ишларини ҳам ўзаро боғлиқ тарзда амалга оширган.

Давлатни бошқаришда Конституциявий асосга ўтилгандан кейингина дин ва давлат муносабатининг ҳуқуқий асослари аниқ кўрсатила бошланди. Дин давлатдан, мактаб черковдан ажратилди. Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳам Конституция асосида, дунёвий давлат қуриш вазифаларини амалга ошироқда, Конституциянинг 61-моддасида ҳам «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», деб қайд этилган¹. Бу давлат ва диннинг ўзаро муносабатларини белгилаб бериш учун асос ҳисобланади.


Юридик аъъана Сиёсий таълимотларда давлат ва ҳуқуқга инсон манфаати нуқтаи назардан ёндошиш юридик аъъана сифатида қадимги дунёдан мавжуд бўлган. Бу Конфуций (э. о 552/551—479-йиллар) сиёсий қарашларида (Хитой); Буддизм (Ҳиндистонда), Оташпарастликда шунингдек, турли хил файласуфлар, мутафаккирлар сиёсий қарашларида ўзининг дастлабки ифодасини топган. Бунда «ҳуқуқ» за «қонун» тушунчаларини таҳлил этиш унинг негизида турган. Масалан, Конфуций жамият маъмурий ҳуқуқ (легизм), утилитар-иқтисодий (моизм) усуллар, шунингдек, нотабий кучлар (даосизм) ёрдамида эмас, балки ахлоқий нормалар асосида бошқарилиши керак. Шу нуқтаи назардан «давлат — ягона оила» деган ғояни асослашга ҳаракат қилган, унинг асосида шахслараро муносабатларни қўйган. Бу унинг ижтимоий-сиёсий қарашининг асосини ташкил этган. Қадимги Римда юридик аъъананинг шаклланишида Цицерон (э. о. 106—43-йиллар) сиёсий қарашлари алоҳида ўринга эга. У «Қонунлар тўғрисида» асарида давлат шакллари тўғрисида, унинг монархия, аристократик ва демократия кўринишларининг яхши томонларини ўзида ифодалаган аралаш идора этиш усули тўғрисида сўз юритади. Асардаги табиий ва адабий ҳуқуқлар, ҳуқуқ ва дав-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «Ўзбекистон», 1992, 20-бет.

латнинг субъекти фуқаро тўғрисидаги қарашлар ҳуқуқий давлат тўғрисидаги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожига алоҳида ўрин тутди. Платон ва Аристотелнинг сиёсий қарашлари унга сезиларли таъсир кўрсатган. Қадимги Римда юристларнинг илмий изланишлари натижасида ҳуқуқшунослик фани илмда янги йўналиш сифатида шаклланган. Бу изланишлар назарий ва амалий характерга эга бўлган кенг кўламли муаммолар қамраб олинганлиги билан ажралиб туради. Ҳамда уч даврга: 1. Илк давр (эр. о. I аср ва унинг охири). 2. Юқори давр (асримизнинг II асри). 3. Кейинги давр (193—235-йй)ларга бўлинади. Бу даврларда кўнгина ҳуқуқшунослар давлат хизматида бўлганлар, улар саволларга жавоблар бериб, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг ривожига ўзларининг назарий, амалий ҳиссаларини қўшганлар. Муаммога илоҳий ва дунёвий тамойиллар асосида ёндошганлар ва кўпроқ рационализм томонида турганлар.

Сиёсий-социологик анъана

Сиёсий қарашларда сиёсий-социологик ёндошув антик даврга бориб тақалади. Масалан, қадимги Грецияда сиёсий ғоялар ижтимоий-сиёсий институт сифатида полис, шаҳар-давлат ва шаҳар-жамият тарзидаги қарашларда ўз ифодасини топган. Политология тушунчалари «сиёсат», «давлат», «ижтимоий иш», «ҳокимият», «сиёсий ҳокимият», «сиёсий бошқарув», «бошқарув санъати» ва бошқа номлар билан кенг ишлатилган. Сиёсий-социологик анъана тўғрисида фикр юритганда Демокрит (эр.о. 460—370-ййлар), Платон (эр.о. 427—347-ййлар), Аристотель (эр.о. 384—322-ййлар)нинг сиёсий қарашларини ҳисобга олиш муҳим. Демокрит, давлат ишларини бошқа ишларга қараганда муҳимроқ деб ҳисоблаб, ҳар бир киши давлатни қулай бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини, кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишга эмас, балки умумий иш учун фойдали бўлган томонларни ўйлаш кераклигини таъкидлаб, тўғри йўлдан бораётган давлатни энг катта таянч деб қайд этади. Қачон у ҳалок бўлса, ҳамма ҳалок бўлади деб ҳисоблайди. Бундай бўлмаслиги учун унинг уч йўлини: 1) тарбия, таълим, маълумот бериш; 2) ягона фикр бўлиши; 3) бошқара олишни тўғри олиб боришни кўрсатади. Ҳамда бошқарувчининг қуйидагиларга: сиёсий бошқарув санъатини эгаллаш, шундай билим ва қадрга эга бўлганларга ишонилгани ва аксинча, бунга эга бўлмаганларга ишон



масликни, Полис ишларини аниқ ва тўғри баҳолай олишни, инсонларнинг кайфияти ва талабларини билишни, психологик (руҳан) тайёр бўлишни, бошқалар устидан ҳокимиятни амалга оширишдан олдин ўз устидан ҳокимиятга эга бўлиш сирларини ўрганиши зарурлигига эътиборини жалб этади.

Платон сиёсий қарашларида дастлаб Сократ рационализмининг таъсири кўпроқ сезилса-да, кейинчалик унинг «Давлат», «Сиёсатчи», «Софист», «Парменид» ва «Қонунлар» каби асарларида диний анъана кўпроқ сезилади. Платоннинг икки дунё тўғрисидаги, ғоялар дунёси ва ҳодисалар дунёси тўғрисидаги қарашлари муҳим ўрин тутади. Ғоялар дунёси — бу ҳақиқий борлиқ бўлиб, ўзгарувчан инсон дунёсининг абадий ўзгармас илоҳий кўринишидир. Ҳодисалар дунёси ғоялар дунёсининг бузилган ифодасидир. Платон сиёсатга ҳам шундан келиб чиқиб ёндошади ҳамда идеал давлатнинг сифатларини таърифлайди. Давлатни идора этишнинг аристократия шаклини ёқлайди. Унинг бошқа шаклларини: тимократия, олигархия, демократия ва тиранияни идеал кўринишдан четлашиш деб ҳисоблайди. Айни пайтда бу давлатни идора этиш шаклларига мутлоқ сифатида қарамайди, аксинча бир-бирига алмашиб ўтиб туриши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, аристократиядан олигархияга, олигархиядан демократияга ва демократиядан тиранияга ўтиши мумкин деган фикрни келтиради.

Аристотель (э. о. 384—322-йиллар) сиёсий-социологик анъаналар ривожига улкан ҳисса қўшган. У ўзининг «Сиёсат», «Этика» ва «Риторика» каби асарларида ўз сиёсий ғояларини берган. Индивидларнинг сиёсий ҳаёти полисда (шаҳар—давлатда) мужассамлашади, деган фикрни илгари ташлайди. Унда инсон сиёсий мавжудот сифатида намоён бўлади. Инсонга адолат ва адолатсизликнинг фарқини англайдиган ягона мавжудот сифатида қарайди.

Давлатнинг мақсади ҳамма фуқароларга фаровонлик улашишдир. Давлат индивид, оиладан кейин пайдо бўлган. Давлатнинг нисбий яхлит бўлишини маъқуллайди.

Давлат шакли, Аристотелча, ким томонидан (якка киши, нисбатан озчилик, ҳамма) ёки қандай мақсадда (умум манфаат ёки фойдасига; ёки шахсий манфаат ва фойдага кўра) амалга оширилиши билан белгиланади. Давлат шаклини тўғри ва нотўғри шаклларга

булади. Тўғри шаклига монархия, аристократия ва полицияни, нотўғри шаклига эса тирания, олигархия ва демократияни киритади ва уларнинг моҳиятини бир-бирдан фарқни кўрсатади.

Шарқда сиёсий ўзига хослик негизида марказлашган фикр ва ғоялар кучли давлат қуриш мақсади му-жассамлашганлигини кузатиш мумкин. Ана шундай кузатувлар жамланган, умумлаштирилган сиёсий қарашлари мавжуд бўлган буюк алломалардан бири Абу Наср Форобий (873—950 йй.)дир. У илк ўрта асрнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлиб, фалсафий қарашлари билан бирга сиёсат тўғрисидаги фикрлари ҳақида унинг «китоб ас-сиёсат ал-мадания», яъни шаҳарлар устида сиёсат юргизиш китоби маълумот беради. Асарда сиёсатга алоҳида илм йўналиши сифатида қаралган. Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида адолатли жамиятга эришиш йўллари, «фозил шаҳар ҳокимининг фазилатлари» тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи кадрларни танлаш ва жойига қўйиш билан боғлиқ бўлган ғоялари бугунги кунда ҳам миллий кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш ва мувофиқлаштиришда муҳим ўрни тутаяди. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи тўғрисида Абу Наср Форобий шундай дейди: Шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат — фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучали соғ-омон бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим... Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги зарур. Тўртинчидан, у сеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинемас аломатларини ва бу аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур. Олтинчидан, у устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан

қочмайдиган бўлиши зарур. Еттинчидан, таом ейишда, ичимликда, аёлларга нисбатан очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. Саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. Тўққизинчидан, у ўз қадрини билувчи ва номусли, ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур. Ўнинчидан, бу дунё бойликларига, динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур. Ўн биринчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур. Ўн иккинчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги даркор.

Абу Наср Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир, деб ҳисоблаган ва мабодо фозиллар шаҳрида шундай баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олти таси, ёки бештаси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназиралиги туфайли фозиллар шаҳрига раҳбарлик қила олади, деб таъкидлайди. Фозиллар шаҳрида бундай одам йўқ бўлганида (мабодо вафот этганида, ёхуд бошқа жойга кетган вақтида — М.М.) ана шу имом (ҳоким) ёхуд унинг издошлари (агар мазкур имомдан сўнг бирин-кетин шаҳарга бошлиқ бўлсалар) чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади.

Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар-фазилатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши зарур. Шу билан бирга бу кейинги имомда яна олти фазилат ҳосил қилиниши зарур:

Биринчи — донишмандлик. Иккинчи — аввалги

имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиши учун қувваи ҳофизага эга бўлиш. Учинчи — агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш. Тўртинчи — ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади. Бешинчи — аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизғин сўзлаш — нотиқлик хислатига эга бўлиш. Олтинчи — зарур ҳолларда ҳарбий ишларга моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, яъни ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жангу-жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиши керак.

Форобий, мабодо шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргаллашиб, шу хислатларга эга бўлишса (яъни бири — донишманд, иккинчиси — қолган хислатлар соҳиб бўлса) шу икковини фозиллар шаҳрига раҳбарликка қўйиш зарур, агар бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу хислатларга эга бўлишса (яъни — бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар бўлса) ана шу фозиллар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур деб ҳисоблаган. Унингча, шу гуруҳ аъзолари биргаллашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлсаю, аммо, донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади¹.

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий—Низомулмулк (1018—1092 йй.) Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг «Сиёсатнома» (ёки Сияр ул-мулк) асари билан ўчмас из қолдирган. «Сиёсатнома» асари мавзу жиҳатидан кенг қамровлиги билан ажралиб туради. У 50 фаслдан иборат бўлиб, унда давлат бошқарувига тегишли қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ба қозихона иш-

¹ Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри». А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 159—161-бет.

лари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар, почта ва разведка ишлари, элчиларга муносабат, шоҳ ишлари, шахсий соқчилари тўғрисида маълумот ва маслаҳатлар берилган. Давлатни идора этишида амалдорлар (маъсул кадрлар) катта ўрин тутишларини, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ўзига хос талаб даражасида қараган. «Сиёсатнома» амалдорларни тарбиялаш, асраш, ҳимоялаш ва зарур бўлса жазолаш билан боғлиқ тавсиялар берилганлиги билан сиёсатчи ва давлат раҳбарларининг эътиборини жалб этади.

Давлатда марказий ҳукумат (ижро ҳокимияти) кучли бўлса, шунда давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди, деб кўрсатади. «Сиёсатнома», жиддий сиёсий ҳужжат бўлиб, марказий ҳукуматнинг парчаланишига қарши қаратилган асардир. «Сиёсатнома» марказлашган давлат тузишга даъват этиб, кучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа текшириш воситаларини яратишга чақиради. «Сиёсатнома» асарининг ўзбек тилига илк бор таржимаси 1997 йилда амалга оширилди. (Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Тошкент, «Адолат», 1997). У маданий, сиёсий тарихимизни билишга, сиёсий фикр ва қарашлар ривожига хос анъаналарни ўрганишимизда ва тиклашимизда ижобий омил бўлиши шубҳасиз. Низомулмулк шахсига, ўз даврида Амир Темур, Алишер Навоий, «Дастур ул-мулк» асарининг муаллифи Самандар Термизий ва бошқалар катта баҳо берганлар.

Амир Темур (1336—1405 йиллар) ўзининг сиёсий қарашларини «Темур тузуклари» асарида эллик йилдан ортиқ давр (1342—1405 йй.) тарихи билан бирга, давлат ва унинг тузилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Асарда давлат ва унинг амал қилиш тамойиллари, меъёрлари, муносабатлари уни барпо этиш, мустаҳкамлашни кенгаш орқали амалга оширишда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш лозим. Амир Темур зукко, тажрибали ва сиёсатдон давлат арбоби сифатида, давлатнинг марказий аппарати ва маҳаллий ҳокимиятнинг қандай, қайси ижтимоий тоифаларга таянишини, уларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, мансабдор шахсларнинг бурч ва вазифаларини белгилаб берар экан, жамиятни маълум ижтимоий-сиёсий гуруҳларга таянган ҳолда бошқариш лозимлигини таъкидлаш билан, уларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар

манфаати билан бирга ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисида ҳам муҳим фикр билдиради. У жамиятни 12 тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда бошқариш ишларини амалга оширган. Улар: 1) саййидлар, уламо ва шайхлар; 2) билимдон кишилар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар; 5) сипоҳ билан раият; 6) доно ва ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб ва девон битикчилари; 8) ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддислар (ҳадис олимлари ва рөвийлар); 10) сўфийлар ва орифлар; 11) ҳунар ва санъат аҳли; 12) сайёҳ ва тижорат аҳллари-дан иборат.

Давлатни идора этишда вазирлар, амирлар ва ноибларнинг ролига алоҳида эътибор бериб, соҳибқирон Амир Темур садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускорларни қадрлаган.

Амир Темур вазирлар тўрт фазилатга эга бўлишлари шартлигини таъкидлайди: 1) аслик, тоза наслик ва улуғворлик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан бохабарлик ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш; улар билан яхши муомалада бўлиш; 4) сабру бардош, мулойимлик. У жойлардаги улусларга, мустақил сиёсат юргизишга ҳам имконият берган. Ерларни ўзлаштирганлар ҳукумат томонидан рағбатлантирилган. Темур давлат бошқарувида жамият аъзоларини, мавжуд тоифаларга бўлган муносабатда уларни «ишонч билан қўрқув» ўртасида сақладим, десада амалда, унда ишонч, кечиримлик, сабр-қаноат тамойиллари устувор бўлиб, мамлакат, давлатнинг куч-қудратини адолат асосида қурганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У адолат орқали кучли марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлган. Давлат ишларини юритишда ислом билан бирга дунёвий илмга, тамойилларга алоҳида эътибор берган ва уларга амал қилган.

Алишер Навоий (1441—1501-йиллар) сиёсий ғояларини «Садди Искандарий» достонида асослаб берган ва унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. А. Навоий бу муаммони адолатли шоҳ — адолатли давлат — адолатли қонунлар — адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали куйлаган.

Навоий ҳаётнинг мезони инсон, унинг фаолияти,

сифати ва фазилатлари деб билиб, инсон ўз ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган ишга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Навоий сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни озми-кўпми Хусайн Бойқаро давридаги вазиралик фаолиятида амалга оширишга уринган. Алишер Навоийнинг бу каби илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур «Бобурнома» асарида янада бойитилган ва Бобурийларнинг амалий сиёсатида маълум маънода ўз ифодасини топган эди.

Шарқда, хусусан Марказий Осиёда сиёсий фикрлар ва таълимотлар тўғрисидаги анъаналарда дунёнинг айрим бошқа давлатларига хос бўлган а) фалсафий-ахлоқий қарашлар; б) диний қарашлар; в) фуқаролик; г) ижтимоий концепциялар тўғрисидаги ғояларнинг муайян даражада ўзига хос кўринишда мавжуд бўлганлигини кўрамиз. Характерли жойи шундаки, бундай ёндошувлар сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган бўлсада, аммо «сиёсат» алоҳида илм йўналиши сифатида қайд этилади. Бу меросимиз ҳозирги даврда демократик жамият тўғрисидаги илмий назарияни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда катта аҳамиятга моликдир.

Янги даврдаги сиёсий қарашлар

Бу давр сиёсий қарашларида давлатнинг пайдо бўлиши ва қарор топиши муаммоси сиёсий фикр ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади ва унинг устувор йўналишига эга бўла бошлайди. Давлат, жамият ва шахс тўғрисидаги қарашлар тизимида индивид—фуқарога алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун бу даврдаги сиёсий қарашлар «фуқаролик тўғрисидаги қарашлар» деб ҳам аталади. Сиёсий соҳада уйғониш даврининг ўзига хос жиҳатидан бири ҳам шундаки, инсон унинг марказига қўйилади. Масалан, Н. Макиавелли (1469—1527-йиллар) сиёсатнинг назариётчилари унинг «илмий усул»ларини ишлаб чиқишга маъсул эканлигини қайд этади. Бу даврда сиёсатда ахлоқий қадриятларнинг мақсадга мувофиқлиги ғояси асосида «макиавеллизм» тушунчаси пайдо бўлади ва сиёсий қарашларда «Сиёсий Республиканизм назарияси» илгари сурилади. Бундай қарашлар XVII—XVIII асрда Англия ва Америкада сиёсий фикр ривожига сезиларли таъсир этади. Макиавелли ўзининг «илмий усулини»

сиёсатга нисбатан прагматизм ва утилитар ёндошувга таянган ҳолда асослайди. Сиёсий фанлар воқеаларнинг ҳақиқий моҳиятига кириб борган ҳолда уни тушунтириб бериши кераклигини қайд этади. Шу усулда ҳокимият ва бошқариш нуқтаи назаридан сиёсат ва давлатнинг айнан баҳосини беришга ҳаракат қилади. Макиавелли сиёсий қарашларида «мақсад воситани оқлайди» деган тамойилга асосланади. У ҳар қандай мақсаднинг қонуний бўлишини таъкидласада, мамлакатларнинг сиёсий ҳаёти, давлатчилик тарихи тажрибаси буни ҳамма вақт ҳам тўғри ёки мутлоқ фикр эмаслигидан далолат беради. Макиавеллининг фикрича ягона мақсад борки, бу мақсад ноахлоқий воситани, яъни давлатни яратилиши ва уни сақлаб қолишни оқлайди деб кўрсатади. Натижада, унинг таъсирида айрим сиёсий кучлар ўз фаолиятларида унга таяндилар. (М: Франциядаги 1789 йил революцияси етакчилари ва Россияда большевиклар в. б.).

Бу даврда Макиавелли томонидан илгари сурилган ғоя айрим сиёсий кучлар томонидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланилганлигини ва бу жамиятлар, халқлар сиёсий ҳаётида катта салбий оқибатларга сабаб бўлганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда сиёсий фаолиятда «адолатни кучда» деб билиш билан «куч адолатдадир» (А. Темур) деган қараш ва тамойилларда катта фарқ борлигини таъкидлаш зарур. Бунда муаммога ғарбона ва шарқона ёндошувлардан бири ўзига хос ифодасини топганлигини кўрамиз.

Макиавелли жамиятни идора этиш тўғрисида аниқ бир шаклни илгари сурмайди. У «якка ҳокимиятни» ҳам, «Республика» бошқарув шаклини ҳам маъқуллайди.

У ўзининг «Государь» номли асарида Республикани тўғри ёки қулай шакли деб, айти пайтда Рим Республикаси модели тўғрисида фикр юритиб «аралаш» шаклни ёки ҳокимиятнинг демократик, аристократик ва монархия элементларининг мавжудлиги унинг мукамаллигини таъминлаб берган деб ҳисоблайди.

Бундай сиёсий қарашлар кейинчалик Томас Гоббс (1598—1679-йиллар) қарашларида ривожлантирилади. Гоббс, монархияни — ҳокимиятнинг энг қулай шакли деб ҳисоблайди. Буни ўзининг «Левиафан» асарида инсонларнинг давлат пайдо бўлгунгача бўлган давридаги ҳаётини тасвирлаб, унда «хаос» ва «ихтилоф» лар ҳукмрон бўлганлигини таъкидлайди, ёки бу ҳукмрон-

ликни «хамманинг ҳаммага қарши уруш» ҳолати сифатида қайд этади. «Ижтимоий келишув»га «хаос»дан чиқишдаги муҳим йўл сифатида қаралади. Монархнинг асосий вазифаси қонунни сақлай билишда деб тушунади.

Англия файласуфи Ж. Локк (1632—1704-йиллар) қарашларида ҳам сиёсатда фуқаролик концепцияси илгари сурилади. Локк таълимоти, нисбатан реал ҳаётга асосланганлиги билан ажралиб туради ва чекланган монархияни ўрнатишни ёқлайди.

У сиёсий фикр тарихида биринчилардан бўлиб «шахс», «жамият» ва «давлат» тушунчаларининг таҳлилини беради ҳамда шахсни жамият ва давлатдан юқори қўяди. Локк, инсон туғилгандан бошлаб табиий ҳуқуқларга эга бўлади деб кўрсатиб, «ҳаёт», ёки «яшаш», «эркинлик» ва «мулкка эга бўлиш» ҳуқуқларини ана шундай ҳуқуқлар жумласига киритади. У хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини қуйидагича асослайди, **биринчидан**, хусусий мулкка эга бўлиш инсоннинг ўзини ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун керак; инсон зарур нарсаларга эга бўлган тақдирдагина, ўзининг ривожланишига алоҳида эътибор бериши мумкин. Локк, фикрича хусусий мулк мутлоқ қадрият эмас, аксинча, эркин жамиятга эришиш воситасидир.. Инсонлар мулк жамғаришда эркин бўлишлари керак. **Иккинчидан**, мулкка эга бўлиш инсоннинг индивидуаллиги шаклланишига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Локк, давлат жамиятга, жамият ўз навбатида, шахсга бўйсунуши зарурлигини таъкидлайди. Давлат ва жамият бир нарса эмас, давлат ҳокимиятнинг қулаши, жамият ривожининг охиридан далолат бермайди. Жамият янги давлат ҳокимиятини ўрнатиши мумкин. Давлат фақат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият кўрсатади. У шахсдан кучлироқ бўлиши мумкин эмас, чунки шахс жамиятни, жамият эса давлатни ташкил этади. Локк қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти бўлишини ёқлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятга устуворлик беради, чунки у давлатнинг сиёсатини белгилайди деб кўрсатади.

Франция маърифатпарвари Шарль Луи Монтескье (1689—1755-йиллар) ўзининг «Қонунлар руҳи» асарида «ндора этиш тарзига» ёки «қонунлар руҳи»га таъсир этувчи омилларни кўрсатиб беради. «Кўпгина нарсалар,-деб ёзади Монтескье,-иқлим, дин, қонун-

лар, идора этиш шакллари, ўтмиш сабоқлари, ахлоқ, одатлар халқнинг умумий руҳининг натижаси сифатида инсонларни бошқаради».

Монтескье ҳокимиятнинг бўлиниши назариясини «аралаш идора этиш» ғоясининг давомидир деб кўрсатиб ҳуқуқнинг, қонуннинг устуворлигини қайд этади. Шу асосда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари бир-бирларини тўлдирган ҳолда ҳокимиятни сақлаб туришлари мумкин деган хулосага келади.

Сиёсий фикрлар ривожини Европадаги давлатлар қурилиши билан узвий боғлиқ ҳолда борди. Бу давр намояндалари унитар мустақил давлатнинг камчиликларини ҳисобга олиб, сиёсий назарияни амалиёт билан боғлаб олиб боришга, сиёсий тенглик ва демократияни янгича тарзда таҳлил этишга ҳамда амалга оширишга ҳаракат қила бошладилар. Ж. Мэдисон (1751—1836-йиллар) республиканизмнинг кўзга кўринган назариячиларидан бири бўлиб, у халқ — сиёсий ҳокимиятнинг ягона манбаи, сайловлар — республикавий идора этишнинг муҳим хусусияти деган қондага асосланади. У кўпчиликнинг фракциясига эҳтиёткорлик билан ёндашади, ҳокимиятдан фойдаланиб, озчиликнинг манфаатларини поймол этиши мумкинлиги хавфини олдини олиш чораларига алоҳида эътибор билан қарайди. Озчиликнинг эркинлигини кафолатлаш зарурлигини ҳимоя қилади. Ж. Мэдисон демократиянинг вакиллик орқали идора этиш шакли билан бирга либерал идора этиш ҳам зарурлигини асослайди. Давлат ҳокимиятининг бўлинишини, уларнинг ҳар бирининг нисбий мустақиллигини ва тенглигини тан олади.

Сиёсатнинг «социал концепцияси» фуқаролик концепциясининг давоми сифатида шаклланди. У энди алоҳида индивид — фуқарога эмас, айрим ижтимоий гуруҳга таяна бошлади. Миллат, синфлар, инсонлар, индивидлар муайян гуруҳларнинг, бирлашмаларнинг маҳсули сифатида қаралади.

Француз маърифатпарвари Ж. Ж. Руссо (1712—1778-йиллар) эса сиёсатнинг фуқаролик концепциясининг қатъий ифодачиси ва тадқиқотчисидир. Индивидлар давлатни яратади ёки айни пайтда индивидларнинг ўзи давлатнинг маҳсулидир деб ҳисоблайди. Руссо, айни пайтда 3 та ташқи омилни қайд этади: 1. Ижтимоий тенгликни қўллаб қувватлайди; мулкни жамият аъзоларига нисбатан тенгсиз тақсимланишига қарши чиқади. 2. Сиёсий яхлитликни ҳимоя қилади; давлатда

хусусий ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас деган ғояга таянади. 3. У вакиллик ҳокимиятини — қуллик деб ҳисоблайди. Бир сўз билан айтганда, Руссо демократиянинг бевосита шаклини қўллаб чиқади.

Э. Берк (1729—1797-йиллар)га, Англия консерватори сифатида табиий ҳуқуқларни тан олмаслик ғояси хосдир. Унингча, давлат ва жамият инсоннинг ихтироси эмас, балки табиий ривожланишнинг натижасидир. Давлатнинг асосий вазифаси тартиб ва қонунни сақлашдан иборат. Ҳокимиятнинг вакиллик шаклини қўллаб чиқади. Берк Парламентга — Англиядаги ҳокимиятнинг ҳақиқий шакли сифатида қарайди ва унинг фаолияти халқ томонидан назорат этилиши мумкин эмас деб ҳисоблайди.

А. Токвиль (1805—1858-йиллар) «Америкадаги демократия» номли асарида ўзига хос либерал сиёсий назарияни яратади. Уни сиёсий тенглик билан сиёсий эркинлик ўртасидаги муносабат кўпроқ ўйлатади. Сиёсий апатия — сиёсий марказлашув ва ижтимоий бўйсундиришнинг бошланишидир деб ҳисоблайди. Демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

XIX асрнинг 40-йилларидан сиёсий фикр ривожини К. Маркс ва Ф. Энгельс қарашлари билан боғлиқ. Улар томонидан муайян ижтимоий гуруҳга, «синфга» таяниш, уларнинг сиёсий қараш ва манфаатларини «ҳимоя» этиш, улар ёрдамида «пролетар инқилобини» амалга ошириш ғояси илгари сурилади. Тенглик, демократия, эркинликни таъминлашда улар «пролетариат» диктатурасини ўрнатиш зарурлигини, шу орқали адолатли демократик жамиятни қуриш мумкинлигини асослашга уринадилар. «Синфий кураш»га жамиятни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарайдилар.

Бу ғоя кейинчалик В. И. Ленин томонидан ривожлантирилди. Сиёсий ҳокимиятга эга бўлиш, яъни диктатуранинг пролетариат қўлига ўтиши туб масала сифатида қаралди. Октябрь тўнтариши Россияда большевизм кўринишида тоталитар, маъмурий буйруқбозлик жамиятининг ўрнатилишига олиб келди. Собиқ СССР Конституциясида ҳокимиятнинг вакиллик ва бевосита шаклларида фойдаланиш кўрсатилган бўлсада, амалда ҳақиқий демократик жамиятни ўрнатилишига эмас, аксинча мустақиллик, эркинлик, инсон ҳуқуқларига зид бўлган тамойиллар марказ билан республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда, жамият сиёсий ҳаётида

ўзининг ифодасини топди. Бу сиёсий қарашларнинг ғоявий жиҳатдан бир томонлама, нодемократик ва сохта эканлигини ҳаёт кўрсатди.

Бугунги Россияда янги демократик тартиботларнинг мураккаб ривожланиши шароитида сиёсий фанлар ривожига янгича сиёсий қарашлар пайдо бўлмоқда.

ХІХ асрнинг охири ХІХ асрнинг охири ва ХХ аср бошларида шарқ мутафаккирлари сиёсий қарашларининг миллий озодлик ғоялари билан боғлиқ ҳолда номоён бўлганлигини кўрамиз. Бу Ғарбнинг Шарққа нисбатан олиб борган сиёсатини мустамлакачиликка асосланганлиги билан боғлиқ. Унинг негизида, бир томондан, янги ҳудудларга эга бўлиш, бойлик орттириш бўлса, иккинчи томондан, дунёни бўлиб олиш, халқларни тутқунликда, қарамлик ва тобеликда ушлаб туриш сиёсати мустамлакачилик сиёсатига хос хусусият тарзида номоён бўлади. Дастлаб бу Шарқни ўрганиш мақсади билан бошланган бўлсада, охир оқибатда унинг сиёсий мақсадлари кейинчалик аниқ маълум бўлди. Мустамлакачиликка қарши ғоялар ва ҳаракатлар бошланди. Европада бу «Социализм учун кураш» шиори билан бошланган бўлса, Шарқда Европанинг таъсир доирасидан чиқиш, мустақиллик ғоялари билан боғлиқ ҳолда номоён бўлди.

Маълумки, собиқ коммунистик мафкура асосчилари «миллий — озодлик ҳаракатларини» қўллаган бўлсада, амалда халқларнинг озодлигини бўғишга қаратилган назариясини яратган эдилар. Шарқда миллий-озодлик учун кураш ўз тарихий илдизларини ўрганишнинг бошланиши билан характерланади. Масалан, М. Ганди (1869 — 1948-йиллар, Ҳиндистон), М. Иқбол (1877 — 1938-йиллар) асарлари, нутқ ва чиқишлари шарқ халқларини уйғотишга даъват этадиган, уларни мустақилликка ундайдиган сиёсий ғоялари билан ажралиб туради.

Масалан, М. Ганди инглизларнинг урф-одатлари, саноати ютуқлари асосида содир бўлган эркисизлик, қарамликка нисбатан байкот эълон қилади. Халқни маърифий йўл билан мустақил бўлишга чорлайди. Гандизм унинг номи билан боғлиқ бўлиб, озодлик учун курашда куч ишлатмаслик тамойилига асосланади. Мустамлакачи ҳокимиятга қарши, ўзаро зиддиятли ҳолатларни ён беришлар, муроса ва консенсус асосида ҳал

етишга ундайди. Сиёсатни ахлоқ билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

Бу даврдаги сиёсий қарашларда давлат ва халқлар мустақиллиги, эркинлик, демократия учун ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ғоялари илгари сурилади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида жадинчилик ғоялари

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида «Жадидчилик» ҳаракати пайдо бўлди. Бу ҳаракатнинг халқимизнинг миллий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўтмишида ўзига хос ўрни мавжуд.

Жадидчилик аслида маърифатпарварлик ҳаракатининг кўриниши бўлиб, унинг намояндалари мамлакатни феодал қолақликдан чиқариш ва миллий тараққиётга эришишнинг маърифий йўлини кўрсатдилар.

Чор Россиясининг чекка ва мустамлака ўлкаси бўлган Туркистонда мактаб-маорифнинг янгиланиши, янги адабиётнинг вужудга келиши, миллий театр, матбуотнинг туғилиши ва йўлга қўйилиши ҳам жадидчилик ҳаракатининг самараларидир.

Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида ҳам бир хиллик бўлмаган: идораи машрутачилик (конституцион монархия)дан жумҳуриятчилик (республика) тарафдорларигача бор эди. Бироқ, жадидчилик намояндалари қарашларида хилма-хиллик бўлгани, баъзи масалаларда жиддий фарқ борлигини инкор қилмаган ҳолда жадидизм мафкура, муайян қарашлар тизими сифатида шу давр эҳтиёжларини ифодалар эди.

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат сифатида саҳнага эндигина чиқиб келаётган шароитда Туркистонда чоризм ҳарбий-мустамлака маъмуриятига қарамлик миллий буржуазиянинг феодал тартибларига ҳам, мустамлакачилик маъмуриятига ҳам кескин қарши чиқишга имкон бермас эди. Шубҳасиз, ана шу тарихий вазият жадидчилик ҳаракатида ҳам ўз аксини топди. Унда мустамлакачилик режимига қарши қаратилган ғоялар билан бирга иккиланишлар, мўътадиллик ғоялари уйғунлашган эди.

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишида матбуот ўзига хос ўринга эга бўлди. Уларнинг газета ва журналлари ўлкада кенг тарқалиб мусулмон аҳолисининг сиёсий онги ўсишида муайян рол ўйнади.

1906 йилдан бошлаб Туркистон жадидлари ўзларининг «Тараққий», «Хуршид» номли газеталарини нашр

қила бошладилар. Гарчи бу нашрларда муътадиллик, иккиланишлар ва журъатсизликлар маълум даражада сезилиб турсада, ammo чоризмнинг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатини қораловчи кескин мақолалар ҳам босилиб турди.

Жадидчилик ўзининг яхлит ташкилий низоми ва дастурига эга бўлмаган. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Чунки у ташкилий жиҳатидан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилмаганди.

Жадидлар ҳаракатининг Туркистондаги намояндаси, унинг назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир (1879—1919-йиллар). Бехбудий Самарқанд шаҳрида руҳоний оиласида дунёга келади. У болалик чоғларида илм-фанга қизиқади, ҳисоб, ҳуқуқ, дин, араб ва форс тилларидан чуқур сабоқ олади.

У ҳаж қилиб Макка ва Мадинага боради, Миср ва Туркия шаҳарларига саёҳат қилади. Биринчи рус инқилоби арафасида Бехбудий Петербург, Москва, Қозон, Уфа ва Оренбург каби Россия шаҳарларида бўлади. Бу сафар унда чуқур таассурот қолдиради. Бехбудий шу давр янги маданияти билан яқиндан танишади ва унинг йирик намояндалари билан мулоқотда бўлади.

Бехбудий миллий манфаатларни ҳимоя қила оладиган, иқтисодий ва сиёсий қарамликдан, қоғоқликдан қутулиш муаммоларини биладиган замонавий билимга эга кадрлар бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Агар биз маданият ва иқтисод соҳаларида бошқа миллатларга қарам бўлишни истамасак, биз миллий судьялар, адвокатлар, ўқитувчилар, давлат арбоблари, инженер, саводли тижоратчиларни тайёрлашимиз зарурлигини таъкидлайди.

Россия мусулмонларининг миллий озодлик ҳаракати натижасида 1905 йилда ташкил топган мусулмонлар партияси Бехбудийнинг фаолиятини юксак баҳолайди ва Туркистон масалалари бўйича у билан маслаҳатлашиб туради.

Бехбудий ўзининг турли партияларга бўлган муносабатини ифодалаб, кадетларни қўллаб-қувватлашга чақиради. Лекин у мусулмонлар партиясига хайрхоҳлигини билдиради. Бу партия ўзининг умумий сиёсий талаблари ва эътиқоди билан кадетлар партиясига яқин турсада, у мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун тузилган. Шунинг учун Туркистон мусулмонлари, сиёсатда кадетларни қўлласада, мусулмонлар партиясига қўшилиши даркор. Бу партияга хизмат қилиш,

унинг тарафдори бўлиш динимиз, ватанимиз ва миллатимизга хизмат қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Беҳбудийнинг асарлари, мақолалари ва ислоҳ лойиҳаларида баён қилинган ғоялар жадидлар ҳаракатининг асосий дастур ҳужжатлари, ҳаракат қўлланмаси бўлиб хизмат қилди. Унинг ғояларини ташвиқот қилишда Бухорода чиқарилган «Турон» газетаси (1912 й.) катта аҳамиятга эга бўлган эди.

Беҳбудий озодликка олиб боришдаги маърифатнинг ролини яхши тушунади. У шундай ёзади: «Маориф бўлимида ишлайтурган мусулмонларнинг бошини силангиз. Мафкурага ёрдам этингиз. Уртадан ниқобни кўтариб, Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳар иш қилсангиз жамият ила қилингизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар...»¹

Беҳбудий жадидчилик ҳаракатининг бошқа бир қанча раҳбарлари Мунаввар қори, Фитрат билан бирга-ликда умрининг охиригача дақиқаларигача ўз халқининг маънавий юксалиши учун хайрхоҳ бўлиб қолди. У ўзининг эркесварлик ғоялари учун таъқиб остига олинди ва ўлдирилди.

Жадидчилик ҳаракатининг яна бир кўзга кўринган вакилларида бири Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлидир. У 1878 йили Тошкентда туғилди. Унинг отаси ўз даврининг маърифатли кишиси эди.

Мунаввар Қори ҳам бошқа жадидчилар каби Ватан равнақи ва миллат тараққиётининг асосий омили сифатида халқни саводли ва маърифатли қилиш деб қарайди. У ана шу фикрдан келиб чиқиб Тошкентда 1901 йилга келиб, янги услубдаги мактаб очади ва унга ўзи раҳбарлик қилиб, мусулмон болаларини ўқита бошлайди. У томонидан очилган мактаб кейинчалик намунавий мактаб даражасига кўтарилади.

Мунаввар Қорининг қарашларига хос асосий характерли томон шундаки, у Туркистонни чоризм мустамлакасидан озод қилиш, мустақил мусулмон давлатини ва миллий бирликни вужудга келтириш асосида тараққиётга эришиш учун кураш олиб борди. Унинг бошчилигида «Иттиҳоди тараққиёт», «Миллий иттиҳод» каби

¹ Ш. Турдиев. Маҳмудхўжа Беҳбудий. «Мулоқот», журнали 1994 йил, 3—4 сонлар, 47-бет.

ташкilotлар тузилиб (1920—1930 йй.), яширин ҳолатда эркинлик ғояларини кенг халқ оmmasига тарғиб қилиб келди. Олиб борилган ишлар зое кетмади: халқ оmmasининг зўравонликка қарши нафрати кучайди ва унинг миллий сиёсий онги ўсди.

Мунаввар Қорининг миллий тараққиёт учун олиб борган ғоялари туфайли собиқ зўравон шўролар ҳукумати уни қаттиқ таъқиб остига олди. У 1931 йил 25 апрелда собиқ СССР Халқ Комиссарлари кенгаши қошидаги «Бирлашган бош Сиёсий бошқармасининг судлов коллегияси қарори» асосида отиб ташланди.

**Жадидлар
ва миллий озод-
лик ҳаракати**

Чор ҳукуматининг ағдарилиши ўлкада мустамлакачилик сиёсатини ва миллий зулм илдизларини чуқур ларзага учратиб, миллий озодлик туйғуларининг кучайишига олиб келди. Ўлка туб аҳолисининг сиёсий онгида ва курашида муайян ўзгаришлар содир бўлиб, «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» сингари партиялар ташкил топди. «Шўрои Исломия»нинг ташкилотчиларидан бири жадид Мунаввар қори Абдурашидов эди. Бу партиянинг вақтинчалик илк дастурида қуйидаги асосий вазифалар белгиланди:

1. Туркистон мусулмонлари ўртасида замон талабларига мос сиёсий илмий ва иқтисодий ислохотлар ўтказиш зарурлигини тарғибот қилиш. 2. Туркистон мусулмонларининг ягона бир мақсад ва ягона ғоя асосида бирлаштириш учун барча зарур чора ва тадбирларни амалга ошириш. 3. Халқни янги муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга чақириш. 4. Мамлакатни идора этиш шакллари ҳақида маълумотлар тарқатиш ва таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш.

Бу дастурда Туркистоннинг бошқарув тузими ҳақида аниқ бир фикр кўрсатилмаган бўлсада, «Шўрои Исломия» партияси раҳбарлари Мунаввар қори, Мустафо Чўқаев, Беҳбудий ва бошқалар Туркистонда мухторият таъсис этилишини, молия, адлия, бошқарувда маориф ва бошқа соҳаларда мустақиллик ўрнатилиши зарурлигини ҳамда матбуот эркинлигини талаб қилдилар.

Собиқ шўролар тузуми даврида жадидларнинг қисмати фожиали бўлди. Уларнинг кўпчилигига юқорида баён қилинган талаблари учун миллатчи, «пантуркист» ва «панисломист» деган тамға босилиб, қатағон қилинди, жадидлар ғоялари ва ҳаракатига қора чизиқ тортилди.

Мустақиллик шарофати билан Туркистон халқларининг эрки, мустақиллиги ва миллий давлатчилик ғоялари учун курашган ватанпарварларнинг муборак номлари тикланди. Улар яратган бебаҳо маънавият дурдоналари яна халқимизга қайтарилди.

**Жадидлик
ҳаракатининг
хусусиятлари**

Жадидчилар ҳаракатининг Туркистонда сиёсий жараёнлар ривожланишига қўшган ҳиссаси ҳақида фикр юритганда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. **Биринчидан**, бу маърифатчилик ҳаракати сифатида бошланган эди. Аммо унинг асосий мақсади фақат маърифатчилик доираси билан чекланмаган, балки халқнинг умумий саводини ва маърифатини кўтариш ғояси илгари сурилган.

Иккинчидан, улар динга қарши курашган эмаслар, балки шариятга қатъий риоя қилиш орқали мактаб ва мадрасаларда таълим бериш тизимини дунёвий илмларни бериш асосида ислоҳ қилиш учун ҳаракат қилганлар. Аммо истибод ҳукумати жадидчиларни дин пешволарига қарши қўйиш учун ҳаракат қилганлар ва шу йўл билан миллатимизнинг маърифатли бўлишига қарши кураш олиб борганлар.

Учинчидан, жадидчилик ҳаракати Россияда вужудга келган большевиклар партияси билан бир вақтда шаклланди. Аммо большевикларнинг партияси динга қарши ҳукуматни зўравонлик йўли билан қўлга кириштириш ва йўқсилларнинг (пролетариат диктатурасининг) ҳукуматини ўрнатиш учун кураш олиб борган бўлсалар, жадидчилар маърифатни кўтариш, халқнинг сиёсий онгини ошириш ва жамият ҳаётида фаол иштирок қилишларини таъминлашга имконият яратиш учун ҳаракат қилдилар.

Жадидчилар ҳаракати XX аср бошларида Туркистонда кенг ёйилиши тасодиқий ҳодиса эмас, балки ўлкада етилиб келган сиёсий ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиётнинг қонуний ифодаси бўлди.

Худди ана шу жиҳатлари билан ҳам жадидчилар ҳаракати фақат маърифатчилик ҳаракати эмас, балки сиёсий ғоялар ривожланишининг ўзига хос бўлган кўриниши ҳисобланади.

Америкада
сиёсий фанлар-
нинг пайдо
булиши

Политологиянинг жамият ҳаётидаги ўрни, фан сифатида унинг ўзига хос хусусиятларини, шаклланиш ва қарор топишини Америка Қўшма Штатлари мисолида аниқ тасаввур этиш мумкин, чунки ижтимоий-сиёсий билимнинг бу соҳаси бу ерда ўзининг тарихий анъаналарига ва илдизларига эга. Политологиянинг фан сифатида АҚШ да пайдо бўлиши ҳам тасодифий эмас. У кўпгина омиллар билан боғлиқ. Жамият олдида турган назарий-услубий муаммолар политологияга эътиборни жалб этишни тақозо этади.

Америкада политологиянинг ривожланишини қуйидаги учта босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин: 1. XIX асрнинг охиридан биринчи жаҳон урушигача бўлган давр. 2. Икки, яъни биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр. 3. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан ҳозиргача бўлган давр. Биринчи давр политологиянинг Америкада қарор топиш даври ҳисобланади. Бу даврда Американинг йирик университетлари (Колумбия, Корнелл, Йельс, Гарвард, Гринстон в. б.) да олий мактаб ёки сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. Шундай мактаблардан бири Колумбия Университетида 1880 йилда ташкил этилган сиёсий фанлар мактабидир. Америка политологлари буни сиёсий фанларнинг махсус фан сифатида пайдо бўлиши деб ҳисоблайдилар.

Сиёсий фанлар, анъанавий давлат-ҳуқуқий фанлардан фарқли равишда, давлат ва жамият алоқадорлиги, давлат, ҳукумат ва бошқа сиёсий институтлар фаолиятининг таҳлиliga эмперик ёндошувга алоҳида аҳамият бера бошлайди. АҚШ да худди шу мақсадда, 1906 йилда маҳаллий даражада, 1914 йилдан эса федерал даражада эмперик тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган марказлар ташкил этилади.

А. Бентли, В. Вильсон, Ф. Гуднау, Ч. Билд, Л. Лоуэлл, Г. Форд, А. Харт ва бошқаларнинг изланишлари натижасида, Америка политологиясида икки жаҳон уруши ўртасида муҳим ўзгаришлар амалга ошади. Бу Европада ва мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар, айниқса, фашистик ва авторитар тартиботлар ўрнатилиши билан боғлиқ. Шунингдек, бу даврда америка политологиясини ижтимоий ва табиий-илмий билимларнинг бошқа соҳалари билан яқинлашганлигини ҳам кўрамиз. Бу алоқа, айниқса социологияда яққол сези-

лади. Масалан, Н. Андерсоннинг «Бродяга» (1923 й.), Л. Виртнинг «Гетто» (1928 й.) ёки Роберт Парк ва Эрнест Барджеснинг «Социологияга кириш» (1921 й.) асарлари чоп этилади.

Америка политологлари бу фан йўналишига алоҳида эътибор берадилар. Масалан, Ч. Мерриам ва Г. Госнелл «Овоз бермаслик: сабаблари ва назорат усуллари» (1924 й.) китобида сайловчиларнинг сайлов компанияси арафасидаги хулқ-атворларининг турли жиҳатларини тадқиқ этадилар. Улар сиёсий партияларга муносабат, сиёсий мафкуранинг айрим муаммоларини, жамоатчилик фикрини таҳлил этсалар, У. Липпман «Жамоатчилик фикри» (1922 й.) китобида индивидларнинг сиёсий хулқ-атворлари билан боғлиқ жиҳатлари шаклланишида тафаккур стереотипларининг ўрни ва ролини ўрганади.

Америка политологиясининг психология билан, хусусан Фромм, Уотсон, Миза, Холлуэлл, Янг, Скиннернинг З. Фрейд ғояларига таянган ҳолдаги изланишларини кўриш мумкин. Бунга Г. Лассуэлнинг «Психопатология ва сиёсат» асарини (1930 й.) алоҳида келтириш мумкин.

Урушдан кейинги йилларда америка политологиясида туб ўзгаришлар содир бўлди. Бихеовиоризм — сиёсий ҳаётни таҳлил этиш усули сифатида психология, социология ва политология фанининг усули сифатида қарор топди. Бу усулнинг муаллифи сифатида А. Бенгли «Бошқариш жараёнлари» (1908 й.) асарида сиёсий жараёнларда манфаатдор гуруҳлар хулқ-атворини ўрганишда, биринчи навбатда, сиёсий фанларга аҳамият бериш керак деган ғоя билан чиқди. Кейинчалик бу фикр Ч. Мерриам ва Г. Лассуэл томонидан ривожлантирилди.

Бихеовиоризмнинг амал қилиш тамойиллари: а) муайян сиёсий мақсадларга эришиш учун инсонларнинг фаолияти; б) эмперик ва таҳлил этилган далилларга таяниш; в) аниқ фанлар усулларида фойдаланишнинг зарурлиги; г) тадқиқотнинг илмийлигини асослаш мақсадида хулосаларни рад этиш, уларнинг сохталлигини кўрсатишнинг мумкинлиги. Булар айрим шахс ёки гуруҳнинг хулқ-атворларини, сиёсий ҳаётдаги ўрнини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий таъсир кўрсатишда «гуруҳ» назарияси катта қизиқиш уйғотади. Ҳозирги даврда, Америка политологлари қуйидаги асосий:

1. Америка бошқаруви ва сиёсат. 2. Қиёсий сиёсат.

3. Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати. 4. Сиёсат назарияси ва фалсафаси. 5. Ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби йўналишларда тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Политологиянинг шаклланишида Америка политологларидан Ч. Мерриам (1874—1953-йй.), Г. Лассуэл (1902—1979-йй.), Г. Моргантау (1904—1980-йй.) ларнинг ўринларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ч. Мерриам сиёсий қарашларида сиёсий фанларни амалиёт ва реал ҳаёт билан боғлаш, миқдорий таҳлилдан фойдаланиш, америка демократиясига қатъий ишонч ва уни инсоннинг табиий ҳолати билан тўла мос келадиган жамиятни сиёсий идора этиш шакли сифатида қарайди. Г. Лассуэл эса, унинг шогирди сифатида, Америкада эътиборли сиёсатшунослардан бўлиб, сиёсатни тадқиқ этишнинг услубий муаммоларига, сиёсий руҳий таҳлил назариясига эътибор беради. З. Фрейднинг ёндошув ва усулларидан кенг фойдаланиб, сиёсатни таҳлил этишда уни тадбиқ этади. Лассуэл сиёсатчиларни уч турга: маъмурий, ташвиқотчи ва назарийчиларга ажратади. Унинг сиёсий қарашларида сиёсий ҳокимият ва унинг жамиятда тақсимланиши, сиёсий етакчининг ўрни ва роли, ташвиқот, оммавий ахборот воситаларининг ўрни, сиёсий хулқ-атвор муаммолари асосий ўрин тутди. Г. Моргантау Прагматизм ва сиёсий реализм мактабининг намояндalarидан бири сифатида ташқи сиёсатнинг назарий масалаларини, миллий манфаат муаммоларини таҳлил этади.

Францияда сиёсий фан Францияда политология сиёсий фан сифатида XIX асрнинг охирларидан шакллана бошлаган, Бу шаклланиш конституцион ҳуқуқнинг сиёсийлаштирилиши, унга сиёсий масалаларнинг аста-секин кириб бориши, конституцион ҳуқуқнинг социология билан яқинлашиши ва боғланиши асосидаги ижобий йўналишнинг ривожлана бошлаши ҳамда айрим тадқиқотчиларнинг конституцион ҳуқуқ доирасидан чиқиши, сиёсий фанларнинг қарор топиб бориши жараёнларида ўз ифодасини топган. Бунда рус ҳуқуқшуноси, проф. М. Я. Острогорскийнинг «Демократия ва сиёсий партияларнинг ташкил топиши» номли асарининг 1903 йилда Францияда чоп этилиши ўзига хос жиддий туртки бўлган. Шундан кейин А. Зигфрид, М. Шеваль, М. Прело ва А. Сульеларнинг қонунчилик, ижро ва ижтимоий ҳокимиятнинг долзарб муаммолари-

га бағишланган асарлари чоп этилади. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин, хусусан, 60—70-йилларда Франциялик Р. Арон, М. Дюверже асарларида сиёсий масалалар кенг таҳлил этила бошланди, сиёсий фанлар Францияга хос хусусиятлар билан бойитилди. Бу сиёсий институтлар ва муносабатлар, сайлов тизими ва сайловлар, ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби соҳаларда яққол кўринади. Масалан, М. Ориу институтлар назариясини сиёсий фикр тарихида биринчилардан бўлиб илгари сурди. Унинг фикрича, институт — бу аниқ ижтимоий муҳитда амалга ошириладиган муайян ғоядир. Бу ғояни амалга ошириш учун турли социал гуруҳларнинг сиёсий органлари ва ҳуқуқларини ифодалаган ҳокимиятдан кенг фойдаланадилар. Ғояни амалга оширишдан манфаатдор бўлган турли социал гуруҳ аъзолари ўртасида ўзаро муносабат бўлиб, улар ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади ва муайян тартиб-қоидалар билан тартибга солиб турилади, деб ҳисоблайди. М. Прело эса, институтлар сиёсий фанларнинг энг ишончли таянч бўлаги ҳисобланади, деб қараган. М. Дюверже институт, инсонлар ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос моделидир деган хулосани беради.

Француз политологларининг эътиборини жалб этган кейинги муаммо сайлов тизими ва сайловлар ҳисобланади. Чунки институтлар у ёки бу даражада сайлов тизимига ва унинг ўзи кўп жиҳатдан сиёсий институтлар тузилишига мослашган бўлади. Шунингдек, ижтимоий бошқарув ва унинг сиёсий таҳлилига ҳам эътибор қаратилади. Ҳозирги Францияда давлат бошқарувининг кучайиши билан бирга ижтимоий ўз-ўзини бошқарувнинг кучайиши кузатилмоқда.

Раймон Арон (1905—1983 йй) Франция сиёсий ҳаётида алоҳида ўрнига эга. Унинг «Инсон тиранларга қарши» (1946 й.), «Буюк парчаланиш» (1948 й.), «Демократия XX аср синовида», «Тинчлик ва миллатлар ўртасида уруш» (1962 й.), «Демократия ва тоталитаризм» (1965 й.), «Сиёсий тадқиқотлар» (1973 й.) в. б. асарларида фалсафа, сиёсий назария ва сиёсий фанлар ўртасидаги муносабат, инсонлар гуруҳларининг сиёсий ва носиёсий кўринишлари, сиёсий ҳокимият ва унинг жамиятда тақсимланиши, етакчининг шахсий мослиги, шунингдек, халқаро сиёсий назариялар таҳлил этилган.

М. Дюверже (1917 й) ўзининг: «Сиёсий фанлар ме-

тодлари» (1959 й), «Сиёсий режимлар» (1961 й), «Диктатура тўғрисида» (1961 й), «Сиёсатга кириш» (1964 й), «Халқсиз демократия» (1967 й), «Республика монархияси» (1974 й) ва бошқа асарларида сиёсат билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг назарий-услубий жиҳатларини, политологиянинг предметини, демократиянинг кўринишларини, сиёсий партиялар фаолиятини атрофлича таҳлил этган.

Юқорида келтирилган маълумотлар гарчи тўла бўлмаса ҳам хорижий давлатларда сиёсий фанларнинг ўз ўрнига эга эканлигини ҳамда жамият сиёсий ҳаётида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга хулосалар билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Турли мамлакат халқлари сиёсатга турлли хил ёндошиши табиий. Шарқда, хусусан республикамизда сиёсатнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уни инсон манфаатларига йўналтирган ҳолда сиёсат, сиёсий ҳокимият ва сиёсий тизимга мавҳум тарзда эмас, балки унга тизимий ёндошиш мавжудлиги билан ажралиб туради.

Политология фани Ўзбекистонда бугунги кунда кўпроқ сиёсат фалсафаси таҳлилида кўринади. Бу кўп жиҳатдан халқимизнинг менталитети билан боғлиқ. Бизда сиёсатга фалсафий ёндошиб, сиёсий масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилиш тарихий-маданий, ахлоқий негизларга эга бўлса, Америкада бхиовиризм, яъни сиёсатни хулқ-атвор билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган сиёсий қарашлар таркиб топганлигини, Германияда сиёсатнинг назарий масалаларини ўрганиш, Францияда сиёсат социологияси ва бошқа айрим давлатлар мисолида ҳам унинг аниқ ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини кўрамиз.

Ўзбекистонда ҳам сиёсатга фалсафий-ахлоқий, диний, фуқаролик ва ижтимоий концепциялар асосида ёндошувлар билан бирга, уларнинг негизида фозил шаҳар ҳокими, комил инсон ғояси ва манфаатлари, инсоннинг маданий-маърифий ривожини, маънавияти жамоа ва шахс манфаатлари сиёсий ҳокимият ўртасидаги муносабатда уйғунлашиб, ҳокимиятга, ҳокимият бошлиғига катта ҳурмат билан қараш анъанаси мавжуд бўлганлиги билан ажралиб туради.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида вужудга келган сиёсий қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

2. Марказий Осиё маърифатпарварларининг асосий ғоялари нималардан иборат?
3. Жадидчиларнинг асосий мақсадлари нималардан иборат бўлган?
4. Мустақиллик шароитида жадидчилик ҳаракатини ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатинг.
5. Шарқдаги сиёсий ғоялар нимага таянади?
6. Политология фанининг қарор топишида АҚШ мутафаккирларининг ўрни нимадан иборат?
7. Политология ривожига Франциянинг қандай ўрни бор?
8. Ўзбекистонда сиёсий фанларнинг шаклланиши қандай хусусиятларга эга?

И БУЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИ

3-мавзу

СИЁСАТ ВА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Сиёсат тушун- «Сиёсат» тушунчаси грекчада «поли-
часи ва моҳияти тик» деган тушунча билан боғлиқ.
бўлиб, «давлат» ёки «ижтимоий иш» деган маънони
англатади. Сиёсат жамиятда давлат ва ижтимоий му-
носабатларнинг ривожланиши жараёнлари билан боғ-
лиқ бўлган ҳодисадир. Сиёсат жамият ҳаётининг бар-
ча жабҳаларини қамраб олиши билан бирга, унинг
асослари иқтисод, маънавият билан узвий боғлиқ ҳол-
да таҳлил этилади. Шу маънода «сиёсат» жамият сиёсий-
ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётининг умумлаш-
ган, интеграллашган ифодаси ҳисобланади. Сиёсатнинг
жамият иқтисодий ҳаёти билан алоқаси мутлақ бўл-
масдан, балки нисбий мустақил равишда жамият ҳаё-
тининг барча бошқа жабҳалари билан ҳам муносабатда
бўлади. Бунда иқтисоднинг устуворлигига асосланилади.
Сиёсат жамият ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.
Бундан фақат сиёсат жамият ҳаётини белгилайди, де-
ган хулоса келиб чиқмайди. Сиёсат жамият ривожининг
муҳим омили ҳисобланади ва жамиятнинг сиёсийлашуви,
ундаги мавжуд сиёсий ҳокимиятнинг тузилиши, демо-
кратик жараёнларнинг характерига таъсир кўрсатади.
Давлат ҳокимиятининг марказлашуви мамлакатда
тоталитар-сиёсий режимни ўрнатади. Сиёсат ижтимоий
ҳодиса сифатида ўзининг узоқ давом этган тарихий
йўлига эга. Унда «сиёсат», «сиёсий соҳалар» каби му-
ҳим тушунчаларнинг муайян тизими мавжуд. Бу ту-
шунчалар ҳар бир даврда ўзига хос мазмун касб этади.
Жамият ҳаёти ҳақида сиёсий назария, сиёсий таъли-
мот ва сиёсий ҳаёт модели шаклланади. Сиёсатнинг
жараён сифатида мустақиллиги шундан иборатки,

у жамият ҳаётининг ички хусусиятлари билан боғлиқ равишда унинг йўналишида, ривожланиш йўли, кўлами, табиати ва ниҳоят, мақсадларида ўз аксини топади. Шу маънода «ижтимоий сиёсат», «иқтисодий сиёсат», «маданий сиёсат», «миллий сиёсат», «хуқуқий сиёсат», «аграр сиёсат», «ҳарбий сиёсат», «кадрлар сиёсати», «экологик сиёсат» ва ҳ. к. сиёсат йўналишларини фарқлаш мумкин. Улар ўз навбатида, ўзининг ички хусусиятларига эга бўлиб, пировардида сиёсатнинг субъекти — давлатнинг ҳокимият шакли, тизими ташқи сиёсатнинг табиати ва мақсадлари билан ўзаро боғлиқ бўлади. У жамиятнинг сиёсий негизи билан ҳам боғлиқ бўлиб, сиёсатнинг табиатини белгилайди. Сиёсат кўри-нишларининг ўзаро алоқаси ва таъсири сиёсий жараёнларда намоён бўлади. Сиёсий жараёнлар — муайян давлат, партиялар, сиёсий ташкилотлар ёки ҳаракатлар, жамоа ташкилотлари томонидан мамлакат ички ва ташқи алоқалари заминида турли ижтимоий гуруҳлар билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалаш, ҳимоя қилиш борасида кечадиган муносабатлардир.

Сиёсат айрим шахс манфаатидан кенг доирани қамраб олади. Унда биринчидан, гуруҳлар, мамлакатлар ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган манфаатлар тизими, алоқадорлиги ўз ифодасини топади, иккинчидан, сиёсат муайян давлат фаолияти, вазифалари, унинг шакли, жамият сиёсий тизими билан боғлиқ бўлиб, давлат ҳокимияти қабул қилинган қонунлар, уларнинг ўзгариши орқали намоён бўлиб боради, учинчидан, сиёсат муайян ижтимоий гуруҳ, халқ оммаси билан боғлиқ бўлади. Улар билан муайян сиёсий институтлар орқали фаолиятда бўлади, мақсад ва манфаатлар ҳал этилади.

Демак, сиёсат хусусий ва умум масалалар, давлат билан ижтимоий гуруҳлар фаолияти ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган онгли фаолият билан узвий алоқада содир бўлади, таъсир кўрсатиш ва ҳокимиятга эга бўлиш хусусиятига эга бўлади.

Шу нуқтаи назардан ёндошганда, сиёсат инсонларнинг муайян катта оммасининг, ташкилий уюшган ижтимоий гуруҳларнинг давлат ишларида ва жамият ҳаётига дахлдор бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилган иштирокидир.

Сиёсат жамиятдаги жараёнлар билан узвий боғлиқ

равишда муайян қонуниятларга эга. Уни ҳисобга олиш тўғри сиёсат олиб боришда муҳим ўрин тутаети.

Сиёсий жараёнлар сиёсий муносабатлардан фарқ қилсада, сиёсий муносабатлар сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Шунинг билан бирга сиёсий муносабатлар жамият тузилишида ва бошқаришда ижтимоий гуруҳлар, шахслар, сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлар давлат ҳокимияти, мавжуд сиёсий тартиб, тизим ва йўналишлар асосида амалга ошади. Бу сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг муайян иерархия ва субординацияси бўлишини тақозо этади.

Сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларнинг амалга ошувида унинг объекти ва субъекти ўртасидаги муносабати муҳим ўрин тутаети. Сиёсий муносабатларнинг иштирокчилари сиёсий фаолиятни ташувчиси сифатида сиёсатнинг субъекти ҳисобланади. Бошқалари эса сиёсатнинг объектини ташкил қилади.

Сиёсий жараёнларда ихтилофлар ижтимоий ҳаётнинг ички зиддиятлари, сиёсатни амалга оширишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, кўрсатма ва тавсиялар билан турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ўртасидаги, шунингдек, сиёсатнинг субъекти давлат, сиёсий партиялар, сиёсий уюшма ва жамиятлар ўртасидаги манфаатларнинг номувофиқликларидан келиб чиқаети. Сиёсат бундай зиддиятнинг келиб чиқиши сабабининг олдини олиши, мамлакат аҳолисининг турли ижтимоий гуруҳлари, табақалари ва қатламларининг манфаатларини уйғунлаштириши зарур. Сиёсат ўз мақсадларига кўра адолатли, халқпарвар ва одил бўлса, жамият аъзоларининг, турли гуруҳ манфаатларини уйғун ҳолда тўғри акс эттирса — жамиятда муайян тартиб, осойишталик, бир бутунлик ва якдиллик, барқарорлик таъминланади. Сиёсат шу маънода «бирга яшаш санъатидир». Агар сиёсат ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилмаса, у жамиятни бошқаришда манфаатлар фақат айрим гуруҳ ёки синф манфаатларига бўйсундирилса, инсон манфаатлари четда қолса, мамлакатда ижтимоий бўҳронлар, тартибсизликлар, ҳуқуқбузарликлар кучаети. Демократия топталади. Турли ижтимоий гуруҳлар сиёсатдан четлашиб боради. Шунинг учун сиёсатнинг асосида ётган ғоялар ҳам соғлом бўлиши зарур. Бугунги истиқлол носоғлом марксистик ғоялар-

ни инкор этганлиги тасодифий эмас. Сиёсат давлатнинг ички табиатидан келиб чиқади ва у билан уйғун ҳолатда бўлади. Агар давлатда фаолият қилувчи масъул шахсларнинг умумий маданияти, хусусан, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятлари паст бўлса, улар ўз шахсий манфаатларини ўйласа, халқ, мамлакат тақдирига лоқайдлик билан қарашса — улар олиб бораётган сиёсат ҳам лоқайд, адолатсиз бўлади. Сиёсатни демократик, халқпарвар бўлиши кўп жиҳатлари билан уни юргизувчи, ташкил этувчи ва ишлаб чиқувчи шахснинг сиёсий-маънавий фазилатларига, амал қиладиган меъёрларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Шарқда унга алоҳида талаблар қўйилган. Кўпгина фазилатлар талаб этилганки, буни Абу Наср Форобий, соҳибқирон Амир Темур сиёсий қарашлари орқали аниқ билиш мумкин.

Сиёсатнинг таъсирчанлиги ва қадриятли бўлиши кўп жиҳатдан унинг илм-фанга қанчалик боғлиқ эканлигига, дунё сиёсий тажрибаси, дунёвий давлат қуриш ютуқларини қай даражада уйғун тарзда ҳисобга олишига боғлиқдир. Чунки сиёсат раҳбардан юксак маданият талаб этади. Фан ютуқларидан беҳабар, жоҳил, такаббур бўлган сиёсий етакчи мамлакатни халқпарварлик, адолат билан бошқара олмайди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз салтанатини бошқаришда олим-фозил кишиларга, илм-маърифат соҳибларига таянган, уларга иззат-икром кўрсатган. Амир Темур салтанатини жаҳон миқёсида обрў ва шуҳрат қозонишида соҳибқирон олиб борган адолатли сиёсат катта роль ўйнаган. Буюк соҳибқирон адолатли сиёсат йўлида ҳатто ўз ўғилларини ҳам аямаган, адолат юзасидангина уларга баҳо берган. «Куч адолатдадир» деган тамойили соҳибқирон Темурнинг давлат сиёсатининг асосий шиори ҳисобланган.

Адолатли сиёсат барча тарихий босқичларда тараққиётнинг бош омили бўлиб келган. Адолатсиз сиёсат эса жамият аъзоларида давлат ва давлат ҳокимиятига нисбатан норозилик, ишончсизлик туғдиради. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий нотинчлик ва парокандалик ҳолатларини келтириб чиқаради.

**Давлатнинг ички
ва ташқи сиёсати**

Давлат фаолиятида ички ва ташқи сиёсат алоҳида ўрин тутди. Давлатнинг сиёсати жамиятнинг ички тузуми, табиати билан боғлиқ. Ташқи сиёсат ички сиёсат билан узвий боғлиқ бўлади. Масалан, давлат ички сиё-

сатида реакцион, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, поймол этиш сиёсатини юргизган ҳолда ташқи сиёсатида тараққийпарвар ва адолатли сиёсат олиб бора олмайди. Ташқи сиёсат ички сиёсат ва унинг хусусиятларини акс эттиради.

Ички ва ташқи сиёсатдан сиёсий жараён йўналишлари фарқ қилади. Ички ва ташқи сиёсат аниқ йўналишлар орқали намоён бўлади. Мазкур йўналишлар ўз навбатида, ташқи сиёсатнинг табиатини ва асосий тамойилларини ифодалайди. Сиёсатнинг асосий йўналишлари жамият сиёсий ҳаётининг тўлақонлигини, бир бутунлигини ва барқарорлигини таъминлайди.

Сиёсатнинг соҳалари Сиёсат турли соҳаларни ўз ичига олади. Унинг асосий йўналишлари: а) иқтисодий сиёсат; б) ижтимоий сиёсат; в) маданий соҳадаги сиёсат, г) маърифий ёки маориф сиёсати, д) ҳуқуқий сиёсат, е) демографик сиёсат; ж) миллий сиёсат; з) экологик сиёсат; и) кадрлар сиёсати ва ҳоказоларда ўз аксини топади.

Иқтисодий сиёсат Иқтисодий сиёсат — бу жамиятнинг сиёсий тизимининг бош бўғини саналмиш давлат томонидан мамлакат иқтисодий негизини, моддий асосини замон талаблари, жамият аъзолари, ҳуқуқ ва эркинликларига мувофиқ олиб борадиган ташкилий бошқарув ва тақсимот йўналишида бўладиган муносабатлардир.

Иқтисодий сиёсат давлат ички сиёсатининг муайян йўналиши ҳисобланади. Иқтисодий сиёсат жамият моддий асоси сифатида жамият маънавий ҳаётига, устқурмасига, сиёсий тартиботларга, пировардида, сиёсатга фаол таъсир кўрсатади. Иқтисодий сиёсат давлат сиёсатининг етакчи соҳаларидан бири тарзида намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистоннинг иқтисодий негизи мулкнинг хилма-хиллигига асосланади ҳамда ижтимоий, маданий, маърифий, ҳуқуқий, миллий сиёсат соҳаларига ҳам таъсир этади. Масалан, иқтисодий сиёсатни ҳисобга олмай туриб ижтимоий сиёсатни юргизиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида бозор муносабатларига ўтиш шароитларида кучли ижтимоий сиёсат, яъни аҳолининг кам таъминланган табақаларини ҳимоялаш, уларга айрим имтиёзлар, янгиликлар яратиш сиёсати амалга оширилмоқда. Иқтисодий сиёсатни халқ, жамият, мил-

лат эҳтиёжларидан узилган ҳолда олиб бориб бўлмайди. Ҳуқуқий, демократик давлат иқтисодий сиёсатни халқ манфаатлари асосида ташкил этади ва олиб боради. Шунинг учун иқтисод сиёсатга нисбатан жамият ривожига устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат — жамиятда мавжуд турли ижтимоий гуруҳлар, аҳолини моддий ва маънавий турмуш даражасини, унинг кам даромадли қатламларининг ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиб юритилувчи сиёсатдир. Нафақахўрлар, ногирон фуқаролар, етим-есирлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, талабалар ва ҳ.к. тоифадаги шахслар ижтимоий сиёсатнинг субъектлари ҳисобланади. Ижтимоий сиёсат ҳар қандай давлат сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бироқ ижтимоий сиёсат ҳамма давлатларда ҳам адолатли юритилавермайди. Ижтимоий сиёсатни адолатли ва инсонпарвар бўлишлиги давлат ҳокимиятининг табиатига боғлиқ бўлади. Агар давлат сиёсати амалда халқпарвар ва инсонпарвар бўлса, сиёсий жараёнлар ҳам шунга монанд бўлади. Ижтимоий сиёсат, айниқса жамият янги сиёсий, иқтисодий негизларга ўтганда бениҳоят ортиб боради. Чунки бу шароитда мулкчилик шакллари, жамиятнинг иқтисодий негизи тубдан ўзгаради. Бунинг натижасида умри тугаган режали иқтисодий сиёсат ўз ўрнини янгича иқтисодий сиёсатга бўшатиб беради. Бу жараён текис ва осон кечмайди. Аҳолининг, айниқса моддий жиҳатдан қийналган, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларида қатнаша олмайдиган, давлат бюджетига қарам қатламларини ҳимоя этиш муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Шунинг учун бундай шароитда кучли ва адолатли ижтимоий сиёсатга эҳтиёж ортади.

Мустақил Ўзбекистон шароитида кучли ижтимоий сиёсат юргизиш вақт ва тарих тақозосидир. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бири айнан кучли ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсатдир. Президент И. Каримов ўзбек халқининг миллий руҳиятини, аҳолининг аксарият қисми бозор муносабатларининг шафқатсиз қонунлари таъсири остида моддий талофот кўриши мумкинлигини ҳисобга олиб, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган сиёсат ҳақидаги тамойилни илгари сурди. Бу тамойил ҳаётий эканлигини мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтишининг биринчи босқичи яққол исботла-

ди. Мамлакатдаги осойишталик, барқарорликнинг асосий сабабларидан бири ҳам айнан аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий сиёсатдир.

Маданий соҳадаги сиёсат

Маданий сиёсат мамлакатни умуминсоний ва миллий қадриятлари асосида тараққий эттиришга қаратилган давлат сиёсатидир. Бу маданий сиёсатнинг ўзагини ифодалайди. Дарҳақиқат, маданий сиёсат ҳар бир миллат, элат, халқнинг хусусиятларини ҳисобга олади. Маданий сиёсат бирёқламаликка, миллатчиликка, миллий манманликка, такаббурлик ва ниҳоят уларнинг сиёсий кўриниши бўлмиш шовинизм, фашизм ва ирқчилик каби ҳолатларга йўл қўймаслиги зарур. Мустақил Ўзбекистон бугун жаҳонга юз-тутмоқда. Мамлакатимизнинг маданий соҳадаги сиёсати жаҳон халқлари билан ўзаро маданий ҳамкорлик асосида, жаҳон ҳамжамияти маданий ҳаётига тенг ҳуқуқли давлат ва халқ тарзида кириб бориш ва муносиб ўрин эгаллаш сиёсатидир. Ўзбекистон жаҳон маданий ҳаётига ўзининг бетакрор миллий маданияти, бой маданий мероси ва жаҳон маданияти тарихида қўшган улкан ҳиссаси борлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон давлати бу борада улкан яратувчанлик ишларини олиб бормоқда. Бир вақтлар «маданиятсиз», «қолоқ», «саводсиз» дейилган Туркистон ўлкасини, халқимизни бой маданий меросларимиз, буюк маданият арбоблари ва уларнинг умумжаҳон аҳамиятига молик асарлари билан таништириш, бу маданиятдан жаҳон халқларини ҳам баҳраманд қилиш, уни синфийлик тамойилидан халос этиш давлатимиз сиёсатининг бош йўлидир. Бу йўлда мустақилликка эришганимиздан буён салмоқли ишлар ҳам қилинди. Харобага айланган қадимий ёдгорликлар, муқаддас ҳисобланган иншоотлар, буюк зотлар, уларнинг номлари ва ишлари билан боғлиқ бўлган жойлар ободонлаштирилди, таъмирланди ва тикланди. Соҳибқирон Амир Темур, имом-Исмоил ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий ва бошқа шахслар номлари тикланди, асарлари чоп этилди. Бой маданий меросимиз билан жаҳон ҳамжамияти ҳам таништирилди. Энг муҳими халқимизни, ёш авлодни миллий ўзлигини англаш, миллий ғурур, миллий ор-номус ва шаън каби юксак маънавий руҳда тарбиялашга қаратилган маданий сиёсат олиб

борилмоқда. Бундай сиёсат ватанпарварлик, ўтмиш аждодларга муҳаббат ва энг муҳими авлодлар ўртасидаги тарихий ворисликни тикланишига кўмаклашади.

**Халқ таълими
сиёсати**

Мустақилликни мустаҳкамлашда ва янги жамият қуриш вазифаларини амалга оширишда халқ таълими сиёсати муҳим омил ҳисобланади. Бусиз фуқароларнинг умум маданият даражасини ошириш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва буюк келажаги ҳам айнан маорифни ривожлантириш орқалигина амалга ошиши мумкин. Чунки маориф халқнинг, мамлакатнинг тараққиёт кўзгусидир.

Маориф ривожлантирилмаса, унга етарли эътибор берилмаса, мамлакат жаҳон ҳамжамияти маданий, илмий ва техникавий тараққиётидан орқада қолади. Халқ таълими сиёсати деганда, маориф ёки давлат томонидан миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда умумжаҳон илми, техникаси ва маданияти ва ҳозирги замон ютуқлари асосида аҳолига, айниқса ёш авлодга илм-фан сирларини ўргатиш, илғор таълим ва тарбия ютуқларига эришишга қаратилган давлат сиёсати назарда тутилади. Маориф жамият иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий техникавий тараққиётида муҳим омилдир.

Бир жамиятдан иккинчи бир жамиятга ўтиш даврларида у ислоҳотларни тақозо этади. Унинг сабаби таълим тизимининг мафкуравий негизлари ўзгаради ва ўз навбатида, маориф соҳаси ҳам ўзида давлат сиёсатининг (миллий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва ҳ.к.) соҳалардаги ўзгаришларини акс эттиради.

Маориф соҳасидаги сиёсат ҳамма вақт ҳам давлатнинг диққатида бўлади. Бунга сабаб мамлакат иқтисодий ҳаётида содир бўладиган туб ўзгаришлар, уларни амалга ошириш вазифасининг давлат учун биринчи галдаги вазифа даражасига айланишидир. Бунинг натижасида маориф соҳасидаги ислоҳотлар иқтисодий ислоҳотлардан ортда қолиши мумкин эмас. Уни уйғун ҳолда олиб бориш муҳимдир. Маориф барча ислоҳотларнинг тақдирини белгиловчи соҳа бўлганлиги сабабли давлат сиёсатида унга алоҳида эътибор берилмоқда, бу соҳага доир илмий замонавий ва мунтазам сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш муҳим. Ўзбекистонда давлатнинг таълим тўғрисидаги Қонун (1997) ва миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг қабул қи-

лишганлиги бунга мисол бўла олади ва у халқ таълимини ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Ҳуқуқий сиёсат Ҳуқуқий сиёсат демократик давлат қурилишининг табиатини белгиловчи қонунлар тизимини яратишга, ҳаётга жорий қилишга ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат ҳисобланади. Ҳуқуқий сиёсат жамият ҳаётини деярли барча жабҳаларини қамраб олади. Бироқ, ҳуқуқий сиёсат иқтисодий, маданий, миллий ва ҳ.к. соҳалардан ажралган ҳолда мавжуд бўлмай, мазкур соҳалардаги эҳтиёж ва заруриятлардан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, алоҳида олинган жамият ва шахс ҳаётидан ажралган ҳуқуқий сиёсат мавжуд эмас.

Ҳуқуқий давлат сиёсатининг асоси Конституция билан белгиланади. Давлат Конституцияси сиёсий ҳокимият, жамият ва шахс фаолияти учун дастур вазифасини ўтайди. Жамият ва фуқаролар ҳаётини қонун устуворлиги асосида амалга ошириш жамиятнинг тартибга солиб туради. Жамиятда ҳуқуқий барқарорлик, уйғунлик, осойишталик пировардида тараққиётни таъминлайди. Ҳуқуқий давлат сиёсати ва унинг механизми давлат ҳокимиятининг асосий бўғини парламент (Олий Мажлис) томонидан ишлаб чиқилади. Унда жамият ҳаётининг барча жабҳаларига оид қонунлар тизими муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Жамият ҳаётининг нормал кечишини таъминлашга кўмаклашади. Собиқ шўролар давлати даврида ҳуқуқ, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги топталди. Давлат ҳокимияти билан фуқаро ўртасидаги муносабатлар бузилди. Бу жамиятнинг ҳуқуқий негизлари бўзилишига олиб келди.

Демографик сиёсат

Демографик сиёсат — жамиятда аҳолининг ўсиши, кўлами, миграция жараёнларини мувофиқлаштиришга оид давлат сиёсати бўлиб, у меҳнат ресурслари, уларни таъминлаш, жойлаштириш ҳамда ундан унумли фойдаланиш муаммоларини ҳал этишни ҳам назарда тутади.

Демографик сиёсат сиёсат соҳаларининг деярли барча кўринишлари билан узвий алоқада туради. Масалан, ижтимоий сиёсатни демографик жараёнларни ҳисобга олмай туриб, юргизиш мумкин эмас. Ўзбекистон ҳудуди демографик жиҳатдан табиий ўсувчи ҳудуд

ҳисобланади. Аҳолининг сон жиҳатдан кўпайиши туфайли мамлакатимизда собиқ иттифоқ даврида маҳаллий аҳолининг табиий ўсишини назорат этишга қаратилган сиёсат олиб борилган. Жумладан, Урта Осиё маҳаллий аҳолисини турли ташвиқот йўллари билан узоқ Сибир ўлкаларига, Россиянинг ҳувиллаб қолган ноқоратупроқ зоналарига турли имтиёзлар ваъда қилиб кўчирилар эди. Ўз навбатида, Россиянинг турли шаҳарларидан Ўзбекистон ҳудудига меҳнат ресурслари жалб этилар эди. Натижада янги саноат марказларига маҳаллий аҳоли вакиллари эмас, аксинча марказий ҳудудлардан келтирилган ишчи кучининг фоизи юқори бўлар эди. Шуниси қизиқки, бу тоифа аҳоли учун марказ томонидан қатор имтиёзлар яратилган ҳолда сиёсат олиб борилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бундай сиёсатга барҳам берилди. Мустақил Ўзбекистон демографик сиёсати аҳолини табиий ўсишини оқилona таъминлашга, маҳаллий ресурслардан оқилona ва унумли фойдаланишга қаратилди. Демографик сиёсат урбанизация жараёнларини ҳам ҳисобга олади. Қишлоққа саноатни олиб кириш қўшимча иш ўринларини юзага келтириш, ишсизлар сонини қисқартириш ҳозирги демографик сиёсатда алоҳида ўрин тутди. Демографик сиёсат миллий сиёсат, маданий сиёсат, кадрлар сиёсати билан ҳам алоқадор эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сиёсатнинг мазкур асосий йўналишлари ўз-ўзига мавжуд бўлмай, маълум бир механизмга асосланган ва инсон манфаатларидан келиб чиқади. Ҳамда сиёсий тузум, давлат раҳбари, сиёсий партиялар, аҳолининг сиёсий онги ва маданият даражаси, фаоллиги сиёсатни ишлаб чиқиш механизмига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, сиёсат ижтимоий ҳодисадир. Халқ оммаси, унинг эҳтиёжлари, турмуш даражаси, сиёсий онги ва сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллиги жамиятнинг демократик сиёсий даражасида муҳим ўрин тутади.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиёсат нима?
2. Сиёсий жараёнларни қандай тупунасиш?
3. Сиёсий муносабатлар нима?
4. Сиёсатнинг соҳалари қандай?
5. Сиёсатни белгиловчи омилларни аниқланг.

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий тизими унинг барқарорлик қобилиятини таъминловчи муайян сиёсий механизмларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Мазкур механизмлар ёрдамида ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг мақсадлари мувофиқлаштирилади. Ижтимоий тараққиётга тегишли бўлган асосий кадриятлар, мақсадлар ва йўналишлар консенсусига мувофиқ бўлинади.

Сиёсий тизим
тушунчаси,
моҳияти ва
манфаатлари

Тизим маълум алоқалар туфайли бирлашган элементлар йиғиндисини ифода этади. Сиёсий тизим эса сиёсий ҳокимият билан алоқадор бўлган элементларни ўзида бирлаштиради. Сиёсий тизим жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, жамият тизимидан элементларни бирлаштириш ва мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар қилувчи механизмлар. Демак, жамиятнинг сиёсий тизими сиёсий ҳокимиятнинг шакллантирувчи ва амалга оширувчи воситалари бўлган давлат, давлат ташкилотлари ва муносабатларнинг йиғиндисидир.

Унинг моҳияти қуйидаги вазифаларида ўз ифодасини топади. Сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнларни, аҳолининг маълумот даражаси, ижтимоий онг ҳолатини, маънавий-маърифий ҳаётни, халқаро аҳволни акс эттиради. Сиёсий тизим орқали манфаатларнинг асосий гуруҳлари аниқланади. Масалан, ҳозирги шароитда фикримизча, жамиятимиз сиёсий тизими олдида энг мураккаби бозор муносабатларига босқичма-босқич боришда турли манфаатлар мувозанатини тўғри аниқлаб олиш вазифаси бўлиши мумкин.

Сиёсий тизим мувофиқлаштириш ва яхлит ҳолда келтириш вазифаларини ҳам бажаради. Сиёсий тизимни барқарорлаштиришни таъминлаш учун сиёсий ҳаёт иштирокчилари манфаатларининг, улар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни ҳисобга олиб, жамиятдаги мавжуд ижтимоий гуруҳлар, кучларни, шунингдек, ташкилотлар ва ҳаракатлар манфаатларини мувофиқлаштиради.

Сиёсий тизимни ташкил этувчи элементлар сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишда тутган ўрнига қараб қуйидаги тўртта кичик тизимлар гуруҳига ажратилади: биринчиси ташкилий тизим бўлиб, ўз ичига давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларни; иккинчиси маданияний-мафкуравий тизим бўлиб, унга сиёсий маданият, сиёсий онг, мафкура, жамоатчилик фикри киради; учинчи меъёрий (норма) тизим бўлиб, ўз ичига сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ахлоқий сиёсий ва бошқа меъёрларни, тўртинчиси ахборот коммуникация тизими бўлиб, у ўз ичига оммавий информация воситалари, коммуникациялари ва илмий инфраструктураларни олади.

Жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи ана шу кичик тизимларнинг ҳаммаси ҳам сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун махсус тузилмайди.

Фақат жамият сиёсий ҳаётида ташкилий тизимга кирувчи давлат ва сиёсий партиялар сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун тузилади. Қолган тузилмалар эса сиёсий мақсадлар учун эмас, балки маълум гуруҳларнинг маданий, жисмоний ва малака манфаатларини қондиришга хизмат қиладилар. Аммо улар бу манфаатларни давлатнинг аралашувсиз амалга ошира олмайдилар. Шунинг учун улар жамиятнинг сиёсий ҳаётида қатнашадилар ва унинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдилар.

Маданий-мафкуравий тизимнинг вазифаси жамият сиёсий партияларининг маълум ғоялар ва қарашларга таянишлари билан боғлиқдир. Сиёсий партиялар ўзларининг жамият тараққиётининг йўналишлари, ҳокимиятни қўлга киритишдаги услублари ва концепцияларидан келиб чиқиб, турли мафкураларни илгари суришлари мумкин. Бугунгача дунёдаги сиёсий партияларнинг фаолиятларида либерализм, консерватизм, радикализм, миллатчилик, социализм ва бошқа турдаги мафкуралар илгари сурилганлигини кўришимиз мумкин. Аммо улар демократик давлат маълум бир мафкуравий йўналишга таянса ҳам у ёки бу мафкурани давлат мафкураси сифатида белгиламайдилар.

Жамият сиёсий ҳаётида меъёрий (яъни қонун тусига кирган, умумий қоида ва тартиблар) тизимларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Чунки сиёсий тизим ва унинг ташкилий институтлари маълум сиёсий

меъёрларга таяниб фаолият кўрсатишлари лозим бўлади. Акс ҳолда унинг фаолияти уйғун ва барқарор ривожлана олмайди.

Сиёсий меъёр — бу давлат ва сиёсий институтлар даражасида тан олинган сиёсий ахлоқ ҳисобланади. Бу тизимда сиёсий-ҳуқуқий меъёр асосий ўринни эгаллайди. Чунки у давлат обрўсини мустаҳкамлашни таъминлайди. Унинг асосий ҳужжати конституция бўлиб, у жамият ва давлат ҳаётининг нормаларини ўзида ифода эттиради.

Конституциянинг зарурлиги шундаки, у давлатни тинчлик қилиш, унинг фаолиятини, шахс ва давлат ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради. Конституциянинг яна бир муҳим томони шундаки, у инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлайдиган асосий ҳужжатдир. Кўриниб турибдики, ҳуқуқий меъёр сиёсий тизимни барқарор ва уйғун ривожланишига хизмат қилади.

Ахборот коммуникация тизими жамият тараққиётида катта ўрин тутаяди. Унинг сиёсий тизимдаги ўрни матбуот, радио ва телевидениеларни ўз ичига олганлигида белгиланади. Бу воситаларнинг сиёсий фаолиятлари орқали жамият ва давлат ҳаётида турли ижобий ёхуд салбий сиёсий жараёнлар содир бўлади. Бугунги кунда бу тизимда сиёсий жараёнларни ўрганувчи илмий ва илмий ахборот ташкилотлари ҳам салмоқли ўринни эгаллаб келмоқдалар.

Ахборот коммуникация тизими фақат сиёсий фаолият кўрсатиш билан чекланмайди, шунинг билан бирга у жамият, давлат ва фуқароларнинг манфаатлари билан боғлиқ бўлган жуда катта тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. Сиёсий тизимдаги унинг ўрни эса сиёсий фаолият кўрсатиш билан боғлиқ бўлиб, ана шу вазифалар ичида устувор ҳисобланади.

Сиёсий тизимнинг юқорида келтирилган тўртта кичик тизимлари бир-биридан мустақил равишда фаолият кўрсатадилар ва айни пайтда улар бир-бирларига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро уйғун ҳолатдаги фаолияти сиёсий тизимнинг барча механизмларининг нормал ишлашини таъминлайди.

Сиёсий тизимда давлат марказий ўринни эгаллайди. Чунки жамиятда мавжуд бўладиган барча ташкилотлар давлат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Давлат

Ўзининг мукаммал мақомига эга бўлиб, унинг асосий белгиларига қуйидагилар киради. 1. Маълум ҳудудга. 2. Ўз аҳолисига. 3. Маълум бир ташкилотларига эга бўлади. У ихтиёрий, мажбурий ижтимоий-сиёсий ташкилот ҳисобланади. У ишонтириш, мажбур қилиш, умумманфаатларни амалга оширишда турли вазиятлар (манипуляция)ни қўллаш ва солиқ йиғиш каби-ларда танҳо ҳуқуқга эга бўлган ташкилот. Давлатнинг яна бир муҳим белгиси — унинг суверен бўлиш-лигидир. У ўзида қуйидагиларни мужассамлаштириши лозим: 1. Ўз ҳудуди доирасида умумий ижтимоий-сиёсий ташкилот бўлиши. 2. Бутун жамият номидан ички, ташқи ва халқаро сиёсатни олиб бориши. 3. Қонунлар чиқаришда. 4. Одил судловни амалга ошириш-да танҳо ҳуқуқга эга бўла олиши керак.

Бундан ташқари, давлатнинг сиёсий тизимидаги ўр-ни, жамият ҳаётида бажарадиган қуйидаги функ-циялари алоҳида кўзга ташланади. Булар: ички, ташқи ва халқаро функциялардир.

Давлатнинг ички функциясини ўз ҳудудида яшайди-ган халқ билан давлат ташкилоти ўртасидаги муноса-батларни амалга ошириш ташкил қилади. Улар хўжа-лик, ташкилотчилик, маданий ва тарбия соҳаларидан иборат.

Ташқи функциясида эса давлат бошқа давлатлар билан турли соҳаларда муносабатларни шакллантиради ва уни амалга оширади. Бугунги кунда жаҳон сиёсатини шакллантириш, умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда халқаро ташкилотларнинг роли тобора ошиб бораётганлиги сабабли давлатнинг яна бир функ-цияси мустақил йўналиш сифатида шаклланди. У хал-қаро функция бўлиб, ўз ичига давлатнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятларида иштирок қи-лиши ҳамда ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсатишини ташкил қилади.

Бундан ташқари давлат ўзининг қуйидаги тузил-масига эга бўлади: 1. Қонун чиқарувчи. 2. Ижро. 3. Суд ҳокимияти. Улар демократия шароитида бир-бирлари-дан мустақил равишда фаолият кўрсатади.

Давлат фаолиятида демократияни ривожлантириш асосида сиёсий тизимни такомиллаштириш мумкин бўлади. Бу вазифани амалга оширишининг асосий йўли ҳуқуқий давлатни вужудга келтиришдир. Яъни дав-

литининг барча механизмларини қонунлар асосида ривожлантириш, шунинг билан бирга фуқароларнинг ҳам қонунларга тўла итоат қилишларини шакллантириш зарурдир.

Бугун илғор ривожланган давлатлар ҳуқуқий давлат қуришда муайян ютуқларга эришдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тоталитар тузум оқибатларини тугатиш жараёни бошланди. Бу жамиятда демократик жараёнларни амалга оширишни долзарб қилиб қўйди. Бунда эса собиқ тоталитаризм оқибатларини тугатиш асосида ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий давлатнинг уч кўриниши борлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Булардан бири, масалан АҚШ бўлса, уни позитив давлат деб аташ мумкин. Чунки у асосан корпорациялар манфаатини кўзлайди. Буюк Британияда эса ижтимоий таъминот давлати тарзида кўзга ташланади. Чунки у минимал даражада бўлсада, турмуш даражаси талабларини қондиришга алоҳида эътибор беради ва ниҳоят Швеция моделидаги ҳуқуқий давлат. Бу давлатни «ижтимоий фаровонлик давлати» деб аташади.

Ҳуқуқий давлат фуқаролар ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш ёрдамида унга устуворлик тамойилини беради. Қонун эса ҳеч қандай идорага қарашли, ҳаттоки бевосита ҳукуматга қарашли орган томонидан бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки вақтинча ҳам тўхтатиб қўйилиши мумкин эмас. Бундай ҳолат инсонда унинг ҳуқуқлари кафолатланганлиги ва ҳимояланганлигига ишонч туйғусини вужудга келтиради. Барча сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар конституция талабларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг учун қонунларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш тартибини такомиллаштириб бориш зарур. Бундай ҳолат демократик жараёнларнинг шаклланиб бориши учун кафолатланган жараён ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлатда халқнинг сиёсий фаоллигини узлуксиз ошиб бориши шароитида қонун одамлар манфаатлари ва ҳуқуқларининг мустаҳкам кафолати бўлади.

Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар қонунга итоат этишлари **иккинчи** муҳим тамойилдир. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Қонун устуворлиги қондаси унинг муҳим жиҳатидир.

Хуқуқий давлатнинг учинчи тамойили фуқаролар хуқуқларига тажовуз қилинишидан ҳимояланганлиги ва шахс эркинлигининг мустақкамланганлигидир. Хуқуқий давлатда шахс эркинлиги қонун асосида қафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда хуқуқий давлатни қуриш йўлида ҳам дадил қадам ташланмоқда. Бу республикада қабул қилинган Конституцияда ўз ифодасини топганлигида намоён бўлди. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталади. Унда умумий қоидалар ва фуқаролик масалалари билан бир қатор-фа фуқароларнинг шахсий хуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий хуқуқлари асослари мустақкамлаб қўйилган, уларнинг сиёсий хуқуқлари негизлари бевосита акс эттирилган.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг сиёсий хуқуқлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқароларнинг сиёсий хуқуқлари давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш, демократияни ривожлантириш, хуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги фаол иштирокини таъминлаш каби умумий масалалар билан бевосита боғлиқ.

Конституциянинг 32-моддасида республика фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш хуқуқининг икки шаклда бўлиши белгилаб қўйилган. Унда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади»,—деб белгиланган¹.

Фуқаролар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлашда ҳамда уларнинг фаолиятида иштирок этиш орқали ўз сиёсий хуқуқларини амалга оширади. Бу органлар жамоатчилик асосида ташкил этилиб, фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан фуқароларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 15-бет.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарда, қишлоқ ва шулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда икки ярим йиллик муддат билан барпо этилади ва янгилаб турилади. Ўзини-ўзи бошқариш тамойилининг кенгайтирилиши бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилаётган ҳозирги даврда давлатнинг жамиятдаги ролининг бирмунча ўзгариши ва айрим соҳаларда, ҳатто камайиши билан боғлиқ бўлиб, бу муаммони мамлакатимиз мустақил равишда ҳал этаяпти.

Фуқароларнинг мазкур органларини сайлаш ва уларнинг фаолиятида қатнашиш ҳуқуқининг катта аҳамияти бор. Чунки бу органлар зиммасига ўта муҳим вазифалар юкланган. Чунончи, республикамизнинг 1993 йил 2 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида шундай дейилади: ўзини-ўзи бошқариш органлари (фуқароларнинг йиғинлари ва уларнинг мансабдор шахслари) жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалиқ вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига қонунларни, Президент фармонларини, ҳукумат, халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради». Сўнгра мазкур Қонуннинг 5-, 13-моддаларида фуқаролар йиғинини чақириш, раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш чоғида фуқароларнинг бевосита иштирок этиш ҳуқуқлари баён этилган. Хуллас, ҳозирги босқичда маҳаллаларни жамоатчилик асосида бошқаришда фуқароларнинг бевосита қатнашиши уларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидир.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари референдумларда уларнинг бевосита иштирок этиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасида белгилаб қўйилганки, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Масалан, республикамизнинг мустақиллик Конституцияси лойиҳаси 1992 йилда икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Худди шундай тартибда Олий Мажлис тўғрисидаги Қонун лойиҳаси, Меҳнат кодекси ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари халқимиз

этиборига муҳокама учун тақдим этилди. **Биринчидан**, муҳокама жараёнида мутахассислар ва кенг халқ оммаси томонидан тушадиган таклиф ва мулоҳазалар мазкур ҳужжатлар лойиҳаларини такомиллаштириш имконини беради. **Иккинчидан**, бундай муҳокамалар халқнинг ҳуқуқий онгини билиб олишга, уларнинг хоҳиш-иродасини янада аниқроқ ифодалашга кўмаклашади.

Республика фуқаролари жамият ва давлат ҳокимиятида ўз вакиллари орқали иштирок этиши давлат ва жамоат бирлашмалари органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, яъни фуқароларнинг давлат ва жамоат органларига сайланган вакиллари уларнинг хоҳиш-иродасини, эркини ифодалайди, амалга оширади, уларнинг манфаатларини қўриқлайди, истакларини бажарилиши борасида фаолият кўрсатади.

Давлат бошқаруви фуқароларнинг энг олий даражадаги вакили Ўзбекистон Республикаси Президенти-дир. У давлатимизнинг Олий мансабдор шахсидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўз навбатида, Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили ҳамдир¹.

Амалдаги Конституцияга кўра халқ томонидан сайланадиган Олий Мажлиснинг 250, Қорақалпоғистон Жоқорғи Кенгесининг 75, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрининг 60 тадан, ҳар бир туман ва шаҳарнинг 30 тадан олмаган депутатлари давлат ҳокимият органларида фуқароларнинг қонуний вакиллари бўлиб, улар халқ номидан давлат вазифаларини адо этадилар.

Шунингдек, давлатнинг вакиллик ижроия ва суд органлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари фаолиятида фуқароларнинг, айниқса шу соҳадаги мутахассисларнинг бевосита иштироки ҳам уларнинг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш шаклидир.

Ҳуқуқий давлатнинг тўртинчи тамойили учинчисининг узвий давоми бўлиб, у давлат билан шахс ўртасидаги масъулиятни юзага келтиради.

Давлат ўз зиммасига фуқаролар олдида катта

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 29—30-бетлар.

масъулиятни олар экан, фуқаролардан ҳам ўз бурчларини катта масъудият билан адо этишларини назорат қилишга ҳақлидир.

Ҳуқуқий давлатнинг бешинчи тамойили қонунларнинг бажарилишини назорат қилишдир. Назоратнинг мавжуд органлари (прокурорлик назорати, арбитраж, ҳакамлар суди) ва Конституциявий суд кабилардир. Бу бир томондан, қонунларнинг фуқаролар томонидан ижро этилишини таъминлаб берса, иккинчи томондан, қонунларни муҳофаза этувчи органларнинг ўз ваколатларидан тўғри фойдаланишни йўлга қўяди. Шундай қилиб, фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда масъулият ҳамда ҳуқуқларнинг уйғун ривожланиб бориши демократик жараёнларнинг ривожланиб боришида ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланишида асосий роль ўйнайди.

**Сиёсий тизимда
сиёсий партиялар
ва жамоат
ташкilotлари**

Сиёсий партиялар маълум ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этиб, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда иштирок

қилади ёки уларга бевосита таъсир кўрсатади. Партиялар фаолиятига турли ижтимоий кучларнинг ўз ғоялари ва дастурлари атрофига бирлаштириш, аҳолига таъсир кўрсатиш, унинг сиёсий онгини шакллантириш хосдир.

Сиёсий партияларнинг энг асосий вазифаларидан бири давлат ҳокимиятига эга бўлишдир. Сиёсий партия, айниқса у етакчи партияга айланиб қолса, мамлакат сиёсий йўлини ва уни амалга ошириш, раҳнамолар танлаш ва ҳукумат муассасалари таркибини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Дунёда партиялар хилма-хилдир. Кўпинча улар ўз ижтимоий моҳияти ва вазифалари, ғоялари ва дастурларига, сиёсий тизимдаги ички тузулма ва ўрнига кўра бир-бирига ўхшайди ҳамда бир-биридан фарқ қилади.

Сиёсий партиялар тизими: а) бир партиявийлик; б) икки партиявийлик; в) кўп партиявийлик асосида амалга ошади. Ҳозирги замон политологлари кўппартиявийлик тизимларини афзал кўриб, уларни демократик ривожланиш талабига мос эканлигини ҳимоя қилиб чиқмоқдалар. Шунинг учун ҳам бир партиявийлик тизимидан кўппартиявийликка ўтишни демократия ривожланиши томон олға ташланган қадам деб қарамоқдалар. Жамиятнинг демократик характери мавжуд демократик институтларнинг тутган ўрни билан боғлиқлиги уни

демократик жараён сифатида қарашига асос беради. Аммо жамиятнинг демократик даражаси фақат партиялар сони билан белгиланмайди. Бир партиявийлик ёки кўппартиявийлик тизимларини вужудга келишига бир қатор конкрет—тарихий омиллар таъсир кўрсатади; чунончи, ижтимоий кучларнинг жой-жойига қўйилиши ва нисбати, жамоатчиликнинг мавжуд партиянинг (партияларнинг) фаолиятдан қониққанлиги ёки қониқмаганлиги, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзларининг сиёсий партияларини вужудга келтиришга тайёрлик даражаси, жамиятда устунлик қилувчи сиёсий маданият, демократик аъёналарнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва ҳоказолар.

Демократик ривожланиш тажрибасига, демократик аъёналарга эга бўлмаган жамиятда кўппартияликнинг шаклланиш жараёни шунчаки содир бўлмайди. Бунинг учун иккита вазиятга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Биринчидан, жамиятда кўппартиявийликни жорий қилиш учун бир партиявийликдан кўппартиявийликка ўтиш даври муқаррарлиги. Бу давр ичида биринчи навбатда, дастлабки партиялар тўғрисида қонун каби ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилади.

Иккинчидан, кўппартиявийлик тизимини нормал амал қилиши учун жамиятнинг таянч қадриятларини ривожлантириш, бу қадриятлар жамоатчилик фикри томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Зеро, турли хил қарашларга эга бўлиш мумкин, аммо партиялар фаолиятида умумий мақсадга хизмат қилишда ҳамжиҳатлик бўлиши даркор.

Шу ўринда дунё тажрибасига эътиборни қаратайлик. Ҳозирги саноатлашган жамиятда ҳокимият тепасига бирин-кетин чиқишда рақобатлашаётган партиялар борми? деган савол туғилади. Шубҳасиз бор. Уларнинг айримлари ўртасидаги рақобат жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилишнинг устунлиги, биринчи навбатда, ижтимоий манфаатларнинг таъмин этилиши давлат ҳокимиятини эгаллашга олиб борадиган йўлни очиб берадиган «иссиқ ўриндиқларни» тақсимлашдаги фаолиятлар билан боғлиқ.

Аммо етакчилик қилаётган партияларнинг ўзаро рақобатлари ҳукмронлик қилаётган ижтимоий қатламларнинг туб манфаатларига таъсир этмайди. Партиялар умуминсоний ва дунёвий тамойилларни сақлаб қо-

лишга, жамиятни ижтимоий ларзалар ва сиёсий можаролардан ҳоли этишда, сиёсий барқарорлик ютуғига ва консенсусга эришишда муҳим ўрин тутди.

Жамиятнинг аста-секин кўппартиявийлик шароитларига кириб бораётган ҳозирги ҳолатида жаҳон тажрибаларидан халқлар ва миллатимиз хусусиятларидан келиб чиқиш асосида фойдаланиш керак. Бу жаҳон мамлакатларида шаклланган кўппартиявийлик тажрибаларини сунъий равишда Ўзбекистон учун шунчалик қабул қилиш деган маънони билдирмайди. Шунинг билан бирга кўппартиявийликнинг вужудга келиши демократик жараёнларни шакллантиришнинг зарурий шарти эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Демократик давлат қуришни мақсад қилган Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг вужудга келиши учун барча қонуний асослар яратилгандир. Ана шунга мувофиқ бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам кўппартиявийлик тизими вужудга келди ва фаолият кўрсатмоқда.

Сиёсий тизимда давлат ва сиёсий партиялар билан бирга жамият ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатадилар. Жамоат ташкилотларига касаба уюшмалар, ёшлар, ижодий, маданий, илмий ва бошқалар киради. Улар ўзларининг моҳияти, сиёсий тизимда тутган ўринлари билан давлат ва сиёсий партиялардан фарқ қиладилар. **Биринчидан**, улар давлат мақомига эга эмаслар ва сиёсий ҳокимият учун кураш олиб бормайдилар; **иккинчидан**, улар мамлакат аҳолисининг барча қисмини ўзига бирлаштирмайдилар, балки маълум бир қисмини бирлаштирадидилар, **учинчидан**, улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва ҳужжатлар мамлакат аҳолиси томонидан мажбурий равишда бажарилиши мақомига эга эмас; **тўртинчидан**, улар сиёсий мақсадларни эмас, балки маълум гуруҳларнинг моддий, маданий, ижодий ва илмий соҳадаги манфаатларини қондиришни мақсад қиладилар.

Аммо жамоат ташкилотлари маълум бир ижтимоий гуруҳларни ўз атрофига бирлаштирганликлари ва уларнинг манфаатларини ифода этганликлари учун давлат фаолиятига ўзларининг таъсирини ўтказадилар. Шунинг учун давлат жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади ва уларнинг таъсирчанлик имкониятларидан фойдаланади.

Сиёсий тизимни такомиллаштиришда кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва жамоат ташкилотлари-

нинг фаоллигининг ошиб бориши катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам демократик жараёнларни ривожлантиришни мақсад қилган мамлакатларда бу омилларнинг фаоллигининг ошишига муҳим вазифа сифатида қараб келинмоқда.

Сиёсий тизим ва сиёсий муносабатлар Сиёсий муносабатлар инсонлар, турли ижтимоий кучлар билан давлат ўртасидаги муносабатлардир. Улар ўртасидаги миллатлараро муносабатлар сиёсий тизимнинг ижтимоий асосини ташкил қилади ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини акс эттиради.

Сиёсий муносабатлар сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнида, раҳбарлик ва бошқарув органларини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларга бўлган таъсирида вужудга келади. Шунингдек, улар сиёсий тизимнинг моҳияти ва вазифаларини, сиёсий ҳокимиятнинг амалга ошириш услубларини, ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий тамойиллар ва нормалар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисмидир. Улар сиёсий тизимнинг норматив асосларидан иборат. Уларнинг бир-бирларидан фарқи сиёсий идора қилиш усулларига боғлиқ. Белгиланган нормалар асосида сиёсий тизимни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий муносабатлар тартибга солиб турилади. Тўғри, ҳар қандай жамиятда устуворлик қилаётган сиёсий тамойиллар ва нормаларга риоя қилишни истамайдиган ижтимоий кучлар ҳам бўлади. Ўз навбатида, ўша тамойиллар ва нормалар ёрдамида сиёсий ҳаётнинг ҳамма иштирокчилари амал қиладиган сиёсий ҳаётнинг қарорларини асослаб бериш ва ўзига хос бўлган тартиб нормалари аниқлаб олинади.

Жамиятнинг сиёсий тизими муайян сиёсий кучлар ва партияларнинг сиёсий онги ва сиёсий маданиятида ўз ифодасини топади. Улар, аввало сиёсий ҳаёт иштирокчиларининг конкрет ижтимоий ва сиёсий амалиётининг таъсирида вужудга келади. Сиёсий мафкура сиёсий онгда муҳим ўринни эгаллайди. У инсон сиёсий руҳиятини ўзгартириш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

Сиёсий мафкура сиёсий партиялар манфаатларини энг мужассам кўринишда намоён қилади, уларнинг ижтимоий тараққиётдаги, хусусан жамиятнинг сиёсий тизимидаги ўрни ва ролини асослаб беради. У маълум

ижтимоий гуруҳлар, кучларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий дастурларининг концептуал асосий вазифасини бажаради, устувор йўлни танлашга, сиёсий қарорларни ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига, сиёсий қарашларга таъсир ўтказиши. Сиёсий мафкура жамият сиёсий тизимида сиёсий кучларни бирлаштириш ёки беқарорлаштириш ёхуд жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин.

Сиёсий тизим, биринчидан, жамоатчилик фикрини инобатга олиши, уни амалга ошириш механизмини яратиши лозим. Сиёсатни ёки қарорни жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмай мажбуран қабул қилиш кутилган самара бермайди. Унда (М: Тоталитар тизими) уларни амалга ошириш учун мажбурлаш, жазолаш ва қатоғон қилиш кабиларга эҳтиёж туғилади. Бунга шунингдек, мустабид тузум вақтида вужудга келтирилган маъмурий-буйруқбозлик тизими мисол бўлади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш учун, сиёсий қарорлар кутилган натижа бериши учун юқорида амалга ошириладиган ҳамма тадбирлар жамоатчилик фикрини ва мақсадларини инобатга олган ҳолда қабул қилиниши керак. Токи қабул қилинаётган ҳамма қарорлар жамоатчилик томонидан кутилган манфаатларга жавоб берсин. Шундай қилиб, сиёсий тизимни нормал амал қилиши учун «кўзгу» керак. Шундай ўзига хос ролни жамоатчилик фикри ўйнайди.

Кенг халқ оммаси фикрини сўраш элнинг буюк вакиллари, донишманд шахслар мулоҳазалари асосида иш юритиш соҳибқирон Амир Темур салтанати даврида айниқса, кенг тус олган эди. У жамоатчилик фикрининг беқиёс катта кучга эга эканлигини чуқур англаган давлат арбоби, уни шакллантириш ва мақсадга беҳато йўналтириш қобилиятига эга улуғ салоҳият соҳиби ҳам эди. У кўп марталаб ўзидан 5—6 ва ҳатто 10 ҳисса ортиқроқ куч қўшинга эга бўлган рақиблар устидан ғолиблик қилишда, катта-катта мамлакатларни забт этишда юксак руҳий пафос, музаффар қўшиннинг жўшқин фикри, ишонч кучидан фаол фойдаланар эди.

Буюк соҳибқирон жамоатчилик фикрини уйғотиш ва уни фаоллаштиришда руҳ кучини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Амир Темур мамлакат халқларини осойишталик, меъёр даражасидаги фаровонликда ҳаёт кечиришларини

таъминлаш, миллий, ирқий камситишларга чек қўйиш, ислом қондалари ва қонун устуворлигини таъминлаш муаммолари устида жиддий фаолият юргизди. Бунда унинг қомусий билимдонлиги, юксак салоҳият, лозим бўлганда ҳаёт истиқболларини башорат қилиш намуналарини намойиш этганлиги бугунги кунда янги демократик тамойилларга асосланган давлат қуриш сиёсатини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг сиёсий тизими сиёсий ташкилотлар, муносабатлар, сиёсий онг ва сиёсий маданият билан тугамайди, унинг яна шундай таркибий қисмлари (сиёсий идора қилиш усуллари ҳам шулар жумласига киради) ҳам борки, уларни ҳисобга олиш, сиёсий ўзгаришларни чуқур англаб олиш зарур. Улар орасида шахсларнинг сиёсийлашуви алоҳида ўрин эгаллайди. Сиёсийлашув тушунчаси — жамият сиёсий ҳаётида демократиянинг шаклланиши, фикрлар хилма-хиллигининг устуворлиги учун ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва унинг реал ҳаётга тадбиқ қилина бориши шароитида шахсларнинг сиёсий фаоллигининг ошиш жараёнини англатади.

Шахсларнинг сиёсийлашуви жамият ҳаётида сиёсий муносабатларни янги босқичга кўтаради ва бу жараён сиёсий тизимнинг ҳам такомиллашиб боришига ўзининг таъсирини ўтказиб боради.

Шундай қилиб, жамиятнинг сиёсий тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шарти эканлигини ҳисобга олиб, жамият ҳаётида фуқароларнинг фаол иштирок қилишларига эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиёсий тизим нима?
2. Сиёсий тизимда давлатнинг ўрнч нимадан иборат?
3. Сиёсий тизимда сиёсий партияларнинг ўрни нимадан иборат?
4. Жамоат ташкилотларига нималар киради, уларнинг мақсадлари ва вазифалари нимадан иборат?
5. Сиёсий муносабатлар нима?
6. Фуқаролар сиёсий тизимни такомиллаштиришда қандай шароитларда қатнашишлари мумкин?

СИЁСИЙ ҲОКИМИЯТ

Политологияда «ҳокимият» тушунчаси сиёсий инсти-тутлар, ҳаракатлар ҳамда сиёсатнинг моҳиятини тушуниб олишда муҳим ўрин тутлади. Ҳокимият ва унинг хусусияти ижтимоий муносабатларга, сиёсат ва сиёсий муносабатларга бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳокимият
тушунчаси

«Ҳокимият» нисбатан кенгроқ тушун-ча бўлиб, турли фан соҳалари уни турлича талқин этадилар. Масалан, табиатшунослар «табиат устидан ҳокимият», философ-лар «жамият қонунлари устидан ҳокимият», социолог-лар «ижтимоий ҳокимият», партиялар «ўз ҳокимияти», педагоглар «ойлавий ҳокимият», психологлар «инсоннинг ўз ҳокимияти» тўғрисида фикр билдирадилар.

Политологияда кўпроқ ҳокимиятнинг биологик, ан-тропологик, психологик, социологик ва фалсафий тал-қини ишлатилади ва ҳокимият тушунчаси орқали турли субъектларнинг бир-бирига сиёсий таъсири назарда тутилади. Маълумки, адабиётларда «ҳокимият» тушун-часига турли хил ёндашиш мавжуд. Булар бихевиорис-тик, илоҳий, инструментал, структурали, функционал ва конфитология каби нуқтаи назарларда ўз ифодасини топган.

Ҳокимият муаммолари ҳозирги замон ғарб полито-логларининг ҳам диққат марказида турибди. Ҳокимият назариясининг ишлаб чиқилишига В. Парето, Г. Моска, Р. Михельс ва бошқалар ҳам сезиларли ҳисса қўшди-лар. Айниқса, М. Вебер катта ҳисса қўшди. У ҳокимият-нинг мазкур ижтимоий муносабатлар ичида ўз ифодаси-ни ҳар қандай имкониятлар асосида амалга оширишини тушунган.

Ҳокимият назариясини ишлаб чиқишга бўлган қи-зиқиш бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби, инсоният тараққиёти қайси даражага кўтарилса ҳам ҳокимиятнинг моҳияти ва мақоми такомиллашиши мумкин, аммо батамом барҳам топиши муаммолигича қолиб келмоқда.

Ҳокимият ўз моҳияти ва мақомига кўра раҳбарлик ва ҳукмронлик қилиш муносабатларини ифода эттирув-чи тушунчадир.

Политологияда сиёсий ҳокимият асосий мавзу ҳи-сбланади.

Сиёсий ҳокимият тушунчаси ва унинг тузилиши

Сиёсий ҳокимият маълум ижтимоий гуруҳлар ёки алоҳида олган шахснинг сиёсий иродасининг, одамларнинг катта гуруҳлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни амалга ошира олиш қобилиятининг ўзига хос шаклидир. Сиёсий ҳокимият ижтимоий гуруҳлараро муносабатга эгалик қилиш ва уларга ўз таъсирини ўтказишдир. Ижтимоий тараққиёт мазкур мураккаб ҳодиса тушунчасига жиддий тузатишлар киритди. Бунда сиёсий ҳокимият ва ижтимоий ҳаётнинг вужудга келиши ва намоён бўлиши манбасини ҳар хил тушунишни аниқ кузатиш мумкин.

«Сиёсий ҳокимият» тушунчасини фуқаролик ва сиёсий жамият алоқадорлигида кўрилса, унинг муҳим жиҳатлари аниқ намоён бўлади.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: биринчидан, ҳукмронлик муносабатларининг субъекти ва объектининг мавжудлиги, иккинчидан ҳокимиятни амалга оширувчининг фаолияти, учинчидан, бўйсундиришни амалга оширувчи механизм, тўртинчидан, ҳокимият субъекти салоҳиятларини мустаҳкамлаб қўядиган нормалар.

Сиёсий ҳокимиятнинг мавжудлиги унинг соҳибига ижтимоий муҳим мақсадларини аниқлаш, ижтимоий можароларни ҳал қилиш, қарорлар қабул қилиш имкониятини беради. Сиёсий ҳокимиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: қонунлар чиқариш, бошқариш ва уни ташкил қилиш, назорат ўрнатиш, бир ижтимоий гуруҳларнинг бошқалар устидан мутлоқ ёки нисбатан ҳокимиятга эгаллиги билан боғлиқ.

Сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ҳукмронлик, раҳбарлик, бошқариш, мувофиқлаштириш, ташкилотчилик ва назорат қилиш шаклларида намоён бўлади.

Ҳокимиятни бошқариш ҳам тарихий тараққиётнинг турли босқичларида ҳар хил шаклларда бўлиши мумкин. Бу давлатларнинг ривожланиш даражалари, улардаги мавжуд тузум, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлари билан боғлиқ бўлади.

Ҳокимиятни бошқариш унинг қайси шаклда бўлиши билан эмас, балки унинг фуқаролар манфаатларини ифода эттириш ва ҳимоя қилишдаги мазмуни билан белгиланади.

Бугунгача жаҳон мамлакатларида сиёсий ҳокимият-

ин амалга ошириш тажрибалари кўрсатадики, у икки монархия ва республика шаклида бўлиши мумкин.

Монархия ҳокимиятнинг якка бир киши томонидан бошқариладиган шакли бўлиб, у ҳам икки, яъни бошқарувчининг ҳуқуқлари конституция билан чеклаб қўйилиши (конституцион монархия) ёки унинг ҳуқуқлари чекланмаган (мутлақ монархия) кўринишларида намойиш бўлиши мумкин. Бугунги кунда ҳокимиятни бошқаришнинг бу шаклига бир қатор давлатларда амал қилинмоқда.

Республика — ҳокимиятни сайлов асосида бошқаришнинг шакли ҳисобланади. Бу шаклда давлат бошлиқларини сайлаб қўйиш, давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти ҳам фуқаролар томонидан сайлаб қўйилади ва бу демократик тартиботларнинг ривожланиб боришида ижобий рол ўйнайди. Аммо бошқаришнинг республика шакли ҳам аристократик ёки демократик йўналишда бўлиши мумкин. Аристократик кўринишида демократия чекланган бўлиб, ҳокимият идораларига бўладиган сайловларда фақат аслзода ва бойлар иштирок қилиши таъминланган бўлади. Демократик кўринишида сайловда аҳолининг барча қатламларининг иштирок қилиши қонун билан кафолатланган бўлади. Ҳокимиятни бошқаришнинг демократик кадриятларга асосланган шакли бугунги кунда кенг ривожланиб бормоқда.

Сиёсий ҳокимият билан бошқаришнинг, жамиятни бошқаришнинг ўртасида ўзаро муносабат бўлади. Албатта, бошқарувсиз ҳокимият амалда бўлмаганидек, сиёсий ҳокимиятсиз тўлақонли бошқарув ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бошқарув сиёсий ҳокимиятга нисбатан кенгроқ. Сиёсий ҳокимият бошқарувнинг таркибий қисми, бошқарув кучининг манбаидир.

Сиёсий ҳокимият ижтимоий ҳодиса тарзида оддий таъсир этишга, нисбатан унинг ҳукмронлик қилиш иродаси устунроқ бўлган жамиятнинг ички тузилишига хос фазилатдир.

Жамиятни бошқариш ва ташкил қилиш орқали сиёсий, иқтисодий ва бошқа дастурлар амалга оширилади. Бошқариш бу ҳокимият салоҳиятларини бошқарув объектларининг аниқ бир мақсадга йўналтирилган қоидаларини шакллантиришдан иборатдир. Бошқариш объектларни (меҳнат жамоалари, синфлар, миллатлар, туман

аҳоли ва ҳ.к.) бир-бирига энг мақбул таъсир этишларини таъминлаб туриши лозим. Раҳбар ва бошқариш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Масалага бундай ёндашиш сиёсий тизимнинг турли бўғинлари орасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўғри тақсимлаш имконларини беради.

Бошқарувчилар билан бошқарилувчи ўртасидаги муносабат ҳар қандай цивилизациялашган жамиятга хосдир. Вақт ўтиб бориши билан бошқариш функциялари соддалашиб қолмайди, чунки ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш фаолияти узлуксиз такомиллашиб боради. Шунинг учун бошқаришга банд бўлган кишиларга нисбатан профессионал, психологик, маънавий ва бошқа сифатлар нуқтаи назаридан бўлган талаб борган сари ошиб бораверади. Ўз даврида америкалик политолог Гайт Милес бошқаришнинг ривожланиш жараёнини тасниф қилар экан, бошқариш вазифаларини амалга оширадиган «сиёсий элита» танлаб олинган гуруҳлар тўғрисидаги тушунчаларга асосланади. Уларнинг эгаллик қилиш асосини бойлик ва мулк эмас, аксинча сиёсий ҳокимият ташкил қилади. «Сиёсий элита» вакиллари сиёсий фаолиятда ютуққа эришиш мақсадида баъзан жорий моддий аҳволларида ютқазиб қўйишлари ҳам мумкин. Аммо уларнинг мазкур ижтимоий тоифага мансуб эканлиги уларга қонуний ва кафолатланган жиддий имтиёзлар беради. Собиқ «коммунистик» номенклатура эса, аксинча ташаббуссиз, содиқлик, юқорининг буйруқлари итоаткорларига асосланган эди. Номенклатурага кириш назорати анча жиддий бўлиб, марказ манфаатларига бўйсундирилган эди.

Мамлакатимизда сиёсий мустақилликка эга бўлиш, сиёсий жамият ва дунёвий давлат қурилиши анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролик ва сиёсий жамият муносабатлари бой давлатчилик тарихимиз, миллий анъаналаримиз асосида, унга таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимияти турлари вужудга келганлиги фуқаровий жамиятни шакллантириш учун кенг имкониятларнинг яратилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Давлат ҳокимиятининг бундай бўлиниши фуқароларнинг сиёсий ҳокимиятни бошқаришда фаоллигини оширади, уларнинг

дар бири ўзининг қонунда белгиланган вазифаларини бажариши ҳокимиятнинг бошқарув, ижро ва раҳ-бирлик қилиш механизмларининг барқарор ишлашини таъминлайди.

Ҳокимият ва
сиёсий
манфаатлар

Ҳамият сиёсий манфаатлар билан узвий боғлиқ бўлади. Манфаат инсон ёки турли гуруҳларнинг ҳар қандай кўринишидаги фаолиятини ишга солади. Бу ҳокимият вазифасини бажаришга дахлдор, зеро бундай кўпчилик ижтимоий гуруҳлар манфаати ва эҳтиёжларини уйғунлаштиришни тақозо этади. Бундай бўлиши табиий ҳолдир, чунки мазкур ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг турли хил бўлиши сабаблари уларнинг ишлаб чиқаришда, умуман, жамиятда ўрни бир хил эмаслигидадир. Сиёсий манфаатлар жамиятнинг объектив имкониятларини маълум меъёردа тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда қондириш ҳаракатларига тўртки бўлади. Турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини уйғун ҳолда амалга ошириш эса ҳокимиятнинг вазифасидир. Гуруҳий манфаатлар орасидан сиёсий ҳокимиятга энг кўп таъсир этадиган манфаатларни ажратиб олиш жоиздир. Улар жумласига кишиларнинг тарихан турли ижтимоий бирликлари, синфлар, ижтимоий тоифалар, гуруҳлар манфаатлари: миллий ва этник манфаатлар, оила манфаатлари, ижтимоий гуруҳларнинг турмуш тарзлари, меҳнат фаолиятлари (жинслари ва ёшларининг хусусиятларига боғлиқ), демократик гуруҳлар манфаатлари, диний гуруҳлар манфаатлари, умуминсоний, она заминимизда яшаш шароитларини сақлаш ва бошқа манфаатлар. Сиёсий манфаатлар, жамиятнинг сиёсий тузуми, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳамда давлатлараро муносабатлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади, чунки XX асрнинг охирига келиб инсониятни жаҳон ҳамжамиятига бирлашиш имконияти юзага чиқди ва у жаҳонда инсониятнинг умумманфаатлар атрофига бирлашишларига интилишларини кучайтирмоқда.

Бугунги кунда мамлакатлар ва халқлар ер шарини қамраб олган муаммоларни ҳал қилиш учун бутун кучни ишга солиш зарурлигини тобора кўпроқ англаб етмоқдалар. Зеро, инсониятнинг тақдири ердаги ҳаёт муаммоларини ҳал қилинишига боғлиқ бўлиб қолди. Бу умуминсоний манфаатларнинг синфий ва бошқа гуруҳий

манфаатлардан амалда устувор эканлигини ҳаётнинг ўзи, сиёсий ривожланиш жараёни кўрсатиб турибди.

Ҳокимиятни амалга ошириш механизми Ҳокимиятни амалга ошириш механизми ҳар хил бўлиб, ҳокимиятнинг ҳар бир тури жамият билан алоқасининг аниқ механизмига ва уни амалга оширадиган ўз усулига эгадир.

Тоталитар жамият сиёсий ҳокимиятнинг якка ҳокимлигига зўравонлик ва синфийлик тамойилига асосланиши маъмурий-буйруқбозлик, фуқаролар эркинлиги поймол этилганлиги билан характерланади. Кишиларнинг барча ҳаётий фаолиятлари давлат томонидан қатъий белгилаб қўйилган бўлади. Бунинг устига кишилар фаолияти назорат қилинади. Жамиятга бўйсунининг юқоридан пастга йўналтирилган қатъий тизими амал қилади. Кишиларнинг фуқаровий жамиятга хос бўлган қадриятларининг барча шакллари бузилади.

Сиёсий ҳокимият барча даражада (одатда бир киши ёки ҳукмрон табақаларга тегишли бир нечта кишилардан) ёпиқ яширин шакллантирилади.

Истиқболда бундай ҳокимият инқирозга юз тутаяди. Тоталитар ҳокимият якка диктатор фаолиятида мужассамлашади.

Авторитар ҳокимият бир кишининг ёки маълум гуруҳнинг қўлида тўпланаяди. Мабодо сиёсий манфаатлар тўқнашуви оқибатида авторитар ҳокимиятга хавф туғдирилса у ҳолда «темир қўл» унинг олдини олади. Бунда ҳокимият билан жамият муносабатларида ҳокимият сиёсатда ҳеч қандай муросаларга йўл қўймайди. Тарихий шароитлар сабабли ривожланишда секинлашиб қолган барча мамлакатлар авторитаризми ўз бошларидан кечирадилар. Кейинчалик мамлакатлар ривожидан авторитаризм ҳокимиятнинг демократик институти билан алмашганлигини кўрамайди.

Либерал демократик ҳокимият турли сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳлар мулоқотига амал қилади, уларнинг қарорлар қабул қилинишига иштирок этишларига йўл қўяди. Бунда «ҳокимиятни алмаштиришга олиб келмайдиган ҳамма нарсага рухсат этилади» тамойилига қатъий риоя қилинади. Давлат ҳокимият ва бошқарув органларини муқобиллик асосида сайлаб қўйишга ижозат беради. Лекин либерал ҳокимият бундай эркинликларни маълум доира ичига жойлаштиришга, бу доиранинг оммага таянган ҳолда эски тартиб-

ларини қайта тиклашига йўл қўймасликка ҳаракат қилди.

Демократик ҳокимият ҳуқуқ ва эркинликлари қафо-литланган фуқароларнинг кенг иштироклари билан характерланади. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда «қонун тақиқламаган ҳамма нарсага руҳсиз этилади» тамойилига амал қилинади.

Демократия — бу умуминсоний қадрият, башарият цивилизациясининг қўлга киритган улкан ютуғи эканлигини, у турли манфаатларни бир бутун қилиб бирлаштиришига қодир эканлигини ҳаёт кўрсатди. Ҳокимиятларнинг самарали демократик механизмларига эга бўлган ҳозирги замоннинг ривожланган мамлакатлари турли хил инқирозларни нисбатан енгил бартараф этмоқдалар.

Ҳокимиятнинг таснифида икки йўналишни ажратишга амал қилиш лозим: сиёсий қарорларни қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш; сиёсий қарорларни ҳокимият учун курашиш мақсадида ёки сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш учун қабул қилиш.

Бунда ҳокимият субъекти яқин келажакда бажариладиган ва стратегик мақсадларни ҳисобга олиб, энг қулай шароитни вужудга келтирадиган сиёсий қарорлар қабул қилади. Бу истиқболдаги ривожланишни, кучларнинг умумий жойланиши турли ижтимоий гуруҳлар, миллатларнинг узоқ муддатли манфаатлари билан мослаштирилишини англатади. Айни пайтда қабул қилинаётган қарорларнинг моҳияти маълум вақт ўтиши билан аён бўлади. Шунда сиёсатнинг инсонпарвар табиати демократик тамойиллар асосида кўринади.

Давлат ҳокимиятининг барқарор ишлаши, унинг умумманфаатларни рўёбга чиқаришида сиёсий етакчи катта роль ўйнайди. Бунинг учун эса сиёсий етакчининг ўзи ҳам ҳокимиятни идора қилиш салоҳиятига эга бўлиши лозим бўлади.

Сиёсий раҳбарнинг етакчи сифатида муваффақияти ёки ҳокимиятга эга бўлиши қуйидаги шартларга боғлиқ: қўйилган вазифаларнинг ҳал қилинишига воситалар ва кучларни сафарбар эта олишлик қобилиятлари, стратегик мақсадларни амалга оширишга турли кучларнинг манфаатларини уйғун кўриш, амалга оширилаётган сиёсат жамият аъзоларининг мумкин қадар кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш; зеро, миллий ҳамжиҳатликка эришиш, турли ижтимоий тоифа ёки гуруҳнинг манфаати йўлида ҳаракат қилиш, мамлакат ол-

дида турган вазифаларни аниқ тасаввур этиш ҳамда унинг тўғри йўлини белгилаш. Булар сиёсий ҳокимиятнинг легитимлигини оширади.

Сиёсий амалиёт етарли даражада ҳамжиҳатликини сақлай оладиган ва инсонлар манфаатларини ҳимоя қила оладиган давлат ҳокимиятини қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига ажратиб, унинг барқарор механизмни ҳосил қилди. Бундай тамойилдан чекинши ҳокимиятнинг ўзбошимчалигига, зўравонлик қилишига йўл очади.

Ҳокимият механизмни амалга оширишда сиёсий етакчи муҳим роль ўйнайди. Агар у замоннинг асосий ғоясини тушуниб, ўз ишларини улар билан мувофиқлаштирсам жамият аъзолари бундай раҳнамони қўллаб-қувватлайди ва аксинча, лидер, қанчалик эзгу ниятларга амал қилмасин унинг тескараси бўлиши табиий.

Демократик фуқаролик жамиятлари олдида бундан буён зикр қилинган ҳодисаларнинг пайдо бўлишини олдини оладиган механизмларни вужудга келтириш муҳимдир.

Бундан ташқари, фуқаролар фаоллигини ошириш ҳам сиёсий ҳокимият механизмларининг барқарор ишлашининг зарурий шarti ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам республикаимиз Президенти уни янги жамият қуришининг муҳим вазифаси сифатида қўймоқда. У: «Ҳокимият тизимларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун давлатни бошқаришда иштирок этиш ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашишига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак» — деб таъкидлайди.¹

Ошкоралик, объектив ахборот, мансабдор шахслар фаолиятини самарали назорат қилиш, ҳокимиятнинг сиёсат ва унда иштирок этишни шакллантириш жараёнига мумкин қадар таъсир этиш имкониятларини яратиб берадиган демократик институтларни вужудга келтириш шундай механизмлардан иборатдир. Кучли ҳокимият

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари «Ўзбекистон». 1997, 173—174-бетлар.

Ҳақини жамиятга қарши қўймайди, аксинча унинг имкониятларини мумкин қадар юзага чиқишига асосланади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ҳокимият нима?
2. Сиёсий ҳокимиятнинг асосий белгилари нимада?
3. Ҳокимият билан бошқарув қандай фарқланади?
4. Сиёсий элита нима?
5. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши нимада?

6-м авзу

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР

Сиёсий партия
тушунчаси

Сиёсий партия мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини, воқеаларни олдиндан билиб олиш, мавжуд сиёсий жараёнларга, инсонларнинг ҳаётига бевосита дахлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда халқнинг фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатда сиёсий партия бўлмаса, демократиялашиш жараёнларида халқни иштирок этиши, уларни уйғотиш, ҳаракатга келтириш мумкин эмас. Турли сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан сиёсий гуруҳлар фаолиятини умумдават манфаатлари даражасида жипслаштириш орқали хавфсизлик, барқарорлик ва танлаган йўлдан оғишмаслик мумкинлигини англаб етишда ҳам сиёсий партиянинг ўзига хос ўрни бор. Бундан ташқари, сиёсий партиялар, дунё тараққиётидаги демократик жараёнлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга тенг имкониятлар яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштирок этишлари ҳам шу мамлакатдаги сиёсий партияларнинг ташкилий уюшганлик, умумсиёсий фаоллик даражалари билан ҳам боғлиқ бўлади.

«Партия» сўзининг келиб чиқиши лотинча бўлиб, «қисм», «бўлак» маъносини билдиради.

Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастурий йўл-йўриқларининг ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий

партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боғловчи бўғин бўлган демократик институтга тезроқ айланиши гоёят муҳимдир¹.

Сиёсий партия жамиятнинг бир бўлаги бўлиб, у муайян мақсад, гуруҳ ёки қатламнинг мақсад ва манфаатларини ифода этган ҳолда, уни умумдавлат ва умуммиллат манфаатлари, мақсадлар ва вазифалар билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият кўрсатадиган, ривожланишнинг сиёсий йўналишларини аниқлаб берадиган сиёсий ташкилотдир.

Жамиятда сиёсий партиялар хилма-хил бўлиши мумкин. Уларнинг сиёсий мақсад ва вазифалари дастурларида ўз ифодасини топади. Дунёдаги сиёсий партиялар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўз мазмуни ва мақсадига кўра партиянинг сиёсий мақсади сиёсий ҳокимият учун кураш фаолиятидан иборат.

Аммо турли мамлакатлардаги партияларнинг мақсадларининг, танлаган йўлларининг хилма-хил эканлиги бу партияларнинг мамлакатлардаги сиёсий ўрни ва мақсади билан боғлиқ. Шунинг билан бирга мамлакатларда мавжуд бўладиган ҳамма партияларни ҳам етакчи партия деб айтиб бўлмайди.

Мамлакат аҳолисини ўз орқасидан эргаштириб, умуммақсадларга йўналтиришга қодир бўлган партияларгина етакчилик мақомини олади.

Партиялар ўз сиёсий мақсадларини амалга оширишда турли хил йўлларни танлашлари мумкин.

Партия жамият ҳаётини демократиялаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни амалга оширишда ўзига хос ўринга эга бўлади ҳамда муайян функцияларни бажаради. Улар: **биринчидан**, жамоатчилик фикрини шакллантириш; **иккинчидан**, сиёсий фаолиятда иштирок этиш; **учинчидан**, фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; **тўртинчидан**, сиёсий етакчиларни тарбиялаш; **бешинчидан**, парламент ва ҳукумат фаолиятига таъсир кўрсатиш;

¹ *Н. Каримов*, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997, 174—175-бетлар.

Олтинчидан, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этиш; еттинчидан, давлат ҳокимият органлари ва халқ ўртасида узиий алоқа боғлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш.

Партия дастурлари аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлади. Уларни иккига бўлиш мумкин: ички ва ташқи функциялар. Ички функциясига: 1) жипс-лаштирувчи; 2) мувофиқлаштирувчи; 3) рағбатлантирувчи; 4) етакчиликка интилиш; 5) ўз мавқеига мослиги (лигитивлиги). Ташқи функциясига: 1) тарғибот ва ташвиқот; 2) маълум сиёсий йўналишга мослаштириш; 3) сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик кабилар киради.

Партия тизимининг шаклланиши қу-
Партия тизимлари йидагилар асосида ифодаланади: а) анъаналар ва тарихий омиллар; б) ижтимоий-иқтисодий омиллар; в) мафкуравий омиллар; г) техникавий омиллар ва ҳ.к.

Партия тўғрисида ахборот манбалари: а) кундалик рўзномалар; б) телевидение; в) партия рўзномаси; г) радио эшиттириш; д) партия тўғрисидаги хабарлар; ж) партия мажлислари; е) партия етакчилари билан суҳбат; з) ўзаро мулоқотлар бўлиши мумкин. Фуқаролар ана шулар орқали партиялар тўғрисида дастлабки маълумотларга эга бўладилар. Бу партияларнинг етарли даражада мавқеини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар

Ҳозир жамиятнинг сиёсий ҳаётида партиялар билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ҳам иштирок этмоқда. Шундай ташкилот ва ҳаракатларга бирлашишнинг ҳуқуқий асослари Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида эълон қилинган ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган.

Жамоатчилик ташкилотлари ва ижтимоий ҳаракатлар ўртасидаги фарқ нимада, деган савол туғилади.

Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар экологик, сиёсий ва маънавий манфаатларни қондириш ва ҳимоя қилиш мақсадида вужудга келган мустаҳкам бирлашмалардир.

Сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ жамоатчилик бирлашмалари ўз олдиларига сиёсий вазифаларни биринчи мақсад қилиб қўймайдилар. Инсонлар манфаатларининг турли-туманлиги хилма-хил ташкилотларни вужудга келтиради. Чунончи, партиялар, касаба уюш-

малари, жадидлар (Туркистонда) ва бошқалар; профессионал (касбкорлик) — касаба уюшмалари, ҳунармандлар уюшмалари, зиёлилар иттифоқлари, илмий жамиятлар, маънавий клублар, маданий-маърифатчилик жамиятлари, ҳаваскор ансамбллар ва халқ театрлари, диний жамоалар, коллекционерлар иттифоқлари кабилар шулар жумласидандир.

Ижтимоий ҳаракатлар инсонлар турли гуруҳларининг манфаатларини ўзида ифодаловчи кишиларнинг ўзига хос уюшмасидир.

Ижтимоий ҳаракатларни ажратиб турадиган белгилар оммавийлик, ихтиёрийликда аниқ кўринади. Ўз йўналишлари маъносида айрим ҳаракатлар мустақкам эмас. Масалан, Ўзбекистонда «Бирлик» ҳаракати қайта қуришга кўмаклашиш мақсадида бошланган эди. Улар кўтарган муаммолар собиқ тоталитар тузум даври сиёсати билан боғлиқ бўлган мерос сифатидаги муаммолар эди. Аммо кўп ўтмай улар миллий қадриятларимиздан чекиниб кетиб, барҳам топди. Ҳаракатларнинг асосий мақсадлари кўпинча энг умумий қоидалар ёрдамида шакллантирилади: озодлик, адолат, миллий уйғониш, мустақиллик, табиатни муҳофаза этиш ва бошқалар. Бу эса кишиларнинг катта оммасини ўз томонларига бирлаштириш имконини вужудга келтиради. Ҳаракатларнинг айрим қисми, масалан, касаба уюшмалари, ёшлар, тинчлик тарафдорлари (улар ҳозирги кунда ўзларининг аввалги аҳамиятларини анча йўқотганлар, бунга собиқ социалистик лагернинг барбод бўлганлиги сабаб бўлди).

Сиёсий партиялар билан ҳаракатларнинг ўзаро муносабатлари ҳар хил. Баъзи бир ҳаракатлардан сиёсий партиялар вужудга келади. Масалан, коммунистлар, социал-демократлар, деҳқонлар ва кўпчилик миллий партиялар худди шундай ҳаракатлар асосида вужудга келган эдилар. Аксарият ҳолларда бу ҳаракатлар сиёсий партияларнинг таянчи бўлиб хизмат кўрсатиши ҳам мумкин.

Бошқа ҳаракатлар расман маълум партияларга интизмасаларда, улар ўзларининг шахсий таркиби ва фоялари билан боғланганлар.

Шундай қилиб, ижтимоий гуруҳлар, жамоат ташкилотларининг вужудга келиши умумбашарий тараққиётнинг муҳим жиҳати ҳисобланади, чунки хилма-хил ташкилотлар, ҳаракатлар ва бирлашмалар орқали инсон эр-

миллиги билан жамиятнинг демократик ва инсонпарварлик даражаси намоён бўлади.

Ўзбекистон
Республикаси ва
кўппартиявийлик

асослар, нормалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли ўзига хос сиёсий тизим ва кўппартиявийлик тамойилига амал қилиб, уни амалга оширишда дунёвий ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқда.

Янги жамият қуришнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийликнинг адолатли, демократик фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омили сифатида жамият сиёсий тизимидан чуқурроқ ўрин олишига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Демократик жараёнларнинг чуқурлашувида сиёсий партиялар муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида янада фаолроқ иштирокини таъминлаш тадбирлари белгиланмоқда.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда ҳам кўппартиявийлик тизими вужудга келди. Бугун Ўзбекистонда «Ўзбекистон халқ демократик партияси», «Ватан тараққиёти партияси», Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси», «Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси» ҳамда Халқ бирлиги ҳаракати фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида махсус «Жамоат бирлашмалари»га бағишланган боб мавжуд бўлиб, унда «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқли имкониятлар яратиб беради» деб белгилаб қўйилган¹.

Ўзбекистонда ташкил топган янги партиялар ҳали етарли сиёсий тажрибага эга эмаслар. Бундан ташқари, давлат олиб бораётган сиёсат жамиятдаги мавжуд гуруҳлар манфаатларини ифода этганлиги, халқнинг аксарият қисми сиёсий партиялар фаолиятида фаол иштирок этишда юқори даражада фаоллик кўрсатмоқда, деб бўлмайди. Боз устига омманинг сиёсий онги ва ма-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 20-бет.

данияти замон даражаси ва содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий жараёнлар ўсишидан орқада бормоқда. Бу, албатта Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятида Ғарб мамлакатларида мавжуд бўлган ҳолатлар бўлиши керак, деган маънони билдирмайдди. Бу борада ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос хусусияти, менталитети борлиги, барқарорлик ва консенсус асосида мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос қадрият тамойили шаклланиб бориши кўзга ташланмоқда. Бу мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш даври учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон давлати ва жамиятимиз яқин ўтмишда босиб ўтган жараёнларни ва бошимиздан кечирган вазиятни инобатга олиб, авваламбор, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш ва барқарор этиш, янги тузилган ва тузилаётган партияларга ҳам адолатли имкониятлар яратилишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ХДП сафидан чиқиши тўғрисидаги қарори ҳақидаги Пленумдаги баёноти муҳим сиёсий воқеа бўлди. Бу республикадаги мавжуд партиялар учун тенг ҳуқуқий ва моддий имкониятни берди.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳамма вақт жамиятнинг сиёсий-ижтимоий тизимининг таркибий қисмини ташкил этган, унга давлат ва жамиятни, ҳокимият билан халқни боғлаб турувчи бўғин сифатида қараб келинган. Сиёсий партиялар жамиятнинг ижтимоий ривожланиши турли хил сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган шароитдагина эркин, демократик жамият қурилишининг ажралмас қисмига айланиши мумкин.

Шунда сиёсий партиялар тўғрисидаги мавжуд қарашлар ўзгаради ва фуқароларда кўппартивийликни жамиятдаги беқарорлик, сиёсий ихтилофлар ҳамда ўзаро келишмовчиликларнинг манбаи сифатида эмас, балки демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим шарт сифатида қараш қарор топиб боради.

Сиёсий партиялар ва унинг раҳнамолари ҳам муайян ижтимоий кучларга таянади, аммо синфийлик улар фаолиятининг асосий тамойили бўлмаслиги керак. Сиёсий партиялар жамиятдаги аҳолининг нисбатан кенгроқ қатламига таяниши, турли хил ижтимоий гуруҳлар, мулк эгаларининг қарашлари, манфаатларини ўзида ифода-лаш билан бирга асосан реал инсон мақсадлари ва ман-

Олавларп, умуминсоний тамойилларга бўйсундирилган бўлиши лозим.

Сиёсий партиялар янги жамият қуришда инсонларнинг олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уни ҳал этишнинг йўлларини кўрсатишда, амалий таклифлар билан чиқишда тўла ташаббускор бўлишлари зарур.

Жамият сиёсий тизимида муҳим демократик институт ҳисобланган парламент йиғилишларида ўзларининг муқобил таклифлари билан чиқишга шарт-шароит яратиб берилаётганлиги, муқобиллик асосида Президент сайлови, кўппартиявийлик тизимининг жорий этилганлиги жамият сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётининг тобора демократлашиб бораётганлигини, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг Президентлик Республикаси шакли билан бошқаришнинг демократик асослари ўртасида тўла мувофиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу давлат ҳокимиятини бошқаришнинг жамоатчиликка асосланган шарқона демократик кўринишига тўла мувофиқ келади. Шарқда жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқаришда шахснинг муайян партияга, синфга мансублигига қараб эмас, фозиллик, юксак маърифатлилик, комиллик каби фазилатлари кўпроқ қадрланган ва унга зарур хислатлар сифатида ёндошилган.

Маълумки, давлат ҳокимиятини бошқариш шакллари хилма-хил бўлиб, бунда ғарб ва шарқнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги табиий. Унинг бирон-бир шаклини андоза сифатида шунчаки қабул қилиш ёки бошқариш шаклларини ўзаро сингдириш йўли билан демократиянинг ягона моделини яратиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир давлат демократиянинг у ёки бу шаклига ўз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни бойитиши, ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланиши шу мамлакат аҳолисининг хоҳиш иродаси билан тўла мувофиқ тушади. Демократиянинг дунёвий тамойиллари асосида давлат ва жамият бошқарувининг умумий жиҳатлари намён бўлади.

Президентликка турли жамоат уюшмалари билан бир қаторда, сиёсий партияларнинг ўз партиясидан номзод кўрсатиш ҳуқуқининг мавжудлиги ва ғалабадан сўнг у ёки бу етакчи партия номидан Президентнинг давлатни бошқариши дунёдаги айрим давлатлар тажрибасидан маълум. Ўзбекистон Республикасига Президентликка номзод кўрсатишда ҳам тегишли жамоат ташкилоти

билан бирга мавжуд сиёсий партиялар ҳам тенг асосда иштирок этди ва уларнинг сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишлари учун зарур бўлган барча имкониятлар яратиб берилди.

Аммо Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин, у галаба қилган партия номидан эмас, аксинча халқ номидан иш кўришнинг ўзига хос илғор, сиёсий-ижтимоий, маънавий жиҳатлари борки, бу дунёда давлат ва жамият қурилиши амалиётини янада бойитади. Ўзбекистон танлаган йўлнинг моҳияти билан тўла мос тушади. Бундан ташқари, бунинг айрим объектив ва субъектив сабаблари ҳам мавжуд. Маълумки, Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин бирор-бир партия етакчи партияга айлангани йўқ, тўғрироғи айлантирилмади. Бу **биринчидан**, Конституциянинг мавжуд нормаларига ҳам тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасида «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас», — дейилади. **Иккинчидан**, Республика сиёсий тизимининг кўппартиявийликка асосланганлиги, жамият ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида ҳар бир сиёсий партияни қонун доирасида, ўз фаолиятларини эркин амалга оширишда ҳам зарур шарт-шароит яратиб беради, мавжуд, демократик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. **Учинчидан**, партиявийлик бирон-бир партияга мансубликни билдиради. Президентлик — сиёсий ҳокимият институти сифатида, ҳар қандай сиёсий партия, жамият бирлашмалари, ҳаракатдан фарқли равишда алоҳида ўзига хос мақомга эга. У айрим гуруҳ, қатлам қарашларини, манфаатларини кўзлаб эмас, балки давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланган халқ номидан иш кўради, инсон ва умуминсоний тамойилларга асосланади. **Тўртинчидан**, сиёсий партияга нисбатан синфийлик тамойили нуқтаи-назаридан ёндошиш, сиёсий курашлар орқали ҳокимиятга даъвогарлик қилиш йўлини ҳамма давлатлар учун ҳам ягона ва бирдан-бир мақбул йўл деб бўлмади. Мустақил, тараққиёт йўлидан ривожланаётган ҳар бир давлат ва ҳокимиятнинг бошқаришда шу халқнинг менталитети, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларидан фойдаланиш мумкин. Бу жамият ва давлат

олдида турган вазифаларни амалга оширишга, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлашга ва мустақкамлашга ҳар жиҳатдан кўмаклашади. Бешинчидан, мустақил равишда, адолатли, демократик, фуқаролик жамиятини қуришни асосий мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Республикаси сиёсий-ижтимоий ҳаётида кўппартиявийлик нисбатан янги жараён бўлиб, у маълум маънода ҳали шаклланиш даврини ўз бошидан кечирмоқда. Мавжуд сиёсий партияларнинг ҳаммасини ҳам уюшганлик, сиёсий етуклик даражасига етишида, халқни ўз орқасидан эргаштира олишида; уларни жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишида муайян ўтиш даври талаб этилади. Сиёсий партияларнинг ҳар бири ўзаро муносабатларида катта сиёсий тажрибага, ягона мақсадга эга бўлишлари муҳим.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси собиқ Совет Иттифоқи сиёсий тизими орқали «партиянинг раҳбарлик, йўлбошчилик» ролини жамиятнинг сиёсий-ижтимоий иқтисодий ва маънавий ҳаётида бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик, марказлашган бюрократия, мафкура ва тафаккурдаги бир хиллик иллатларидан, «партия раҳбарлиги» асосида амалга оширилган ишларнинг салбий оқибатларидан ҳали томомила қутилганлари йўқ. Сиёсий партияларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги ўрни тўғрисида фуқароларнинг қарашлари, тасаввурлари ҳам ўзгариши керак. Сиёсий партиялар ижтимоий ҳаётда фуқароларнинг бу ишончини тўла қозониши учун ўзларини халқ билан бирга қўйишлари, инсонга энг улуғ неъмат сифатида қарашлари, буни ўз амалий фаолиятларининг муҳим тамойилига айлантиришлари зарур.

Бу давлат ва жамият қурилиши тўғрисидаги дунё тажрибасини, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги қарашларини янада бойитади. Бу йўл кўп партиявийликка адолатли демократик жамият қуришнинг муҳим омили сифатида қарашга, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиб беради.

Жамиятнинг демократлашганлик даражаси сиёсий партияларнинг миқдори ёки унинг жамиятдаги мавқеи билан белгиланмайди. Ҳақиқий демократик жамият шу жамиятдаги барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил

ҳуқуқ ва эркинликларни, фаолиятни таъминлаб берганлиги, уни кафолатланганлик даражаси, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тинчлик, мустақиллик каби тамойиллар билан белгиланади.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқдаки, партиялар ўз вазифасини тўла бажариши, мамлакат тараққиётига тегишли ҳисса қўшиши учун уларга дастлабки тенг имкониятлар яратиб берилиши керак. Бу, айниқса кўппартиявийлик шаклланаётган ва ўз йўлини белгилаётган Ўзбекистоннинг ҳозирги ўтиш даврида жуда муҳимдир.

Сиёсий партияларга тенг имкониятлар яратишнинг кўпгина воситалари бўлиб, улар орасида давлат бошлиғи — Президентнинг партияга мансублиги масаласини тўғри ҳал қилишдир.

Шунинг учун кўпгина демократик мамлакатларда Президентлик лавозимини ҳар қандай партияларга аъзоликдан холи бўлишини назарда тутувчи ҳуқуқий асослар мавжуд. Бу айрим мамлакатларда бевосита Конституция билан ҳал қилинган бўлса, айрим мамлакатларда эса Президентнинг президентлик даврида бирор-бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслигини ўрнатувчи махсус қонунлар қабул қилиш билан ҳал қилинган.

Жумладан, Германия Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан, Президент лавозимидаги даврда у ҳар қандай партия аъзолигидан воз кечиши, Руминия Конституциясининг 84-моддасида, Президентлик мандати даврида Президент бирор-бир партия аъзолигида бўла олмаслиги, Греция Конституциясининг 30-моддасида Президент лавозимини бошқа ҳар қандай мансаб, машғулот ва касб билан қўшиб бажарилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Россия Федерациясида ҳам Россия Президентининг бирор-бир сиёсий партияга мансублигини тақиқловчи қонун лойиҳаси тайёрланиб, Давлат Думасига киритилган.

Хўш, давлат бошлиғининг сиёсий партияларга мансуб бўлмаслигини қандай ижобий жиҳатлари бор? Бу асосан икки нарса билан боғлиқ.

Биринчидан, Президент нафақат давлат бошлиғи, шу билан бирга у сиёсий ҳаётда ҳакам вазифасини ҳам бажаради. Президентнинг мамлакатдаги сиёсий институтларнинг олий ҳаками бўлишлиги баъзи мамлакатларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Жумладан, Гре-

ни Конституциясининг 30-моддасида: «Президент Республика институтларининг ҳаками ҳисобланади» — деб қўйилган. Шундай ҳолат Франция Конституциясининг 5-моддасида ҳам мавжуд. Ана шу ҳакамлик вазифасини самарали бажаришда унинг бирон-бир сиёсий партияга мансуб бўлмаслиги ҳал қилувчи омилдир. Президент сиёсий партияларга мансуб бўлмагандагина улар ўртасидаги самарали рақобатда ҳакамлик қилиши, партиялар белгиланган йўл ва вазифаларнинг энг мақбул-тирида сиёсий ҳаётда оқилона фойдаланиши мумкин. У партияга мансуб бўлмаганда уни бирон-бир партиянинг манфаати эмас, балки умумий манфаат қизиқтиради. Энг самарали ташаббус қайси партияга тегишли бўлса, шуни қўллаб-қувватлайди.

Иккинчидан, Президентнинг бирон-бир партияга мансуб бўлмаслиги турли партияларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг имконият яратади. Сиёсий партияларнинг тенг мавқега эга бўлиши уларнинг ташаббускорлигини оширади. Ўз фаолиятида эркин, ҳеч кимнинг таъсирисиз, ҳаракат қилишга имкон туғилади. Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизими шаклланаётган ҳозирги ўтиш даврида сиёсий партиялар фаолиятини янада ошириш ва давлат раҳбарини ҳар қандай сиёсий партиялардан холи қилиш мақсадида Республика Президентининг президентлик даврида сиёсий партияларга аъзо бўлишини тақиқловчи Қонун қабул қилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мустақиллик туфайли мамлакатнинг сиёсий мақоми ўзгарди, мустабид тузум асоратларидан аста-секин холи бўлиб борилмоқда. Ўзи танлаган тараққиёт йўлини амалга оширмоқда. Сиёсий партиялар ўз олдиларига қўйган вазифаларини амалга оширишда, демократик жараёнларнинг ривожланишига мустақиллик тафаккурини шакллантиришда халқ билан боғланиш учун унинг қалбидан йўл топилиши бир-бирдан ажралиб қолмаслиги муҳим. Бугунги сиёсий жараёнлар шароитида умуммиллий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда партиялар ўз фаолиятларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда амалий муқобил таклифлар билан чиқиш, турли ижтимоий гуруҳларни демократик жараёнларда иштирокчини таъминлаш, ўз ваколатлари даражасида халқни ўз орқаларидан эр-

гаштириб, уларни мустақиллик йўлида сафарбар этишни амалга оширишлари муҳимдир.

Сиёсий партиялар давлат ҳокимияти билан фуқаролар ўртасида, уларни давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим ролни ўйнайди. Бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партия аҳолини ўз атрофида жипслаштириб, ислохотларга сафарбар этишда, мустақиллик ғояси ва мафкурасини, миллий ҷадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш орқали уни ҳар бир фуқаро онгига етказишда барча имкониятларни ишга солиши, аввало ўзи бу ишга фидойилик кўрсатиши зарур. Сиёсий партиялар давр талабига мос ишламаётганлиги сабабли, айрим ижтимоий гуруҳларда сиёсий ғоясизлик, мавҳум мақсадлар, ўзи билан ўзи ҳаёт муаммолари олдида ўралашиб қолиш ҳоллари ҳам мавжуд. Айниқса, ёшларни фуқаролик жамияти қурилиши вазифалари билан яқиндан таништириш, уни ҳар бирининг онгига етаказишда, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари, эркин демократик, адолатли жамият ғояларини ҳаётга татбиқ этишда вужудга келаётган «сиёсий эҳтиёжларни қондириш» мамлакатда сиёсий вазиятнинг янада барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Ёшларнинг ўз сиёсий мақсадлари, ҳаётини позициялари билан сиёсий партиялар орқали жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари умум демократик жараёнга мос келади. Бугун ёшлар сиёсатдан четда турмасликлари, унда иштирок этиб, ўз мамлакатларининг истиқболлари учун сиёсий фаоллик кўрсатишларини ҳаёт тақозо этади.

Бу юксак сиёсий онг ўзимизга хос сиёсий маданиятни талаб этади. Бу эса кўп жиҳатдан мавжуд сиёсий партиялар, уларнинг халқ билан қандай иш олиб боришлари, ишлаш услубларига, давр руҳини ҳис этиш, дунё тажрибасини ҳисобга олишларига боғлиқ.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиёсий партия нима?
2. Жамоат ташкилотлари нима?
3. Ўзбекистонда кўшпартиявийликнинг вужудга келиш хусусиятлари нимада?
4. Оммавий ҳаракатлар нима?
5. Сиёсий партиялар билан ҳаракатлар ўртасидаги фарқ нимада?

СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Сиёсий онг

Жамиятнинг сиёсий тизими, ундаги демократик жараёнлар фуқароларнинг сиёсий онги, унинг сиёсий маданияти даражаси билан унинг боғлиқ бўлади. Сиёсий ҳокимиятда фаолият кўрсатиш, фуқаро ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар, муайян қонун, ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш ҳамда амалга ошириш алоҳида масъулият билан ёндашишни тақозо этади. Фуқароларнинг сиёсий онг даражаси қанча юқори бўлса, мамлакатнинг демократийалашув жараёни, шахс эркинлиги ва ҳуқуқларни биллиш билан бирга уни англаш масъулияти шунча ошиб боради.

Инсон сиёсий онги маълум жамоа, гуруҳ, миллат, давлат манфаатларини англаш ва уни ифода этиш жараёни билан шаклланиб, ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам шахснинг сиёсий онг даражаси турли хил бўлиши мумкин. Унда: а) индивидуал; б) муайян ижтимоий гуруҳ; в) умуминсоний ғоялар, сиёсий қарашлар, тасаввурлар ифодаланadi. Сиёсий онг жамиятнинг сиёсий тизими ва жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ошкора ёки яширин шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Сиёсий онг шахснинг сиёсий ижтимоийлашув жараёни билан ҳам боғлиқ. Шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви — бу сиёсий ҳаёт тўғрисида сиёсий тасаввурларнинг шаклланиши, сиёсий фаоллик кўникмаларининг ҳосил қилиниши ва уларнинг муайян маданият даражасига айланиши билан боғлиқ. Шахснинг сиёсий тасаввурлари, қадриятлари, йўл-йўриқлари туғма бўлмасдан, балки аста-секин шаклланиб қарор топади. Шахснинг ҳаёти давомида сиёсий ижтимоийлашув жараёни жамиятнинг сиёсий тизими, ривожланиши, тутган йўли, мақоми ҳам шахснинг сиёсий онгига, маданиятига бевосита таъсир этмасдан қолмайди. Сиёсий мустақиллик ва миллий ўзликни англаш — кишиларнинг сиёсий қарашларига кучли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлиши ҳам шахс сиёсий онги, қарашларини тубдан ўзгартирди. Мавҳум коммунистик жамият қурилиши тўғрисидаги ғоялар барбод бўлди. Сиёсий ижтимоийлашув энг аввало ўсиб келаётган авлодга ҳам ҳар хил таъсир кўрсат-

моқда. Бир томондан, мустақил давлатларнинг тараққиётидаги мўътадилликни сақлаш мақсадида уларнинг мувофиқлаштирувчи алоқага, асосий гуруҳлар ва уларнинг манфаатларини акс эттирувчи сиёсий кучларнинг ҳолатлари ва мақсадларини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, мафкуравий турли хиллик, йўналишлари сингиб бормоқда. Мустақиллик туфайли жамиятда сиёсий ижтимоийлашув жараёни тезлашмоқда. У қуйидагилар билан белгиланади: **Биринчидан**, жамиятда сиёсий ижтимоийлашув жараёни нормал кечishi сиёсий кўрсатмалар ва қадриятлар йўналишининг авлоддан-авлодга узатилишини таъминлайди. **Иккинчидан**, сиёсий ижтимоийлашувнинг нормал жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини реаллаштиришга, ишоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол аралашиб боришига тайёргарлик амалга оширилади. **Учинчидан**, сиёсий ижтимоийлашув охир-оқибатда шахс сиёсий онги билан давлат ҳокимияти ўртасида узвий уйғунликни шакллантиради, сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Сиёсий ижтимоийлашувда ўтмиш авлодларнинг сиёсий маданият нормаларини ўзлаштириш ва аввал маълум бўлмаган сиёсий тажрибаларни ўзлаштириш, дунё сиёсий маданиятини эгаллаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Шахснинг ижтимоийлашув жараёни жамият сиёсий ҳаётида иштирок этиш, сиёсий йиғинлар, митинглар, сайлов компаниялари, сиёсий ташвиқот, таълим-тарбия, сиёсий ҳаётни ўрганиш орқали ошиб боради.

Шахс сиёсий онгининг асосий турлари

Политология фанида шахснинг демократик ва авторитар турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, демократик турдаги шахс кишиларга нисбатан очиқ кўнгил, софдил, тўғри сўзли, тенг ва эътиборли бўлиб, демократик жамият ва давлатда ижтимоий ва руҳий жиҳатдан ўз-ўзини бошқара оладиган, муқобил қадриятларнинг биттасигагина боғланиб қолмасдан, уларнинг кўпларига амал қила олиш сингари фазилатларга эга бўлиши лозим.

Демократик шахс ўзида бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш эҳтиёжини ҳис қилмайди. Демократик турдаги шахсга сиёсий онгининг юксаклиги ва сиёсий билимларнинг кучлилиги, сиёсий воқеалар тўғрисида кенг маълумотга эга эканлиги билан улар тўғрисида ўз фикрига эга бўлишлиги ва ҳатто, танқидий ёндоша олиш, сиёсий

масалаларда билимдон, сиёсий ҳаётга фаол иштирок этиш сингари хусусиятлар ҳам хосдир. Авторитар турдаги шахсга эса юқоридагиларга зид хусусиятлар хосдир. У кишиларни «ҳокимиятга эга бўлган ва ҳокимиятга эга бўлмаган» гуруҳларга ажратади. Унинг учун кучруҳлантирувчи омил, кучсизлик — фаолиятсизликдир. Авторитар турдаги шахс энг аввало юқори мансабга эга бўлганларга бўйсунади. Шахснинг бу тури сиёсий ҳокимият ва уларнинг вакиллари фикрига нисбатан нотанқидий муносабатда бўлади, ижтимоий-сиёсий ҳаётда уни ўнг кучлар, гуруҳлар қизиқтиради. Авторитар турдаги шахс тенглик ва бирдамликни тан олмайди. Бу тоифа шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг сиёсий ҳаётда иштироки турли шаклларда намоён бўлади. Шахснинг сиёсий иштирокини қандай баҳолаш мумкин? Бу масалага атрофлича ёндошмоқ зарур. Бир томондан, сиёсий иштирок орқали инсоннинг ҳар томонлама ўзини ижодий намоён қила олиши учун шарт-шароит яратилади. Шахсларнинг сиёсий жиҳатдан ўзларини намоён қилишлари уларнинг туғилиши, жамият ва давлатни бошқаришда қатнашиш истаги сиёсий арбобларнинг шаклланиши сингари кўлгина ижобий ҳолатларни очиб беради. Шахснинг демократик сиёсий жараёнлардаги иштирокини намоён қилиш усули, муомала ва мулоқот маданиятининг шаклланиши. Бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш кўникмаларининг ҳосил бўлишидир. Бундан ташқари инсоннинг сиёсатнинг объектидан унинг субъектига айланиши, сиёсий бошқарув тизими фаолиятининг халқ оммаси томонидан демократик тарзда назорат қилиниши жамият томонидан уни бошқариш функциясининг муҳим шартидир. Шахснинг сиёсий жараёндаги фаол иштироки муайян шарт-шароитларни талаб қилади. Инсоннинг нормал сиёсий фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар, ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий маданиятини ошира олиши учун имкониятлар мавжуд бўлиши зарур. Жамият сиёсий тизими ва сиёсий иштирок ўртасидаги ўзаро алоқадорликда: биринчидан, жамиятнинг сиёсий тизими ва фаолият кўрсатишнинг демократик шакллари ўртасидаги боғлиқлик; иккинчидан, жамиятнинг демократик институтлари сиёсий фаоллик ва сиёсий йўналишларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шахснинг сиёсий қарашларининг шаклланиши, сиёсатнинг субъекти сифатида намоён бўлишида оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Шахсда

демократик хусусиятлар кўпроқ намоён бўладими ёки у авторитар ва бошқа недемократик ғоялар ва амалиётини маъқул кўрадилми? Бу кўпроқ шахснинг сиёсатга ёндашуви тамойиллари билан бевосита боғлиқдир. Шахснинг сиёсий онги ва хатти-ҳаракатига маданият кучли таъсир кўрсатади. Саводсиз ёки маданий савияси паст киши сиёсат билан уйғун бўла олмайди. Саводсиз кишининг сиёсатга фаол, онгли иштирок этиши қийин. Бундай шахс, аксинча турли хил сиёсий ҳаракатлар таъсирига мойил бўлиши мумкин. Бунда у кўпроқ сиёсатнинг объектига айланади. Собиқ тоталитар тузум инқирозидан сўнг кўпгина мамлакатларда ўтиш даври ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби кишиларнинг сиёсий-бошқарув фаолиятида қатнашиши билан боғлиқ сиёсий соҳада ҳам бир қатор зиддиятларни вужудга келтирди. Бу ерда ушбу мамлакатларнинг ҳаммасига тааллуқли бўлган жамиятни ижтимоий демократлаштиришга тўсқинлик қилувчи, ўз моҳиятига кўра авторитар сиёсий тизимга хос сиёсий-ташкилий чораларни кўришни талаб қилувчи умумий ҳолат мавжуд бўлди. Сиёсий ва ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган қарорларнинг қабул қилиниши билан уларнинг бажарилиши ўртасида катта узилиш мавжудлиги яққол кўриниб қолди. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилмаслигининг сабаби охир-оқибат ҳуқуқий механизмнинг ишлаб чиқилмаганлигида эмас, балки сиёсий-ҳуқуқий ижро маданиятининг етишмаслигида ҳамдир.

Шундай қилиб, шахснинг сиёсий маданияти унинг давлатга ва сиёсатга муносабати, сиёсий фаоллик даражаси, инсоннинг сиёсий мавжудод сифатида ҳар томонлама қобилиятининг намоён бўлиши, шахснинг жамият сиёсий ҳаётининг субъекти сифатида шаклланишига ёрдам берувчи муайян шарт-шароитларга асосланади. Демократик жамиятда шахс ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланган ҳолда сиёсий жараёнларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Шу билан бирга бундай иштирокчининг иштирок этиш даражалари ва шакллари фарқламоқ зарур. Энг аввало, сиёсий иштирок функционал даражаси билан фарқ қилади. Бу ҳолда шахснинг сиёсий ҳокимият тизимини, унинг сиёсий институтлар давлат органларида тақсимланишини, норматив асосларининг шакллантирилиши ва такомиллаштирилишини, давлат ҳокимияти органларини бошқариш, суд ва назорат органлари шахсий таркибининг шакллантирилишини, ички

и ташқи сиёсий йўналишларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда амалга оширилишини, сиёсий ҳаётнинг бошқа табақаларини таърифлашдаги ролини ажратиб кўрсатиш мисолига мувофиқдир. Шахс сиёсатнинг субъекти сифатида сиёсий ғамхўрликдаги фаолиятини бевосита даражада амалга оширади. Давлат ва ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда фуқароларнинг сайловлари орқали бевосита иштирок этиши билан ўзининг демократик эканлигини ифодалайди. Шу билан бирга сиёсий иштирок кишилар томонидан сайланган вакиллар (парламентлар, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари, ижтимоий сиёсий ташкилотлар ва уюшмаларнинг сайлаб қўйиладиган органлари) ва депутатлар (делегатлар, вакиллари ва ҳ.к.) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Демократик эркинликларнинг юқори даражасига эришган жамиятда фуқароларнинг давлат ҳокимиятини бошқаришдаги иштирокчилиги ошиб боради.

Маъмурий буйруқбозлик шароитида шахснинг сиёсий жараёндаги иштироки шунчаки объект сифатида чекланган эди.

Демократик, фуқаролик жамиятида эса шахснинг сиёсий бошқарув жараёнининг ҳамма босқичларида, энг аввало, бу жараённинг муҳим босқичи — сиёсий иштирокнинг доираси ва йўналишини белгилайдиган, яъни қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этишни таъминлайдиган мустаҳкам кафолат яратилиши керак.

Шунингдек, сайлов компаниялари ва сайловлар, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларида сайловларда қатнашиш сиёсий партиялар, ҳаракатлар фаолиятида иштирок этиш ва қонун асосида рухсат берилган митинглар, намоёнлар, ҳ.к. тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин. Демократик жамиятда демократик кадриятлар ва кўрсатмаларга путур етказмайдиган, сиёсий қарашлар ва ҳаракатларнинг кенг кўринишларини намоён қилишга имкон берувчи институционал шакллар ишлаб чиқилган.

Бу ўринда, жамият қанчалик демократлашган бўлса, унда сиёсий иштирок шакллариининг шунчалик кўп бўлиши сингари ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Мустақиллик шарофати билан республика фуқароларининг жамият сиёсий ҳаётида иштироки кенгайиб бормоқда, бу ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш, фу-

қароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи институтларнинг кенгайиб бориши, сиёсий кўп фикрликка нисбатан сабр-тоқат билан муносабатда бўлишда яққол кўринмоқда. Бу жараёнлар ҳуқуқий давлат вужудга келишининг муҳим жиҳатларидир.

Жаҳон сиёсий амалиётига кўра демократия, сиёсий иштирок ва уларни амалда қўллаш ҳақида турли хиллик бўлиб келди ва халигача давом этмоқда.

Жамиятнинг демократиялашуви табиий равишда сиёсий онгининг ўсишига олиб келади, у аynи пайтда муайян вазифаларни бажаради.

**Сиёсий онг
ва мафкура**

Мустақиллик туфайли нафақат жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий асослари ўзгарди, аynи пайтда унинг мафкуравий асослари ҳам ўзгарди. Олдин жамиятнинг ҳаёти ва сиёсий тизими давлат мафкураси даражасида асосланар ва ҳаётга татбиқ этилар эди. Бу мафкура моҳияти жиҳатидан ягона фикр, қарашни ўтказишга, унинг ҳокимлигини таъминлашга қаратилган эди. Айрим синф манфаатига қаратилган, унинг мақсад ва қарашларини ҳимоя қилиб келган мафкура ижтимоий ҳаётда жуда катта зиддиятларни келтириб чиқарди. Чунки айрим синфнинг манфаати инсон манфаатидан устун қўйилди, бу умуминсоний тамойилга, жамият ривожининг табиий оқимига мос келмади. Жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги уйғунлик бузилди. Жамият «синфлар»га ажратиб қўйилди. Инсонларга унинг эътиқодига, ижтимоий аҳволига, дини, қайси миллатга мансублигига қараб муносабат билдирилладиган бўлинди.

Собиқ сиёсат ва мафкура таъсирида инсонларга инсон сифатида эмас, уларни «синф» сифатида кўриш ва муносабатда бўлиш пайдо бўлган эди. Оқибатда жамият олдидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда, инсоний комиллик, фозиллик, бунёдкорлик эмас, аксинча «зўравонлик», «бировларнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмаслик», лоқайдликка қаратилган, бир томонлама онг ва тафаккур тарзи шаклланди. Собиқ мафкура инсонларнинг онгини бир томонлама яширин, ғаразли манфаатлар ва тамойилларга йўналтирилганлиги мустақиллик туфайли барҳам топди.

Жамият мафкурасиз бўлмайди, чунки ҳар давлат мустақил тараққиёт ва ривожланиш йўлини танлаб олар экан, ўз тараққиёт дастурига, қарашига, амалга оши-

риш тамойилларига, концепциясига эга бўлмасдан, ўз истиқболини аниқ кўра олмайди. Ана шундай қадриятларга содиқ бўлган Ўзбекистон ҳам, мафкурага янгича ёндашган ҳолда, уни энг олий қадриятлар даражасига олиб чиқди ва «мустақиллик», «миллий» мафкурасини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Миллий истиқлол мафкураси очиқ демократия асосида эканлигини ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. У тафаккур эркинлигига, фикрлар хилма-хиллигига асосланади. Шу жиҳатдан республикада «кўппартиявийлик», «муқобил сайлов тизим»ларга ўтилиши ҳам шунга мувофиқ келади. Давлат сиёсатини мафкура тор доирадаги манфаатлар тизимидан олиб чиқиб, умуминсоният олдида турган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган экан, бу давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда «ишончсизлик» кайфиятини бартараф этилишига ҳам олиб келади. Жамиятнинг ривожини ўзаро манфаатли ҳамкорлик, умуминсонийлик тамойиллари асосида кўрилса «зўравонлик», «ўз кучига таяниш», бошқа халқлар тақдирига, ҳоҳиш иродасига «писандсизлик билан қараш» каби эскича тафаккурга, мафкуравий ақидаларга ўрин қолмайди. Бу эса, жамият маданий-маърифий асосларининг ривожланиши билан ҳам мос келади. Ижтимоий ҳаёт, унинг доимий ривожланиши мафкуралар хилма-хиллигини тақозо этади.

Сиёсий маданият тушунчаси ва моҳияти

Сиёсий маданият моддий ва маънавий маданиятлар билан бир қаторда жамият тизимини характерли жиҳатидир. У ўзига хос, ҳаракат доираси (сиёсий соҳаси, сиёсий ҳокимиятнинг мавжудлиги), маданиятнинг жиҳатини тавсифловчи томонлари билан таърифланади. Сиёсий маданиятнинг жамият сиёсий ҳаёти, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг механизми билан алоқадорлигини ҳисобга олиш, унинг чегараларини аниқ белгилаш муҳимдир. Буларни ҳисобга олмаслик сиёсий маданият мазмуни саёзланишига уни бошқа ижтимоий маданий ҳодисалар билан чалкаштириб юборишга олиб келиши мумкин. Сиёсий маданиятнинг мазмунини чуқур билиш учун унинг тузилишини таҳлил қилиш зарурдир. Масалан, америкалик политологлар Г. Алмонд ва М. Вебер ўзларининг «Фуқаролик маданияти» китобида сиёсий маданиятни кишиларнинг сиёсий институтга нисбатан руҳий йўналишлар мажмуаси сифатида таърифлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, миллатнинг сиёсий ма-

данияти муайян миллат вакиллари орасида йўналишлар намуналарини сиёсий институтга нисбатан алоҳида тақсимлашдир. Жамиятнинг сиёсий маданияти эса аҳолининг билимлари, ҳиссиётлари баҳоланишининг умумлашган сиёсий тизимдир. Сиёсий маданиятга қадриятлар, эътиқодлар, йўриқномалар ва ҳ.к. мажмуаси деб қараш кўпчилик политологлар учун умумийдир. Шу билан бирга, бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, политологлардан **Р. Карр** ва **М. Бернштейн** сиёсий маданият ўз таркибига сиёсий ғоялар ва ижтимоий амалиётни олади, деб таъкидлайдилар. Америкалик политолог **Р. Такрек** эса сиёсий маданият таркибига онг унсурлари билан бирга тан олинган сиёсий хатти-ҳаракат ёки фаолият намуналарини ҳам киритади. Россия политологлари **Ф. М. Бурлацкий** ва **А. А. Галкин** сиёсий фаолият тушунчаси сиёсий маданият тушунчасига нисбатан кенг тушунча бўлганлиги учун уни сиёсий маданият таркибига киритиш мумкин эмас, сиёсий маданият сиёсий фаолият манбаларидан бирини ташкил қилади, деб кўрсатадилар.

Сиёсий маданият сиёсий ҳаётнинг жабҳаларини ва унга муносабатни ўзида мужассамлантирганлиги учун уни ҳаётда муҳим роль ўйнайдиган алоҳида тушунчалар билан масалан, сиёсий, онг ёки сиёсий фаолият доираси билангина чеклаб қўйиш мумкин эмас. Сиёсий маданият сиёсий онг ва сиёсий фаолиятни ўзига қамраб олмайди, балки муайян жамият ва гуруҳларнинг сиёсий ҳаёти, аҳоли кўпчилигининг сиёсий ҳаёти ва хатти-ҳаракатига айланган характерли, типик, оммавий ҳолатларини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, ҳар қандай онг ва хатти-ҳаракатнинг эмас, ўзлаштирилган кўникма, тассавур, малакани ҳам ўзига қамраб олади. Шунга асосан, сиёсий маданиятни муайян ижтимоий гуруҳга хос бўлган сиёсий онг ва фаолиятнинг мажмуаси сифатида таърифлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган миллий байроғи, герби, мадҳияси, унда тарихий маънавий қадриятларнинг намоён бўлиши билан бирга кишида ватанпарварлик ва миллий ғурурни уйғотади.

Жамиятнинг сиёсий маданияти мавжуд аҳоли асосий қисмининг сиёсий онги ва фаолиятини акс эттирувчи муҳим жиҳатларидир. Сиёсий ҳаётнинг барқарорлиги билан боғлиқ бўлган муаммо бу жамиятдаги етакчи

сиёсий маданият ва сиёсий тизим, энг биринчи навбатда, институтлашган тизим ва сиёсий режим ўз-про мос келиши керак.

Сиёсий
маданият ва
мафкура

Сиёсий маданият мафкура билан ҳам боғлиқ. Бу ҳар қандай вазиятда улар ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни ҳисобга олишни талаб қилади.

Мафкура манфаатларни умуминсоний тамойилларга бўйсундирса, ҳар қандай ғаразли, яширин, ноҳолисона манфаатларнинг устуворлиги эмас, эзгулик, яхшилик, адолат сари етаклайди. Демак, асосийси мафкурани қандай тамойил асосида амалга оширилишига боғлиқ бўлиб қолади. Мафкуралар хилма-хиллиги умуминсоний тамойиллар асосида ижтимоий, таълим ва тарбия, маданий-маърифий вазифаларни амалга оширган тақдирдагина ҳолисона бўлади ва жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишига мувофиқ келади. Инсонларни инсонлар билан яқинлаштиради, уларни ўз моҳиятини англашга ёрдам беради, комилликка ундайди. Инсон маърифатлашиб, унинг табиати ҳар қандай «ёвуз» иллатлардан тозаланиб боради. Миллий истиқлол мафкураси умуминсоний тамойилларига асосланар экан, уни қандай амалга ошириш ва унга эришиш унинг энг муҳим жиҳатидир. Бу мафкуранинг асосий мақсади ҳам янги жамият қуриш йўлида фаолият кўрсатаётган инсонларга, мустақил Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши, маънавий ҳаёти, таълим-тарбия жараёнида амалга оширилаётган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятини етказишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бунда мустақил давлатнинг ҳар бир фуқаросида комиллик фазилатларини шакллантириш, улар фаолиятини, онги, қарашларини умуминсоний тамойиллар, қадриятларга йўналтиришдан иборат бўлиб, инсонни дунёнинг бир бўлаги сифатида ўзини ҳис этишда масъулият туйғуларини шакллантиради. Уларда ўзлигини англаш дунёнинг яхлитлигини англашга, дунёнинг қандай бўлиши, унинг фозиллиги ҳам, жоҳиллиги ҳам, яратувчилик, бунёдкорлиги ёки «ёвузлик, тажовузкорлик» ҳолатлари ҳам инсонга, унинг руҳияти, ахлоқи, тарбиясига боғлиқ бўлади. Мафкурада умуминсоний тамойилларни амалда таъминлашнинг қонуний асослари яратилиши ҳуқуқий, демократик давлатнинг муҳим шартидир. Шу билан бирга, давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тизимлари, таълим-тарбия муассаса-

рур. Мустақиллик мафқурани кишилар онгига ва тафаккурига у ёки бу қарашни зўрлаб киритиш, қабул қилиши асосида эмас, аксинча турли хил фикрлар ва қарашларни шаклланишига шароит яратиб, унинг қарор топишига имконият яратди.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиёсий онг ва унинг таркиби нима?
2. Сиёсий ижтимоийлашув нима?
3. Сиёсий маданият моҳиятини тусунтиринг.
4. Сиёсий онг ва мафкура қандай алоқада туради?
5. Миллий истиқлол мафқураси деганда нимани тушунасиз?

Ш Б У Л И М

СИЕСИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ СОҲАЛАРИ

8-мавзу

СИЕСАТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

**Ижтимоий сиё-
сатнинг моҳияти** Сиёсат жамиятнинг ижтимоий-иқтисо-
дий ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлиб,
турли даврларда турлича намоён бўлган. Унинг сабаб-
лари хилма-хил бўлиб, жамиятда сиёсатнинг мақсади
на вазифаси, амал қилиш тамойиллари қандай манфаат-
ларга бўйсундирилганлиги, жамиятнинг ривожланиш
ҳолати билан тавсифланади.

Ижтимоий сиёсат ва ҳаёт ўртасидаги муносабат
шунингдек, давлат ҳокимияти ва унинг бўғинлари,
жамиятни бошқаришнинг ҳуқуқий-демократик асослари
билан ҳам узвий боғлиқ бўлади. Жамиятни бошқариш-
даги демократик жараёнлар билан маъмурий буйруқ-
бозлик асосида бошқариш сиёсат билан ижтимоий-
иқтисодий ҳаёт ўртасида икки хил ҳолатни вужудга
келтиради.

«Ижтимоий сиёсат» тушунчаси кенг мазмунга эга
бўлиб, «социал сиёсат» соҳаларини ҳам ўз ичига олади.

Турли даврларда амалга ошириладиган ижтимоий
сиёсат умумийлик ва ўзига хос хусусиятлари билан
характерланади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд.
Аввало жамиятнинг танланган сиёсий йўли иқтисодий,
ижтимоий тараққиёт даражаси, жамиятнинг сиёсий
тизими, амалга ошириладиган ижтимоий сиёсат тамо-
йилларига бевосита боғлиқ.

Масалан, Ўзбекистон Республикасида, шунингдек,
бошқа мустақил бўлган давлатларда собиқ СССРнинг
парчаланиши натижасида давлатнинг яқка ҳокимлик
тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар мажмуини
ҳал этиш лозим бўлди. Аввало, унинг иллатларидан,

директив режалаштиришдан воз кечиб, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Ижтимоий сиёсат ва давлат ўртасида янгича муносабатлар қарор топди. Бозор муносабатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда республика иқтисодиётининг тармоқ ва ҳудудий тузилмасини тубдан қайта қуриш, собиқ «иттифоқ иқтисослашуви» натижасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номутаносибликни тугатиш, халқ ҳўжалигининг хом ашёга йўналтирилганлигидан воз кечиш сиёсатнинг асосий вазифаси сифатида қўйилди. Ўзбекистон давлатида: «энг муҳими ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жами куч-гайрат ва бойликлардан самарали фойдаланишни, халқ ҳўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтирадиган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак», деган мақсадда иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда¹.

Жамият ижтимоий жиҳатдан ривожланиб борган сари бошқаришда демократик, ҳуқуқий тамойиллар устуворлик касб этиб боради. Аксинча, бундай ривожланиш даражаси юқори бўлмаган жойларда ва ҳолларда эса сиёсатда бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик ва «зўравонлик»ка асосланган йўли қўл келади. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бошқаришнинг мақсадлари доираси, муайян кучлар манфаатларига бўйсундирилади. Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўртасидаги боғлиқлик давлат тузилиши, унинг таркиби, сиёсий режим, тартиб ва қоидалар ҳамда давлатнинг ижтимоий-сиёсий статуси, мустақил ёки мустақил эмаслиги ҳолатлари билан белгиланади.

Мустақил бўлмаган халқ ўзининг суверен давлатига эга бўла олмайди. Ўз суверенитетига эга бўлмаган давлат мустақил равишда ижтимоий сиёсат олиб бора олмайди.

Демак, давлатнинг ўз суверенитетига эга бўлиши ижтимоий сиёсат билан ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўр-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. «Ўзбекистон» 1993, 9—10 бетлар.

табиати узига хос хусусиятларни аниқлашда ва белгилашда ҳамда сиёсатнинг табиатини намоён бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ижтимоий-иқтисодий ҳаёт орқали яққол намоён бўлади ва сиёсатнинг қандай тамойилларга асосланганлиги билан белгиланади.

Ижтимоий сиёсатда инсон манфаатлари асосий тамойил бўлиб, сиёсат инсон учун ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бўйсундирилади ва унинг инсонпарвар табиати яққол намоён бўлади.

Жамиятнинг ривожланиши сиёсий ҳокимият фаолияти, давлат билан ижтимоий соҳалар ўртасидаги уйғунлик даражасига боғлиқ. Бундай уйғунлик бузилган ҳолларда сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва инсон манфаатлари ўртасида номувофиқлик вужудга келади, инсон манфаатлари мавҳумлашади. Бу эса жамиятнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади...», деб унинг ҳуқуқий асосларни кафолатлаб берилди.¹

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ривожланиш асослари кўрсатилиши тамойиллари ҳуқуқий кафолатланиши билан бирга, бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиёти асосига қўйилди. Уларнинг моҳияти аниқлаб берилди.

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги лозим. У бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш зарур.

Иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт.

Учинчидан, қонун ва қонунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократия

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 11-бет.

йўли билан қабул қилинган янги Конституцияни қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши билан уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш, бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг муҳим вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакрашларсиз», яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши назарда тутилган.

Бу қоидаларга амал қилиш сиёсат билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётни мувофиқлаштиришни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, бозор муносабатларини жорий этишни таъминайди.

«Иқтисод ва сиёсат» тушунчалари **Иқтисод ва сиёсат** жамиятнинг энг муҳим соҳаларини ўз ичига олади. У инсонлар ҳаётида содир бўладиган ўзгаришларнинг хусусиятларини, мазмунини ва ривожланиш истиқболини белгилаб беради. Инсонлар турмуши ва тафаккурида содир бўладиган ўзгаришлар, мамлакатнинг ижтимоий аҳволи, ривожланиш даражаси, унинг дунё миқёсида тутган ўрни ва мавқеи ҳам иқтисод ва сиёсат муносабатларига бевосита боғлиқ бўлади. «Иқтисод» тушунчаси кенг маънода инсонларнинг моддий ишлаб чиқариш фаолиятларининг мажмуини ўз ичига олиб, инсонларнинг моддий эҳтиёжлари ва уни қондиришга бўлган объектив жараён сифатида намоён бўлади.

Жамият сиёсий тизими, сиёсий ҳокимиятнинг кўриниши билан боғлиқ ҳолда иқтисод ва сиёсат ўртасида турли хил муносабатлар мавжуд бўлиши мумкин. Бунда асосан икки хил ҳолат аниқ кўринади: а) сиёсат иқтисоддан устун бўлиши ва уни белгилаб бериши мумкин; б) аксинча, иқтисод сиёсатдан устун бўлиши мумкинлиги ижтимоий ҳаётдан маълум. Аммо бу иқтисод ва сиёсатнинг узвий бир-бири билан боғлиқлигини инкор этмайди.

Юқоридаги икки ҳолат жамиятнинг сиёсий ҳаётига икки хил таъсир кўрсатади. Масалан, собиқ иттифок

Давлат сиёсатининг иқтисоддан устунлиги таъминлан-
ди. Марказдан режалаштириш тизими вужуга келди,
бу тизим иқтисодий тизим ёппасига давлат мулкчилигига
асосланди, мулкнинг хилма-хиллиги инкор этилди,
валлиқ хўжалиги тузилмалари ҳаддан ташқари монопо-
ништирилди, давлат корхоналарининг иқтисодий
эркинликлари давлат буюртмаси, моддий бойликлар ва
финанс маблағларининг меъёрланган тақсимланиши
билан кескин чекланди. Бу республикаларнинг эркин
иқтисодий ривожига, ишлаб чиқариш муносабатлари-
нинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатди.

Ижтимоий ҳаётга хос бўлган хусусиятлар сиёсатда
муҳассам ҳолда ўз ифодасини топса, сиёсат жамият-
нинг ижтимоий ривожига бевосита ёки билвосита таъ-
сир кўрсатиши мумкин.

Сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири
мавжуд сиёсий ҳокимият тизимлари, сиёсий институт-
лар, бошқарув органлари орқали амалга оширилади.
Жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланиши-
да давлат асосий сиёсий институт сифатида муҳим
роль ўйнайди. Жамиятнинг демократиялашиши нати-
жасида сиёсатга қараш ўзгарди. Иқтисоднинг сиёсат-
дан устунлиги таъминланмоқда. Айни пайтда бу
давлатнинг бош ислохотчилик мавқеини сақлаб қолган
ҳолда, давлат ҳокимияти ривожланишининг қонуний
асосларини яратиб бермоқда ва қатъий назорат ўрна-
тиш орқали иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич
амалга оширилишига эришилмоқда.

Ижтимоий сиёсатда давлат ҳокимиятининг амалга
ошираётган, ижтимоий йўналтирилган сиёсатининг мақ-
сади билан вазифаси уйғундир. Инсон ва умуминсоний
тамойилларнинг устуворлигига амал қилинган ҳол-
да, инсон турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаат-
ларига хизмат қилишнинг, ижтимоий сиёсатнинг бош
бўғинини ташкил этмоқда. Ўзбекистонда бу давлат
ҳокимияти ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг туб моҳия-
тини ташкил этади.

Сиёсат ва иқти-
содий турли хил
ривожланишнинг
концепцияси

Жаҳон цивилизацияси ижтимоий та-
раққиётнинг янги-янги йўлларини иш-
лаб чиқди ва тартибга солинадиган
бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос
қилиб олинди.

XX асрнинг 80—90-йилларининг бошларида дунёда
содир бўлган оламшумул ўзгаришлар ҳозирги замон

иқтисодий ва сиёсий тафаккурида ҳамда ижтимоий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги қарашларга жиддий ўзгаришлар киритди. Тоталитаризмнинг ижтимоий ҳаётдаги кўринишларига барҳам берилди ва берилмоқди.

Жамиятнинг демократиялашуви тараққиётнинг хилма-хил, ўзига хос жиҳатлари борлигини кўрсатди. Унинг хилма-хил бўлиши ҳар бир давлатнинг танлаган йўли; иқтисодиётда амал қилиш тамойилларида ўзифодасини топмоқда:

Маълумки, бир неча ўн йиллар давомида жаҳонда собиқ коммунистик мафкура таъсирида ижтимоий тараққиётнинг «капиталистик» ва «социалистик» йўли тўғрисидаги ғоялар ўзаро курашиб, ўз таъсирини дунёга ўтказишга ҳаракат қилиб келди.

Биринчи назария классик сиёсий иқтисод, хусусий мулкчиликни ўта мутлақлаштириш, иложи борича кўпроқ фойда олиш мақсадида иқтисодиётни эркин тартибга солишга асосланган эди.

Иккинчи назария эса марксизм ғояларини тарғиб қилиб, мулкни ёппасига давлат ихтиёрига олиш, айрим синф манфаати асосида сиёсат юргизишга уриниб келди.

Кўпгина мамлакатлар эса «муқобил ривожланиш» назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлини мана шу назариялар доирасида олиб боришга мажбур эдилар.

Булар муайян сиёсат таъсирида амалга ошди. Бундай қарашларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат эди. Улардан бири «Асосий эҳтиёжлар концепцияси» бўлиб, унинг моҳияти, аҳолининг тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдан иборат эди. «Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси эса аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хом ашёни; аввало қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади.

Бундан ташқари «Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси ҳам мавжуд бўлиб, унинг мақсади захиралардан тўлароқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат эди. Ниҳоят, «Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан мустам-

давлат ҳолатидан қутилишига, иқтисодий қолоқлигини қутқатишига, тенг ҳуқуқли шериклар сифатида тан олиниш ҳақида хом-ашё ва саноат молларига ўз манфаатларига мувофиқ келадиган янги нархларни, халқаро валюта меъёрларини, валюта курсини белгилашга, замонавий технологияларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтиришга бўлган умумий интилишларни ақс эттиради.

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-биридан фарқ қилувчи турли хил ёндашувнинг мавжудлигидир. Бу мустақиллик даврида амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилаб беради.

Бунда биринчидан, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш, узоқ давом этган эволюцион тараққиёт йўлини босиб ўтган ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни шакллантиришга; иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг энг олдий ва бозор патриархал феодал муносабатлари кўринишларига эга бўлган анъанавий иқтисодиётни маданий бозор муносабатларига айлантиришга;

учинчидан, собиқ социалистик мамлакатларнинг якка ҳокимлик тартибидан, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви ва марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтишга алоҳида эътибор берилади.

Шунингдек, айрим давлатларда хусусан, Хитойда, Вьетнамда, Лаосда социализм ғояларини самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш билан қўшиб олиб бориш амалиёти ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим.

Дунё давлатлари тажрибаси бозор иқтисодига эволюцион ёки босқичма-босқич ўтиш энг оқилона эканлигини кўрсатди.

Турли мамлакатларнинг давлат сиёсатида иқтисодиётга, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари турли бўлиши билан бирга, унинг андозалари ҳам хилма-хилдир.

Бозор иқтисодиёти ва ислохотларнинг негизини ташкил этувчи йўлларнинг хилма-хиллиги иқтисодиётни давлат томонидан қандай тартибга солиниши ва қайси даражада қўшиб олиб борилиши, уларнинг иж-

тимой йўналиши, иқтисодий муаммоларнинг устуворлиги билан боғлиқ бўлади.

Масалан, «америкача» андозада эркин бозор муносабатлари кучли роль ўйнайди, «япон» ва «француз» андозалари хўжалик фаолиятини ташкил этишда давлатнинг иштироки катта эканлиги билан характерланади.

«Немис» ва «швед» андозаларида давлат сиёсатида ижтимоий йўналиш анча устувордир.

Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл сиёсат ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодини шакллантиришга қаратилган йўлдир.

Жамиятнинг сиёсий ҳаётида давлатнинг мулкка бўлган муносабати иқтисодий сиёсатнинг асосида ётади.

Жамият сиёсий фикр ривожини тарихида унга турли хил қарашлар мавжуд бўлган ва амалий ҳаётга тадбиқ этилган. Сиёсий тафаккурда жамият ижтимоий-иқтисодий ривожига қарашнинг ўзгариши билан, мулк муносабатларига бўлган муносабат ҳам ўзгармоқда. Собиқ иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги «марксча-ленинча» қараш ўрнига янгича тамойилларга асосланган нуқтаи назарлар иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини топа бошлади.

Агарда жамиятлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётига эътибор берадиган бўлсак, ривожланишнинг турли босқичларида уларнинг мулккий ҳолатлари турлича бўлганлигини кўриш мумкин. Масалан, мулкнинг умумийлик ҳолати меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва манфаатлар доирасининг англаб олиниши билан мулкка нисбатан хусусий муносабатларнинг пайдо бўлиши ёки жамиятда турли мулкчилик муносабатларини қўллаб-қувватлаш асосида ривожланишда ўз ифодасини топмоқда.

Шунингдек, мулкнинг хусусий ёки ижтимоий шакллари устувор бўлган ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, собиқ иттифоқ даврида мулкнинг ижтимоий шаклига, яъни ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ижтимоий мулкчилик муносабати давлат иқтисодий сиёсатининг асосий негизини ташкил этган. Мулкнинг бошқа шакллари, хусусан, хусусий мулк инкор этилган.

Бунинг оқибатида жамиятда давлат мулкининг ҳокимлиги таъминланиши билан бирга инсонларнинг иқтисодий фаолиятида эркин бўлиш ҳуқуқлари чекланди, мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилди, мулкка ишбатан эгасизлик кайфияти вужудга келди.

Мулкка бўлган муносабатда жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини, инсонларнинг табиий хоҳиш ва продаларини ҳисобга олган ҳолда мулк тизимини шакллантириш зарурлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Бугун жаҳон ҳамжамияти ўртасида қарор топаётган ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари мулкнинг ягона бир шаклини эмас, балки унинг турли, хилма-хил шакллари ривожлантириш сиёсатини амалга оширишни тақозо этмоқда. Аввало, а) ҳар бир давлат ўз ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш негизларини мулкнинг хилма-хиллиги асосида қурмоқда. б) Бундан ташқари минтақалараро ҳамда давлатлараро янги мулкчилик муносабатлари қарор топмоқда. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўзаро қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилмоқда. Бу дунё миқёсида манфаатли иқтисодий сиёсат олиб борилганлигидан далолатдир.

Бундай сиёсат айрим минтақа даражасида ҳам, масалан, Марказий Осиё халқлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш концепцияси, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, шу ҳудудларда иқтисодий интеграцияларни янада чуқурлаштиришни амалга ошириш фаолиятларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамияти давлатлари сингари, Ўзбекистон ҳам ўзига хос тараққиёт йўлидан бормоқда ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат юргизмоқда. Мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожининг ҳозирги босқичида ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан самарали фойдаланиш иқтисодий сиёсат олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳокимиятнинг ижтимоий сиёсатида содир бўлган муҳим ўзгаришларидан бири уни инсон манфаатларига бўйсундирилганлигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгилаб қўйилганидек: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакл-

лардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонуни назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин»¹.

Демак, Ўзбекистон давлатининг иқтисодий ҳаётида содир бўлган қуйидаги жиҳатларни алоҳида ҳисобга олиш керак. Биринчидан, сиёсатда мулкка нисбатан давлат монополиясига, мулкнинг яғоналиги (давлат — умумхалқ мулки ва колхоз — кооператив)га барҳам берилди ва мулкнинг хилма-хиллигига ўтилди. Иккинчидан, хусусий мулкчилик жорий этилди, барча мулкларга бир хилда ҳуқуқ берилиб, унинг дахлсизлиги давлатнинг ҳимоясига олинди.

Бу мавжуд сиёсий институтлар билан жамият иқтисодий тизими, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўртасида янгича тамойиллар ва негизларда муносабатлар пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш турли субъектларнинг эркин иқтисодий фаолият олиб боришларини кафолатлаб беради. Ўзбекистон суверен давлат сифатида очиқ иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаолият олиб бормоқда, жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этмоқда. Ўзбекистон давлат сиёсатида иқтисодиётни жаҳон хўжалигига қўшишга алоҳида эътибор берилмоқда, у кўп томонлама халқаро ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Чунончи, Республика Бирлашан Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро Молия корпорацияси, Иқтисодий Тараққиётга Кўмаклашувчи Ташкилот, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти каби ва бошқа халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат юрғаза бошлади.

Халқаро валюта фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислох қилиш мақсадида мунтазам ўзгартиришлар дастури ишлаб чиқилди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 18—19-бетлар.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлди. Ўзбекистон давлати ташқи иқтисодий сиёсатида жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа унинг асосий бўғинини ташкил этади. Бу амалда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошди. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Беларусь, Молдова ва МДҲ даги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустақам негизини яратиш сиёсатини олиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятда уни эркинлаштириш сиёсатнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Хорижий ҳамкорлар иштироки билан Республика «Ўздэуавто» ва «Ўздэуэлектроникс» (Корея Республикаси), «Ўзиталмотор» (Италия) «ЎзБАТ» (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари ўзаро ҳамкорликни ўрнатиб, ташқи иқтисодий фаолият олиб бора бошлади.

Бозор муносабатларига ўтиб борилиши давлатни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга бевосита аралашшига барҳам берди, чунки ижтимоий-иқтисодий ҳаётни демократлаштирмасдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, эркин иқтисодий фаолиятни ҳаётга жорий этиб, корхоналарга ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида ўзаро эркин шартномавий муносабатларни шакллантирмасдан туриб унда юксалишга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётга нисбатан бевосита аралаштириш сиёсатидан воз кечди. Бу бозор муносабатлари шароитида давлат ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ўртасидаги муҳим сиёсий-ижтимоий қонуният тарзида намоён бўлади. Унда давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётга қандай таъсир кўрсатади ва бошқариш қандай амалга оширилади? Давлатнинг билвосита таъсир кўрсатишини қандай тушуниш керак, деган саволлар туғилади. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга нисбатан сиёсати маъмурий-буйруқбозлик йўли билан эмас, аксинча, унинг қонуний асосларини яратиш ва ишлаб чиқиш ҳамда қатъий назорат ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу нафақат ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг талаби, айни пайт-

да эркин ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш қонунларига ҳам тўла мос келади, ... бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли кескин ўзгаради. Иқтисодиётни бошқаришнинг асосий усули давлат органларининг бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча, қонун бўлиб қолмоқди. Давлатнинг бош вазифаси иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўрнини маромида ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат»¹.

Бу ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ва инсонлар тафаккури ва бошқариш тизимида шаклланган эскича фикрлаш, маъмурий-буйруқбозлик, сансалорлик каби иллатлардан қутулишга шароит яратади. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётга давлатнинг бевосита аралашадиган соҳаларини камайтириш борасидаги саъйи-ҳаракатларни амалга оширади. Бу муҳим иқтисодий, сиёсий-ижтимоий аҳамият касб этади.

Ижтимоий сиёсат ва унинг моҳияти. Сиёсатнинг йўналишлари хилма-хил бўлиб, ижтимоий сиёсат унинг муҳим жиҳатини ташкил этади. Сиёсатнинг натижаси ана шу соҳа орқали яққол намоён бўлади ва инсон манфаатларига бевосита дахлдордир.

Бу республикамизда эски ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўрнида янгича тамойилларга асосланган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун кучли ижро ҳокимиятини зарур қилиб қўйди ва у республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тарзида шакллантирилди. Утмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари — ҳокимликлар қайта тикланди.

Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлардан мақсад юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиш, ижтимоий инфраструктура даражасини яхшилаш, инсонларни, соғлом, маънавий жиҳатдан мукамал, юксак маънавиятли авлодни шакллантириш ва тарбиялашдан иборатдир.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш асосида мавжуд муаммоларга барҳам

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. «Ўзбекистон». 1995, 20-бет.

Бериш инсон ҳуқуқларини амалда таъминлашнинг моддий асосларини яратишга имкон беради. Бундай сиёсат натижасида мустақил давлатимизда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда давлат бюджетининг катта қисмини ижтимоий соҳага сарфлашга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Жумладан, аҳолини ҳимоялашга сарфланадиган харажатлар бюджетнинг икки бандида ўз ифодасини топган. Булар «ижтимоий соҳа» ва «аҳолини ҳимоялаш» деб аталади. Бу бандларда қайд этилган маблағ, масалан, Ўзбекистонда 1996 йилда бюджет харажат қисмининг 51,4 фоизига баробардир¹.

Ривожланган мамлакатлар ижтимоий соҳага алоҳида эътибор берган бир даврда, собиқ иттифоқда XX асрнинг 60-йилларининг охиригача «ижтимоий сиёсат» тушунчаси деярли ишлатилмади. Унга иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қараб келинди. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд эканлиги бугунги мустақиллик сиёсати туфайли аниқ намоён бўлди. 1. Собиқ иттифоқ давридаги сиёсатда инсон ва умуминсоний манфаатлар иккинчи даражали аҳамият касб этди. Сиёсат инсон манфаатларига тўла хизмат қилмади. 2. Жамиятда ноҳолисона сиёсат олиб борилди. Макссад собиқ иттифоқ ҳудудидаги барча республикалардаги халқлар, инсонлар манфаатини бир хилда қўриш ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бориш эмас, аксинча марказ манфаатлари учун устуворлик касб этиш бўлиб, миллий даромаднинг асосий қисми бошқа соҳаларга сарф этилди. 3. Республикаларнинг собиқ иттифоқда мустақиллик даражаси ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, ўз тақдирини ўзи белгилаши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам бир томонлама «хом ашё» етиштиришга асослантирилганлиги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муайян кийинчиликларни вужудга келтирди. Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши давр талабидан орқада қолиб борди.

¹ П. А. Каримов. Ўзбекистон истиклол йўлида собитқадамдир. «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 22 февраль сони.

Ижтимоий соҳа бўйича қабул қилинган кўпгина тадбирлар амалда бажарилмади. Унга нисбатан «қолдиқ ресурслар»ни ажратиш амалиёти вужудга келди. Бу оқибатда ижтимоий соҳада инсонларнинг туб ҳаётини манфаатларига даҳлдор бўлган муаммоларнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Қайси жойда ижтимоий муаммолар ўз вақтида ҳал этилмаса, инсонларнинг сиёсатга нисбатан қарашлари ўзгаради. Натижада инсон билан сиёсат ўртасидаги фарқ чуқурлашиб боради. Ишлаб чиқаришга «технократик» ёндашиш вужудга келади.

Давлат бошқарувида демократик асосларнинг тузилиши унитар давлат кўринишини ола бошлади. Федерация тамойиллари тўла ҳисобга олинмади. Натижада ижтимоий сиёсатда ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат қондаларига амал қилинмади.

«Ҳаммани тенг» қилишга бўлган саъйи-ҳаракатлар уни бир томонлама тушунишга олиб келди. «Табиий тенгсизлик», «ижтимоий тенглик» билан қўпол равишда уйғунлашиб, жамият ривожига ижтимоий адолат нормаларининг бузилишига сабаб бўлди.

Ижтимоий адолатнинг моҳиятини ҳаммани-тенглаштиришдан иборат деб тушунилди. Маълумки, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жамиятдаги сиёсий муносабатларнинг субъекти ва объекти сифатида намоён бўлади. Жамият ижтимоий сиёсатида сиёсат тамойилларининг ўзгариши унда «синфийлик»- ўрнида «инсоний тамойиллар» ошиши билан «инсонга асл мақсад ва олий қадрият» сифатида қараш қондасига амал қилиш заруриятга айланди.

Ишончли ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши иқтисодий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтириш билан тўла мувофиқ тушади. «Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса ўз навбатида, ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир. Бошланган ўзгариш ва покланиш жараёнини орқага қайтаришга йўл бермайдиган ижтимоий таянчдир¹»

Бу соҳада Ўзбекистонда қуйидаги томонлар алоҳида ҳисобга олинди: 1. Бозор муносабатларига ўтишнинг

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. «Ўзбекистон», 1995, 120-бет.

илк босқичида республика аҳолисини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари кўрилди. 2. Бозор муносабатларига ўтиб борган сари ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, деган тамойилга асосланган. 3. Ижтимоий сиёсатда аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди ҳамда республикада адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш қоидаси янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб олинди.

Давлат ва жамият қурилишининг демократик тамойилларига асосланиши натижасида ижтимоий сиёсат давлат фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлди. Ижтимоий ҳимоя аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндошилганлиги оқибатида давлатнинг моддий ёрдами фуқароларнинг фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз тоифаларига нисбатан қўлланиш имкониятини вужудга келтирди.

Аҳолини ҳимоялашда айрим ижтимоий институтларнинг мавқеи ошди. Ижтимоий ҳимоялашда давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоа ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларидан фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлди. Аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди ҳамда уларнинг масъулияти оширилди. Масалан, ҳокимларга маҳалла қўмиталарига аҳолининг ночор қатламларига умумдавлат кафолатлари амалга оширилишини таъминлаш билан бирга амалда жойларнинг ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни жорий этиш ҳуқуқлари ҳам берилди. Ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизими ўрнида маънавий ва ахлоқий қадриятларимизга, турмуш тарзи ва дунёқарашимиздаги хусусиятларга мос келадиган ўзимизга хос тизим яратилди. Бу амалга оширилаётган

ижтимоий сиёсатнинг инсонпарварлик моҳиятини кўрсатади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизими жорий этилишида маҳалла унинг энг таъсирчан, самарали ва очиқ воситаси деб топилди. Янгича ёндашув туфайли, қонун асосида ўзини-ўзи бошқариш органи мақомига эга бўлган маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир оиланинг даромад манбаларини яхши билган ҳолда маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, айрим корхона ва ташкилотларнинг тадбиркорлик тузулмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан махсус жамғармалар ташкил қилдилар. Жумладан, «Маҳалла жамғарма фондлари» ташкил қилинди. Бу жамғармалар давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар туфайли инсонларнинг, турли ижтимоий гуруҳлар ва мулк эгаларининг меҳнатга бўлган муносабатлари ўзгарди.

Инсонлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларда тобора фаолроқ иштирок этмоқдалар. Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бериладиган нафақалар ва моддий ёрдам асосан оила орқали етказиб бериладиган бўлди.

Оиланинг мавқеини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соғлом авлод учун курашнинг узвий бўғинига айланди. Бу жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаб бермоқда.

Сиёсатнинг моҳияти ижтимоий адолат нормаларига, тамойилларига қанчалик изчил амал қилинаётганлиги билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий адолат сиёсатнинг кўзгусидир. Ижтимоий адолатни ўрнатиш, унга қатъий риоя этиш механизмнинг асоси, биринчи навбатда, Конституция унинг ҳуқуқий кафолатловчи асосий ҳужжати ҳисобланади. Бу ижтимоий адолат, ҳуқуқий, демократик давлат қурилишининг ҳам муҳим шарт ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан турли жамиятларда политологлар томонидан қонун устуворлигига, ижтимоий адолат муаммосига алоҳида эътибор бериб келинган ва келинмоқда.

Ижтимоий адолат сиёсат билан узвий боғлиқ бўлиб, уни таъминлашда жамиятнинг сиёсий тизими, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий адолат кенг қамровли тушунча бўлиб, жамиятнинг ҳамма соҳаларини, ҳар бир фуқаро манфаатларини, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маънавият, инсонларнинг турмуш фаолиятларининг барча жабҳаларини қамраб олади. Бундан ташқари ижтимоий адолат давлатлараро муносабатлар, жаҳон ҳамжамияти, халқаро сиёсат, инсон ҳуқуқларига ҳам бевосита дахлдор бўлганлиги учун ҳам сиёсатда алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий адолат сиёсий институтлар, субъектлар, турли ижтимоий гуруҳлар, инсонлар фаолияти ва ўзаро муносабатида табиий, сиёсий-ижтимоий, маънавий манфаатлар, ҳуқуқ ва эркинликларнинг мувофиқлигини ифодаловчи меъёрдир.

Жамиятда ижтимоий адолат сиёсатнинг мезони сифатида намоён бўлади. Ижтимоий сиёсатнинг туб моҳияти, негизи унинг асосий бўғинини ташкил этади.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт ва унинг моҳияти асосан ижтимоий адолат нормаларига бўлган муносабат ҳамда уни амалда қандай ҳал этиб борилаётанлиги билан белгиланади. Инсон ва умуминсоний тамойиллар уни белгилаб берувчи мезонлардир. Ижтимоий соҳа инсон эҳтиёжлари ва манфаатларининг барча соҳаларига кўра яқинроқ бўлган муайян гуруҳ манфаатлари билан бевосита дахлдордир.

Ижтимоий адолат жамиятдаги барча инсонлар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, элатлар, миллатлар ва халқлар ҳаётига бевосита дахлдор бўлган, улар ўрта-сидаги муносабатнинг барқарор бўлиб туришини таъминлайдиган соҳа бўлиб, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, соғлиқни сақлаш ва бўш вақтларини тўғри ташкил этишга қаратилган, комил инсонларни шакллантиришга асос бўладиган асосий йўналишларни ўз ичига олади.

Қадимдан энг улуг мутафаккирлар, файласуфлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқ, давлат ва жамоат раҳбарлари ижтимоий адолатни тинчлик, эркинлик, демократия, мустақиллик каби энг умумий инсоний тамойиллар билан уйғун ҳолда таҳлил этганларини кўрамиз. Ўрта аср, ҳозирги замон политологлари ҳам унга алоҳида эътибор бериб, уни жамият сиёсий тизими билан инсон

учун энг зарур булган юқоридаги тамойил асосида ўрганиб, унга адолатли, ҳуқуқий, демократик давлат қуришнинг муҳим шарти сифатида ёндошмоқдалар.

Инсонлар кўпинча сиёсатга ўз турмуш шароитларидан келиб чиққан ҳолда баҳо берадилар. Шунинг учун ҳам сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан боғлиқ булган томонларига, уни ҳаётга жорий этишга алоҳида эътибор бериш инсонларнинг сиёсатга нисбатан масъулиятини ошириш билан бирга, айти пайтда сиёсатнинг инсон билан уйғунлашиб бораётган фаолиятдан далолат беради. Бу амалда ижтимоий адолат нормаларини тиклайди, давлатнинг кучини оширади ва мустаҳкамлайди. Соҳибқирон Амир Темур айтганидек, «адолат кучда эмас, аксинча, куч — адолатдадир» деган тамойилга амал қилиш давлатни мустаҳкамлайди, сиёсат эса инсонийлашади. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўз халқининг келажагини уйламаган, унинг манфаатларига хизмат қилмаган сиёсатнинг келажаги йўқ деб ҳисоблаган. Зеро, халқ учун хизмат қилиш ижтимоий адолат мезонидир.

Давлатлар тарихидаги сиёсий жараёнларни кузатар эканмиз, бу фикрларнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсати инсон манфаатлари билан уйғун ҳолда олиб борилаётганлиги ҳам шундан далолатдир.

Аммо давлат ва жамият қурилиши ишларида ижтимоий адолатга қатъий риоя этиш ҳамма даврларда ҳам бир хил деб бўлмайди. Хусусан, собиқ иттифоқ ва марксча-ленинча мафкура ҳукмрон бўлган даврда ижтимоий адолат тамойилларининг қандай бузилганлигини барча яхши билади. Тоталитар тузумда ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг ёйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, меҳнат тақсимооти меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, ҳаммани «тенглаштириш» сиёсатининг олиб борилиши, меҳнат ва иқтисодий фаолиятда эркинликнинг топталиши, қонунчилик асосларига, демократик жараёнларда ижтимоий адолат нормаларига амал қилинмаганлиги ижтимоий ҳаёт соҳаларига салбий таъсир кўрсатди.

Жамият сиёсий ҳаётида бўлган ўзгаришлар туфайли ижтимоий адолатга қараш, ижтимоий адолат тамойиллари ўзгарди. Ҷўравонликка, кучга таянган

Жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатиш, уни мустаҳкамлаш мумкин эмаслиги ҳамда айрим синф ва гуруҳ манфаатига асосланган сиёсат ижтимоий адолат нормаларига зид эканлиги яққол намоён бўлди. Шу нуқтадан «марксча-ленинча ижтимоий адолат» концепцияси ўзининг бир томонлама, чекланган эканлигини кўрсатди. Унинг индивидуалистик ва эгоцентристик қарашлар билан яқинлиги намоён бўлди. Бу концепцияни ҳаётнинг ўзи инкор этди.

Ўзбекистонда жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида амалга ошган ислохотлар тўғрисида ижтимоий адолатни тиклаш ва қарор топтириш, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотанда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари кафолатланди. Пенсиялар, турли нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кафолатланди.

Ижтимоий адолатни қарор топтириш учун аҳоли демократик ўзгартиришларни амалга ошириш зарурлигини англабгина қолмасдан, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик, адолатли, ҳуқуқий давлатга эришишнинг муҳим шarti эканлигини ҳис этмоқда.

Чинакам ижтимоий адолат қонунларнинг қай даражада устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилганлиги, ижтимоий кафолатлар кучи билан белгиланади.

Жамиятда ижтимоий адолат нормаларини мустаҳкамлаш учун ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интиляётган давлат халқ манфаатларини, ўз фуқароларининг орномуси ва кадр-қимматини, уларнинг эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлиши керак.

«Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак. Жамиятнинг ҳаддан ташқари

бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажра кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ»¹.

Демак, жамиятда ижтимоий адолат ва унинг амалий ифодаси бўлган адолатпарварлик ғояси унинг туб моҳиятини белгилаб беради.

Жамиятда мавжуд ижтимоий гуруҳлар манфаатларини тўлиқ ҳисобга олиш, уни ўзаро мувофиқлаштириб туриш орқали ижтимоий адолатни таъминлаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам сиёсий муносабатлар, инсон ва умуминсоний тамойиллар жамиятнинг мезони бўлса, ижтимоий адолат уни амалий жиҳатдан таъминлаб турувчи ва кўрсатувчи кўзгудир.

Ҳар бир жамиятнинг сиёсий тизими такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар бир давр уни янгича мазмун ва моҳият билан бойитиб боради. Аммо бир нарса маълумки, ижтимоий адолат нормалари ва тамойилларининг инсон манфаатлари билан мос тушиши, уни ифода этиш зарурлиги сиёсатнинг асосий қондаси бўлиб қолади.

Сиёсатда инсон унинг асл мақсади ва мезонига айланган жамиятдагина ижтимоий адолат нормалари тўла амалга ошириши мумкин. Шунда сиёсат ижтимоий-иқтисодий соҳа, мавжуд сиёсий институтлар, турли ижтимоий гуруҳлар манфаати билан уйғунлашиб боради. Инсон ўз ақл-заковатлари, мақсад ва манфаатига мос тушадиган сиёсат, адолатли ҳуқуқий давлатни барпо этиш, янги жамият қуриш йўлида ўзаро фаолиятда бўлади. Ижтимоий адолатни қарор топтирган жамият эса ўз истиқболига эга бўлади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ижтимоий сиёсат нима?
2. Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва мақсадларининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатди?
3. Иқтисодий ривожланиш хилма-хиллигининг сабабларини қандай тушунасиз?
4. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосини нима ташқил этади?
5. Ижтимоий адолат нима?

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. «Ўзбекистон» 1995, 250—251-бетлар.

9-мавзу

ЭТНИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Давлатлар ўзининг кўп элатли (полиэтник) ва бир элатли (моноэтник) таркибга эга бўлганлиги билан, қариятларидаги, маданий-маърифий соҳаларидаги, миқсадларини амалга оширишдаги ўзига хослик билан фарқ қиладилар. Бугунги кунда дунёда 1600 дан ортиқ этник гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар 5 ярим мингдан ортиқ тилларда сўзлашадилар. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз ёзувларига, миллий давлатчилигига ҳам эга эмаслар. Аммо бу уларнинг ўзига хос манфаатлари мавжудлигини инкор этмайди. Шунинг учун кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда яшайдиган кам сонли этник гуруҳлар билан тинч-тотув яшаш мамлакатда барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан сиёсатда алоҳида аҳамият касб этади. Турли миллатларнинг мавжудлиги уларнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этибгина қолмасдан, уларнинг манфаатлари мавжудлигини ҳам билдиради. Кўп миллатли бўлган мамлакатларда манфаатларни уйғунлаштириш мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи омиллардан бирини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам миллатлараро тотувликни вужудга келтириш давлат сиёсатида устувор аҳамиятга эгадир.

Миллат тушунчаси Жамиyat ривожидa миллатга турли хил нуқтанa назар билан ёндашилган. Унга муайян сиёсий мақсадлар, мафкуралар, манфаатлар орқали ёндашиш оқибатида миллат тушунчаси—капитализм ёки синфий нуқтанa назаридан таҳлил этилган тўртта элементнинг бирлиги заминида, чунончи, тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш ва маданият бирлиги заминида вужудга келиб тарихан таркиб топган ва мустаҳкам бирлик сифатида ўрганиб келди. Бу собиқ тоталитар тузум даври манбаларида мустаҳкам ўрин олиб келди. Инглиз философи Эрнест Геллнер фикрича, миллат «инсон яратган миллат инсон иши ва онгининг маҳсулидир»¹... «Миллатга мансублик инсонга туғилишда берилади ва унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай қолади.

¹ Геллнер Э. Науки и идеологиялизм. — Вопросы философии, № 7, 1989, 124-бет.

У жинс каби мустаҳкамдир...¹, ёки «Миллат» — энг аввало гуруҳлар ичидаги таърифланиш бўлиб, у олимлар ёки давлатлар томонидан аниқланган ва киритилган тушунчалар эмас»² деган нуқтаи назарлар ҳам илгари сурилади.

Бу ҳақда республикамизда 1992 йилда босмадан чиққан «Политология асослари» (муаллифлар жамоаси)³ ва Ф. Ш. Шарипов томонидан ёзилган «Сиёсатшунослик»⁴ ўқув қўлланмасида анъанавий таъриф такрорланганлигини кўрамыз.

Миллий ривожланишнинг тарихи ва бугунги кундаги жараёнларидан келиб чиққан ҳолда, миллат тушунчасига таъриф берилишида ва унинг моҳиятини билиб олишда унинг ижтимоий тараққиётга қандай реал таъсир ўтказа олиш имкониятларини назарда тутиш лозим. Шу маънода мавжуд анъанавий таърифларда миллатнинг моҳиятини иқтисодий, ҳудудий ёки бошқа омиллар билан боғлаб тушуниш унинг ички моҳиятига соя солиб келмоқда. Чунончи, миллат тарихий ёки ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлган, келажакда у қандай шаклланган бўлса шундай «йўқ бўлиб кетади» каби хулосаларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Жаҳондаги миллий ривожланиш жараёни собиқ СССРнинг парчаланиши ва миллий жараёнларнинг кескинлашуви миллат ҳаётида иқтисодий, ҳудудий омиллар катта роль ўйнашини, аммо у миллат моҳиятининг асосий белгиловчи омили бўла олмаслигини кўрсатмоқда. Масалан, агар ҳудудни устувор деб ҳисоблайдиган бўлсак, ҳақли савол туғилади. Нима учун бир мамлакатга қарашли турли миллатлар асрлар давомида маҳаллий миллат вакиллари билан бирга яшайдилар-у, нега улар маҳаллий миллатларга қўшилиб кетмайдилар? Ёки нега кам сонли миллат вакиллари ҳам ўзга мамлакатлар ҳудудларида яшасалар ҳам улар «билан қоришиб кетмайдилар»?

¹ Нонин Л. Философия национальности — Перестройка и национальные проблемы. Приложение к журналу «Новое время» 1989, 1-бет.

² Тишков В. А. Социальное и национальное в историко-антропологической перспективе. Вопросы философии, №12, 1990, 12-бет.

³ Политология асослари (муаллифлар жамоаси). Ўқув қўлланма, Тошкент, Университет, 1992, 114-бет.

⁴ Ф. Ш. Шарипов. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланмаси, Тошкент, Унив-т, 1992, 163-бет.

Агар иқтисодий бирлик миллат тушунчасининг мазмунини белгилашнинг асосий омили деб қараладиган бўлса, бугунги кунда Европанинг бир қатор мамлакатлари янгича иқтисодий маконни вужудга келтириш учун бирлашмоқдалар, аммо уларнинг ҳар бири ўз миллатининг тилини, меросини, қадриятларини, маданият ва санъатларини, қисқаси ўзлигини сақлаб қолиш учун фидойи бўлмоқдалар. Ҳаттоки, уларнинг айримлари маданиятларини ер юзида яшаётган ўзга миллатлар томонидан «ўзлаштирилиши» учун кўплаб маблағлар сарфламоқдалар.

Миллат тушунчаси тизимида давлатнинг ўрни ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. У миллатни бирлаштириб турувчи, унинг қадриятларини, ўзлигини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим сиёсий институтдир. Шунинг учун ҳам ўз миллати номи билан аталувчи давлатлардан ташқарида яшовчи миллат ва элатлар вакиллари қадриятлари, урф-одатлари ҳамда анъаналарига салбий муносабатларнинг вужудга келишини сезган, ўзлигини англашга ва ўзи «ўзга» давлатлар ҳудудларида туғилиб ўсган бўлса ҳам ўз миллати номи билан аталувчи давлатда, ўз миллати билан яшашга интилади.

Давлат ўз миллати манфаатлари, маданияти, қадрияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга катта эътибор бериш билан унда яшовчи бошқа миллатларнинг манфаатларига, уларнинг маданияти, қадриятлари, урф одатлари ривожланишига тўсқинлик қилмайди.

Аксинча, давлат ўзга миллатларнинг ривожланиши учун ҳам ғамхўрлик қилади. У ўз миллати атрофига бошқа турли-туман миллат, элат вакилларини яқинлаштиришга катта эътибор беради.

Бир сўз билан айтганда, давлат миллий айирмачиликлар эмас, балки уларнинг ўзаро тинч-тотув яшаши учун кафолат ҳисобланади.

Демак, давлат миллат манфаатларини ифодаловчи муҳим институтдир. Аммо миллатларнинг моҳиятини фарқловчи, асосий белгилорчи омил эмас.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллат-тил, маданият (кенг маънода) миллий ўзлигини англаш руҳияти, (психологияси ва ҳиссиёти) урф-одатлар ва анъаналари асосида муайян ҳудудда яшовчи кишиларнинг этник бирлигидир.

Бу таъриф миллат тушунчасининг моҳиятини белги-

ловчи маданий-маърифий омилларга устуворлик беради. Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, миллатлар бир-бирларидан тил, урф-одат, анъаналар, маданият, қадриятлар ва руҳиятлари даги (психологиялари) ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб турадилар.

Иккинчидан, бу хусусиятлар миллатлар мавжуд бўлган ҳар қандай шароитда, миллат реал субъект сифатида мавжудлиги ҳақиқат бўлганидек, улар ҳам йўқ бўлиб кетмасдан ривожланиб, такомиллашиб боради.

Учинчидан, миллий маданий-маърифий омил қанчалик ўзаро яқинлашмасин, улар ўз-ўзидан «ассимиляция» (қоришиб) бўлиб кетмайди, балки улардаги ўзига хос хусусиятлар миллатни бирлаштириб турувчи манба ролини бажаради. Маданий-маърифий омиллар юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир миллатни таърифловчи хусусият сифатида муҳим омил ҳисобланади.

**Сиёсий жараёнлар
ва миллий
муносабатлар**

Миллий масалага ишлаб чиқариш усули, синфий қарама-қаршиликлар нуқтан назаридан ёндашиш сиёсий фикр ривожини бир томонлама экан-

лигини кўрсатади.

Бундан ташқари, собиқ СССРда коммунистик марказнинг энг муҳим мақсади аҳолини байналмилаллаштириш ҳамда «марказнинг «совет халқи», деган ўзига хос ижтимоий бирликни шакллантириш ғоясини амалга ошириш чоғида барча миллий хусусиятлар тўсиқ ҳисобланган. У тоталитар сиёсат мақсадларига мос тушмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов таъкидлаганидек, коммунист идеологлар ва сиёсатчилар бу концепцияни илгари сураб эканлар, афтидан одамларда миллий ўзлигини англаш туйғусининг ўсиш жараёнини атайлаб тажовузкор, сиёсий тус берилган миллатчилик билан алмаштириб қўйган эдилар. Шу тариқа одамларни қонуний равишда ўсиб бораётган ва объектив сабабларга боғлиқ бўлган миллий ўзлигини англаш жараёнларидан чалғитиш мақсади кўзланган эди. Иттифоқдош республикалар ва миллий чекка ўлкалардаги ўз эътиқодига кўра илғор ва ўз халқига садоқатли бўлган кишилар «миллатчиликда» айбланиб, қатағон қилинган эди. Бу мажбуран «байналмилаллаштириш», миллий хусусиятларни йўқ қилиш ниятида бўлган ва империяча манфаатларга мос тушувчи «кўп миллатли» бирликнинг

вужудга келиш жараёнини жадаллаштиришга интилиш
вди.

«Халқлар ва миллатларни яқинлаштириш»дан иборат бундай сунъий жараён жамиятда «миллатчилик» деб атанган расм бўлган яширин ва ошкора қаршиллик кўрсатиш ҳолларига олиб келган.

Тоталитар сиёсат туфайли вужудга келган бундай вазият миллатлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги табиий ривожланиш ҳолатларига тўғри келмас эди. Аслида эса бу — теран миллий қадриятларни, миллатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий ва тарихий тараққиётнинг объектив, бутунлай асосли эҳтиёжи бўлган.

Сиёсий жараёнлар ривожини шуни кўрсатадики, миллатлараро муносабатга ҳолисона ёндашиш, ҳар бир миллатнинг тили, маданий хусусиятларига писандисизлик билан қараш ва уни сақлаб қолиниши, ривожланишига шарт-шароит яратмаслик оқибати миллий бирликка салбий таъсир кўрсатади. Реал ҳаётда назария билан амалиёт ўртасида номувофиқлик туфайли миллий муносабатлар ривожидан узилиш содир бўлади.

Миллий тараққиётда содир бўлаётган ўзгаришлар, миллий омил ролининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга кўрсатаётган таъсири кучайган сари миллатларни зўравонлик йўли билан (пинҳоний) яқинлаштириш ғояси илгари сурилди.

Ишлаб чиқаришнинг тараққиёти ва ижтимоий иқтисодий омиллар миллат шаклланишининг асосий омилларидан бири эканлигини инкор қилиш қийин. Чунки уларсиз тараққиётнинг, шу жумладан миллий тараққиёт даражаларини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо худди мана шу жойда миллатларнинг шаклланишига формацион ёндашишнинг бир томонлама жиҳати намоён бўлади. Миллатнинг хусусиятларини ўзида намоён этадиган айрим белгилар ёки омиллар қачондан мавжуд бўлган? ёки фақат ана шу ижтимоий-иқтисодий тузум миллатнинг бирлик бўлиб шаклланишига олиб келганми? деган саволлар туғилади. Лекин бу бирликларнинг мустақил равишда юзага келишига уларнинг турли ҳудудларга бўлиниб, моддий манфаатлар юзасидан ўзаро бирлашишлари сабаб қилиб кўрсатилади. Ўз навбатида, ана шу моддий зарурият уларнинг мустақил (ягона) тил,

маданият (кенг маънода) ва ягона урф-одатлари шаклланишига олиб келган деган фикрлар мавжуд.

Миллий ривожланишнинг ҳар бир реал тараққиётидан келиб чиққан ҳолда янги фикрларни ишлаб чиқишга ҳам ўрин қолдирган ҳолда масалага реал қараш лозим.

Миллатлараро ва этник муносабатлар ўзининг сиёсий жиҳатига эга. У сиёсий тусга кирмаслиги керак, акс ҳолда кучли салбий йўналиш касб этиши мумкин. Бу давлатлараро муносабатларга, давлат ва миллат хавфсизлигига, барқарорликка таҳдид солиши мумкин.

Демак, миллатнинг бирлик бўлиб шаклланиши ва ривожланишида инсоннинг ақл-заковати охиригача илғаб ололмаган ички маънавий омиллар мавжуд бўлган. Худди ана шу маънавий омиллар миллат шаклланиши томон бораётган жараёнларда етакчилик ролини эгаллаб борган.

Миллий манфаатлар учун қайғуриш ҳар қандай мамлакатда уларни бирлаштириб турадиган асосий омил ҳисобланади. Уни айрим синфлар манфаатига бўйсундириб бўлмайди. Миллат ижтимоий тараққиётнинг маҳсули сифатида давлат сиёсатида миллатлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда ҳар бир миллат эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллат ёки этник гуруҳлар манфаатларига қарши қўймаган ҳолда амалга ошириш муҳим ўрин тутаети. Давлат ҳокимиятининг муҳим вазифаси ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган қонунларни ишлаб чиқариш орқали миллий тенглик, ҳар бир миллат вакилига фуқаро сифатида қараш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини, эркинлигини кафолатлашдан иборат.

Миллий муносабатларнинг намоён бўлиши

Турли миллатларнинг мавжудлиги объектив равишда кўп миллатли элатларда миллий муносабатларнинг вужудга келишига олиб келади. Чунки ҳар бир миллат маълум манфаатлар атрофида бирлашиб ягона этник бирликни ташкил қилади. Миллий манфаатлар муайян маънода зарурий эҳтиёжларни англашдир. Демак, ана шунга мувофиқ манфаат ҳар бир миллатнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш маданиятининг, тили, қадриятларининг барқарор ривожланишига, жаҳон цивилизациясида ўзга миллатлар ўртасида ўз ўрнини тушуниб етишига, ўсиб борадиган заруриятини барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган эҳтиёждир. Бу манфаатлар билан мос тушмаган ҳар қа-

лий сиёсат миллий ривожланишда муаммоларнинг тўп-
ланишига сабаб бўлади.

Миллий масала деганда, турли миллат ва элатлар-
нинг ўзаро муносабатларида зарур эҳтиёжларни қонди-
ришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юзага келиши ту-
шунилади. Бу муаммолар сиёсатда миллатнинг манфаат-
ларига нисбатан салбий ҳаракатлар мавжудлиги оқибат-
тида юзага келади.

Миллий масала икки йўналишда намоён бўлади.
Унинг биринчиси, турли миллатлардан иборат кўп мил-
латли давлатлар ички ҳаётида содир бўлиши мумкин.

Бунда миллий эҳтиёжлар доимий равишда ўсиб бо-
ради ва миллатнинг тараққиёт сари интилишида етакчи
роль ўйнайди. Аммо миллий тараққиёт учун эҳтиёжлар-
нинг ўсиб боришининг ўзи етарли эмас. Шу билан бирга
уларни қондириш учун зарур бўладиган имконият ва шар-
оитлар етарли бўлиши тақозо этилади. Ана шу имко-
ниятларни кўп миллатли давлатларда барабар вужудга
келтириш мавжуд ижтимоий тузум ва давлат олиб бора-
диган сиёсатга боғлиқ бўлади. Агар турли миллатлар
яшайдиган давлатларда бир миллатга нисбатан иккинчи
бир миллатга тараққиёт учун зарур бўладиган имконият-
лар доираси кенг бўлса, ёки бир миллат манфаатлари
иккинчи миллат манфаатларидан устун қўйилса миллат-
лараро муносабатларда норозилик келиб чиқади.

Миллий манфаатларни тенг қондириш, уларнинг ри-
вожланишини таъминлаш жуда мураккаб масала. Аммо
ҳар қандай кўп миллатли давлатларда яшаётган мил-
латлар учун барча соҳаларда тенг шароитлар яратиш,
манфаатларни уйғунлаштириш давлат сиёсатида усту-
вор бўлиши лозим. Бундай муҳитнинг яратилиши миллат-
лараро муносабатларда турли муаммолар юзага келиши-
нинг олдини олади, миллий ривожланишнинг ва давлат-
нинг барқарор тараққий қилишини таъминлайди. Бу му-
ҳитнинг вужудга келиши миллатларнинг ўзлари, мавжуд
давлат тузуми ва уни бошқариш, миллий сиёсатни мо-
ҳирона олиб бориш санъатига боғлиқ бўлади. Миллий
масаланинг келиб чиқишидаги иккинчи йўналиш мамла-
катлараро олиб бориладиган иқтисодий, ижтимоий-сиё-
сий ва маданий соҳалардаги муносабатларда устувор-
ликка интилиши оқибатида содир бўлиши мумкин. Бу
асосан ўз манфаатларини ўзга мамлакатлар манфаатла-
ридан устун қўйишга интилаётган давлатларнинг фао-
лияти оқибатида келиб чиқади ва ўз навбатида, мам-

лакатлараро ихтилофлар ёки ўзаро қарама-қаршиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат давлатларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ.

Оқоридагилардан кўриниб турибдики миллий масала шу жамиятлардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда юзага келадиган инқирозлар оқибатиدير.

Жаҳон тараққиёт тарихидан маълумки, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг юзага келиши хом-ашё ва арзон ишчи кучини талаб этган. Капиталистик ишлаб чиқариш ҳали юзага келмаган ёки кам ривожланган мамлакатларда ана шуларнинг ҳар иккаласи ҳам мавжуд. Европанинг кўпгина давлатлари тараққиётдан орқанда қолган Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларини ўзларига бўйсундириб, ишчи кучи ва мавжуд хом ашёлардан фойдаланиб келдилар.

Собиқ совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин миллий тенгсизликни тугатиш, миллатларнинг муносабатларида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигини вужудга келтириш тўғрисида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Лекин уларнинг ҳаммаси қоғоздагина бўлиб, амалда эса собиқ совет жамиятини қуриш жараёнида миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларда янги-янги мураккаб муаммолар юзага келди.

Уларнинг шаклланиши бир томондан, миллий тараққиётни марказдан бошқарилиши ва бу жараённи тоталитар тузум манфаатларига хизмат қилдиришга қаратилган сиёсат олиб борилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, собиқ совет иттифоқи таркибида барча миллатлар ва элатларнинг ўзлигини англаш жараёнининг ўсиб бориши уларнинг ўз маданий меросларини эгаллашга, тиллари, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини ривожлантиришга ва қадриятларини тиклашга бўлган интилишларининг кучайиб боришига олиб келди. Ана шу ўсиб келаётган эҳтиёжлар сиёсатда ҳисобга олинмади, оқибатда миллатлараро муносабатларда зимдан норозиликларнинг ривожланиб боришига олиб келди.

Бугун Марказий Осиё минтақасида миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ бўлган айрим можароли вазиятларнинг сабабларини тарихан ва атрофлича ёндашиш орқали тўғри баҳолаш мумкин. Бунинг бир қирраси Россия империяси олиб борган ва Совет ҳокимияти давом эттирган сиёсат оқибатларига бориб тақалади.

Чор Россияси, сўнгра эса совет давлатининг аниқ

миқсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг полиэтник таркиби янада хилма-хил бўлишига олиб келди. Ҳозирги кунда совет тузумидан кейинги Марказий Осиё давлатлари ҳудудида 100 дан ортиқ миллат ва элат яшамоқда. Қарийб йигирма миллат вакиллари минтақага Сталин қатағонлари натижасида сургун қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар. Турли даврларда уни мустамлакага айлантириш, 20—30-йиллардаги саноатлаштириш, халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа ишлар таъсир кўрсатган.¹

Сиёсат ва миллий тараққиёт Миллат ва миллатлараро муносабатлар жамият ҳаётида катта ўрин эгаллайди. Миллий ривожланишни ва миллатлараро муносабатларни барқарор такомиллаштириб бориш кўп миллатли ҳар қандай давлат учун муҳим амалий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир кўп миллатли давлатнинг мустақил ишлаб чиқилган миллий сиёсат концепцияси бўлиши шарт.

Миллий сиёсат — давлат томонидан жамиятдаги турли миллатлар ва этник гуруҳларнинг ривожига, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ва шу асосда барқарор ривожланишни ташкил қилишга қаратилган, аниқ мақсад асосида олиб борадиган фаолиятдир.

Давлатнинг фаолиятида амалга ошириладиган миллий сиёсат ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, миллатлараро муносабатларда давлатда яшайдиган ҳар бир миллатнинг манфаатларини ҳисобга олиш, бир миллатни иккинчи миллатга қарама-қарши қўймаслик, маҳаллийчилик, шовинизм ва миллатчилик каби салбий жараёнларнинг юзага келишига йўл қўймасликни назарда тутати. Жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатларида миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб боришнинг муайян тажрибалари тўпланган.

Бугунги кунга келиб, илгари мустамлака бўлиб яшаган халқлар ўзларининг мустақиллигини қўлга киритдилар ва ривожланишнинг ўзлари танлаган йўлидан бор-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, «Ўзбекистон» 1997, 76-бет.

моқдалар. Ривожланган мамлакатларда ҳам миллатлар аро муносабатларни такомиллаштириб бориш жарасини ри давом этмоқда.

Тўғри бугунги кунда дунёнинг айрим давлатларида фуқаронинг миллатини расман белгилаш амалиётидан воз кечилган. Аммо бу ўша мамлакатларда ҳам миллий масаланинг мутлақ ҳал этилганлигини билдирмайди. Миллатнинг мавжуд бўлиши, албатта уларнинг ҳар бирининг ўзига хос эҳтиёжларининг ўсиб боришини тақом қилади. Ана шунн ҳисобга олган ҳолда миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб боришдаги дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида тўпланган тажрибалар шундан иборат бўлдики, бу мамлакатларнинг кўпчилигида ҳар бир миллатнинг сонидан қатъи назар ривожланиши учун ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатлар реал ҳаётда амалга оширилишига катта эътибор берилди. Миллий эҳтиёжларнинг мунтазам равишда қондирилиб борилиши асосида давлатлар ўз атрофида табиий равишда турли миллат ва элат вакилларини бирлаштиришга ҳамда демократик фуқаровий жамият қуришга эришдилар.

Аммо миллий ривожланишни ташкил қилиш ва миллатлараро муносабатларни «такомиллаштиришда» собиқ тоталитар совет давлати олиб борган сиёсат назарий жиҳатдан яроқсиз эканлигини ҳаёт тасдиқлади.

Бу сиёсатнинг тамал тошлари, юқорида таъкидлаганимиздек, анча олдин қўйилган эди. Хусусан у пролетариат манфаатларига миллий манфаатларнинг бўйсундирилиши, миллий ривожланиш ғояларининг ягона мафкуравий манфаатларга бўйсундириш, давлат сиёсатини шу асосда қуришга қаратилган эди. Бу собиқ СССРнинг тузилиши, иттифоқ республикаларини шакллантириш миллий давлат чегараларини маккорлик билан ўтказишдан бошланган эди. Собиқ тоталитар совет давлатининг миллий масалани «ҳал» қилишдаги зўравонлик сиёсатига 1937—38 йиллари узоқ Шарқда яшайдиган корейс халқининг Марказий Осиёга зўравонлик билан кўчирилиши, кейинчалик Волга бўйида яшайдиган қалмиқлар, чеченлар, ингушларнинг кўчирилиб юборилиши, Қрим татарлари, месхетиялик туркларни зўравонлик билан ўз она Ватанларидан маҳрум қилиб Марказий Осиёга кўчирилиб юборишлари мисолдир.

Хозирги Ўзбекистон ҳудудида 1887 йилда 70 га яқин
тадан вакиллари яшаган бўлсалар, 1926 йилда
101 та, 1959 йилда 118 та, бугунги кунда 123 тадан
орттиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқдалар.

Миллий масалани ҳал «қилишнинг» энг жирканч кўр-
гатиқчиларидан яна бири шу бўлдики, тоталитар тузум
раҳбарлари иложи борича миллатларни бир-бирларига
зўравонлик билан қўшиб юборишни ҳам амалга ошир-
дилар. Таниқли этнограф С. И. Брукнинг келтирган маъ-
лумотларига кўра, 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати
бўйича собиқ совет ҳудудида 194 та этник бирлик яшаган
бўлса, бу кўрсаткич 1959 йилда 100 тага, 1970 йилда
104 тага, 1979 йилда 101 тага тушиб қолган. Ўз-ўзидан
кўриниб турибдики, улар катта миллатларга қўшиб
юборилган, оқибатда, улар ўз она тиллари, урф-одатла-
ри, анъаналари ва қадриятларидан аста-секинлик билан
маҳрум бўлган.

Собиқ тоталитар совет давлати СССР ҳудудида яго-
на тилни шакллантириш, миллий маданиятлар ўрнига
ягона маданиятни вужудга келтириш ва миллатларнинг
руҳий-маърифий хусусиятларини умумлаштириш бора-
сида ҳам жуда катта ишларни амалга оширди. Масалан,
1940 йилда собиқ СССР ҳудудида яшаётган халқларнинг
тилларида чиқарилган бадий китоблар ва журналлар
25,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 1960 йилда 18 фоизни,
1989 йилда 11 фоизни ташкил қилди. 90-йилларнинг бош-
ларига келиб собиқ СССР ҳудудида 60 миллион киши на
рус тилини ва ўз она тилини мукамал билмайдиган
чала саводларга айландилар. Тил соҳасида олиб борил-
ган сиёсатда рус тили расмий тилга айланиб борди. Бу
ҳужжатларда кўз-кўз қилинар ва кўкларга кўтариб мақ-
талар эди. Аммо ўз она тилини «эсдан» чиқариб ўзлиги-
ни йўқотиб манқуртга айланиб бораётган миллатлар ҳа-
қида ҳеч қаерда гапирилмас ва ёзилмас эди. Бундан
ташқари собиқ иттифоқдош республикаларнинг
раҳбарларига ишончсизлик билан қараш миллий сиё-
сат юритишнинг муҳим тамойилига айланган эди. Бу
сиёсат ўз навбатида, миллий ривожланиш жараёнлари-
ни зўравонлик йўли билан бошқариш мумкин эмас-
лигини тасдиқлади.

Миллий мустақил-
лик ва миллий
ривожланиш

Мустақилликнинг эълон қилиниши
республикада миллий ривожланиш-
нинг янги босқичини бошлаб берди.
Мустақилликни қўлга киритган ҳар

бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Миллатлар тараққиётнинг ўзларига мақбул бўлган йўлидан бориш имкониятларини қўлга киритдилар. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатдорликка асосланган алоқаларни олиб бориш, жаҳон халқаро ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиш бахтига муяссар бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республикамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритганлигининг моҳиятини шундай кўрсатади: «Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги ва у халқаро миқёсда тан олинганлиги шуни билдирадики, бундан буён республика мустақил ички ва ташқи сиёсатини олиб боради... Республикани ҳақиқатан ҳам унинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг азалий турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари ва кўникмаларини, мавжуд беқиёс табиий бойликларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, юксалтириш амалда мумкин бўлиб қолди».¹

Ҳақиқатан ҳам миллий тараққиётга ўзгаларга қарам ҳолда эришиб бўлмайди. Чунки ўзгаларга қарамлик миллатнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралайди, унинг имкониятларини юзага чиқаришга йўл қўймайди. Ўз мустақиллигини қўлга киритган барча эрксевар халқлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланиш соҳаларида қийинчиликларга дош бериб, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, миллатнинг мавжуд бўлишининг ўзи унинг маълум манфаатлари борлигини тақозо қилади.

Республика Президенти таъкидлаганидек, «Бизнинг жамиятимиз этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасида шу ҳудудда яшайдиган ҳар қандай одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиш имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатилишига интилмоқда».²

Ҳозир Республикамизда 100 дан ортиқ миллат яшаб турибди. Ҳар қандай миллатнинг, шу жумладан ўзбек миллатининг ҳам бирлиги унинг бошқа суверен давлат-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. «Ўзбекистон», 1993, 38-бет.

² И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997, 83-бет.

ларда, хусусан Марказий Осиё мамлакатларида яшаётган ўз этник қадриятлари билан яқиндан муносабатда бўлишини назарда тутди.

Статистика маълумотларининг тасдиқлашича, ҳозирги кунда анчагина ўзбеклар Ўзбекистоннинг ташқарисида яшамоқдалар.

Масалан, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4, Қирғизистонда 13,8, Туркменистонда 9,0; Қозоғистонда 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилади.

Ўзбекистон давлати бугун ўзининг этник сиёсатида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг улуғвор бўлишига, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт деган қоида, шунингдек, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал этадиган усулларига таяниши лозим, деган тамойиллар асосида ҳал этмоқда. Чунки миллий ва миллатлараро муносабатлар ривожланишида ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш мавжуд бўладиган қарама-қаршиликларнинг низоларга айланмаслигининг олдини олади. Мана шу соҳада мустақил Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсат кўп жиҳатдан ўзининг устуворлигини тасдиқлаб келмоқда. Ўзбекистон ўзининг барча қонун ва ҳужжатларида ўз ҳудудида яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ўзбекистон республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган¹.

Миллий муносабатлар стратегиясида икки муҳим йўналиш асосий ўрин тутди. Биринчиси, миллатлараро тараққиёт учун кенг имкониятларни яратиш. Турли миллатлар ва элатлар вакилларини бирлаштирувчи, уларнинг умумий мақсадларини амалга оширишда миллатидан қатъи назар фуқаровий ҳуқуқларга таяниш.

Иккинчиси, миллий муносабатларни зўравонлик асосида шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этишга барҳам бериш, чунки унинг салбий оқибатлари собиқ тоталитар тузум тажрибасида ўз ифодасини топганлиги ҳаммага маълум.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 9-бет.

Ана шу тажрибалардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш чинакам демократия ислоҳига қурилиши лозим, бўлади. Бунинг мазмуни шундаки, юқорида таъкидланган иккала жараёнда ҳар бир миллатнинг ва этник гуруҳнинг ўзига хос хусусиятлари, манфаатлари ва тараққиётларидаги эҳтиёжлари билан боғлиқ бўладиган, ўзгалардан фарқ қилиши мумкин бўлган томонларини давлат ўз сиёсатида ҳисобга олиши зарур.

Мустақилликни мустақкамлашнинг муҳим омилларидан бири миллий ривожланишни ва миллатлараро муносабатларни ташкил қилиш ҳамда уйғунлаштиришдан иборат.

Мустақилликни мустақкамлаш йўлидан бораётган бугунги миллатлар учун жуда катта муаммолар турибди. Бугун улар ўзлари қўлга киритган мустақилликнинг улуғ неъматларидан баҳраманд бўлиш учун фақат сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритиш билан чекланмасдан, уни реал ҳаётга тадбиқ қилиш даражасига кўтарилишлари, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда катта муаммоларни ҳал қилишлари учун мустақкам миллий бирликни, тотувликни ва яратувчилик муҳитини вужудга келтиришлари лозим. Шу билан бирга мустақилликни қўлга киритиши миллат қандай даражада ривожланган бўлмасин ёки қандай маънавий имкониятларга эга бўлмасин унинг ўзга миллатлардан ажралиши ёки якка яшаш томон интилишини, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўз қобиғига ўралиб қолишини билдирмайди. Балки, ўз атрофида бирга яшаётган турли миллатлар ва этник гуруҳлар билан ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириб, уларга ёрдам кўрсатиб, уларни ўз атрофига бирлаштириб, юксак маданиятни шакллантиради.

Миллатлар ва элатлар ичидаги ўзаро алоқаларнинг ҳамжиҳатлик, миллий тотувликка асосланиши мамлакатлар ривожига стратегик аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда вужудга келган миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда «Туркистон умумий уйимиз» ҳаракати муҳим ўрин тутмоқда. Бунда «Туркистон» деганда, азалдан келиб чиқиши фақат туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг барча аҳолиси ҳисобга олинмоқда. Бу бир халқни бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик сиёсатини рад этади. Ўзаро ҳамжиҳат-

лик миллий тараққиётнинг муҳим омили булиб хизмат қилади.

Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» деган қонун амалга оширилмоқда. Бу давлат сиёсатининг тўғри қонуний асосга қўйилганлигидан далолат бериши ҳамда демократик жамият қуриш талаблари билан мос тушади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Миллат нима?
2. Қайси омиллар миллатнинг шаклланишида етакчи ҳисобланади?
3. Миллий тараққиётда давлат сиёсати қандай роль ўйнайди?
4. Миллий мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
5. Миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг қандай йўллари ва омиллари биласиз?
6. Миллатлараро муомала маданияти тушунчасини изоҳланг.

10-мавзу

КАДРЛАР СИЁСАТИ

Сиёсий етакчи ва сиёсий бошқарув Сиёсий етакчи деганда жамиятда раҳбарлик қилувчи, унинг сиёсий тизимини мувофиқлаштириб турувчи, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тизимларини мунтазам равишда такомиллаштириб, уни мувофиқлаштириб, мамлакатнинг ички ва ташқи ривожини истиқболларини белгилаб берувчи раҳбар тушунилади.

Давлат ва жамият тараққиётида сиёсий етакчининг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Сиёсий етакчилик сиёсий бошқарувнинг объектив заруриятидан келиб чиқади. Чунки **биринчидан**, жамиятни ташкил қилиш ва унга давлатда яшайдиган аҳолини уюштириш, умумманфаатларини ифода этувчи стратегик мақсадни белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун одамларни маълум мақсадга йўналтиришга ҳар доим объектив зарурият мавжуд бўлган; **иккинчидан**, жамиятнинг ўзи ҳам стихиялик равишда барқарор ривожлана олмайди, балки унинг сиёсий тизимини ва умуман барча институтларини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо қилади; **учинчидан**, давлатнинг халқаро миқёсида тутган ўрнини белгилаш, халқ манфаатларига мос тушадиган ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда ҳам ягона раҳ-

барлик зарур бўлади. Ана шу вазифалар сиёсий раҳбарнинг етакчилигида амалга оширилади.

Сиёсий раҳбарнинг етакчилиги жамиятни сиёсий тизимини бошқаришда муҳим ўринни эгаллайди. Чунки жамиятнинг сиёсий тизими жуда мураккаб бўлиб, уни ташкил қилувчи институтлардан биронтасининг барқарор ишламаслиги ёки уларнинг ўзаро муносабатларида номуноносибликнинг вужудга келиши давлат ҳаётига салбий таъсирини кўрсатади. Ана шунинг учун ҳам жамият ҳаётида сиёсий бошқарувга катта эътибор берилади. **Сиёсий бошқарув**, жамият сиёсий тизимини тартибга солиш жараёнларини ташкил қилади. Сиёсий бошқарув ўз мазмунига кўра жамият сиёсий ҳаётининг издан чиқшининг олдини олишга хизмат қилувчи жараён ҳисобланади. У сиёсий тизимни барқарорлаштиради ва уни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тизими билан мувозанатини ушлаб туришга хизмат қилади.

Сиёсий бошқариш ўз моҳиятига кўра иккига бўлинади: биринчиси сиёсий раҳбарлик бўлса, иккинчиси сиёсий бошқарув ижросидир. **Сиёсий раҳбарлик** ўз ичига сиёсий қарорларни шаклланиши муаммоларини, уларнинг моҳиятини тушуниб етиш, таҳлил қилиш, сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнини, қабул қилинган қарорларнинг натижаларини тахминан олдиндан (прогноз қилиш) айтиш, кўзланган мақсадларни энг қулай ва мақбул шароитда амалга оширишда маълум сиёсий кучлар ва институтларнинг фаолиятига хизмат қилувчи услублар, воситалар ва формаларни ишлаб чиқиш, қўйилган мақсадларни амалга оширишга салоҳияти етарли бўлган кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш кабиларни олади.

Сиёсий раҳбарликнинг ижроси — сиёсий қарорларни ташкилий жиҳатдан амалга оширилишидир. У ўз ичига: сиёсий қарорларни тадбиқ қилишда объект (сиёсий тизим) ва субъект (бошқарув) ўртасида ўзаро алоқадорликни вужудга келтириш, ташкил қилиш, сиёсий қарорларни бевосита амалга ошириш, бошқариладиган сиёсий жараёнлар тўғрисида олинган маълумотларга асосланиб, сиёсий қарорлар билан жараёнлар ўртасидаги юзага келадиган тафовутларни аниқлаш, мавжуд реалликдан келиб чиқиб, сиёсий ижро раҳбарлигига зарурий ўзгаришлар киритиб бориш ва сиёсий раҳбарлик учун янги амалий муаммоларни белгилаб олиш кабиларни олади.

Жамият ривожланиши ва унда яшовчи инсонларнинг

фаолияти охиб бориши, халқаро муносабатларнинг му-
риқкабланиши сиёсий бошқарув жараёнини изчиллик
билан такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Бундай
муриқкаб жараёнлар шароитида: «Суверен давлатнинг
ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси оддий кишилар ишонч
билдириб унинг зиммасига юклаган жуда катта бурч ва
масъулиятни теран англаб, ўй-хаёлини ҳамийша тинчлик,
сефийшталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга
қаратмоғи керак» — деб таъкидлайди И. А. Қаримов.¹
Бу табиий равишда сиёсий етакчига бўлган эҳтиёжнинг
ҳам ўсиб боришига сабаб бўлади. Сиёсий етакчининг
сиёсий раҳбарликни ташкил қилиш салоҳияти жамиятда
амал қиладиган сиёсий тизим ва сиёсий институтлар
фаолиятида умуминсоний манфаатларни уйғунлаштириш
имконини беради.

Демократик жараёнлар шаклланаётган мамлакатлар-
да сиёсий бошқаришнинг амалий аҳамияти жуда катта.
Чунки дастлабки кезларда ҳокимиятларнинг турли шакл-
лари конституцияда белгиланган меъёрларга мослашиши
жуда мураккаб кечади.

Хусусан, ҳокимиятларнинг амал қилиши билан фуқаро-
роларнинг вужудга келган янги имкониятлар даражаси-
да фаолият кўрсатиши ўртасидаги фарқ юқори бўлади.

Сиёсий етакчилик механизми эса ана шу юзага келган
муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан таш-
қари сиёсий бошқарув тизимида жамоат ташкилотлари
фаолиятини умуммиллий манфаатларга ва инсон мақ-
садларига йўналтира билиш ҳам катта ўрин эгаллайди.
Чунки турли сиёсий партиялар ва бошқа жамоат таш-
килотларининг юзага келиши фақат маълум гуруҳлар
манфаати учун кураш олиб бориш эмас, балки ана шу
гуруҳлар манфаати миллий ва умуминсоний манфаатлар
уйғунлаштириш вазифасини бажарган ҳолдагина жамия-
тда барқарор сиёсий жараён амалга ошади. Аммо
сиёсий етакчининг мақсади жамият ҳаётида маъ-
муриятчиликни ёки бюрократизмни вужудга келти-
риш эмас, балки демократик институтлар ва жамоат
ташкилотларининг барқарор ҳаракат қилишилари
учун ёрдамлашишдир. Бу жараёнда сиёсий институт-

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997, 7-бет.

лар тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрларнинг роли катта бўлади.

Кадрлар ва бошқарув тизими

Кадрлар деб дастлабки касб тайёргарлигидан ўтган ва махсус билимлар, меҳнат кўникмалари ёки танланган соҳа фаолияти бўйича тажрибага эга бўлган малакали ходимларга айтилади. Кадрлар билан бошқарув тизими чамбарчас боғлиқдир. Бошқарувни ташкил қилиш ва амалга оширишда кадрлар асосий куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат вужудга келиб уни бошқаришга зарурият туғилибдики, кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам юзага келган.

Давлатнинг вужудга келиши маълум бир гуруҳлар манфаатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмасдан, балки бутун жамият, унда яшаётган барча фуқаролар манфаатларини уйғунлаштириб бориш учун ҳам зарурдир. Давлат жамият ва унда яшаётган фуқароларни манфаатлари йўлида тегишли қонунлар ишлаб чиқиш, уни амалга оширишни ташкил этиш, назорат қилиш, бошқариш, тарбиялаш каби вазифаларни бажаради.

Давлат ана шу вазифаларни кадрлар орқали бажаради. Шунинг учун уларнинг жамият ҳаётида ўрни катта. Уларнинг билими, ақл заковати, ташкил этиш, идора қилиш ва тарбиялашдаги қобилияти, ташаббускорлиги ҳамда маҳорати жамият ривожланишида ёки унинг орқага кетишида белгиловчи омилдир.

Давлат ҳар бир тарихий босқичда вужудга келган муаммолар ва вазифалар хусусияти ҳамда кўламини ҳисобга олган ҳолда янги кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан унумли фойдаланиш йўллари ҳамда услубларини такомиллаштириб боради. Бошқача қилиб айтганда, кадрлар сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ҳозирги кадрлар тизимини шартли равишда олти гуруҳга ажратиш мумкин: **биринчи** гуруҳга бошқарув структурасида, хусусан, ижро этувчи ҳокимият тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар; **иккинчи** гуруҳга саноат қишлоқ хўжалигида хизмат қилаётган муҳандислар, техниклар, технологлар, ишчилар, агрономлар, сув хўжалиги ва ҳ.к. соҳаларидаги ходимлар; **учинчи** гуруҳга аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида фаолият кўрсатаётган кадрлар; **тўртинчи** гуруҳга илм-маданият, маориф, олий таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа, давлат хавфсизлиги,

ички ишлар тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар; бошқача гуруҳга бозор муносабатлари шароитида шаклланиётган янги тизим—тадбиркорлик, тижорат, банкирлик, фермерлик соҳасидаги кадрлар; олтинчи гуруҳга асосан ташкилотлари, сийсий партиялар, хайрия фондлари ва бошқа оммавий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган кадрлар кирази.

Кадрларнинг бу олти гуруҳи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Аммо улар ўз касблари, манфаатлари ва фаолиятларининг турлилиги билан бири иккинчисидан фарқ қилади. Шунинг билан бирга уларнинг давлат ва миллат ҳаёти билан боғлиқ бўлган бир қатор умумманфаатлари ҳам мавжуддир. Ана шу манфаатларни барча тизимда фаолият кўрсатадиган кадрлар томонидан тушуниб етилиши мамлакат ҳаётининг уйғун ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Кадрлар тизими турмуш, мамлакат тараққиёти, янги тармоқларни шакллантириш ва юзага келган янги мураккаб муаммоларни ҳал қилиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда изчилик билан такомиллаштирилиб борилади.

Шунинг учун ҳам кадрларга эътибор давлат фаолиятида устувор сиёсат ҳисобланади. Уларнинг юксак салоҳияти билан давлат ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширади. Кадрлар сиёсати уларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан жамият манфаатларини амалга ошириш йўлида фойдалана билишни ташкил қилади.

Кадрлар сиёсати ҳар бир давлатнинг ривожланиш даражасини, унинг ўзига хос хусусиятларини, кадрлар даражасига кўтарилган турли анъаналарини ифода этади. Кадрлар сиёсатида асосий вазифалар қаторида кадрларни жамият ривожланиши тармоқлари тизими заруратидан келиб чиққан ҳолда бошқариш назарияси ва амалиёти билан қуроллантириш, уларни бошқаришнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда зарур кўникмаларга эга бўлишлар учун имкониятлар ярата билиш каби мураккаб жараёнлар туради.

Мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар учун миллий кадрлар тайёрлаш вазифаси уларнинг келажагини белгилаб берадиган асосий омиллар қаторига кирази. Шу маънода миллий кадрлар тайёрлаш сиёсати мустақил Ўзбекистон давлати фаолиятида муҳим йўналишлардан бирини ташкил қилади. Чунки кадрларни тай-

ёрлаш ва улардан фойдаланишдан кўзланган асосий мақсад мустақилликни мустаҳкамлаш, мавжуд моддий ва маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишдир. Кадрлар сиёсатида қуйидаги йўналишлар устувордир: 1. Кадрларни тайёрлашда жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига эътиборни қаратиш. 2. Кадрларни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда содир бўладиган муаммоларнинг мезонлари ҳамда хусусиятларига қараб малакаларини ошириб бориш ёки мослашуви тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш. 3. Кадрларга юклатилган масъулиятга жавобгарлик, ташкилотчилик, фидойилик каби хислатларни тарбиялаш кабилардир.

Кадрлар сиёсати жамиятнинг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш учун керак бўлибгина қолмасдан, балки унинг сиёсий жиҳати ҳам зарур. Ўз Ватанининг келажаги учун жавобгарлик туйғуларига эга кадрлар бўлмас экан жамият барқарор ривожланиб бора олмайди. Зеро, мамлакат келажаги, унинг дунёдаги ўрни кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланишда сиёсий етуклик даражаларига ҳам катта эътибор берилади. Бундай кадрларни тайёрлаш мураккаб жараён ҳисобланади ва узоқ давом этади. Бу жараён энг аввало, халқ таълими тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки кадрларга дастлабки таълим ва тарбия мактабларда берилади. Шундан сўнг улар билимларини ўрта махсус ўқув юртларида, олий таълим тизимида оширадilar. Кадрлар тайёрлашнинг барча бўғинлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Таълим ва тарбия ишлари жамият заруриятидан келиб чиққан ҳолда дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ қилишда яққол намоён бўлади.

Кадрларни тайёрлашда уларнинг ишлаб чиқаришнинг маълум бир йўналишида тажриба тўплаш кўникмаларини эгаллашига, ташкилотчилик қобилиятини ўстиришга ва фаолликни шакллантиришларига катта эътибор берилади.

Кадрларни тайёрлашда давлат ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифаларнинг мазмуни ҳамда йўналишларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам кадрлар сиёсати мунтазам равишда такомиллаштирилиб боришни тақозо қилади.

Кадрлардан
фойдаланиш

Кадрлар сиёсатини шакллантириш, жамиятни ривожлантириш борасида мавжуд бўладиган стратегик вазифалар кўламини ҳисобга олиш муҳимдир. Сиёсатда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларида содир бўладиган турли ўзгаришлар ҳамда уларни тараққиёт ўзанига йўналтира билиш билан боғлиқ бўлган жараёнларга катта эътибор берилади.

Кадрлардан фойдаланишда уларни мутахассис ёки ташкилотчи сифатидаги қобилиятига эътибор берилш ҳам кутилган натижа беравермайди. Худди ана шу қобилият билан бирга ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган раҳбар кадрлардан ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш соҳасини давлат фаолиятига мослаштиришда «воситачилик» қилишлари ҳам талаб этилади. Бу «воситачилик» давлат механизмларининг барқарор ишлаб туришига ёрдам беради.

Ташкилотчилик, раҳбарлик қобилиятига эга бўлган кадрларга жамоанинг маълум бир соҳасининг қолаверса, бутун бир давлатнинг «олтин» фонди сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам маълумотларнинг кўрсатишича, кадрларнинг бир соҳадан иккинчи соҳага ўтиш ҳолатлари кўпчилик ривожланган мамлакатларда жуда камдан-кам содир бўлади. Бу эса кадрларга ўз соҳасининг юксак билимдони даражасига эришишига катта ижобий ёрдам беради. Шунинг ҳам айтиш керакки, жамият қайси даражада ривожланган бўлса ҳам кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда маълум бир мезонлар бўлиши лозим. Собиқ совет тузуми даврида кадрларни тайёрлаш, танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, улардан фойдаланиш умумий андоза асосида бўларди. Яъни ўзидан юқори турувчи раҳбарга садоқатнинг юксак даражада бўлиши етарли эди. Бундан ташқари раҳбар кадрларни тайёрлашда собиқ КПССнинг асосий таянчи бўлган комсомол ташкилотларида «элитага» яқин бўлган ёшлар танланиб, улар қисқа вақт ичида юқори лавозимларга кўтарилар эдилар. Бу иллатнинг илдиз отиб ривожланиб кетиши реал ҳаётда сўз билан иш бирлигининг йўқолиб кетишига, жамиятнинг боши берк кўчага кириб боришига сабаб бўлган эди. Кадрларни раҳбарлик лавозимига тайинлашнинг собиқ совет тузуми даврида шаклланган «элита» тамойилига амал қилиши эса жамиятда ўзига хос раҳбарлар қатламини вужудга келтиради. Бу жарён моддий ва маънавий бойликни яратувчи оддий меҳнат

аҳли билан «элита» ўртасида ўзаро «бегоналашниш» ҳолатининг қарор топишига сабаб бўлди. Ана шу бегоналашниш жамиятда маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқаришнинг нодемократик услубини шакллантиришида етакчи роль ўйнади. Бу ўз навбатида, фақат раҳбарлик ишларида салбий оқибатларни келтириб чиқаришгина қолмай, балки моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқарилишининг камайиб кетишига сабаб бўлди.

Кадрлар сиёсати ҳам жамиятнинг қайси йўлдан ривожланишини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш энг аввало оддий ишлаб чиқаришдан тортиб давлатни бошқаришгача бўлган барча бўғинларда жадал суръатлар билан бораётган демократик жараёнларни ҳисобга олиш билан боғлиқ. Бу жараёнларнинг юзага келиши иккита муҳим муаммони келтириб чиқарди. **Биринчидан**, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланмоқда ва кўпгина қобилиятли ёшларнинг мулкчиликнинг нодавлат секторига ўтиб бориши кучаймоқда. **Иккинчидан**, бозор муносабатлари шаклланаётган янги шароитда моддий манфаатдорликни қондиришнинг хусусий мулкчилик шаклларида имкониятлар кенг бўлган бир вақтда давлат секторидида фаолият кўрсатаётган кадрлар масъулиятини ошириш иқтисодий механизмлари вужудга келмоқда. Собиқ совет тоталитар тузуми шароитида эса раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишнинг қўрқитишга асосланган механизми шакллантирилган эди. Чунки партия сафидан чиқарилган ҳар бир раҳбарнинг келажаги йўқ эди. Шунинг учун ҳам раҳбарлар ўзига топширилган ишни қоғозда бўлса ҳам бажаришга мажбур эди. Эндиликда бундай эски механизмларнинг умри тугади.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари жадал суръатлар билан шаклланаётган бугунги кун кадрларни тайёрлаш ва уларнинг масъулиятини оширишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишни ҳамда ҳаётга изчиллик билан тадбиқ қилишни тақозо қилмоқда. Ана шундай механизмлар тизимида биринчи навбатда, иқтисодий манфаатдорликни қондириш устувор ўрин эгаллайди. Лекин уни кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишдаги охириги йўналиш деб қараш нотўғри ҳисобланади. Чунки бугун кадрларда юксак Ватанпарварлик, миллатпарварлик, умумманфаатларни амалга оширишда фидойилик каби

инститларни шакллантириш энг долзарб мезонларни таъкил қилади.

Юқоридаги ҳолатларнинг олдини олиш учун кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланишда қўйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, кадрларнинг юксак касб маҳоратига илосий мезон сифатида қараш, яъни кадрларни тарбиялашда улар ўз касбларини чуқур эгаллашлари учун шарт яратиш.

Кадрлар давлат ёки нодавлат секторида ишлашларида қатъи назар, мунтазам ўз малакаларини ошириб боришлари зарур.

Иккинчидан, кадрларни раҳбарлик лавозимига кўтаришда улар салоҳиятини ҳисобга олиш керак. Бугунги кунда ўз касбининг моҳир устаси бўлишнинг ўзи етарли эмас. Бошқариш тизимидаги ўзгаришлар, ишлаб чиқариш тармоқларида технологик жараёнларнинг янгиланиб бориши кадрларнинг фақат ўз соҳасини эмас, балки унга яқин тармоқлар билан боғлиқ бўлган соҳалардан ҳам хабардор бўлишини тақозо этади. Мана шу талабларга жавоб берадиган кадрларни бошқарув тизимларига кенг жалб этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Учинчидан, кадрларни тайёрлашда уларнинг тадбиркор бўлишларига аҳамият бериш зарур. Улар кам меҳнат ва харажатлар сарфлаб, юзага келган муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Тўртинчидан, кадрларда ватанпарварлик туйғулари юксак бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳар бир фуқаро ўз она Ватанини севиши улуғ қадрият ҳисобланади. У авлоддан авлодга мерос бўлиб келди. Раҳбар кадрлар ўзларига топширилган лавозимни масъулият билан адо этишлари, Ватан ва халқнинг ишончини оқлашлари лозим. Лавозимдан ўз ва яқинларининг манфаатлари йўлида фойдаланиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам кадрларни жой-жойига қўйишда Ватан фидойиси бўлган, она заминнинг қадрини биладиган, ҳар бир ташлаган қадамида ўз халқининг орзу умидларини рўёбга чиқаришга интиланган кишиларни танлаш мақсадга мувофиқ келади.

Аслини олганда раҳбар кадрларнинг оддий мутахассисдан фарқи ҳам у ёки бу масалани ҳал қилишда Ва-

тан, инсон манфаатларини ҳимоя қилишидан иборатдир. Собиқ тоталитар тузум шароитида раҳбарлик қилиш марказ кўрсатмаси асосида бўларди. Худди мана шу нарса кадрларда ижрочилик, боқимандалик хусусиятини шакллантирган эди. Бугунги кунда ҳам баъзи соҳаларда фаолият кўрсатаётган кадрлар ана шу «касалдан» халос бўла олмаяптилар. Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитда «боқимандалик» касалидан қанчалик тезроқ қутилсак, муаммолар шунчалик тезроқ ҳал бўлади. Бу эса бошқарув ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, тармоқларнинг бир жойда депсиниб туришига йўл қўймайди.

Бешинчидан, кадрларни танлашда уларни юксак даражадаги маънавий-ахлоқий фазилат эгаси бўлиши жамият тараққиёти учун гоаят муҳим. Юксак маънавий-ахлоқий фазилат эгаси деганда кишиларнинг миллати, дини, ирқи, урф-одатларидан қатъи назар, уларнинг ҳурматини жойига қўя оладиган, қадрлайдиган, тил топа билладиган, ўз атрофига бирлаштириш қобилиятига эга бўлган кишилар тушунилади. Бундай фазилатларга эга кадрлар халқнинг ишончини қозонадилар ва мавжуд муаммоларни халқ билан яқдил бўлиб ҳал қилишга кафолат берадилар.

Мустақилликни мустаҳкамлаш шаклланаётган кадрлар сиёсатида ана шу тамойилларни ҳаётга реал тадбиқ қилиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имкониятини беради.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсати Ўтган давр ичида қўлга киритилган муваффақиятлар, мустақилликни мустаҳкамлаш, она Ватанни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари даражасига кўтариш борасида олдинда турган вазифалар кўламини тушуниш ҳар бир инсондан фаоллик кўрсатишни, бугунги кунимизнинг долзарб масалаларини ҳис қилишни талаб этади. Ўтиш даврида амалга ошириладиган вазифаларнинг кўлами қанчалик катта бўлмасин, уни қисқа вақт ичида ва имкон қадар камчиликсиз босиб ўтиш лозим. Бунга реал омиллар мавжуд. **Биринчидан**, жаҳонда босиб ўтмоқчи бўлаётган йўлдан ўтган ва тараққиётнинг юқори босқичига кўтарилган мамлакатлар тажрибалари бор. Биз ислоҳотларни амалга оширишда ривожланган мамлакатларнинг ўтиш даврида йўл қўйган камчилик-

ларини такрорламасдан, эришилган ютуқларга миллий мусуниятларимиздан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндошиб, ривожланиш имкониятига эгамиз. **Иккинчидан**, бутун бутун инсоният шу жумладан, халқимиз ҳам фан, техника, технология, иқтисодиёт ва маданий-маърифий соҳаларни ривожлантиришда ақл-заковати жиҳатидан катта салоҳиятга эга бўлди. **Учинчидан**, халқимиз мустақил давлатни шакллантиришда аждоқларимиздан меърос бўлиб келаётган улкан қадриятлар ва тажрибаларга эгадир. **Тўртинчидан**, ўтиш даври вазифаларини амалга оширишда амалий аҳамиятга эга бўлган сиёсий барқарорлик ва фуқароларнинг аҳиллигини таъминлаш имкониятлари мавжуд. **Бешинчидан**, халқимизда меҳнатсеварлик, яратувчилик ва вазминлик каби хислатлар борки, улар ҳар қандай мураккаб вазифани амалга оширишнинг кафолатидир.

Буларнинг мавжудлиги олдимизда турган улкан вазифаларнинг ўз-ўзидан бажарилиши деган гап эмас. Чунки бир тузумдан иккинчисига ўтиш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларни тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Ана шу ўзгартириш йўлини (концепциясини) ишлаб чиқишда юқорида келтирилган имкониятлардан унумли фойдалана билиш лозим.

Республика Президенти И. А. Қаримов ҳам кадрлар сиёсатиغا катта эътибор бериб келмоқда. Жумладан, Сирдарё, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва бошқа вилоятлардаги бўлиб ўтган сессияларда, Республика Олий Мажлисининг сессияларида кадрлар тафаккурида энг аввало, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш масъулиятидан келиб чиқаётган ҳолда туб ўзгаришларнинг шаклланишига раҳбар кадрларнинг ўзига юклатилган масъулиятини бажаришда фидойилиги амалий аҳамиятга эгаллигини таъкидлади.

Бу борада Президентнинг 1993 йилнинг февраль ойида Вазирлар Маҳкамасидаги бўлиб ўтган мажлисда «ишимизда икки йўналиш баб-баравар бақамти бориши керак. Биринчиси, янги давлат, янги тузумнинг шакли, андозасини яратиш бўлса, иккинчиси, ана шунга муносиб мақсадни тўғри англатадиган, ишни удалайдиган одамларни танлаш, жой-жойига қўйишдан иборат. Биз янги тузум, давлат шаклини тузаяпмиз, аммо унга жон кир-

ғизадиган одамлар — кадрлар керак» деб кўрсатгани бежиз эмас¹.

Бугун мустақилликнинг улкан вазифалари амалга ошириляётган пайтда 80-йилларнинг бошида «пахта иши», «ўзбеклар иши» номи билан халқ орасида танилган улкан давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар ва кўпгина зиёлиларнинг жисмонан йўқ қилинишига қаратилган собиқ марказ томонидан олиб борилган кадрлар сиёсатини эслайлик. Кадрларни тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш ниқоби остида ўтказилган бу жирканч сиёсат собиқ то талитар совет тузуми тарихида ўчмас из қолдирди.

Маҳаллий миллат вакилларида бўлган кадрлар қанчалик иқтидорли бўлмасин, унга ишонилмаган ва унинг ёнида албатта «айғоқчилар» бўлган. Агар биринчи раҳбар маҳаллий миллат вакили бўлса; иккинчиси албатта Марказ одами, ёки аксинча, иккинчиси маҳаллий миллат вакили бўлса, биринчиси албатта Марказдан бўларди. Хусусан, 1984—1989 йилларда «пахта иши» юзасидан 17 минг киши устидан тергов ишлари олиб борилди. Улардан 5 минг киши суд қилинди ва жазога тортилди. Марказнинг олиб борган бу ишлари оқибатида республикадан 58 минг масъул ходим вазифасидан озод этилди («Совет Ўзбекистони», 1991 йил 28 апрель).

«Яроқсиз» кадрлар ўрнига маҳаллий миллат вакилларида эмас, балки энг зарур бўлган жойларга марказдан кадрлар юборилган. Бу кадрларнинг кўпчилиги илгари ўз ишини удалай олмаган, ҳатто Ўзбекистонда бирон марта ҳам бўлмаган, унинг иқлими, шарт-шароитлар ҳақида мутлақо тасаввурга эга бўлмаган кишилар эди. Натижада Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда аҳвол аввалгига қараганда ҳам оғирлашди. Уларни тугатиш зарур эди.

Бугун Ўзбекистоннинг мустақил кадрлар сиёсати мураккаб иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида шаклланмоқда.

Давлатнинг кадрлар сиёсатини шакллантиришдаги фаолиятида «эски» кадрлардан фойдалана билиш ва «янгисини» тарбиялаб етиштиришдек вазифа туради. Кадрларни тарбиялаш жараёни фақат вақт-жиҳатидан узоққа чўзилиши билан бирга янги қуриляётган жамият муаммоларини тушуниб ета оладиган, янгича онг,

¹ Қараиғ: «Халқ сўзи», 1993 йил 20 февраль.

маданиятни шакллантириш ва тафаккур қилиш салоҳиятини мустақкамлаб боришдек жуда мураккаб вазифаларни ҳал этишни ҳам тақозо қилади. Ана шу вазифалар кўламининг кенглигидан ва муаммоларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг кадрлар сиёсатини шакллантиришига назар ташланса қуйидагилар кўзга ташланади: биринчидан, кадрлар сафида, собиқ совет тузуми даврида шаклланган, катта тажрибага эга бўлган бошланган ислохотларнинг амалга ошишида фаоллик кўрсатган «эски» кадрлар гуруҳини кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида тажриба ва маҳоратларини ҳамда куч-ғайратларини ишга солмоқдалар. Уларнинг бу фаолиятлари мустақил кадрлар сиёсатини шакллантиришда база бўлиши мумкин. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам юқорида кўрсатилган ижобий хислатлар мавжуд деб айтиб бўлмайди. Бу хусусда Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Республика Президенти И. А. Қаримов: «Бизнинг кўплаб раҳбарларимиз, фаолларимиз эски тизим асоратларидан жудо бўлмаптилар», деб таъкидлаб ўтган эди (Қаранг: «Халқ сўзи», 1995 йил 24 февраль).

Бунга эса қуйидагилар сабаб бўлмоқда: 1. Собиқ совет тузуми давридаги бошқариш ва тафаккур қилиш андозалари ўша давр кадрларига (баъзилари) сингиб кетганлиги ҳамда тафаккурни ўзгартириш салоҳияти етишмаётганлигида. 2. Салоҳият етишса ҳам эски тузумни қўмсаш, иккиланиш ва вазиятга қараб иш кўриш руҳиятининг устуворлигида. 3. Ўша тузум кадрларининг айримларида жамият ва давлат ҳаётида бўлаётган жараёнларга лоқайдлик, мустақиллик шароитида ҳам шунга ўхшаш кайфиятнинг сақланиб қолганлигидадир.

Аслида, давлат бошлаган ислохотларни амалга оширишда кадрларнинг етакчилиги, ташаббускорлиги зарур.

Янги жамиятни бунёд этиш мураккаб бўлганлиги сабабли ҳамма соҳаларда кадрлар сиёсатини шакллантиришда маълум муаммоларни ҳал этиш узоққа чўзилиши, янгиларининг вужудга келиши табиийдир. Республикада бу мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг моддий, маънавий ва интеллектуал имкониятлари мавжуддир. Бу борада қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугунги кунда кадрлар сиёсатини шакллантиришда маориф, олий таълим тизими ва малака ошириш тар-

моқлари фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Республика раҳбариятининг қўллаб қуватлаши туфайли ёшларни хорижий мамлакатларда ўқиш ва тажриба алмашишга юбориш амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хорижий мамлакатларда икки мингдан ортиқ республика ёшлари турли соҳалар бўйича таълим олмоқдалар. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кўпгина саноат тармоқлари каби автомобиль саноатининг вужудга келганлиги бу соҳада ишлайдиган кадрларни қайта тайёрлашни талаб этади. Натижада кўплаб кадрлар хорижий мамлакатларнинг заводларида малака оширишга юборилмоқда. Бу ишлар келажакда ўзининг натижаларини беради.

Раҳбар кадрлар ва ислохотлар жараёни

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар раҳбар кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйишни изчиллик билан такомиллаштириб боришни тақозо қилмоқда. Хусусан, раҳбар кадрларга қўйилган янги талабларга миллат, халқ анъаналари ва манфаатларидан ҳамда давлатчилик меросимиздаги ижобий томонлардан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда. Янги жамиятни қуриш қонунларини тўла ҳисобга олган ҳолда раҳбар кадрларга хос бўлган янги талаблар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Ўз ишини билиш. 2. Иш юритишни уддалай олиши. 3. Кадр ва раҳбар сифатида, ишни олиб бориш билан боғлиқ жиҳатларга мустақиллик талаблари асосида ёндаша билиши. Булар, ўз навбатида, қуйидаги хусусиятларга ҳам алоҳида эътибор берилишини талаб қилади. а) мустақиллик ва унга бўлган муносабат; б) Ватанга бўлган садоқати. Президент И. А. Қаримовнинг асарларида, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилган. Уларга: 1. Раҳбарликка мослиги. 2. Масъулиятни ҳис этиш даражаси. 3. Садоқат, мустақилликка ишонч. 4. Ташкилотчилик. 5. Мустақиллик вазифаларини амалга оширишда халқ билан ўзаро ҳамкор бўлиш. 6. Ўз атрофида соғлом кучларни тўплаш ва унга таяниш. 7. Расмийликка берилмаслик. 8. Ўз билимини, малакасини мунтазам оширадиган. 9. Янгича тафаккур тарзига эга, фикрлар хилма-хиллигини инкор этмайдиган. 10. Ўзгалар фикрини эшитадиган ва ҳурмат қиладиган. 11. Ўз манфаатини инсонлар манфаатлари билан уйғун кўрадиган

«Эним деб, юртим деб ёниб яшайдиган» фидойи кадрларга эга бўлиш кабилар киради.

Бугун раҳбар кадрлардан дунё билан раҳбарликни дунёвий меъёрлар билан уйғунликда боғлаб олиб бориш, тадбиркорлик ва ижодийлик талаб этилмоқда. Дунё ахборот тизими янгиликларидан доимий хабардор бўлиш, ундан амалда фойдаланишни давр тақозо эта бошланди.

Ислоҳотларни амалга оширишда раҳбар кадрларнинг халқнинг маънавияти ва ўтмиш маданий меросини билиш даражаси ва муносабатига алоҳида эътибор берилмоқда. Раҳбар кадрларнинг фаолиятида халқнинг миллий қадриятларига асосланиш ва уларнинг маънавиятини юксалтириш вазифалари устувор қилиб қўйилди. Раҳбар кадрлар давлат ва жамият бошқарувининг турли бўғинларида, давлат ҳокимияти, маркази ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамият ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча жабҳаларида ўз салоҳиятларини намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Мустақиллик туфайли ислоҳотлар жараёнига фаол иштирок этиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Халқимиз орасида ўтиш даврининг дастлабки йилларидаёқ, шундай фидойи кадрлар ислоҳотларни огишмай амалга оширишда ўзларининг ақл-идрокларини намоён этдилар дейиш мумкин.

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат қуриш тажрибаларини, кадрлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш шуни кўрсатадики, раҳбар кадрларнинг бозор муносабатлари, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини замонавий фан-техника, ютуқлари асосида, истиқлол ғоялари билан қайта қуроллантирилган билимга, янгича тафаккурга бўлган эҳтиёжлари ҳамон сақланиб турибди. Республиканинг иқтисодий, сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, улардан энг илғор дунёвий билимларни эгаллашларини тақозо этмоқда. Унга бўлган талаб ошиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбар кадрлар ва уларга хос хусусиятларга ёндошишда шарқона бой тарихий-маданий анъаналарга эга. Шу ўринда Абу Наср Форобийнинг, раҳбарнинг 12 фазилати тўғрисидаги фикрларини келтириш ўринлидир. Унда фозил шаҳар ҳокимининг тўрт мучали соғлом бўлиши, табиатан нозик, фаросатли бўлиб, умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши, нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қоладиган,

тафсилотларини унутмайдиган, зеҳни ўткир ва зукко, ўз фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалайдиган, таълим олишга билимни маърифатга ҳавасли бўлиши, унинг машаққатларидан қочмайдиган, маиший бузуқликлардан ўзини тия оладиган, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақиқий одамларни севадиган ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган, ўз қадрини билувчи, орийтли, табиатан адолатпарвар ва ўзи зарур деб ҳисобланган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур эканлигини таъкидланган¹.

Шарқда ҳоким тўғрисида фикр юрйтишга жуда кенг масъулият билан ёндошилганлигини, унинг маданий маърифий жиҳатларига устуворлик билан қаралганлигини кўрамиз. Бу фазилатларга эга бўлиш бугунги кунда ҳам зарур ва аҳамиятлидир. Раҳбар кадрлар ички дунёси, ҳаётини тамойиллари жамият сиёсий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. У раҳбарликнинг турли усулларини танлаши мумкин. Жаҳон тажрибасида раҳбарлик бошқарув услубида; а) авторитар; б) либерал; в) демократик кўринишлари кўпроқ учрайди.

Республикада амалга оширилаётган демократик жараёнлар бошқарувнинг оқилона усулини танлашни тақозо этмоқда. Мамлакат олдида турган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўзининг хусусий манфаатлари билан гуруҳ манфаатларини, жойдаги шарт-шароитларни аниқ ҳисобга олган ҳолда умуминсон манфаатлари билан ўзаро уйғунлаштиришга хизмат қиладиган иш услуби уни яхши раҳбар деб тан олинишига асос бўлади.

Раҳбар кадрлар фаолиятида: а) ўзаро тинчлик ва ҳамкорлик; б) бир-бирини тушуниш; в) хайрихоҳлик; г) ўз камчилигини кўра оладиган; д) айримларни улуғлаш, тобелик руҳиятидан устун турадиган; е) ходим меҳнатини, салоҳиятини холисона баҳолайдиган ва рағбатлантирадиган; ж) мустақил, ижодий ишлаш, яратувчилик фаолиятлари алоҳида аҳамиятга эга.

Раҳбар кадрларнинг бундай жиҳатларга эга бўлишини бозор муносабатлари талаблари, қонуниятлари ҳам тўла тақозо этади.

¹ А. Н. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1992. 159—160-бетлар.

Мустақиллик раҳбар кадрларга янги талаб қўяётганлиги ўзига хос қонуний жараёндир. Бу истиқболда раҳбар кадрлардан жамиятда ва ўз ишида «муваффақият» ва аксинча «муваффақиятсизлик» сабаблари кўп жиҳатдан ўзига ҳам боғлиқ эканлигини англаб, оқилоналиги юртиши ва раҳбарлик қилиши мустақилликнинг истиқболлини, ислохотлар жараёнини белгилаб беради ва унга боғлиқ бўлади.

Мамлакатни ривожлантириш вазифалари кадрлар сиёсатини изчиллик билан такомиллаштиришни, хусусан кадрларнинг етакчилик салоҳиятини оширишни, уларнинг масъулиятини ошириб боришни тақозо қилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Сиёсий етакчи ҳамда сиёсий бошқарувчи деганда нимани тушунасиз ва улар нима учун керак?
2. Кадрлар сиёсати ва кадрлар деганда нимани тушунасиз?
3. Кадрларни танлаш, жой жойига қўйишнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?
4. Кадрлар сиёсатининг янги тизимининг шаклланиши нима?
5. Кадрлар сиёсатида ёшларнинг ўрни қандай?
6. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар жараёнида раҳбар кадрларга қўйилаётган талаблар нималардан иборат?

11-мавзу

СИЁСАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Сиёсат ва миллий маънавият Мустақиллик ҳар бир инсонга ўзлигини ва миллий маънавиятини англашда янги уфқлар очди. Президент И. А. Қаримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўз миллий маънавияти негизларига, қадриятларига таянган ҳолда дунёвий давлат қуриш вазифаларини амалга оширмоқда. Бу ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Давлат ва жамият қуриш ишлари халқнинг миллий маънавияти билан ўзаро ҳамоҳанг бўлиб, уни чуқурроқ англаш, ҳар бир киши онгли фаолиятининг асосида бўлишига эришиш кўпқиррали, аммо давлат даражасида аҳамиятга молик. Уни амалга ошириш йўллари ни излаш билан бирга тўғри тушуниш ҳам зарур.

Маънавият — ҳар бир инсоннинг (миллатнинг) ички руҳияти, ақл-заковати, унинг ўз-ўзини англаши, яхши-

ликларга, эзгу ниятларга тўла қалби, олдинга қараб
янги марралар сари онгли равишда фаоллик кўрсатиш,
билим ва интилиш салоҳиятидир. Унда инсонлар
нинг турли даврларда шаклланган тафаккур тар-
зи, анъаналари, дунё ва инсоний муносабатлар
тўғрисидаги қарашлари, тасаввурлари ўз ифоди-
сини топади. Улар хилма-хил бўлиб; турли халқлар,
миллатларнинг эътироф этиши билан боғлиқ равиш-
да маънавий ҳаётида қадр топа боради. Инсонлар
нинг дунёни идрок этишлари, тасаввур ва қарашлари
уларнинг турмуш тарзи билан уйғунликда муайян одат-
лар, тамойиллар анъаналар тарзида шаклланиб, турли
халқлар ва миллатларнинг маънавиятига айланиб бора-
ди. Ана шу маънавиятнинг шаклланиш жараёни ҳар
бир миллат маданиятида ўзига хос хусусиятларга эга.
Ҳар бир киши қарашлари, дунё тўғрисидаги тасаввурла-
ри билан миллат маданий меросини, анъаналарини бой-
тишга ўз ҳиссасини қўшади ва ривожлантиради. Халқ-
лар онги ва тафаккури, дунёга муносабати, дунё ва жа-
мият тўғрисидаги қарашлари уни идрок этиш орқали
умуминсоний қараш, қадр-қиммат билан ўзаро уйғунла-
шади. Бу уйғунлик халқларнинг ўтмиши, бугуни ва ис-
тиқболини боғлаб турувчи маънавий омил сифатида
намоён бўлади. Инсон онги ва тафаккури, қарашлар
инсоний моҳияти билан миллий маънавиятга хизмат қи-
лади. Шунинг учун адабиёт, маънавият, фан, дин, ижти-
мой. онг шакли сифатида маданиятда ўз ўрнига эга.
Аммо барча адабиёт ва санъат асарини ҳам миллатнинг
маънавий мулки деб ҳисоблаб бўлмайди. Шунда доимо
эл назарида бўлган буюк аллома, муҳандис, саркарда,
даҳо шахслар кўз олдимиздан ўтади. Макон ва замон
таъсирида бўлган шахслар эмас, аксинча макон ва за-
монни ўзида мужассам этганлар буюкликка дахлдор-
дир. Турли халқлар ва миллатлар ривожидида шундай
маънавият бойликлари мавжудки у инсон тафаккурининг
маҳсули сифатида вақт ва макон синовидан ўтиб кел-
моқда. Бунинг сабаби, улар умуммиллий ва инсоний қад-
риятни ўзаро уйғун ҳолда идрок эта олганлигидадир.
Булар ўз фалсафасида, қарашда, тасаввурида, дунё-
нинг яхлитлиги ва инсоний моҳиятини идрок эта олган
даҳолардир. Миллатнинг кўзгуси сифатида улар ўз
фикрлари, амал қилган тамойиллари билан ҳар бир
давр, макон ва замон талабларига жавоб берган. Ин-
сон фаолияти юксак инсоний ғояларга, миллий маъна-

нигига асосланган тақдирдагина самарали бўлиб, тараққиётга хизмат қилади.

Ҳар бир халқ яхлит дунёнинг бир бўлаги. Аммо инсон инсонга, халқлар халқларга тўла ўхшамайди. Бир-бирини айнан такрорламайди, уларнинг фарқ қиладиган жиҳатлари, хусусиятлари мавжуд. У халқнинг тарихан шаклланган миллий маънавияти орқали намоён бўлиб, бу халқнинг қадриятлари, анъаналари, урф-одатларида, фаолият мезонлари сифатида ўз ифодасини топади. Бу бир кишининг эмас, аксинча айрим миллат, халқнинг маънавий мулки сифатида тўпланиб, бойиб келган. Маънавият — турли халқлар ва миллатлар маънавий дунёси, уларни бир-бири билан боғлаб, ривожланишининг ворисийлигини, узлуксизлигини таъминлаб турувчи миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар тизимидир.

Бошқарув халқларнинг миллий ва умуминсоний маънавият негизларига таянса бундай жамият юксаклик сари юз тутади. Маданият ва маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда фозиллашади.

Миллий маънавиятимиз қадр топаётган ҳозирги даврда, уни бойитишимиз, янги авлодларга етказиб, маънавий мерос сифатида қолдиришимиз миллат олдидаги бурчимиздир. Шунда миллий ўзлигимизни янада тўла-роқ англаган бўламиз. Ҳар бир миллат маънавияти бой тарихга эга. Бошқа халқларнинг миллий маънавиятидаги яхши анъаналар, урф-одатлар, қадриятларни қадрлаш ва уларни ўрганиш миллий маънавиятимизни янада бойитади. Чунки инсон онги ва тафаккурининг бойиб бориши, ўз «қобиғидан» чиқишга эҳтиёж сезмаса, ўзининг нуқсонларини, ниманинг яхши ёки ёмонлигини англай олмайди. Чунки миллий маънавият ҳам тўхтамас жараён. Ҳар бир инсон онги, макон ва замонга ўз таъсирини кўрсатиши, миллий маънавиятимиздан жой олган айрим одатлар, маданий мерос сифатида қолиши табиий. Ҳаётнинг ўзига хос талаблари бор: унга қараш керак, унинг ўзи мураббий. Миллий маънавиятимиз дунёвий илмларга таянади. Миллий маънавият тамоёйиллари инсоний моҳиятда ўз ифодасини топади. Инсон қадр-қиммати, эрки, эркинлиги, демократия, мустақиллик унинг умум дунёвий жиҳатларидир. Аммо у халқларнинг анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, кўрсатмалари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Унда миллий маънавиятнинг ўзига хос жиҳати намоён бўла-

ди. Чунки дунёни шундай идрок этаётган халқга беш-қа халқлар амал қилган ва қилаётган урф-одат, анъаналарни «кўчириб» айнан шундай ҳолда татбиқ этиб бўлмайди. Жамият сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётида ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатлари кўринар экан, халқнинг ўзига хос анъаналарига, хусусиятларига таъинмаган ҳолда ўзга мафқурани жорий этиш, давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга оширишга уриниш жамиятда ҳар бир халқнинг ўзига хос ва мос ривожланиши қонунига зиддир.

Турли миллатлар, халқларнинг маънавий дунёсида миллий маънавият тарзида қадр топаётган тамойиллар, қондалар ва меъёрлар ўз аксини топади. Улар миллий маънавият даражасида қадрга эга бўлиши учун шу халқ ёки миллат тафаккури тарзида уйғулашиши керак. Миллий маънавиятда унинг маъноси, моҳияти ўз аксини топади. Шу ўринда Амир Темур ҳазратлари «Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурдирган биноларга қаранг» деганида фақат тарихий обидани сифатида бинонинг шаклига эмас, балки шу халқ маънавияти ва маданияти салоҳиятининг кучу қудратининг юксаклигига эътиборини қаратмаганмикин?! Тарихий обидалар маданий мерос бўлиш билан бирга, маънавият эканлигини бугунги авлодлар тўла англаб етиши, ундан тегишли хулосалар чиқариши лозим ва миллий тараққиёт учун фидойилик кўрсатишни руҳан сезиш даражасига кўтарилиши зарур. Мусулмон маънавий ҳаётида Ислом дин ва илм сифатида қадр топди. Миллий қадриятимиз билан уйғулашди. Бунга сабаб ундаги ғоялар инсон ва умуминсоний моҳият билан уйғулашиб кетганлигида эмасми?

Миллий анъаналар, урф-одатлар ёки қарашлар ҳамма жойда ҳам бир хилда қабул қилинмайди ва ривожланмайди. Бунинг учун, аввало унинг моҳияти инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши ҳамда уни тушунадиган, сингдирадиган, қабул қиладиган онг ва тафаккур керак. Шунда у миллатнинг маънавий ҳаётига, тараққиётнинг муҳим омилига айланади. Жойларда халқларнинг хоҳиш-иродасига қарши зулм ва зўравонликка асосланган собиқ иттифоққи парчалангач унинг мафқураси, ғоявий негизлари ҳам таназзулга юз тутди. Унинг моҳияти умуминсонийлик, инсон мақсад ва манфаатлари, эркинлик ғоялари билан уйғун бўлмаганлиги сабаб инсонлар маънавий ҳаётида қадр топмади. Инсонлар

учун хизмат қилган тафаккур нурларигина миллий маънавиятга айланади ва уни бойитади. Масалан, «демократия», «эркинлик» ҳар бир миллатнинг орзуси, инсоний эрк қадр-қиммат сифатида доимо қадрланиб келинган ва келинмоқда. Миллий маънавиятимиз ҳам ўз ўрнига эга. Собиқ «тутқунлик» даврида маънавият топилди, қадрсизланди, лекин тамомила йўқ бўлиб кетмади. Халқ миллий маънавияти негизларини ўз қалбидан сақлади.

Халқнинг миллий маънавиятига айланган анъаналар айрим кишиларнинг қараши, тасаввурини, ички ҳиссий кечималари эмас. Аксинча, у моҳияти билан муайян халқ ёки миллат маънавий дунёси, қарашлари, турмуш тарзлари билан шаклан ва мазмунан умуминсоний манфаатлари, орзу умидлари, ҳаётини тамойиллари ўртасида уйғунликдир. Миллатнинг ўзлигини англаши учун қадрли бўлган, турмуш тарзида амал қилинадиган, инсоний муносабатларга дахлдор, эътироф этилган меъёрлардир. Демак, маънавият миллатлар томонидан тан олинган, уларнинг ҳаётида ўз ўрни бўлган, миллат ёки халқ сифатида ўзига хослигини кўрсатиб турадиган, амал қилнаётган тамойиллар, анъаналардир. Миллий маънавиятда шу миллатнинг маънавий дунёси ўз ифодасини топади ва унинг маънавий мулки ҳисобланади.

Миллий маънавият халқларнинг ўтмиши, келажаги билан боғлиқ, шундай боғловчи муҳри, ундаги ворисликнинг бузилиши миллий ривожланишнинг ўзаро мувофиқлик қонунига зиддир. Миллий маънавиятнинг инсоний моҳияти қанча юқори бўлса, шунчалик маънавий юксак бўлади. Давлат ва жамият қурилиши ишида фаол қатнашишга эришиш инсонлар оини ва дунёқарашини ўзгариши орқали, жамиятнинг маънавий мулки сифатида эъозланиши мумкин. Бугун ислохотлар жараёнидан четда турган, лоқайд муносабатда бўлаётган шахсларни маънавиятли деб бўлмайти. Миллий маънавиятли юқори инсонларгина гурули, шижоатли, фидойи ва фаол бўлишлари мумкин. Миллий маънавиятда муайян миллатнинг фалсафаси, ҳаёт тўғрисидаги қарашлари, тасаввурлари, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлари, маданиятнинг маънавий негизлари ифодаланади. Ҳар бир инсон миллий маънавиятда мужассам бўлгани сизгари, миллий маънавий хусусиятлар ҳам инсонларнинг фаолиятида ўз ифодасини топади.

Жамият инсонлардан ташкил топганлиги учун ҳар бир жамиятда шахслар ўзларига хос алоҳида ақл-заковати, онг ва тафаккури, маънавий дунёси билан умуммиллат маънавиятини умуминсоний қадриятлар билан бойитади. Шунинг учун ҳам шахслар жамият ривожига, миллий маънавиятга сезиларли таъсир кўрсатиши, унинг тараққиётини тезлатиши, ўзлари ҳис этган ёки ҳис этмаган ҳолда нафақат айрим миллат ривожига, балки дунё халқлари ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга инсон ақл-заковатининг маҳсули сифатида фан ва техникада қўлга киритилган ҳар бир ютуқни алоҳида мисол тарзида келтириш мумкин. Улар айрим миллатлар маънавий мулкидан дунё халқлари маънавий мулкига айланади ва муносиб ўрин эгаллайди. Умуминсоний қадрга — аҳамиятга молик тафаккур маҳсули сифатида дунё ривожига хизмат қилади.

Демак, инсон ақл-заковати умуминсоний ахлоқ нормаларига таяниши ва умумманфаатлари билан уйғун бўлиши зарур. Инсон онги, тафаккури миллат, халқ онги ва тафаккури, қарашлари билан уйғун бўлсагина, унинг умуммиллий аҳамияти намоён бўлади. Миллий маънавиятда инсонларнинг турли даврдаги қалб туйғулари, интилишлари, орзу-умидлари яхлит ҳолда ўз ифодасини топади. У тарихий хотиралар тарзида авлодлардан-авлодларга етиб боради. Халқнинг руҳини акс эттиради. Миллий маънавият — халқнинг ўтмиши ва бугунги кунини билан боғлиқ руҳият, маданият, анъаналар самарасидир. Унда шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар мужассамлашади ва турли шаклларда: халқ онги ва қарашлари, оғзаки ижоди, ёзма ва тарихий манбалар, фан, дин, адабиёт ва санъатда намоён бўлади. Давр, вақт ва макон таъсирида сараланиб боради. Миллий маънавият ўзининг ривожига давр, вақт ва маконда орқада қолмаслиги билан уйғун бўлиши зарур.

Халқнинг миллий маънавияти ўша давлат сиёсати ва мафкураси таъсирида бўлиши мумкин. Аммо қандай сиёсат ва мафкура таъсирида бўлмасин инсон маънавий дунёси, ҳаёт тўғрисида қарашлари сифатида ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолади, давомийлик хусусиятига эга. У миллатларнинг, халқларнинг ижтимоий, маънавий ўзига хослигининг ифодаси сифатида ҳаёт билан ҳамнафасдир. Бунини тузиш, атайлаб тазйиқ ўтказиш миллат ва халқлар хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлган ривожланиш қонуниятига тўғри келмайди.

Бугун ўзини маънавиятли деб билган ҳар бир инсон ислохотларга миллий маънавият талаби билан ёндошди. Чунки «Ҳар бир давлат қурилиши маълум халқнинг миллий-маънавий маҳсули, ўзлигини намоён этиш ва маънавий-онглилик тараққиётининг пиллапоясидир. Бу тараққиёт зинани қадам-бақадам босиб, бир меъёрадаги ҳаракатни, вақтдан ўзиб кетмаслигини тақозо этади. Вақт ҳамма нарсага қодир. Унда тафаккур, фалсафа, ҳамма нарса мужассам» (Гегель). Айтиш мумкинки, давлатда шу халқ, миллат, ҳар бир инсон ақл-заковати, маънавияти мужассамлашади. Бугун Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишида мавжуд тарихий, миллий маънавиятга таяниб иш кўрсатилганлиги ҳам ана шу ҳаётий фалсафанинг ифодасидир. Давлат сиёсатида миллий маънавиятнинг қадр топаётганлиги миллатнинг ўтмиши ва бугуни, қадр-қиммати, унинг ақл-заковати билан ҳамоҳанг, ўзининг ривожланиш истиқболига эга.

Жамиятни ривожлантиришда маънавият муҳим ўрни тутди. У жамиятда содир бўладиган жараёнларга, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларнинг ривожланишига бевосита таъсир этади ҳамда инсонларнинг маданий-маърифий муносабатларида моддий куч сифатида ўз ифодасини топади. Маънавиятнинг яна бир муҳим кучи шундаки, у турли миллатларнинг мавжудлигини ифода этади ва уларнинг ҳар бирини ўзаро бирлаштириб турувчи асосий омил ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатлари ривожланиши тарихидан маълумки, босқинчи давлатлар ўзлари босиб олган мамлакатларда ўз ҳукмронликларини абадийлаштириш учун мустамлакага айланган халқларнинг маънавиятларини, тилларини, қадриятларини, урф-одат ва анъаналарини йўқ қилиш учун кураш олиб борганлар.

Демак, маънавиятни ривожлантириш жамият ва унда яшовчи инсонларнинг маънавий бойлигини ошириш учун зарур бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга давлат мустақиллигини ва миллатнинг мавжудлигини таъминлашнинг қудратли маънавий кучи ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маънавият ҳар қандай давлатнинг сиёсатида мустақил йўналишни ташкил қилиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

**Маънавий
маданият**

Илмий манбаларда маданият тушунчасига турли хил таъриф берилади ва турли хил нуқтаи назар билан ёндошилади. Аслида маданият кўп қирралик тушунча бўлиб, инсон ва жамият

ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Маданият инсоннинг дунёни ўзлаштиришдаги, тибиат, жамият ва инсон ички дунёси шаклланиши ҳамда ривожланишидаги ўзига хос фаолияти даражасини кўрсатувчи тушунчадир.

Маданият бир неча турларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирининг жамият ва инсон тараққиётида ўзига хос ўрни бор. Бугунгача маданиятнинг барча турларини моддий ва маънавий маданиятга ажратиш анъанавий тарзда давом этиб келмоқда.

Моддий маданият меҳнат, ишлаб чиқариш, турмуш, табиатга бўлган муносабатларни ўз ичига олади.

Маънавий маданият инсоннинг билим эгаллашдаги фаолияти, ички дунёси, руҳияти, ахлоқи, эстетик ва сиёсий маданияти билан белгиланади.

Жамият ҳаётида улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Масалан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши моддий маданиятни ташкил қилса, бу жараёнда маълум билимларни эгаллаш ва уни бевосита ишлаб чиқаришга жорий этиш маънавий маданият мезонидир. Маънавий маданият инсоннинг онгли фаолияти, унинг яратувчанлик қобилиятлари билан боғлиқ. Ана шу онгли фаолиятини ҳаётга юқори даражада татбиқ эта олишга эришиш моддий бойликларни кўпайтиради, жамиятнинг барқарор ривожланишида, миллий ва миллатлараро тотувликни таъминлашда муҳим ўрин тутлади.

Шунинг учун ҳам Мустақил давлатлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда маънавий соҳани ривожлантириш маънавий сиёсатда муҳим вазифа деб қарайдилар.

Маънавий маданият ўз ичига шунингдек, маориф, фан, адабиёт, санъат, ахлоқ, одоб, урф-одатлар, қадриятлар ва мафкура каби элементларни олади. Маънавий маданиятнинг бу элементлари бир-бири билан чамбарчас боғланган, уларни ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади. Унинг давлат сиёсати билан боғлиқлигининг асосий сабаби:

Мустақил давлат маънавий маданиятнинг юксак бўлиши унинг интеллектуал (ақл-заковат) салоҳиятининг ривожланишини билдиради. Бу биринчидан, моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва ундан унумли фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Қайси мамлакатда интеллектуал салоҳият мустаҳкам бўлса, ўша

мамлакатнинг барқарор ривожланиш имкониятлари ка-
фолатланган бўлади, иккинчидан, мустақил давлатлар
ўзларининг маданиятларини сақлаб қолишга ҳаракат
қиладилар. Ўзига ҳос маданияти бўлмаган давлат ўз-
лигини йўқотади. Чунки маданият мустақил давлатнинг
ўзига ҳос муҳим белгиларидан биридир, учинчидан, ма-
данияти ривожланган давлат фуқаролари ўзларининг
манфаатларини ҳимоя қила оладилар, тўртинчидан, маъ-
навий маданият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиёт-
га ижобий таъсир кўрсатади. Маънавияти ривожланган
ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти юксалади, унда
мавжуд бўладиган турли ижтимоий-сиёсий муаммолар
баҳамжиҳатлик билан ҳал қилинади.

Давлат сиёсатида маънавий маданиятни ривожлан-
тириш етакчи вазифалардан бирини ташкил этади. Ма-
даниятнинг давлат фаолиятида муҳим ўрин эгаллаши
ҳақида гапирганда маънавий маданият ва сиёсий ма-
даният тушунчалари ўртасидаги фарқни ва ўзаро боғ-
лиқликни ҳисобга олиш лозим.

Маданиятнинг бу иккала турини бир-бирига боғла-
масдан туриб, умуман жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида
содир бўладиган турли жараёнларга таъсир кўрсатиш
мумкин эмас. Жамият тараққиёти жараёнида маънавий
маданиятни ривожлантиришнинг сиёсий муносабатларда
намоён бўладиган жиҳатлари мавжуд. Маънавий ма-
даният ривожлантирилмас экан, табиий равишда
сиёсий маданият ҳақида гапириш мумкин эмас. Маъна-
вий маданият инсон, элат, миллат, халқ ва жамиятнинг
ички маънавий оламини ташкил этса, сиёсий маданият
шахс, ижтимоий гуруҳ ёки омманинг мавжуд ижтимоий
тузумга, сиёсий ҳокимиятга, унинг институтларига, сиё-
сий ва жамоат ташкилотларига муносабатларида ўз
ифодасини топади.

Сиёсий маданиятнинг ривожланиш жараёнларини
тўғри тушуниш учун давлат томонидан маънавий ма-
даният соҳасида олиб бориладиган сиёсатни билиш мақ-
садга мувофиқдир. Маънавий маданият сиёсий мада-
ниятни ўрганиш учун зарур бўлибгина қолмасдан, бал-
ки, чолитология фанидаги бошқа мавзуларни ўрганиш-
га ҳам ёрдам беради ва жамиятнинг барча механизм-
ларининг уйғун ишлашига ўзининг таъсирини кўр-
сатади.

Шунинг учун ҳам маънавий маданиятни ривожланти-
риш давлат сиёсатининг муҳим вазифасидир.

Сийсий маданият Сийсий маданиятнинг ривожланиши сийсий жараёндар билан узвий боғлиқ бўлади. Давлат маданиятни ривожлантириш, халқ билим даражасини ошириш йўлида изчил сийсат олиб борса, жамият барқарор ривожланишига эришиши мумкин. Агар давлат маданиятнинг ривожланишини умуминсон манфаатларига эмас, балки айрим синфлар, сийсий партиялар манфаатларига қаратадиган бўлса, жамиятда албатта бир-бирига қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар шаклланишига олиб келади. Масалан, оддий меҳнаткешларнинг билим олиш, маданий-маърифий жиҳатдан ривожланиш имкониятлари чекланиб келинган даврлар бўлган. Бу эса, ўз навбатида, тўқнашувларга сабаб бўлган. Тарихий тажрибадан маълумки, собиқ тоталитар совет тузуми даврида давлат маданиятни ягона мафкура ва ягона сийсий партия манфаатлари йўлида ривожлантирган эди. Натижада инсон онги ягона «қолип» асосида фикрлаган эди. Собиқ иттифоқ даврида олиб борилган давлат сийсати миллий маданиятларни тугатиш, унинг ўрнига эса ягона «коммунистик» маданиятни вужудга келтиришга қаратилганди. Миллий ривожланишнинг имкониятлари чекланган сари ҳар бир миллатнинг олиб борилаётган сийсатга норозилиги зимдан кучайиб борди ва мавжуд тузумнинг емирилишига олиб келди.

Бундан давлат сийсатида маданиятнинг ривожланиши мамлакатнинг миллат, элатлар ва умуминсоний манфаатлар йўналишига қаратилсагина жамиятда барқарорликка эришиш мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилинади.

Маънавий маданият шакллари ва сийсат Маориф маънавий маданиятнинг асосини ташкил этади. Маорифни ривожлантириш халқнинг саводини чиқаришни мақсад қилиб қолмасдан, балки жамиятнинг ривожланишида асосий куч ҳисобланадиган малакали кадрларни тарбиялаб етиштиришни ҳам ўз ичига олади. Инқилобгача Марказий Осиё (Ўрта Осиё) халқларининг жумладан, ўзбекларни саводсиз деб аташ фақат марказдагина эмас, балки республиканинг ўзида чоп этиладиган адабиётларда ҳам қайта-қайта такрорланиб, халқ онгига сингдириб келинган. Бундан кўзланган асосий мақсад босиб олиш натижасида вужудга келган янги тузумни кўкларга кўтариш, халқни шу тузум руҳида

тарбиялаш ва уларда асрлар давомида шаклланиб келган таълим тизимига нафрат уйғотиш эди.

Ўзбекистон аҳолисининг атиги 1,8 фоизи саводхон деган маълумотлар бериб келинди. Ваҳоланки, маълумотларга қараганда, собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўша даврдаги саводхонлик даражаси бир-бирига яқин бўлган. Масалан, Россия аҳолисининг 24 фоизи, Белорусь аҳолисининг 24,7 фоизи ва Туркистон аҳолисининг 19,5 фоизи саводли бўлган (Қаранг: Ким П. Г. Уйдирма ва ҳақиқат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил 20 сентябрь). Туркистон халқларининг араб ёки форс тилида ўқиш ва ёзишни билганлари «саводдилар» қаторига киритилмаган. Мавжуд мадрасалар билим масканлари саналмаган. Россиянинг босқинчилигини оқлаш мақсадида Туркистон халқлари фақат ана шу амалга оширилган «инқилоб» шарофати билангина «саводхон» бўлди деган «концепциялар» ўйлаб чиқарилди.

Уша даврда маънавий зарар етказилган ашаддий томонлардан бири миллий тилларнинг иккинчи ўринга қўйилиши бўлди. Бунинг таъсири ҳануз давом этмоқда. Чунки ўз она тилларини мукамал биладиган миллий кадрлар ниҳоятда камайиб кетган эди.

Мустақиллик шарофати туфайли бугунги кунда республикамизда бутун таълим тизимини ислоҳ қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Республика Президенти И. А. Қаримов таъкидлаганидек: «... Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади. Бунда ўзбек халқининг ва республика худудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур»¹.

Бу тадбирнинг амалга оширилиши миллатимизда асрлар давомида шакллантирилган таълим тизимини тиклашга ва ривожланган мамлакатлар эришган тажрибалардан кенг фойдаланишга ёрдам беради, мамлакатимизда бошқа соҳалар учун зарур бўлган кадрлар етиштиришни тезлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Маънавий маданиятнинг ривожланишини таъминлашда фаннинг роли айниқса каттадир. Зеро, жамият

¹ И. А. Қаримов, Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. «Ўзбекистон», 1993, 47-бет,

фақат илмий тафаккурнинг ютуқларига асосланиб ривожланади. Ана шу тафаккурнинг ютуғи бўлган фан бир томондан табиат ва жамият қонуниятларини ўрганиш ва уни амалиётда қўллаш жараёнида мустақамланиб боради. Ҳозирги кунда фан чинакам ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бормоқда. Бунга сабаб фан, техника ва технология ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилинибгина қолмасдан, шунинг билан бирга ана шу ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам билимларни мукаммал эгаллаб олиш орқали бажарилмоқда.

Ишлаб чиқаришни чуқур илмий билимларга асосланган ҳолда бошқаришга бўлган зарурият мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда яққолроқ сезилмоқда. Бу ўз навбатида, жуда катта кучларни талаб этмоқда.

Ҳозирги шароитда фanning роли фақат илмий кашфиётларни яратиш ва уларнинг имкониятларини инсон манфаати йўлида хизмат қилдиришдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки жамиятнинг маънавий қиёфасини, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизидан тубдан қайта қуришга хизмат қилишдан ҳам иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда ижтимоий фанлар салмоқли ўринни эгаллайди. Жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида англаб олишга қаратилган илмий назарияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, жамият ҳақидаги илгаридан маълум бўлган назарияларга ёпишиб олиш ва уларни реал тараққиёт имкониятлари асосида ривожлантирмаслик оқибати ижтимоий фанларда тараққиёт ҳақида бир ёқламаликни ва догматизмни келтириб чиқарди. Собиқ мафкура таъсирида ижтимоий фанларнинг ҳаётдан сезиларли даражада узилиб қолганлиги воқелигимизда содир бўлиб турган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий жараёнларни чуқур таҳлил этишга, уларнинг сабабларини, шунингдек, бундан буёнги ривожланиш тенденцияларини аниқлашга фаолроқ ёндошишни талаб этади.

Ижтимоий фанлар инсонларда яратувчилик, фидойилик ва ватанпарварлик руҳиятини шакллантириш орқали ҳам жамият тараққиётига салмоқли ҳиссасини қўшади. Ижтимоий фанларни маориф ва олий таълим тизимида ўқитилишидан мақсад ҳам қайсидир синфлар ёхуд партиялар манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, балки мамлакатда миллий, маданий-маърифий ва сиёсий

оини ривожлантириш, ёшларга жамият туғрисида концепцияларни ўргатиш, уларни ўз ватанининг фидойилари қилиб тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни эгаллашларига ёрдам беришдир. Шу сабабли ҳам давлат ўз фаолиятида фундаментал фанларга катта аҳамият бериш билан бирга ижтимоий фанларнинг тараққий этишига ҳам эътибор қилади.

Маънавий маданиятнинг муҳим белгиларидан яна бири адабиёт бўлиб, у инсон руҳий оламига таъсир кўрсатувчи маънавий бойликдир. Адабиётнинг барча кишилар ўртасида оммавийлиги ҳамда таъсирчанлиги билан жамият маънавий тараққиётига қўшадиган ҳиссаси беқиёсдир. У инсоният тарихида яратилган барча моддий ва маънавий меросларни авлоддан-авлодга етказишда, жамиятда мавжуд бўладиган барча сиёсий ва ижтимоий жараёнларни ўзида ифода эттиришда амалий аҳамиятга эга. Адабиёт ҳар бир даврнинг маънавиятини ифода этиш билан бирга мавжуд муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларни ҳал қилишда инсонларнинг фаоллигини оширишга катта ёрдам беради. Собиқ иттифоқ даврида асарларга партиявийлик принциплари мажбуран киритилиб, у принципга «хиёнат» қилувчи, реал воқеликни акс эттирувчи асарлар яратган ёзувчилар қатағонга учрадилар. Лекин кўпгина ёзувчилар асарларида реал воқеликни кўрсатиб, жамиятда яшовчи кишиларни адолатга, инсонийликка, ватанпарварликка ва умуминсоний қадриятларни тиклашга чақирувчи ғояларни тарғиб қилдилар.

Жамият маънавиятнинг ривожланишида санъат ҳам катта аҳамиятга эга. Санъат ўз навбатида, театр, мусиқа, рассомчилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқаларни ўз ичига олади ҳамда улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ.

Давлат ўз сиёсатида маънавий маданиятни ривожлантиришда мамлакат ва миллат манфаатларини ўзида уйғунлаштирган мафкурага таянади.

Мафкура ижтимоий тарихий ҳодиса бўлиб, ҳар бир жамиятнинг маънавий йўналишини белгилаб берадиган турли соҳалардаги ғоялар, қарашларнинг ифодасидир.

Мафкура бир неча турларга бўлинади: миллий давлат, мустақиллик, сиёсий мафкура кабилар.

Сиёсий мафкура маълум бир ижтимоий гуруҳ, синф, сиёсий партия, миллат, давлат, жамият манфаатини

ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, бадний, диний ғоя ва қарашлар тизими дир.

Шу жиҳатдан ёндошганимизда мафкура жамият ва давлат миқёсида қуйидаги вазифаларни бажаради. Биринчидан, давлат ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларидаги вазифаларини ўзида мужассамлаштирувчи ғоядир, иккинчидан, давлатга турли миллат, элат, синфлар ва ижтимоий гуруҳларни бирлаштириб турадиган омилдир, учинчидан, давлат олиб борадиган ички ва ташқи сиёсатининг моҳиятини фуқароларга кенг тарғиб қилади, тўртинчидан, давлат ҳудуди доирасида яшаётган фуқароларни яратувчилик, бунёдкорлик, ижодкорлик фаолиятини янада кенгайтиради ва уларни аниқ мақсадларга йўналтириб боради, бешинчидан, мафкура жамиятда маълум қарашларни шакллантиради ва фуқароларда сиёсий маданиятни ривожлантиради.

Мафкура ҳоким бўлмаслиги, айрим ҳолда бир сиёсий партиянинг манфаатларини ифода этмаслиги лозим. Чунки бундай ҳол жамиятда турли синфлар, гуруҳлар ёки сиёсий партиялар ўртасида қарама-қаршиликка, салбий оқибатларга олиб келади.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг барча манфаатларини уйғунлаштирувчи мафкураси бўлиши лозим. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, дастлаб бирон-бир мафкура-ни давлат мафкураси сифатида олиш мумкин эмас. Мафкуралар хилма-хиллиги шароитида давлат сиёсатида маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантириб бориш катта ўринни эгаллайди. Маънавий маданият ривожланишининг энг муҳим шартларидан яна бири миллий тилнинг ривожидир. Тил фақат мулоқот воситаси эмас, шунинг билан бирга маданият ҳамдир. Тил омили орқали миллий онг, маданият, қадриятлар ривожланади ва миллатнинг бирлиги таъминланади.

Собиқ совет тоталитар тузуми шароитида миллий тилларни ривожлантириш ҳақида қоғозда катта «ҳуқуқлар» берилган эди. Аммо амалда уларнинг мулоқот, тарбия, миллий кадрлар тайёрлаш, миллий онгни шакллантириш борасидаги имкониятлари чеклаб қўйилганди. Айниқса, маориф ва олий таълим тизимларида миллий тилни ўқитишга ажратилган соатларнинг изчиллик билан қисқартирилиб бориши маҳаллий кадрларнинг тайёрланишига салбий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида,

собиқ иттифоқдош республикаларда миллий, маданий-маърифий тараққиётнинг орқага кетишига олиб келди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилди ва Асосий қонун бўлган Конституцияда «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили, ўзбек тилидир»,—деб белгиланди.¹

Бугунги кунда Ўзбекистон давлати маънавий маданиятни ривожлантиришнинг муҳим белгиларидан бири бўлган ўзбек тилининг тараққий этиши учун кенг имкониятларни яратмоқда. Кўриниб турибдики, маънавий маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантириб бориш ҳар бир мустақил давлат олиб борадиган сиёсатнинг муҳим томонларидан бирини ташкил этади. Чунки маънавий маданияти тараққий этмаган давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди.

**Мустақиллик,
маънавият
ва маданият**

Мустақил яшашга ҳар бир халқнинг тўла ҳаққи бор. Ўзгаларга қарам халқнинг келажаги бўлмайди. Сиёсий мустақил бўлган халқгина ўзининг бир бутунлигини, маданиятини, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини, ўзлигини сақлаб қолади. Худди ана шунинг учун ҳам улкан маънавият ва қадриятларга эга бўлган ўзбек халқи ўз мустақиллиги учун кураш олиб борди.

Бугунги мустақил Ўзбекистон янги жамият борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимида маънавий маданиятни ривожлантириш вазифасига эътибор қаратилмоқда. Жамиятда давлат сиёсатида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда маънавиятнинг ўрнига алоҳида эътибор берилмоқда. Мустақиллик шароитида миллатнинг қадр-қиммати, ғурурини кўтармасдан, ўзлигини англаш учун имкониятлар яратмасдан туриб, бошқа соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Республика Президенти И. А. Каримов бу масалани давлат сиёсатида энг муҳим вазифа сифатида туришини алоҳида таъкидлаб, «моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар ўз йўлига, уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «Ўзбекистон», 1992, 9-бет.

муносиб ворис бўлиш бундан оғирроқ ва бундан шараф-лироқ вазифа йўқ бу дунёда», — деб таъкидлаган эди¹.

Мустақилликни қўлга киритгандан кейин ўтган вақт ичида маънавийни тиклаш борасида катта амалий ишлар бажарилмоқда. Шу жумладан, маданий меросимизни ўрганиш ва уларни кенг ташвиқот қилиш, миллий урф-одатларни, анъаналар ва қадриятларни тиклаш, дин, маориф, олий таълим тизимида ислохотлар ўтказиш, миллий адабиётимиз ва санъатимизнинг ривожини учун янада кенг имкониятлар яратиш, она тилимизнинг давлат миқёсида қўлланишига эътибор бериш каби катта ишлар бажарилмоқда.

Буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО нинг қарорига биноан 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши ҳамда бу анжуманнинг бутун жаҳонда нишонланиши миллатимиз мавқени янада кўтарди.

1996 йилнинг 21—24 апрель кунларида ЮНЕСКО-нинг қароргоҳи бўлган Франция пойтахти Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган юбилей ўтказилди.

Унда Республика Президенти И. А. Қаримов бошчилигида ватанимиздан борган делегация иштирок этди. Бу эса маънавий ҳаётимизда катта воқеадир. ЮНЕСКО нинг қарори билан 1997 йилнинг октябрь ойида қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигининг ўтказилиши ҳам жаҳон жамоатчилиги томонидан ўзбек халқи маданиятининг юксаклигини тан олиш бўлди.

Маданият ривожланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки қонуниятларга таянади. Шу маънода ҳам маданиятни ривожлантириш аниқ амалий ишларни бажаришни тақозо қилади.

Худди шу маънода ҳам амалга оширилаётган барча тадбирлар ва бажарилган аниқ ишлар миллий маданиятимиз ривожланишида мустақилликнинг катта хизмати дейиш мумкин. Маданиятнинг ривожланиш қонуниятларидан бири — ворисликдир. Яъни халқнинг тараққий этиб бориши жараёнида илгари яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишини таъминлашдир. Бу қонуният фақат маънавий ривожланишининг муҳим шартини бўлибгина қолмасдан,

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, снѣсат, мафкура, «Ўзбекистон», 1993, 167-бет.

шунинг билан бирга авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни давом этиши ҳамдир. Маданиятнинг умри боқийлиги энг аввало, ҳар бир миллат меросининг илдизлари бақувват билиши билан боғлиқ. Миллий маданият илдизининг бақувватлиги ўз даврида жаҳон маданияти ва фани ривожланишига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад ал-Хоразмий (780—847), Абу Наср Форобий (873—950), Абу Райҳон Беруний (973—1048), Абу Али ибн Сино (980—1037), Амир Темур (1336—1405), Мирзо Улуғбек (1394—1449), Алишер Навоий (1441—1501), Захриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) ва бошқа алломалар томонидан халқимизга қолдирилган бетакрор ва ўлмас мерос билан белгиланади.

Маданият ривожланишининг яна бир муҳим қонунияти миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир кўрсатиши ва бир-бирини бойитишидир. Маданияти юксак ривожланган халқ бошқа халқлардан ажралган ҳолда яшай олмайди, балки бошқа халқдан ниманидир ўрганади ва унга ниманидир ўргатади.

Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири фақат уларнинг ўзаро бойишининг муҳим шarti бўлиши билан миллатларнинг ўзаро яқинлигини, ёрдами ва ҳамкорлигининг ривожланишининг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Бу ўз навбатида, миллатлараро муносабатларда шаклланиши мумкин бўлган турли низоларнинг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Маданиятнинг ривожланишидаги юқорида келтирилган қонуниятларнинг амалга ошиши мустақил давлатимиз сиёсатида ўз ифодасини топаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маданиятни ривожлантириш борасида мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар давомида амалга оширилган тадбирлар, эришилган ютуқлар қанчалик кўп бўлмасин, ҳали бу борада бажариладиган ишлар кўлами ниҳоятда каттадир. Айниқса, мамлакатимиз жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан ўтган ва тараққиётнинг асосий имкониятлари сифатида қадрият даражасига кўтарилган, бозор муносабатларига асосланган жамиятни қуриш томон жадал қадам ташлаётган бугунги кунда маданиятни ривожлантириш борасида ҳам талайгина муаммоларни амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Маълумки, бозор муносабатларининг инсонлар хоҳиш-иродасига бўйсунмайдиган ўзига хос қонунлари мавжуд. Уларни сунъий ўзгартиришга қаратилган ҳар

қандай ҳаракат кутилган натижани беравермайди. Шунинг учун ҳам маданиятни ривожлантириш уларни ҳисобга олишни тақозо этади. Мамлакатимизда бозор муносабатлари жадал суръатлар билан шаклланаётган бугунги кун маориф, олий таълим ва фанни ривожлантириш ҳамда бу соҳада чуқур ислоҳотларни ўтказишнинг моддий таъминланишига эътиборни қаратишни тақозо қилмоқда. Давлатимиз ўз сиёсатида, мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, бу соҳага ўз имкониятлари даражасида катта эътибор билан қараб келмоқда. Республика Президентининг 1994 йил 23 апрелда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида», 1996 йилнинг 9 сентябрида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» қабул қилган фармонларининг амалий аҳамияти катта бўлди. Бу фармонларда «Маънавий, маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин» деб кўрсатилиши мамлакатимизда маънавият ва маърифатни ривожлантиришга жиддий эътибор беришга имконият берди¹.

Айниқса, республика Олий Мажлисининг IX сессиясида 1997 йил, август «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида қонунларнинг қабул қилиниши давлатимиз сиёсатида маънавият, маданият ва интеллектуал салоҳиятга катта эътибор берилаётганининг ёрқин далили дейиш мумкин.

Бугунги бозор иқтисодиёти шаклланаётган шароитда мавжуд бўлган иқтисодий қийинчиликлар қабул қилинган қонунларнинг реал амалга ошишига ўзининг таъсирини ўтказаётганлигини ҳисобга олишни талаб этмоқда.

Айниқса, маънавият, маърифат, таълим ва илмни ривожлантиришга бағишлаб қабул қилинган қонунларни амалга оширишга эътибор қаратиш зарур бўлади. Чунки Республика Президенти И. А. Қаримов таъкидлаганидек, «Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтирди. Тарих ва ҳозирги замон воқеаларига мурожаат қилиш бизнинг ижтимоий тафаккуримиздан ҳаётни идрок этишнинг мавҳум ва ақидапарастлик қолпларини енгиб ўтишни, мустақил фикр

¹ Қаранг: «Халқ сўзи», 1996 йил 10 сентябрь

юртнинг ва руй бераётган ҳодисаларни баҳолай олиш қобилиятини талаб этади»¹.

Мамлакатимиз халқларининг яратувчилик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг маънавий, маърифий, ҳуқуқий ва сиёсий оғини ўстириш вазифасини бажаришда катта аҳамиятга молик бўлган оммавий ахборот воситалари ва вақтли матбуотни фаоллаштиришга зарурият кучаймоқда.

Қирғиз халқининг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов таъкидлаганидек, «энди маданиятни кўтариш керак. Инсон маънавияти, руҳий олами ҳамиша диққат эътиборда бўлмоғи лозим. Зеро, инсон ҳаётининг, тирикчилигининг бош мазмуни айланиб-айланиб маънавиятга тақалади»².

Худди ана шунинг учун маънавият ва маданиятни ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим соҳаси бўлиб қолади. Зеро, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий, ижтимоий соҳадаги ислохотнинг натижалари, мамлакат ва миллат тараққиёти маънавият ва маданиятни қандай ривожлантира билишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Миллий маънавият деганда нимани тушунасиз?
2. Сиёсат билан маънавият ўртасидаги алоқадорлик нимадан иборат?
3. Маънавият ва сиёсий маданият тушунчалари ўртасида фарқлар нима?
4. Давлат сиёсатида маънавий ривожланиш қандай роль ўйнайди?
5. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маънавий маданиятни ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?
6. Ўзбекистонда маънавият ва маданиятни ривожлантиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997, 150-бет.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995 йил 8 сентябрь.

СИЁСАТ ВА ЁШЛАР

Ёшлар сиёсатнинг объекти ва субъекти Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ёшлар муҳим ўрин тутлади. Сиёсат ёшларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Айни пайтда ёшлар ҳам сиёсатга фаол таъсир кўрсатади. Жамиятнинг сиёсий тизимида ёшларнинг тутган ўрни, мавқеининг қандай даражада бўлиши улар руҳиятининг шаклланиши, таълим-тарбия жараёнларининг қандай амалга оширилиши, сиёсатнинг характери, давлат ва жамият қурилишининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари, амал қилиш тамойиллари, мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқ бўлади. Ёшлар алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида сиёсатнинг объекти ҳисобланади, чунки ҳар бир ривожланган давлат ўз сиёсатида ёшларга алоҳида эътибор беради. Ёшларга доир сиёсат олиб боришга ҳаётий эҳтиёж доимо мавжуд бўлади. Давлат ёшлар ҳаётига доир қонунлар қабул қилади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилаб беради ва кафолатлайди. Ёшлар ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир ўзгариш давлат сиёсатида аниқ ҳисобга олиниши муҳимдир. Ёшлар айни пайтда сиёсатнинг субъекти ҳамдир. Бунда ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган сиёсий институтлар, жамоа ташкилотлари назарда тутилиши билан бирга, ҳар бир ёш жамиятнинг фуқароси сифатида сиёсатнинг субъекти ҳисобланади. У сиёсатда иштирок этади, унга таъсир кўрсатади. Давлат ва жамият қурилиши ишларида, жамият сиёсий тизимини янада такомиллаштиришда бевосита қатнашади.

Шунинг учун ҳам республикада одил, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш мақсади ва вазифаси ёшларни сиёсатнинг онгли, сиёсий жиҳатдан етук иштирокчиси сифатида тарбиялаш билан узвий боғлиқ. Давлатнинг ёшларга доир сиёсатида, аввало шу давлатнинг сиёсий ҳолати муҳим ўрин тутлади.

Мустақиллик ҳар бир давлатда ўзига хос ёшлар сиёсатини белгилаб олиш ва амалга ошириш имкониятини яратиб беради. Бу сиёсатнинг характери, мақсад ва вазифаларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ёндошганда Ўзбекистон республикасининг мустақилликка эришиши давлатнинг ёшларга доир сиёсатида алоҳида босқич ҳисобланади. Шу асосда

сиёсат ва ёшлар ўртасида уйғунлик шаклланимоқда ва сиёсатда ёшлар муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда.

Сиёсатда ёшлар муаммосига алоҳида эътибор беришнинг ҳар бир давлат учун характерли бўлган умумий ва ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, унинг умумий томони шундан иборатки, ёшлар жамият истиқболининг, келажакнинг асосий бўғинини ташкил этади. Ёшлар жамиятнинг меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондирувчи замон талабига мос фан-техника ютуқларини халқ хўжалигининг турли соҳаларига жорий этувчи, тараққиётни таъминлаб ва доимо илгари қараб ривожлантириб боровчи, жамиятни янги куч билан тўлдириб турувчи ягона манба ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам давлат сиёсатида ёшлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни ўз вақтида англаш ва уни бартараф этиш муҳим стратегик аҳамият касб этади. Жамиятнинг сиёсий тизими, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий муносабатлари соҳасида, ҳар бир меҳнат жамоаси мулкнинг қандай шаклда жорий этилганлигидан қатъи назар, унда ёшларнинг ўрни бор. Бу уларнинг фаолият даражаси билан боғлиқ.

Ёшлар жамиятда муайян ижтимоий-демографик қатлам, гуруҳдан иборат. Бу гуруҳни ўзининг динамик, ўзгарувчанлик характери, ўзига хос сиёсий, ижтимоий-психологик хусусиятлари билан боғлиқ равишда ўзига хос қизиқиш, хатти-ҳаракатлар, интилишлар, мақсад ва вазифалар бирлаштириб туради. Айни пайтда улар турли хил фаолиятда бўлади ва бир-биридан фарқ ҳам қилади.

Мустақиллик туфайли жамият сиёсий-ижтимоий ҳаётида амалга оширилган ислохотлар туфайли ҳаётда амалга ошириладиган демократлаштириш жараёни ёшларга янги имкониятлар яратиб бериш билан бирга, улар олдига жиддий вазифалар қўйди ва масъулият юкледи.

Давлат сиёсатида ёшларнинг жамиятдаги ўрнига «пролетар ёшлари» нуқтаи назаридан қараш ва ёндошиш ўзгарди. Аввало, Ўзбекистон аҳолисининг ярмини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиши, уларнинг табиий равишда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий,

иқтисодий ва маънавий ҳаётида қандай салмоқли ўрин тутишини кўрсатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ёшларнинг ҳаётини позицияси, дунёқараши, руҳияти ўз-ўзича шаклланимайди. Бунга алоҳида эътибор бериш, тарбиялаш, яъни фан сирларини ўргатиш зарур.

Ёшларга муносабат биринчидан, жамиятнинг қандай ҳолда (мустақил ёки аксинча) ўзида сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этилаётганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, жамиятда давлатнинг ўрни, демократия ва эркинлик билан узвий боғлиқдир.

Истиқлол туфайли жамият ҳаёти демократлашмоқда. Демократлаштириш ва эркинлик эса мустақиллик вазифаларини амалга оширишга кенг имкониятлар яратиб беради.

Ўзбекистонда сиёсат ва ёшларнинг ўзаро алоқаларида оқилона муносабат шаклланимоқда. Давлатнинг ҳокимлигидан воз кечилди. Давлат ижтимоий-иқтисодий, маънавий жараёнларга бевосита аралашув, яъни а) қонунлар ишлаб чиқиш; б) қатъий назорат ўрнатиш; в) умум манфаатларни ҳимоя этиш орқали жамиятни бошқаришда фаол таъсир кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистоннинг дунёвий тамойилларига жавоб берадиган, одил, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат қуриш мақсадига тўла мос келади ва унинг умуминсоний моҳиятини белгилаб беради. Бу давлат сиёсатида а) сиёсат ва ёшлар муносабати қонун устуворлигига асосланганлиги; б) ёшларнинг мақсадлари, манфаатлари қонунда ўз ифодасини топганлиги, давлат ва жамият қурилишининг инсон манфаатларига бўйсундирилиб, ўзаро уйғунлигини шакллантиришга қаратилганлиги; в) демократия ва инсон эркинлиги жамият ривожининг муҳим омили тарзида, мустақиллик вазифалари ислохотларни охирига етказишнинг истиқболли таянчи эканлигига алоҳида эътибор берилаётганлигидан далolatдир. Булар келгусида республиканинг миллий равнақини таъминлаб беради. Демократик давлат сифатида илғор ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, ёшларнинг сиёсий ҳаётидаги фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон давлат ва жамият қурилишида демократиянинг шарқона, миллий, минтақавий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, жамоатчилик фикри-

ди тайпадиган, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳ ва шихс манфаатларини мувофиқлаштириб турадиган бонқарув тизимининг бой тажрибасига эга. Бу Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсатида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистонда турли гуруҳ ёшларининг манфаатлари ўзаро мувофиқлаштирилган тарзди демократлаштириш жараёни амалга ошмоқда. Бу сиёсий барқарорлик, турли миллат ёшлари ва гуруҳлари ўртасида ўзаро тотувликни мустаҳкамлайди ва мустақилликни ижтимоий ва иқтисодий, маънавий жиҳатдан қувватлайдиган кучларни жипслаштиради.

Ўзбекистонда шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуриш мақсад қилиб олинган. Адолатга интилиш халқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши мумкин.

Бугунги ёшлар адолатни куч асосида ўрнатиб бўлмаслигини, аксинча адолатга асосланган давлат ва жамиятнинг кучли бўлиши муқаррарлиги тўғрисидаги шарқона қарашларнинг моҳиятини англаб етмоқдалар.

Бу миллий давлат сиёсатининг назарий-фалсафий асосини ташкил этаётганлиги учун ҳам ўз моҳияти билан умуминсоний тамойилларга жавоб беради ва истиқболга эга.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Мустақиллик туфайли шу давлатнинг мақсади ва вазифаларининг, сиёсатининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларнинг ҳуқуқ ва бурчларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган бўлимида ўз ифодасини топган. Шунингдек, Ўзбекистон давлатининг бир қатор қабул қилинган қонунларида ҳам белгилаб берилган.

Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари ҳам Конституцияда белгилаб қўйилган умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларидан келиб чиқади.

Шу асосда ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланади. Уларнинг яшаш ҳуқуқи, эркинлиги ва шахсий дахлсизликлари ва ҳаётини ҳимоялаш, сайлаш ва сайланишлари, республика

худудида бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари, республикада яшаш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи, шунингдек, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи ёки виждон эркинлиги белгилаб қўйилган. Ёшларнинг бирон бир динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилиш маслиҳатлари ҳам кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Унда мулкдор бўлиш, омонатларнинг сир тутилиши ва мерос, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, ижтимоий таъминот олиш, тиббий хизматдан, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги кафолатланган.

Мустақил республикамизнинг давлат сиёсатида таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида ўрин берилиб, миллий кадрлар тайёрлаш дастури ишлаб чиқилди. Ёшларнинг ўзлари хоҳлаган йўналишлар бўйича илм олишларига кенг имкониятлар яратилди, чунончи, гимназия, лицей, коллежлар ташкил топиб, уларда келажаги порлоқ республика ёшлари таълим олмоқда. Бугунги кунда таълимни ислоҳ этиш дастури қабул қилиниб, ҳаётга тадбиқ этиш мўлжалланган. Шунингдек, олий ва ўрта махсус билим юртлири моддий техника базасини мустаҳкамлашга, унга замонавий техника воситаларини жорий этишга, информатика тизимини кенг жорий этишда дунё тажрибасидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Таълим тизимларига танлов тест синовлари орқали амалга оширила бошланди.

Мустақиллик туфайли ёшлар дунё билан боғландилар. Ёшлар «Умид» жамғармаси орқали ривожланган мамлакатларга: АҚШ, Англия, Япония, Германия ва бошқа кўпгина мамлакатларга бориб, дунёвий илм сирларини эгаллаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу Ўзбекистон давлати ўз сиёсатида ёшларнинг илм олиш ҳуқуқларини реал амалга ошириш бўйича имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб бераётганлигидан далолат беради.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат ривожидида илм ва ҳунар эгаллаш муҳим ўрин тутди. Ёшлар бунга алоҳида эътибор беришлари, илм-фан сирларини чуқур эгаллаб, ўз Она-Ватанларини ривож-

ланган, маданий-маърифий жиҳатдан юксак давлатлар қаторига қўшишлари зарур. Буни ҳар бир ёш чуқур ҳис этиши даркор. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, Ўзбекистонда таълим-тарбия, маданий-маърифий ишларга катта эътибор берилмоқда. Миллийлик ва қадриятлар, бой маданий меросимиздан кенг фойдаланилган ҳолда ўрганилмоқда. Айни пайтда ёшлар ўз вазифаларини ҳам чуқур англашлари, Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажаришлари шарт. Бу бурчлар Конституция ва қонунларга риоя қилиш, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, халқнинг тарихий, маънавий-маданий меросини авайлаб асраш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кабилардан иборат. Булар республика ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлигини чуқур ҳис этган ҳолда ёшлар ўзларида юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришлари ва Она Ватанга хизмат қилишлари зарур.

Бугунги ёшларга таълим-тарбия беришга мустақиллик талаблари, умуммиллат, Ватан, истиқбол нуқтаи назаридан ёндошиш ҳаётий заруриятга айланмоқда. Мустақиллик туфайли ёшлар онгида дунёқарашларида туб ўзгаришлар амалга ошмоқда. Кўпгина ёшларимиз мустақилликни чуқур англаган ҳолда ўз фаолиятларини илм сирларини эгаллашга, ҳунар ўрганишга, хорижий тилларни эгаллашга, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни эъзозлаган ҳолда, республикамиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

Зеро, чуқур билим ва салоҳият эгалари бўлган ёшларгина келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворини ярата оладилар. Маънавий қадриятларимизни авлодлардан-авлодларга етказадиган, уни бойитадиган, авайлаб, асраб сақлайдиганлар ҳам ёшлар эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаётига бефарқ қараш—бу ўзлигимизга, келажагимизга бефарқ қарашдир. Республика Президенти И. А. Каримов ёшларни соғлом ва маърифатли, комил инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор билан ёндошмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда соғлом авлод учун Декларациясида қабул қилинган Халқаро жамғарма ишлаб турганлиги ёки ўсиб келаётган авлод тарбиясига қўшилган улкан ҳисса учун бериладиган «Соғлом авлод учун» Олий Давлат ордени таъсис этилиб, айрим фидойий мураббийлар, таълим-тарбия ходимларининг унга

сазовор бўлганлиги давлат сиёсатида ёшларга берил-
лаётган эътиборнинг натижасидир.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли дунёга чиқди.
Ўзбекистон ёшлари маданий-маърифий соҳада чет эл-
лар билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Президентимиз ЮНЕСКО ижроия кенгаши мажлиси-
да сўзлаган нутқида ҳам ёшлар муаммосига жиддий
эътибор керак эканлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбе-
кистон келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини
ишлаб чиқишда фаол иштирок этишда тайёр эканли-
гини билдирди. Булар албатта, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқ-
ларини ҳимоя қилиш билан бирга, ёшлар орасидаги
айрим салбий ҳолатларнинг, ижтимоий муаммоларнинг
олдини олишга ва уларни бартараф этишга шарт-шароит
тайёрлайди.

Маълумки, маънавий қадриятларимиз ёшлар ҳаёти-
да муҳим ўрин тутди. Улар ўзи яшаб турган замин,
Она Ватан тарихини халқимиз орасидан етишиб чиқ-
қан бугун мамлакатимиз фахри бўлиб, дунёга тани-
таётган улуғ сиймоларни, мутафаккир ва саркардалар
ҳаётини чуқур билиш ва ўрганишлари давр талабидир.
Зеро, бой тарихий ва маданий обидаларимиз ёшларда
ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини янада
чуқурроқ шакллантиради. Шунда ёшлар онгида шарқо-
на умуминсоний фазилатларга бой, меҳр-оқибат, эзгу-
лик, яхшилик, ҳурмат-иззат каби сифатлар янада му-
камалроқ шаклланади. Мустақилликнинг янада мус-
таҳкамроқ пойдеворини яратиб, маънавий қадриятлари-
мизни тиклашга, ўзлигини англашга эришилади.

Сиёсат ва ёшларни Ўзбекистон давлати ўз сиёсатида
ижтимоий ёшларни ижтимоий ҳимоялашга ало-
ҳимоялаш ҳида эътибор билан ёндошмоқда.
Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз
вақтида қўллаб-қувватлаш эса, ислохотларни муваф-
фақиятли ўтказишнинг гарови, бошланган ўзгариш ва
покланиш жараёнини орқага қайтишга йўл бермайди-
ган ижтимоий таянч сифатида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон бозор муносабатларини илк даврида
аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бор-
ди. Бу мақсадга эришиш учун давлат йўли билан бош-
қаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан
фойдаланилди. Жумладан, миқдори мунтазам ўзгариб
турадиган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли
нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тў-

дошлари ҳам, имтиёзлар ва турли дотация тарзидаги бевосита тўловлар ҳам кенг қўлланилди. Шунингдек, дастлабки йилларда бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пензионерлар учун бепул нонушталар, икки ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар амал қилиб турди. Ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олишлари учун зарур моддий шароит яратишга катта эътибор берилиб, олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчиларининг, аспирантларнинг стипендиялари миқдори бир неча марта оширилди. Бу тадбирларнинг барчаси давлатнинг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Шунингдек, миллий анъаналарни назарда тутиб, биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-куёвлар учун мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олишнинг имтиёзли тартиби белгиланди.

Бу ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида кутилган натижаларни берди, албатта.

Ўзбекистон давлат сиёсатида ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари доимо такомиллаштириб борилди. Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимида ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтилди. Нафақалар ва моддий ёрдамни бевосита оила ҳамда маҳаллалар ёрдамида амалга ошириш жорий этилди.

Бу келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, инсон манфаатларини ҳисобга олиш ва унга зарур шарт-шароитлар яратиш бериш давлатнинг ёшларга доир сиёсатининг асосий бўғинини ташкил этади. Давлат ёшларга келажак, мамлакатнинг истиқболи нуқтаи назаридан ёндошилган ҳолда уни ижтимоий ҳимоялашни асосий мақсад қилиб қўяди ва шу йўлда сиёсат олиб бормоқда.

Ёшларнинг эса бу имкониятлардан тўлалигича фойдаланишлари, ўзларининг илмлари, ҳунар ва малакаларини оширишлари, мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этишлари муҳимдир.

Давлат сиёсатида республиканинг ҳар бир вилояти, туман ва шаҳар, қишлоқларида аҳолининг ўсиш суръатларини аниқ ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг таркибида

Ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, мулкнинг турли шакллари эркин жорий этишга шарт-шароит яратиб моқда. Кўплаб кичик ва ўрта корхоналар қуришмоқда, тадбиркорлик фаолиятлари ривожланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Унинг ҳуқуқий асослари яратиб берилмоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг бандлик даражасини оширишга, айниқса қишлоқ ёшлари учун қўшимча иш жойларини очилишига шароит яратиш, саноат ва хизмат кўрсатишнинг янги-янги соҳаларини ташкил этишга алдҳида эътибор билан ёндошилмоқда. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар ёшларни турли сиёсий партия ва ҳаракатларда ҳамда давлат ва жамиятни бошқариш жараёнига иштирок этишига шароит яратади.

Ёшлар орасида ўзига хос қараши, муқобил фикр, аниқ таклиф ва мулоҳазаси бўлганларнинг сони кўпайиб боради. Республика «Қамолот» «Олтин мерос» жамғарма фондлари бундай ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ёшлар ҳаракатларининг ривожланиб боришига ижобий таъсир кўрсатади, яъни ёшларнинг фаоллиги янада ошади, сиёсий онги юксалади. Улар ўз фаолиятларини Ватан, мустақиллик, демократия вазифалари билан янада мукамал боғлайдилар. Булар ислоҳотларнинг янада демократлаштиришга, ёшларни республикада эркин, демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини қуриш ишларига фаолроқ иштирок этиб боришларига, тегишли сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий асослар яратиб беради.

Ёшлар ва фуқаролик жамияти

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган тараққиёт йўлини белгилаб олди. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида бу жараёнларда муҳим ўзгаришлар амалга ошди. Сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар жамиятнинг сиёсий тизimini, унинг иқтисодий асосларини тубдан ўзгартирди. Давлат ва жамият муносабатлари ва унга қараш ўзгарди.

Жамиятда давлатнинг ўрни ва мавқеи тўғрисидаги масала ўзгарди, бу фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим жиҳатини ташкил этади. Жамиятни бошқаришда давлатнинг монополиясига барҳам берилиши, сиёсий тизимни янги демократик ҳуқуқий асосларга кўчиши, қонун устуворлигининг жорий этилиши, кўп пар-

тивийлик, сиёсий ва бошқа турли хил носий ташилотларнинг фаолият кўрсата бошлаганлиги жамиятда барча ижтимоий гуруҳлар қатори ёшларнинг онги ва тафаккурига, дунёқараши, мавжуд тасаввурларини ўзгаришига ҳамда уни янгича тамойиллар, меъерий нормаларга айланишига шарт-шароит яратиб бермоқда.

Бугунги ёшлар ягона мафкуравий ақидалардан холи бўлиб, уларнинг дунёқарашлари жамият тўғрисидаги янгича қарашлар асосида қарор топмоқда. Чунки улар жамият ижтимоий ривожланишининг турли сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий макон ва замон орқали дунёни янгича идрок эта бошладилар. Бу ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи тўғрисидаги қарашларининг ўзгариши билан бирга, улардан давлат ва жамият қурилиши жараёнларида янгича онг ва тафаккур, тамойиллар ва қарашлар асосида ёндошишларини талаб этаётганлигини чуқурроқ ҳис этишлари бугун ижтимоий маънавий эҳтиёжга айланди.

Бунинг республикамиз учун характерли бўлган кўпгина томонлари мавжуд.

Биринчидан, Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшларнинг тутган ўрни ва салмоғининг даражаси баланд. **Иккинчидан**, фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ бўлган ҳар бир жараён узвийлиги, давомийлиги асосида доимо ёшлар билан тўлиб, бойиб боради.

Бу ўзига хос муҳим қонуният бўлиб, Ўзбекистоннинг дунёга юз тутиши, жамиятнинг барча соҳаларида илғор ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамқорликда замонавий техника ва технология асосида иш юритиш, уни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш, ана шу ёшлар орқали амалга ошади. **Учинчидан**, фуқаролик жамияти қурилиши ҳам илм-фан ютуқларига таянади. Ёшларнинг уни мукамал эгаллаб олиши умуммаданий, маърифий даражаси орқали халқлар ва миллатлар ҳаётида ўз ифодасини топади. Бу ҳар бир ёшдан ана шу масъулиятни англашини тақозо этади.

Тўртинчидан, республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларида бўлаётган муҳим таркибий ўзгаришларни ҳис этиш, уни чуқур тушуниш ва англаётган ҳолда, бозор муносабатлари билан боғлиқ бўлган жамият ривожланиши қонуниятларга тайёр ҳолда кириб бориш давр талабидир.

Бугунги ёшлар бундан беш-олти йил олдинги ёш-

лардан уз қарашлари, тасаввурлари, ҳаётга муносабатлари билан тамоман фарқ қиладилар. Утиш даври ёшлар тафаккурига чуқур ўзгаришларни олиб кирди, кўпгина ёшларимиз унга аниқ тасаввур, қарашлар, мақсад ва меъёрий нормалар билан муносабатда бўли бошладилар. Утиш даврига хос бўлган айрим тартиб сизлик ҳолатлари, тасаввурлардаги қоронғулик ўрнида, аниқлик пайдо бўла бошлади. Ёшлар мустақиллик янги талаблар қўяётганлигини, янги жамиятни қуришнинг илм-фанни эгаллаш билан боғлиқ катта имкониятлари пайдо бўлганлигини тўлиқ англаб етмоқдалар. Бу имкониятлар қуйидаги йўналишларда яққол кўзга ташланмоқда. **Биринчидан**, илғор мамлакатларнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқларини эгаллаш. **Иккинчидан**, бунинг учун энг зарур бўлган хорижий тилларни ўрганишга бўлган интилиш. **Учинчидан**, давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ янги йўналишларда пайдо бўлган, тезкорлик билан ижтимоий ҳаётимизга сингиб бораётган турли фан соҳаларини эгаллашга бўлган интилишдир.

Республика мустақиллигининг ўтган йилларида 1000 ортиқ талабалар, 100 дан ортиқ аспирантлар энг илғор, ривожланган мамлакатларда турли соҳаларда илм-фан сирларини эгаллаб келдилар. Энг муҳими шундаки, хорижий давлатлардан келган мутахассислар ёшларимизга хос иқтидор, қобилиятларга юқори баҳо бермоқдалар. Бундай ёшлар киши қалбида алоҳида миллий ғурурланиш туйғусини уйғотади.

Зеро, ёшлар жамиятнинг шундай бўғиники, белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишда, жамиятнинг истиқболи, ривожини таъминлашда боғловчи, янгиликнинг ижодкорларидир. Ўзбекистонда турли соҳалар бўйича иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Қамолот» «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғармалар орқали иқтидорли ёшлар чет элда таълим олишга муяссар бўлмоқдалар. Иқтисод, ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экологик ва сув тизимларини бошқариш ҳамда журналистика бўйича Ўзбекистон Президентининг грантларини олишга муваффақ бўлган ёшлар АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг турли университетларида

бакалавр ва магистр даражасини олиш учун уқиш имкониятига эга бўлмақдалар.

Бу фуқаролик жамияти қурилиши қонуниятларига батамом мосдир. Чунки жамият қурилишини кадрларсиз, уларнинг ақл-заковати ва салоҳиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар қандай жамиятнинг асосида илм-маърифат ётади. Ислоҳотлар жараёни ўзига мос ақл-идроқ, онг ва тафаккурни, илм-фан ривожини ҳам тақозо этади. Бу фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида яққол кўринади. Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўтиб бориш жараёни сифатида «фуқаролар жамиятидан» фарқ қилади. Фуқаролар жамиятида давлатнинг ҳокимлиги, бошқаришда монополияси ва аралашувининг таъсири катта. Ёшларнинг онги ва тафаккурида, жамиятдаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнларда шунчаки иштирок этиши, қонунсизлик, сохта эркинлик, итоаткорлик руҳияти, фаолсизлик, оддий ижрочилик кайфиятлари уларни сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг объекти сифатидаги ўрни билан характерланади ва бу жамиятнинг ўзига хос ҳолатини кўрсатади. Фуқаролик жамияти эса тамомила бошқача янги тамойилларга, сифат ўзгаришига асосланадиган жамиятнинг ҳолатидир. Бунда ҳар бир инсон жамиятдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларда субъект сифатида иштирок этиши, қонун устуворлиги, демократия, эркинлик бош тамойилга айланади. Ёшлардан шижоат, ижодкорлик, бунёдкорлик, фаоллик каби муҳим фазилатларни талаб этади.

Ҳар бир фуқаро жамиятнинг мустақил, масъул шахси даражасига етиши шарт бўлиб қолади. Бунинг конституцион, ҳуқуқий асослари яратилади ва кафолатланади. Бу жараёнларни тўла амалга ошириш ҳар бир ёшдан юксак сиёсий онг, маданият талаб этади. Қонунларни билиш ва унга амал қилиш фуқаролик жамиятининг мезони бўлади. Қонун олдида ҳамманинг тенглиги, унга амал қилиш ва кафолатланишига эришиш унинг муҳим жиҳатидир.

Фуқаролик жамияти қурилиши ёшларнинг турли сиёсий-ижтимоий институтларда фаол иштирок этиши билан бирга, улар фаолияти, ақл-заковати мамлакат олдида турган мақсадлар, вазифалар билан уйғун бўлиши давр талаби ҳисобланади. Аммо ҳар доим ҳам турли сабаблар билан бунга тўла амал қилинмаган.

Бугун ҳар бир халқ, миллатнинг ақл-заковати давлат ва жамият муносабатларида ўз ифодасини топмоқда. Жамиятдаги ҳар бир шахс, унинг қайси соҳадаги фаолиятдан қатъи назар, у аввало, ўз онги ва тафаккурида халқи, миллатининг мақсад ва манфаатларини тўла англаши ва идрок этиши; иккинчидан, у миллати, Ватан манфаати билан ўз фаолияти, мақсад ва манфаатларини уйғун эта олсагина жамият олдидаги бурчини тўла адо этган ҳисобланади. Жамиятда яшаб, унинг мақсад ва манфаатларидан айри бўлиш ёки ўз манфаатини, фаолиятини ўз миллати ва Ватани манфаати билан уйғун ҳолда идрок этмаслик уни шахс сифатида ўзлигини тўла намоён этишга имкон бермайди. Шахслар фаолияти, унинг миллий ўзлиги Ватан ва миллат туйғулари билан ҳамоҳанг бўлса, уларда шижоаткорлик янада ошади. Аммо ёшларнинг миллий онги, руҳи ана шундай юксак инсоний туйғулар билан тўла ва баркамол бўлишига эришиш осонликча бўлмайди. Ватан меҳри она сути билан инсоннинг гўдаклик пайтидан унга сингади. Унинг онги, тафаккури, қалбидан жой олиб боради. Унинг ҳаёт фаолияти жараёнида янада баркамоллашиб ўз халқи, миллатининг ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан боғланади. Ватанпарварлик туйғусига айланади. Ёшлардаги фидойилик ҳам янада юксакроқ намоён бўлади.

Шу ўринда, бугунги ёшларнинг илм-фанга бўлган ижобий муносабатларини қайд этган ҳолда, айрим ёшлар онги ва тафаккуридаги ярим уйғоқлик, лоқайдлик, фаолсизлик билан боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар жамият ривожига, Ватан ва миллат манфаатларига зид эканлигини алоҳида қайд этмоқчимиз. Буни англаб этишнинг бирдан-бир йўли ҳар бир ёшнинг илм-фанга бўлган муносабатини ўзгартириш билан боғлиқдир.

Тўғри, фаолиятлар соҳаси, касблар хилма-хил. Аммо, чуқур билим, ақл-идрок талаб этмайдиган бирон-бир соҳа йўқ. Ёшлар қайси соҳада ишламасин, қайси касбни танламасин, у эркин меҳнат фаолияти сифатида аввало, илм-фанга, ақлга таяниши, юксак инсоний фазилатлардан ажралиб қолмаслиги керак. Шунда ёшлар фаолияти дунёвий давлат ва жамият қурилиши жараёнлари билан янада уйғунлашиб боради. Юксак маданият ва маърифатга асосланган давлатга адолат, фозиллик хосдир. Республикада давлат ва жамият қу-

рилиши жараёни халқнинг, миллатнинг манфаатлари, ақл-идроки билан уйғунлашиб, ўзига хос куч-қудратга тўлиб боради. Бунга эришиб боришда ёшларнинг ўрни беқийёсдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Ёшлар» тушунчаси нима?
2. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсатида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
3. Ёшлар жамият ҳаётида қандай ўрин тутади?
4. Давлатнинг ёшларни ижтимоий ҳимоялашдан мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
5. Ёшлар ва сиёсий институтлар ўртасидаги боғлиқлик қандай?

IV БЎЛИМ
ЖАҲОН СИЁСАТИ
ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

13-мавзу

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Халқаро муносабат тушунчаси Халқаро муносабатлар халқаро сиёсий муносабатларда ўзига хос ўринга эга.

У икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар, турли хил сиёсий ва нодавлат ташкилотлар билан бўлган алоқаларни ифода этади. Унинг фаолияти халқнинг талаб ва эҳтиёжлари, давлат манфаатлари, халқаро нормалар ва қадриятлар билан боғлиқ бўлади. Халқаро муносабатлар рақобат ёки ўзаро ҳамкорлик асосида қурилиши мумкин.

Халқаро муносабатларда жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар ўртасида сиёсат олиб боришда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш зарурлигини англаб етиш ва уни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарур. Бу халқаро муносабатларда сиёсат тамойилининг айрим давлатларнинг манфаатлари таъсир доирасидан чиққанлигини, умуминсоний қадриятлар халқаро муносабатлар белгилаб берувчи асосий мезон бўлиб бораётганлигини кўрсатади. Албатта бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд.

Биринчидан, сиёсат тарихи, унинг ўзига хос оқибатлари турли давлатлар, сиёсий ва носиёсий ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларнинг манфаатларига мос тушадиган тамойилларга асосланиш зарурлигини тақозо этади.

Иккинчидан, бугунги кунгача жаҳон цивилизациясига катта хавф солиб турган қурооллар (ядро қуроли, кимёвий қурооллар) тўпланиб қолганлиги ва уни ишлаб чиқаришга бўлган ҳаракатнинг мавжудлиги ва унинг олдини олиш билан боғлиқ.

Учинчидан, халқаро муносабатларда айрим давлат раҳбарлари, сиёсий партиялар ва шахсларнинг бир томонлама қарашларининг ҳамон сақланиб қола-

ётганлиги, янги қуролларни ишлаб чиқишга бўлган интилишлар, давлатларга нисбатан муносабатда «зўравонлик», «кучга таяниш», «тазйиқ кўрсатиш»нинг турли усулларида фойдаланиш, «халқаро террорчилик ҳаракатлари» ва ундан манфаатдор кучларнинг мавжудлиги, халқаро сиёсатда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида, ихтилофлар пайдо бўлганда уни сиёсий йўллар билан ҳал этиш маърифий йўл эканлигини тан олиш зарурати билан боғлиқ.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишлаб чиқилган нормаларга амал қилиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш ва унинг оқибатларини ҳамма учун бир хилда эканлигини, ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш, инсоният тақдири билан боғлиқ муаммо эканлигини халқаро сиёсатда ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш зарурлиги давлатлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ўртасида халқаро муносабатлар доирасида ўзаро кучлар нисбатини мувофиқлаштирган ҳолда сиёсат юргизишни тақозо этади.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларни «кучга таянган ҳолда» ҳал этиш инсоният бошига оғир мусибатларни келтириб чиқариши аниқ. Бунга инсоният тарихида бўлиб ўтган қонли урушлар мисол бўлиб, буни ҳар бир сиёсатчи эсдан чиқармаслиги зарур.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, ер юзида кейинги 5 ярим минг йилнинг атиги 300 йилигина тинч ва осойишта ўтган. Қолган вақтларда 15 мингдан кўп ҳар хил урушлар бўлиб ўтган. Бу урушлар биргина Европада XVII асрда 3 млн, XVIII асрда 5 млн.дан кўпроқ, XIX асрда 6 млн, XX асрда эса 70 млн.дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган¹.

XXI аср бўсағасида жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқаро муносабатларнинг характери ва мазмунида, тузилишида катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Халқаро муносабатлар тамойиллари қайта кўриб чиқишни, уни янгича идрок этишни тақозо этмоқда. Жаҳон цивилизациясининг эртанги тақдири, халқаро муносабатлар муаммосининг ҳал этилиши, инсонпарварлик муаммосини янгича тушуниш ва талқин этиш уни англаш даражаси билан уй-

¹ О. А. Проскурин. Баланс интересов государств — основы прогресса цивилизации. Социально-политические науки. 1991. № 4, 65-бет.

ғуллашиб, уни амалда татбиқ этиш халқаро сиёсатнинг асосий бўғинига айланди.

Ҳозирги даврда дунёнинг турли бурчакларида турли хил ихтилофлар мавжуд. Бундай ихтилофларни Россия ҳудудидаги Чеченистон воқеаларида, Тожикистон, Афғонистон, Фаластин ва Исроил ўртасидаги муносабатларда, собиқ Югославиядаги воқеалар ва бошқа айрим давлатларда бўлаётган ўзаро келишмовчиликлар, ихтилофларда кўриш мумкин. Уларнинг кўлами хилма-хил бўлиб минтақалараро, давлатлараро, мамлакатнинг ўз ичида содир бўлмоқда.

Инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш, барча тинчликсевар кучлар олдида турган асосий вазифадир. Шунинг учун ҳис этган ҳолда, кенг жамоатчилик, сиёсатдонлар, шахслар водород бомбасидан фойдаланиш асосидаги урушнинг нима эканлигини аниқ тасаввур этишлари муҳим. Бу у ёки бу шаҳарларни шунчаки бомбардировка этиш эмас. Агар атом бомбаси Хиросимани вайрон этган бўлса, биргина водород бомбаси эса ундан катта бўлган шаҳарларни вайрон этадиган кучга эга. Бугун Хиросимада портлатилган бомбага нисбатан 25000 марта кучли бўлган бомбаларни яратиб имконияти мавжудлигини ҳисобга олсак, у инсоният бошига ақл тасаввур этолмайдиган даражада мудҳиш оқибатларни солиши мумкин. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларда буни ҳисобга олган ҳолда, ўзаро манфаатли муносабатлар олиб бориш, келишмовчиликларни ҳарбий йўллар билан эмас, аксинча тинч сиёсий йўллар билан ҳал этиш инсоният олдидаги масъулиятни англашни тақозо этади.

Халқаро муносабатларда умуминсоний тамойилларга асосланган ҳолда муносабатда бўлиш келажакка ишонч туғдиради. Бу ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун халқаро муносабатларни ўзаро ишонч ва тенг манфаатлар асосига қўйишга олиб келади.

Халқаро муносабатлар ва халқаро сиёсат

XX аср халқаро муносабатларда содир бўлган муҳим ўзгаришлар билан характерланади. Бугун халқаро муносабатлар назариясида «ташқи сиёсат» тушунчаси билан бирга «халқаро сиёсат» тушунчаси ҳам кенг ишлатила бошланди. Ташқи сиёсат — бу давлатнинг мамлакат ташқарисида, давлатлараро муносабатларда ўзининг миллий ва умумбашарий мақсадлари, хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган

фаолиятидан иборат. Халқаро сиёсат, бу халқаро муносабатларда иштирок этаётган турли давлатлар, субъектлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, сиёсий ва носиёсий ташкилотлар, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг халқаро меъёрлар, нормалар, қадриятлар асосида ўзаро муносабатларини сақлаб туришга қаратилган фаолиятидир.

Халқаро муносабатлар — давлатлар ўртасида, давлатлараро ташкилотлар, партиялар, турли хил шахслар томонидан ташқи ва халқаро сиёсатда белгиланган тамойиллар асосида ҳамкорликни амалга оширишда уни ўзаро мувофиқлаштирувчи алоқалардир. Халқаро муносабатлар ўзаро ҳамкорликдаги давлатлар сонини кўпайиб бориши билан бирга муаммоларни ҳал этишда улар ўртасида бир-бирига бўлган боғлиқликнинг ҳам ошиб бориши билан характерланади. Айниқса, собиқ Иттифоқнинг тарқалиб, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, Шарқий Европа мамлакатларида содир бўлган ўзгаришлар, жаҳон социализм системасининг барбод бўлиши, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритиб, мустақил равишда ички ва ташқи сиёсат олиб бораётганлиги халқаро муносабатларни янада бойитди. «Ташқи сиёсат» бу бир давлатнинг ўз миллий ҳудудидан ташқарида иккинчи давлат билан бўлган муносабатида ўз ифодасини топади.

Халқаро сиёсат алоҳида шахслар ёки давлатлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнигина эмас, балки муайян гуруҳ ёки давлат манфаатларини амалга ошириш бўйича алоқаларни, фаолият соҳаларини ҳам ўз ичига олади. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва унга аъзо бўлган давлатлар экологик сиёсий манфаатлар ва маънавий қадриятлар тизими билан боғлиқ бўлган муҳим муаммоларни ҳал этиш, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этишни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайди. Европа мамлакатларининг халқаро сиёсати ва Европа Иттифоқи нафақат шу ҳудудда, балки дунёвий муаммоларни ҳал этишда ҳам фаол қатнашмоқда. Халқаро муносабатлар халқаро сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлади ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Ташқи сиёсатнинг таъсири тўғрисидаги фикрлар Австрия социологи Л. Гумпловичнинг сиёсий қарашларида, ҳозирги геополитика тўғрисидаги назарияларда

Ўз ифодасини топган. Улар халқаро муносабатлар зиддиятли эканлигининг сабабларини, ернинг ҳосилдорлик даражасига боғлаб, ҳосилдорликнинг ҳудуд ва минтақаларда ҳар хиллиги, халқлар ёки давлатларнинг дунё сиёсатидаги мавқеининг турли хиллигига олиб келади деб тушунтирмоқчи бўладилар. Уруш ва куч ишлатиш сиёсатининг муқаррарлиги тўғрисида хулоса қиладилар. Сиёсатда бундай фикрлаш ўзаро низоларни куч ишлатиш билан бартараф этиш кераклиги тўғрисидаги ақидани келтириб чиқаради.

Таниқли Америка социологи Г. Моргентау халқаро сиёсатга ўз муносабатини билдириб, «бошқа сиёсат сингари, халқаро сиёсат куч тўплаш учун курашдир. Халқаро сиёсатнинг мутлақ мақсади қандай бўлишидан қатъи назар, куч тўплаш ҳамма вақт унинг бевосита мақсади ҳисобланади»¹. Халқаро сиёсатга бундай ёндошиш, биринчидан, давлатлар ўртасидаги муносабатда кучга таянишга, иккинчидан, куч тўплашга ундайдиган фаолиятни келтириб чиқаради. Бу ўзаро муносабатларда ишончни эмас, балки ишончсизлик, сиёсий нобарқарорликни келтириб чиқаради.

Халқаро сиёсатга бошқача «ўзаро боғлиқлик» нуқтаи назаридан қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, у ички ижтимоий ва халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Бунда давлатларнинг ривожланишида ички ва ташқи омилларнинг узвий алоқадорлиги ва бир-бирига таъсири эътиборга олинади. Бундай қарашда у ёки бу томоннинг устуворлиги тамойили эмас, ўзаро манфаатлилик тамойили асос сифатида қаралади.

Ҳар бир давлатнинг ривожланиши ташқи омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликнинг таъсири тобора ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида, бугунги умумбашарий муаммолар билан боғлиқ. Чунончи, тинчлик учун кураш ва уруш хавфининг олдини олиш, экология ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар жаҳон жамоатчилигининг дунё олдидаги масъулиятини оширмоқда. Бу муаммолар ҳар бир давлатнинг ички сиёсати билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам уларни бир-бирларини тушунган ҳолда сиёсат олиб боришга ундамоқда ва бундай сиёсат тарафдорлари кўпаймоқда.

Америкалик олим П. Гуревич давлатларнинг ички

¹ Основы политологии. М., 1992, 242-бет.

ижтимоий муносабатларига таъсир кўрсатадиган тўрт омилни ажратиб кўрсатади. Булар: интервенция, давлатнинг ички ишларига аралashiш, халқаро иқтисод ва давлатларнинг халқаро тизимидир. Албатта, бундан бошқа омиллар ҳам борки, бу омиллар давлатларнинг ички ҳаёти ва унинг барқарорлигига, тинч ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Муҳими, шу нарсани ҳисобга олиш зарурки, халқаро сиёсатда қабул қилинган халқаро нормалар, тамойилларга бир томонлама амал қилиш, ўзаро муносабатларда бир томонлама «манфаатдорлик»ни назарда тутган ҳолда сиёсат олиб бориш ёки муносабатда бўлиш фақат давлатларнинг ривожига салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, умуман дунёда сиёсий барқарорликнинг бузилишига сабаб бўлади.

Халқаро сиёсатда бўлаётган ўзгаришларни атрофлича ўрганиш сиёсий жараёнларга ва унинг ривожини йўналишларига ҳолисона ёндошишни ва баҳо беришни тақозо этади.

Халқаро
сиёсатнинг ўзига
хос хусусиятлари

XX асрнинг охири ва янги аср бўсағасида ҳозирги дунё халқаро сиёсати ўзига хос ютуқлар, муаммо ва хусусиятлар билан характерланади.

Зеро, халқаро сиёсат ҳар бир давр характериға, мавжуд кучлар нисбатиға, давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланиш тамойилларига, унинг дунё ҳамжамияти ривожини тамойилларига мос туриши ёки тушмаслигига, мақсад вазифаларига кўра турли хил бўлиб келган.

XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро сиёсатда бўлган ўзгаришларнинг марказида икки ижтимоий-сиёсий тизимнинг пайдо бўлиши қанчалик ўз ўрниға эға бўлиб, халқаро муносабатларни, унинг ривожланишини «белгилаб» берган бўлса, бугунги кунда ана шу тизимнинг бирининг таназулға учраши, собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши, Шарқий Европа мамлакатларидаги бўлган ўзгаришлар халқаро сиёсатнинг боришиға, унинг мақсади ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг қурилишиға катта таъсир кўрсатди. Бунини тўла маънода XX асрнинг охириги чорагида содир бўлган халқаро сиёсатнинг муҳим воқеаси деб айтиш мумкин. Бу халқаро сиёсат ва муносабатларда ўзига хос қонуниятларни келтириб чиқармоқда.

Бугун жаҳон тараққиётига «икки қутбли» қаран
Ўрнида кўп қутбли ёндашув пайдо бўлди.

Бугун халқаро сиёсатда, давлатларнинг бир томон-
лама «кучга таяниб» сиёсат олиб бориши, «зўравон-
ликка асосланиш, иккинчи бир давлатнинг ўз куч-қуд-
ратини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришга ун-
даган ижтимоий ҳолатлар ўрнида, янгича тарзда «ўзаро
тенг манфаатдорлик» асосида муносабатда бўлиш тен-
денцияси кузатилмоқда. Халқаро сиёсатни умуминсо-
ний тамойилларга бўйсундириш, у ёки бу давлатнинг
етақчилигидан воз кечиш, давлатларнинг ички ишларига
аралашмаслик, умумбашарий муаммоларни биргаликда
ҳал этиш халқаро сиёсатда кучлар нисбатини барқар-
орлаштиришга, ўзаро ишончнинг қарор топишига
олиб келади. Бу йўлда дунёдаги мавжуд кўпгина халқаро
сиёсий институтлар, халқаро ҳуқуқ, сиёсий партиялар,
ҳаракатлар ҳамда носиёсий оммавий ташкилотлар фаолият
кўрсатмоқдалар. Давлатларнинг ривожланиши халқаро
сиёсат билан узвий боғлиқлиги ижтимоий ҳаётнинг асосида
ётувчи умумий қонуний жараёнларни инкор этмайди.
Бу биринчидан, ҳар бир давлат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий ҳаётининг дунё ҳамжамияти билан боғлиқ бўлган
умумий томонларининг намоён бўлиб боришида кўринса,
иккинчидан, дунё ҳамжиҳатлигининг яхлит ва ўзаро
боғлиқ ҳолда ривожланишида намоён бўлади.
Халқаро сиёсатда амал қиладиган умумий қонуниятлар
ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари,
унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланганлик
даражаси билан узвий боғлиқ бўлади.
Бу халқаро сиёсатда ўз аксини топади,
чунки мустақил ҳар бир давлат халқаро муносабатлар
билан қанчалик боғлиқ бўлмасин, ўзининг миллий,
минтақавий, ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган
ҳолда халқаро сиёсат олиб боради.
Халқаро сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири
ҳам миллий хусусиятларни инкор этиш орқали эмас,
аксинча халқаро сиёсатда миллий манфаатлар ва
хусусиятлар ўртасида ўзаро уйғунликни,
мувофиқликни таъминлаш эканлигини дунё
жамоатчилиги, барча илғор кучлар тушуниб
етмоқда. Турли сиёсий кучлар онги, тафаккурида
бундай узвий боғлиқликни ҳис этиш ўзини
дунё сиёсий жараёнларининг бир бўлаги сифатида
кўришга шароит яратмоқда.
Инсоният олдидаги масъулиятни англаш,
дунёнинг яхлитлиги учун кураш давлатларни ўзаро

ҳамжиҳатликка ундайди. Халқаро муносабатларда
иқтисодий ва сиёсий алоқаларда сиёсий субъект сифатида
давлатлар мавқеининг ошиб бориши эмас, аксинча
пасайиб бориш ҳоллари кузатилмоқда.
Халқаро муносабатларнинг демократик асосларининг
ошиб бориши манфаатлар умумийлиги асосида
давлатларнинг яқинлаб боришида янгича асосларни
вужудга келтирмоқда.
Давлатлар ўртасидаги муносабатнинг янги тури
яратилмоқда. Урушга тамомила барҳам бериш
умуминсоният олдида турган мақсад сифатида
унга муносабатда бўлиш сиёсати пайдо бўлмоқда.
Жаҳон жамоатчилигининг фикри айрим сиёсатдонлар
фикридан устунлигини кўрсатмоқда.
Халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни
демократиялаштириш жараёни унинг муҳим
хусусиятидир. Сиёсий жараёнларни инсонийлаштириш
амалга ошмоқда.
Халқаро сиёсатда умуминсоний қадриятлар
аста-секин устувор бўлиб бормоқда.
Чунки зўравонлик йўли билан кучга таяниб
инсониятни бахтли қилиш мумкин эмас.
Собиқ иттифоқ даврида, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўта
мафкуралаштирилиши, сиёсатнинг айрим синф
манфаатига бўйсундирилиши инсон манфаатларини
мавҳумлаштириб қўйган эди.
Халқаро сиёсатда ва муносабатларда носозлом
муҳит вужудга келиб, давлатлар ўртасида
ишончсизлик кучга, қуролланиш пойгасига зўр
беришга олиб келган эди.
Дунё бир-бирларига қарама-қарши икки
гуруҳга бўлинган эди.
Бугунги янгича сиёсатда инсонни ҳимоя
қилиш ва унинг хавфсизлигининг халқаро
нормаларини янада такомиллаштиришга
устуворлик бериш сезилмоқда.
Халқ дипломатияси ривожланмоқда.
Ядровий қуролларни қисқартириш ва
кимёвий қуролларни тугатиш тўғрисида
битимлар фаолият кўрсатмоқда.
Инсон ҳуқуқлари тўғрисида ақтлар
мавжуд. Европа, Осиё, Африка ва Лотин
Америкасида ҳамкорлик ва хавфсизликни
таъминлашнинг минтақавий механизмлари
ишлаб турибди.
Бу халқаро сиёсатга ижобий таъсир
кўрсатмасдан қолмайди. Мамлакатларнинг
иқтисодий, маданий ривожланишини,
сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга
киритиши, суверен давлатга айланиши
унинг халқаро майдонга чиқишига,
халқаро ҳамжамият билан сиёсат олиб
боришига имконият туғдирди.
Халқаро ҳамжамиятнинг тўла
ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон
Республикаси

халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида қатнашмоқда. Унинг асосий мақсадлари мустақкам тинчлик, қуролисизланиш, ўз ҳудудини ядро қуролидан холи қилиш, ядровий қуролини ва бошқа оммавий қирғин қуролиларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатишга йўл қўймаслик, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир.

XX аср ўрталарида дунё хавфсизлик тизими икки тизимнинг ўзаро муносабатига ва ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган бўлса, энди ёш суверен давлатлар билан ривожланган мамлакатлар ўртасида янгича халқаро иқтисодий, сиёсий, маънавий-мафкуравий асосларда ўзаро муносабатлар қарор топа бошлади. Маълумки, халқаро сиёсатда давлатлар ўртасида муносабатларда амал қиладиган қонуниятлар ва тамойиллар давр ўзгариши билан ўзгариб туради. Масалан, халқаро сиёсатда XX асрнинг ўрталаридан 80-йилларгача «кучга таяниш» асосида муносабатлар вужудга келди. Ички сиёсатда «ҳарбий куч-қудратни» мустақкамлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятлар кўзга ташланди. Халқаро муносабатларда давлатларга нисбатан «душман»лик ёки ишончсизлик билан ёндошиш улар ўртасидаги муносабатнинг асосига кўчди. XX асрнинг охирида Дунё сиёсий харитасида ўзгаришлар содир бўлди, жаҳон ҳамжамияти шаклланди. Бу ўзгаришлардан Ўзбекистон ҳам четда қолгани йўқ.

Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясида салмоқли ўрни бор. Мустақил муносабатларнинг субъекти лик туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топмоқда. Бугун Ўзбекистон турли халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари, биринчи гада, БМТ ва Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ишларида иштирок этмоқда. Жаҳондаги турли хил сиёсий ташкилотлар Ўзбекистонда бўлаётган ислохотларни амалга оширишга, халқаро сиёсатда фаол иштирок этиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан ҳамкорлиги ошиб бормоқда. Бу ҳамкорлик халқаро иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш,

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмоқда. Ўзбекистоннинг Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгаши, Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, НАТО ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларидан тинчлик йўлида фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда давлат ўз олдига қандай мақсад ва вазифаларни қўйганлиги ҳамда уни қандай воситалар асосида амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Давлатлараро муносабатларда ва халқаро муносабатларда ҳам давлатлар ўз ички маънавий нормаларини ҳисобга олиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда фаолият кўрсатишлари зарур. Аммо тараққиёт даражаси турлилиги давлатлар ичида, давлатлар ўртасида айрим ихтилофларнинг сақланиб туриш сабабларидан биридир. Халқаро сиёсатда айрим даврлар эгоизми давлат билан келиша олмаслиги керак. Сиёсатдонлар, халқаро сиёсат субъектлари бошқа давлатлар ва сиёсатдонлар ҳамда субъектларнинг фикри билан тўла ҳисоблашиши, уни ҳурмат қилиш асосида сиёсат олиб боришлари лозим.

Халқаро сиёсат биринчидан, ҳар бир давлат сиёсатида дунё тартиблари, меъёрларини аниқ ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсатни олиб боришни талаб қилади. Иккинчидан, бошқа давлатларга ўзаро тенг ҳамкор сифатида қараш ўзаро манфаатли муносабатлар асосида миллий манфаатларни ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий хавфсизлик стратегиясига эга, у ўзини ички ва ташқи душман хавфидан ҳимоя қилиш, мамлакатда барқарор сиёсий, тинч ҳаётни яратиш асосида иқтисодий, маданий ривожланиш, фуқароларнинг эркин фаолияти учун осойишта ҳаёт тарзини яратиб бериш чоратадбирларини қўрган ҳолда ўзининг халқаро маъқеини янада чуқурроқ тиклаб бормоқда. Бугун Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудида барқарорликни таъминлаш мамлакатимизнинг жаҳон ҳўжалиги тизимида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб жойни эгаллашига эришиш — давримизнинг энг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон давлати миллий хавфсизлик масаласида ягона давлат сиёсати бўлмиш барча сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ҳарбий, ҳуқуқий ва бошқа чоратадбирларнинг ўзаро уйғун ва мукамал тизимини ишлаб чиқиш

ва уни амалга оширишда хайрхоҳлик билдириб, ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Собиқ иттифоқ даврида олиб борилган сиёсат туфайли барча иттифоқдош республикалар асосан ички сиёсат билан шуғулланган. Мустақиллик туфайли республикаларнинг суверен давлат сифатида ташқи сиёсат олиб боришига ва дунё билан боғланишига шарт-шароит пайдо бўлди.

Ўзбекистонда халқаро муносабатларда ташқи сиёсатни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Бу тамойиллар, аввало Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, бирон бир давлатнинг таъсир доирасига тушмаслик деган қондага қатъий амал қилади. Ўзбекистон ўз миллий давлат манфаатларига асосланиб, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилаш асосида халқаро муносабатларда иштирок этмоқда. Бунда икки томонлама, кўп томонлама муносабатларда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 150 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 35 дан ортиқ мамлакатларнинг, шу жумладан АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ давлатларда (АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқалар) давлатимизнинг элчихоналари иш бошлади. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги фаолиятида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан бир қаторда Марказий Осиёдаги давлатлар билан олиб бораётган сиёсати ҳам алоҳида ўрин тутди. Зеро, Ўзбекистон халқаро сиёсатда ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади ва унинг муассислари қаторига кирди.

Ҳар бир давлат, унинг халқи ўзининг хоҳиш-иродаси, мамлакатига хос хусусиятлар ҳамда ривожланиш қонуниятларига мос тараққиёт йўлини танлаши, унга ҳеч бир давлат ҳалақит бериши ёки аралашishi халқаро ҳуқуқий нормаларга ҳам мутлақо тўғри келмайди. 1996 йил 15 мартда Россия давлат Думаси ана шундай ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олмасдан, яна «Собиқ Иттифоқни тиклаш» ғоясини илгари сурди. Турли хил тушунчалар «иқтисодий интеграцияни чуқурлашти-

риш», давлат ва сиёсий тизимлардан юқори турадиган «Федерация» ёки «конфедерация» каби уюшмалар тузиш таклиф этилди.

Бунга Ўзбекистон давлати халқаро муносабатларда ўрнатилган тамойилларга содиқ қолган ҳолда ўз муносабатини билдирди ва ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтмаслиги ҳақида қатъий фикрини айтди. Маълумки, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномага айрим давлатлар аъзо бўлиб кирди.

Халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё давлатларининг ўзига хос ўрни мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ҳам шу минтақада тинчлик, сиёсий барқарорлик, халқлар ўртасида мавжуд бўлган тарихий, маданий, маънавий мерос, анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўзаро ҳамкорлик олиб боришга, ягона иқтисодий маконни яратишга, «Туркистон умумий уйимиз» ҳаракати асосида иш юритишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу минтақада осойишталикни таъминлашга, халқлар ва мамлакатлар ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир давлат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлатлар билан алоқаларини олиб бормоқдалар. Хусусан Марказий Осиёдаги Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари Россия ва Беларусь иттифоқига аъзо бўлиб кирдилар. Албатта бу иттифоққа кириш ёки кирмаслик уларнинг ички ишларидир. Лекин Ўзбекистон ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бу иттифоққа қўшила олмаслигини билдирган эди. Аммо бундай иттифоқнинг вужудга келиши Марказий Осиё халқларининг азалий дўстлигига раҳна сола олмайди. Чунки бу халқларнинг ўтмиши ҳам, келажаги ҳам ўзаро бирлик асосида бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Бу халқлар вакиллари мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш гоёлари бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар. Шу маънода ҳам Марказий Осиё давлатларининг ўзаро интеграцияси минтақанинг умумманфаатларига хизмат қилади. Республика Президенти И. А. Қаримов таъкидлаганидек, «Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак, у ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳаммиша халқ интег-

рацияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда»¹. Хусусан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг ягона иқтисодий макон тўғрисида имзолаган шартнома Марказий Осиё халқлари олдида турган мураккаб вазифаларни биргаликда ҳал қилиш йўлида қўйилган муҳим қадам ҳисобланади. «Бу ҳамдўстлик — давлатчиликни қарор топтириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида минтақадаги мамлакатларнинг куч-ғайратлари ва саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилгандир»².

Ўзбекистон Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлат бошлиқларининг Бишкекдаги (1996 йил, май) учрашуви якунлари тўғрисидаги ахборотда давлат бошлиқлари Марказий Осиёдаги бу давлатларда сиёсий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ислохотларни ва демократик ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, бу давлатларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиш, ҳудудий ишларига аралашмаслик қоидаларига риоя этиш асосида биргаликда амалий ҳаракат қилиши минтақадаги вазиятга ижобий таъсир қилади, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон сиёсатида фаол иштирок қилмоқда. Халқаро муносабатларнинг ривожланишига ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда. У халқаро муносабатларда умумжаҳон манфаатларини ўзида ифода эттирган тамойилларга амал қилмоқда. Бу ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсининг ошиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Халқаро муносабатлар нима?
2. Халқаро муносабатларда қандай тамойилларга асосланган лозим?
3. Халқаро сиёсат нима?
4. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларидаги ўрни қандай?
5. Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсий ва носийсий ташкилотларда иштироки.
6. Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистоннинг ўрни қандай?

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997, 320-бет.

² Уша асар, 322—323-бетлар.

14-мавзу

ТАШҚИ СИЁСАТ

**Ташқи сиёсат
ва унинг моҳияти**

Ҳар бир давлат мустақил ташқи сиёсат олиб боради. «Ташқи сиёсат» деганда давлатнинг ҳудудидан ташқаридаги давлатлар билан ёки давлатлардаги фаолияти назарда тутилади. Давлатларнинг ўзаро фаолияти дунё давлатлари фаолияти билан узвий боғлиқ. Давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, халқаро муносабатларда амал қилаётган тамойилларга бўлган муносабати, мақсади ва вазифалари билан белгиланади.

«Халқаро сиёсат» давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатни тартибга солиб туришга қаратилган сиёсат сифатида ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати, давлат ҳокимиятининг шакли, сиёсий йўли тизимининг характери билан узвий боғлиқ бўлади.

XX асрнинг охиригача чорагида дунёда содир бўлган сиёсий ўзгаришлар туфайли давлатларнинг ташқи сиёсати, унинг мазмуни ва характери тўғрисида қарашлар ўзгарди. Давлатлар ташқи сиёсатида икки ижтимоий-сиёсий тизим ёки «капитализм билан социализм» лагери, «ўзаро куч ишлатиш», иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ҳокимликка эришиш, тазйиқ кўрсатиш, мамлакат ичидаги низомларни қўллаб-қувватлаш, мафкуравий йўллар билан эмас, балки давлатнинг суверенитетини тан олиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда, халқларнинг эркинлигини ҳурмат қилиш асосида ташқи сиёсат олиб бориш амалиётига ўтилмоқда.

Давлатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ривожланиши учун нормал ташқи муҳитни яратиш, жаҳон ядро урушлари хавфини йўқ қилиш ва умумий қуролсизланиш, хавфсизликка эришиш, давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликлар ўрнатиш, бозор иқтисоди, мулкнинг хилма-хиллиги асосида жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликлар ўрнатиш, хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш, сармояларни жалб этишга имкониятлар яратиш, мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

**Ташқи сиёсатнинг
мақсади ва
вазифалари**

Ташқи сиёсат халқаро ҳуқуқий нормаларга, тамойилларга қатъий амал қилишни, догматизмга, субъекти-

визмга йўл қўймасликни тақозо этади. Ташқи сиёсат дунё ҳамжамиятида бўлаётган ўзгаришлар динамикаси, сиёсий воқеалар характерини, мақсад ва вазифаларни аниқ ҳисобга олиши керак бўлади.

Ташқи сиёсатда давлатлараро муносабатларда ўзаро келишилган тамойилларга ҳолисона ёндошилса, унга амал қилинса давлатлар ва халқларнинг эркин ривожланишига, умум тараққиётга кўмак бўлади. Ташқи сиёсатда умуминсон манфаатларига зид бўлиб тушадиган ҳолатлар пайдо бўлиши тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши, давлатлар ўртасидаги муносабатларга, тинчликка хавф туғдириши мумкин. Давлатларнинг ташқи сиёсатда ҳарбий стратегик устунликка эришиш ақидасидан воз кечишлари муҳим. Бунинг учун давлатлар хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий йўллари кўпроқ излашлари, қуролланишга давлатнинг хавфсизлигини таъминлашнинг омили сифатида қарашдан воз кечиш зарур. Чунки қуролланишга устуворлик бериш йўли биринчидан, сиёсий тафаккур, ташқи сиёсат тамойилларига, умуммиллий хавфсизликни таъминлаш мақсадларига зиддир. Бу йўл иккинчидан, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишга салбий таъсир кўрсатади. Учинчидан, халқаро муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги даврда ташқи сиёсатнинг янги концепцияси янгича фикрларга асосланмоқда. Ҳозирги дунё қанчалик хилма-хил, ранг-баранг ва зиддиятли, ўзига хос хусусиятларга эга бўлмасин, унинг яхлитлигини тан олиш ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришишнинг асосини ташкил қилади.

Ташқи сиёсатни шунчаки такомиллаштириш эмас, аксинча қатъий ислоҳ этиш давр талабидир.

Ташқи сиёсатни мафкурадан холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб, уни муайян мафкуравий ақидаларга эмас, балки дунёнинг барча мамлакатлари, қитъалари ва минтақалари билан ўзаро муносабатлари, мамлакатларнинг сиёсий тизими, халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қонда ва мезонлари асосда қуришни тақозо этади. Ташқи сиёсатда ва инсоният тафаккурида бўладиган ўзгаришлар давлатлараро муносабатлар соҳасида умуминсоний тамойилларга асосланган ғояларга амал қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти хал-

қаро ташкилотлари, давлатлар, МДХ ва Марказий Осиё давлатлари билан олиб бораётган ташқи сиёсати борасидаги саъй-ҳаракатлари фикримизнинг далилидир. Бу Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг умуминсоний тамойиллар ва манфаатлар билан тўла мувофиқ эканлигини билдиради. Ўзбекистон Республикаси НАТОнинг коллектив хавфсизликни таъминлашга қаратилган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» лойиҳасини (1994 йил, июль) имзолаб, Ўз вазифасини Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган анжуманлар, жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлараро муносабатларда фаол иштирок этиш мавжуд нуфузли халқаро сиёсий ташкилотлар билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш орқали амалга оширмоқда.

**Ташқи сиёсат
тамойиллари**

Ташқи сиёсатнинг тамойилларида унинг мақсад ва вазифаси яққол намоён бўлади

Политологияда ташқи сиёсат тамойиллари тўғрисида фикр юритар эканмиз, халқаро сиёсий институтлар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган тамойилларни билиш муҳимдир. Бу қандай тамойиллар ва ташқи сиёсатда унинг ўрни нимадан иборат? деган савол туғилиши табиийдир. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туришда, ички ва ташқи сиёсат олиб боришда бу тамойиллар муҳим роль ўйнайди. Давлатларда ўзаро ҳамкорликнинг асосида турадиган, ташқи сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш ҳар бир давлатга маълум бир масъулият юклайди. Унга амал қилмаслик эса давлатлар ўртасидаги муносабатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Чунки тамойиллар орқали ўзаро муносабатлар қурилади.

Ташқи сиёсатда бу тамойилларни бир неча кўринишларда кўриш мумкин. **Биринчидан**, ташқи сиёсат эркинлик, демократия, мустақиллик билан боғлиқ бўлиб, умуминсоний тамойиллар сифатида намоён бўлади. Ҳар бир давлат демократия, умуминсоний тамойилларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши зарур. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир давлатнинг конституцияси ва қонунлари билан ҳимоя қилинади ҳамда амалга оширилади. **Иккинчидан**, ҳар бир давлат ташқи сиёсати Конституциясида белгилаб қўйилган ва қабул қилган тамойил-

ларга асосланади. Учинчидан, мустақил ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатида белгиланган тамойиллари унинг халқаро муносабатларда тутган йўлининг мақсад ва вазифаларининг моҳиятини белгилаб беради. Туртинчидан, ташқи сиёсатда унинг асосларини кўрсатиб берадиган давлатларо муносабатларни мувофиқлаштириб турадиган тамойиллардир.

Халқаро ташкилотлар: мақсад ва вазифалар

Халқаро ташкилотларнинг давлатлараро муносабатларда ўзига хос ўрни мавжуд. Халқаро муносабатларнинг ўзгариши халқаро ташкилотларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ қилиш заруратини тақозо қилмоқда. Шу билан бирга юзага келган янги шароитларда Республика Президенти таъкидлагандек, «Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда»¹

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида, халқаро ташкилотлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиш, унга кириш суръатларини тезлаштириш, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ишида фаол иштирок этиш имкониятидан кенг фойдалана бошлади.

Бугунда Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзосидир. Жаҳоннинг 150 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Республикада 35 давлатнинг элчихоналари очилган, 88 хорижий ваколатхоналар рўйхатдан ўтган, 24 ҳукуматлараро ва 13 ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон 700 дан ортиқ халқаро битим ва шартномалар тузди.

Халқаро ташкилотлар сиёсий, иқтисодий ҳаётимизни қайта қуришга, миллий хавфсизлигимиз, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Бу давлатлар ички ва ташқи сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар, давлатлараро муносабатлар мав-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997, 298-бет.

жуд сиёсий институтлар фаолияти билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудий, минтақавий, умумбашарий муаммоларни бартараф этишда фаол иштирок эта бошлади. Масалан, дунёда энг нуфузли ташкилот БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг ишлаб туриши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТнинг сессияларидаги нутқлари (1993 йил 23 сентябрь), унда дунёвий ва минтақавий муаммоларнинг илгари сурилиши, БМТ ҳомийлигида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг тинчлик ўрнатиш баталонини тузиш ҳамда мазкур «Марказий Осиё баталони» муассислари бўлган уч давлатнинг БМТ заҳира кучлари тўғрисидаги битимларига қўшилиши юзасидан белгиланган чора-тадбирлар бундан далолатдир. Шунингдек, БМТнинг тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича ваколатли олий комиссари, Болалар жамғармаси, Саноат тараққиёт дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳоли жойлашиш жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Бундай ҳамкорлик халқаро иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда ҳам амалга оширилмақда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкент шаҳрида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, фаровонлик ва ҳамкорлик муаммоларига бағишланган доимий семинарини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Бу Ўзбекистоннинг дунёда ва халқаро сиёсатда ўз нуфузига эга бўлиб бораётганлигини кўрсатади.

**Носиёсий
ташкилотлар
ва ҳаракатлар**

Халқаро ҳаётда сиёсий ташкилотлар, институтлар ва партиялар билан бирга носиёсий ташкилотлар, уюшмалар, фуқароларнинг турли бирлашмалари мавжуд. Улар айрим гуруҳлар манфаатларини, қизиқиш ва интилишларини ифода этади.

Носиёсий ташкилотларда ва ҳаракатларда ўзаро манфаатларнинг «ижтимоий» ва «сиёсий» жиҳатлари намоён бўлади. Кўпгина давлатларда бундай ҳаракатлар анча ривожланган бўлиб, давлат тузулмасида, пар-

ламентда ўз таъсир доирасига эга. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни тартибга солиб турувчи қонунлар ҳам мавжуд. Ҳозирги даврда кенг тарқалган ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган: Истеъмолчилар ҳаракати, Қасаба уюшмалари, Турли-хил реформистик ва инқилобий ҳаракатлар, Экологик ҳаракат, Хотин-қизлар ҳаракати, Ешлар ҳаракати, Тадбиркорлик ҳаракати, Миллий ҳаракатлар ва деҳқонлар ҳаракатлари кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу носиёсий ҳаракатлар АҚШ ва Европа ҳамда Осиёнинг бир қатор мамлакатларида кенг тарқалган.

Америка политологлари бундай ҳаракатларни «манфаатлар гуруҳи» ёки «таъсир этиш гуруҳи» деб айтадилар. Бунда сиёсатни турли хил гуруҳ манфаатларининг натижаси бўлган «сиёсий ҳаёт»нинг моҳиятидан излаб тушунтирадилар.

Политологияга доир айрим адабиётларда, шунингдек, «политология асослари»да ҳам уни ижтимоий-сиёсий ҳаракат деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ деб қаралади. Мавжуд ҳаракатларни маълум сиёсий институтлар, давлат ва партия тизимидан ташқарида эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда унинг олдига қўйган мақсади «ижтимоий» ва айни пайтда «сиёсий» вазифаларни қамраб олганлиги учун ҳам бу ҳаракатларни «ижтимоий-сиёсий» ҳаракатлар деб айтилишининг асоси бор. Бундай ҳаракатлар ҳар бир мамлакат ёки давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётида мавжуд бўлиб, мамлакат олдида турган ижтимоий, сиёсий муаммоларни ҳал этишда ўзига хос ўринга эга. Масалан, АҚШ саноатчиларининг миллий уюшмаси ва савдо палатаси давлат аппаратининг деярли барча бўғинларини назорат қилади ёки Британия Саноат конфедерациясини, Франция тадбиркорлари миллий кенгашини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. АҚШдаги адвокат Ральф Найдер ташаббуси билан вужудга келган «Истеъмолчилар ҳаракати» ишлаб чиқарилаётган товарларни тадқиқ этиш, бозорни ўрганишда алоҳида ўринга эга бўлиб, муайян ютуқларга эришаётганлиги учун ҳам конгресс томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни қўллаб-қувватлашига эришишга муваффақ бўлган. Бу масала бўйича Францияда Давлат маслаҳатчиси лавозими киритилган. Швеция, Германия, Австрия ва бошқа мамлакатларда бу ҳаракат самарали фаолият кўрсатмоқда

Елланган хизматчиларнинг моддий, иқтисодий-манфаатларини касаба иттифоқлари ҳимоя қилади. Шунингдек, касаба иттифоқлари айрим касаба уюшмалари ва уларнинг фаолиятини ҳам назорат қилади. Шунингдек, сиёсий ташкилотларнинг ўзига хос турларидан бири — клублар ҳисобланади. Унда жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим сиёсий-ижтимоий тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мумкин.

Бу носиёсий ҳаракатлар ўз олдиларига қўйган мақсадлар, уни амалга оширишга бўлган муносабатларига қараб турли хил: консерватив, инқилобий ёки либерал кўринишларда бўлиши мумкин. Демак, улар мавжуд ижтимоий-сиёсий тадбирларни қўллаб-қувватлашлари, анъаналар, урф-одатларни янада кўпроқ тарафдори бўлишлари ёки уларни ислоҳ қилишнинг тарафдори бўлиб чиқишлари ёнгики уни тубдан ислоҳ қилишнинг, ўзгартиришни қўллаб, ҳаракат қилишлари мумкин.

Айрим ҳаракатлар жамият олдида пайдо бўлган умум-башарий муаммоларнинг олдини олиш, уни бартараф этишдаги фаолликлари билан алоҳида ажралиб турадилар (масалан, экологик ҳаракат ва х. к.). Улар айти пайтда айрим сиёсий партиялар билан ҳам у ёки бу муаммоларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорликлар ўрнатиб, жамоатчилик асосида муҳим сиёсий-ижтимоий ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Мавжуд ҳаракатлар орасида «хотин-қизлар ҳаракатлари», «ёшлар ҳаракатлари», «ишчилар ҳаракати», «деҳқонлар ҳаракатлари»ни алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ҳам халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни кўрсатиш ва уни бартараф этиш чораларини кўришда сиёсий ҳаётга сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқдалар.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳамда вакилликлар орқали иштирок этишда ҳокимият тизимлари ўз ўринларига эга.

Дунёда сиёсий жараёнларнинг бориши, мамлакатлардаги демократик ўзгаришларнинг ривожини шунини кўрсатадики, давлатнинг сиёсий тизими билан боғлиқ равишда турли ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг пайдо бўлишига, унинг мавқеининг ошишига шарт-шароит вужудга келиши мумкин. Ёки аксинча, бундай ҳаракатларга бўлган эҳтиёж камайиб ҳам бориши мумкин.

Шуни айтиш керакки, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда турли ижтимоий гуруҳлар манфаати жамият

сиёсий ҳаёти билан қанчалик уйғун ҳолда ўз ифодасини топиб сиёсат юргизилса, жамиятда носиёсий ҳаракатларга талаб ва эҳтиёж қолмайди.

Айни пайтда, носиёсий ҳаракатларнинг давлат ва сиёсий партиялар тизимидан ташқарида эканлигини ҳисобга олиш керак. Улар ўзларининг ҳуқуқий ва сиёсий ваколатлари билан сиёсий партиялардан фарқ қиладилар. Бундай ҳаракатлар жамият ҳаётида бевосита ёки билвосита равишда доимо ўз таъсирини ўтказиб туриши мумкин.

Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати. Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифасини аниқ белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати: давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузилиши, ҳамдўстликларга, давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин», дейилади¹.

Давлатнинг ташқи сиёсатида унинг ички манфаатлари ҳисобга олинади ва назарда тутилади. Бу ички ва ташқи сиёсатнинг бир-бири билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ташқи сиёсатнинг ўзига хос йўналиши халқаро ҳуқуқ ва муносабатларнинг турли хил субъектлари ўртасидаги алоқаларни бошқаришни, улар фаолиятини ўзаро манфаатли, умуминсоний қадриятлар, халқаро тамойилларга мувофиқ тарзда ташкил этишни назарда тутати.

Ташқи сиёсатнинг ўзгариб туриши жуда кўпгина омиллар билан белгиланади. Чунончи, жамиятнинг ривожланиш хусусиятлари, сиёсий тизими, сиёсий ҳокимият ва сиёсий кучлар, сиёсий раҳнамолар, мафкуравий тамойиллар ташқи сиёсатга бевосита таъсир кўр-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 12-бет.

сати. Ташқи сиёсатнинг ўзгариши биринчидан, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тизими, мақсадлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мамлакат ташқарисидаги ҳолат, давлатлараро муносабатлар, халқаро аҳвол, давлатнинг халқаро муносабатлар ва ҳуқуқ нормаларига қандай даражада амал қилиши ёки қилмаслиги кабиларга ҳам боғлиқ.

Ташқи сиёсатнинг қандай натижалар бериши ва унинг мақсад ва вазифалари давлатнинг хоҳиши билангина боғлиқ бўлмасдан, унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам ташқи сиёсатга таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам ташқи сиёсатда давлатлар ўз фаолиятини ўзаро манфаатли мақсадларга йўналтиришга, инсоният олдида турган умумбашарий, минтақавий муаммоларни ҳал этишга, жаҳон тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишга қаратиши керак.

Давлатлар ташқи сиёсатининг асосини тинчлик учун кураш, куч ишлатмаслик, зўравонликни қоралаш, қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби тамойиллар ташкил этади.

Ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатида халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий амал қилиши ва мутаносибликни таъминлаши зарур. Бу мутаносиблик бузилса, ташқи сиёсатнинг боришига, давлатлараро муносабатларга, умумий тинчлик ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Халқаро муносабатларда ишлатиладиган «элчи», «консул», «вакил», «нота», «шартнома», «битим», «чиқариб юбориш», «ишонч ёрлиғи», «ишончсизлик билдириш» каби атамалар жаҳон сиёсатида унинг муайян ҳолатини, ташқи ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг характерини белгилайди.

XX асрнинг охириг чорагида содир бўлган ўзгаришлар, хусусан, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида рўй берган сиёсий ўзгаришларда собиқ совет давлати ва Ғарбий Европадаги собиқ социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатида уларнинг ўрни ва мавқеидаги ўзгаришлар алоҳида ўрин тутди. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан характерланади. Бу ўзгаришлар ўзининг моҳияти, характери билан дунёнинг кўпгина давлатларининг ташқи сиёсатларига кучли таъсир кўрсатди.

Бу ўзгаришлар АҚШ, Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланган давлатлар ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар билан ҳам характерланади. Улар ташқи сиёсатда Европа ҳамжамиятини мустаҳкамлаш ва уни кенгайтириш, Европадаги давлатлар учун чегараларни очиқ қўйиш, Хельсинки руҳига тўла мос келадиган ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситаларидан кенг фойдаланиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш йўлини тутмоқдалар. Ташқи сиёсатда «совуқ уруш сиёсати, зўравонлик», «кучга таянган ҳолда тазйиқ кўрсатиш йўлини тутиш» каби ақидалар аста-секин барҳам топиб бормоқда.

Дунё давлатлари ташқи сиёсатида давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари, халқаро имзоланаётган битимларда ташқи сиёсатда ҳозирги дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ва унинг зиддиятларини ҳал этишдан ҳар бир давлатнинг манфаатдор эканлигини англаш сари борилмоқда. Бу халқаро муносабатларда ихтилофларни сиёсий йўллар билан ҳал этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Жаҳон ҳамжамияти ўртасида шаклланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётган янгича муносабатлар ташқи сиёсатни янгича тафаккур асосида қуришга, ҳарбий қуролларни қисқартиришга, ядро қуролларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва ундан воз кечиш йўлини тутишга ундамоқда.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ташқи сиёсат нима?
2. XX аср охирида давлатлар ташқи сиёсатида қандай ўзгаришлар содир бўлди?
3. Ташқи сиёсат қандай тамойилларга асосланади?
4. Халқаро ташкилотлар ташқи сиёсатда қандай ўрин тутади?
5. Носиёсий ҳаракатлар нима?
6. Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатига хос бўлган жиҳатлар нимада?

СИЁСАТ ВА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР

Жамият ҳаётида ўзининг кўлами, қамрови ва салмоғи жиҳатидан шундай муаммолар борки, улар алоҳида давлат ва миллий ҳудуд билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли «умумбашарий» мазмун касб этади.

Политология фани нуқтаи назаридан ҳам бу муаммоларни давлат ҳокимиятининг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Жамиятнинг сиёсий тизимининг муҳим элементи бўлган давлатнинг ички сиёсати асосидагина бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

«Умумбашарий» деганда инсоният ҳаётини таъминловчи ва унинг ривожланишига асос бўлувчи, башариятнинг бугунги кунини ва истиқболи билан боғлиқ бўлган соҳалар тизими тушунилади. «Умумбашарий» муаммоларнинг кўлами ва шакллари хилма-хилдир.

XX аср ниҳоясида дунёда беқиёс ижтимоий-сиёсий, техникавий ўзгаришлар юз берди. Уларнинг сабаблари ва оқибатларини таҳлил этиб, муҳим хулосалар чиқаришни ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Рўй берган воқеаларда қонунийлик, объективлик ҳолатлари билан бирга мавжуд умумназарий мантиқ доирасидан четга чиқиш, кутилмаган ҳолатлар кўпроқ кўзга ташланмоқда. Дунё тараққиёти инсоният учун кутилмаганда ўз ривожланиш йўлини ўзгартириб, унинг янги-янги ўзига хос моделларини кашф этмоқда.

Мафкуравий меъёрлар асосида режалаштирилган икки хил, бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган ривожланиш йўллари XX аср охирига келиб, умумбашарий тартиботга зид бўлганлиги сабаб ҳозирги замон тараққиёти учун «модель» бўла олмади. Халқлар хоҳиш-иродасига зид равишда ҳакамлик даъво қилган Шўро империясининг парчаланиши туфайли дунё халқлари сингари Ўзбекистон халқи ҳам ўзлари танлаган йўлдан ривожланиш имкониятига эга бўлди. Бу омил ҳам чуқурлашиб бораётган кўпвариантли тараққиёт жараёни билан уйғунлашиб бормоқда.

90-йилларнинг бошларида жаҳон сиёсий харитасида собиқ «социалистик тизим» таъсир доирасида бўлган улкан ҳудудда батамом янги мустақил давлатлар вужудга келди. Бу Ер юзида янги геосиёсий жараёни

бошлаб берди. Суверен давлатлар нуфузли халқаро ташкилотлар таркибидан жой олди ва ўз сиёсий тақдирини ўзи белгилаш, қадриятлари ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон сиёсатининг субъекти сифатида намоён этиш имкониятини қўлга киритди. Бу эса, ўз навбатида, зудлик билан жаҳон ҳамжамияти олдида ҳал этилишини талаб этадиган янги вазифа ҳамда муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Дарҳақиқат, бирмунча аниқлик касб этган бўлсада, янги геосиёсий вазият ҳам анъанавий муаммоларни бартараф этаолмаганлиги сабабли дунёда таҳликали ҳолатлар барҳам топмади. Башарият янги хавфлироқ таҳдидларга дуч келди. Жумладан, асрлар давомида аксарият ижтимоий ларзалар ва бесамар сиёсий тўқнашувларнинг сабабчиси бўлган собиқ мафкуравий ақидаларнинг ўрнига келаётган янгича тафаккур жаҳонни инсонлар орзу қилган даражада ўзгартиришга қурби етмай турган бир пайтда айрим мамлакатларнинг ривожланиш моделларининг тубдан ўзгариши, кўпгина муаммоларни келтириб чиқарди. Узоқ йиллар мобайнида икки сиёсий тизим ва уларнинг бевосита таъсири остида амалиётга татбиқ қилиниб келган халқаро меъёрлар доирасида фаолият кўрсатишга мажбур бўлган турли хил сиёсий кучлар бугун ўзларини эркин ҳис этишмоқда ва ўзига хос тараққиёт йўлини танламоқда.

Айни пайтда жамият сиёсий ҳаётида дунёвий давлат қурилиши жараёнларига хос бир томонлама ёндошиш аломатлари ҳам содир бўлмоқда. Жумладан, диний сиёсийлашув натижасида дунёда ўзига хос «адоватли вазият» пайдо бўлди. Ундан ўзларининг сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга интилувчилар сафи кўпайди.

Маълумки, миллатлар, элатлар ва умуман, турлитуман гуруҳлараро можаролардан жамият ҳеч қачон манфаатдор бўлмаган. Зеро, зиддиятлардан ҳоли келажак кучларнинг инсон манфаатлари ва камолоти муаммоси, инсонларнинг орзу-ўйлари, талаблари турли замонларда ва турли мамлакатларда яшаб ўтган буюк мутафаккирлар асарларида ўз аксини топган. Афсуски, миллатларнинг тотув ва ҳамкорликда ҳаёт кечириши кўп ҳолларда уларнинг ўзига боғлиқ бўлмаганлиги ва миллатлар ўртасида мавжуд бўлган айрим ихтилофлар ва келишмовчилик ҳокимиятга интилувчи айрим

сиёсий кучлар фаолиятига ҳам бориб тақалади. Бундай нохуш ҳолатларнинг ҳанузгача бартараф этилмаганлиги, унинг дунё ва ҳар бир давлат барқарорлиги ва тараққиётига таҳдид солаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

XX аср охири ва XXI аср бўсағасида айрим ривожланган давлатлар халқаро майдонда олиб бораётган сиёсатида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлиш ўрнига ўзларининг бир томонлама манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиб келаётган тартиботларни зўравонлик билан муҳофаза қилишмоқда, айрим минтақаларда эса таъсир доираларини янада кенгайтириш ва мустақамлашга уринмоқда. Давлатлараро муносабатларнинг турли даража ва тизимларида халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид равишда камситиш ҳолатлари рўй бермоқда. Бу ҳолатларни сезаётган кўплаб давлатлар, муқобил чоралар излашга мажбур бўлмоқда.

Маданиятлар, қадриятлар ва интилишларнинг табиий ранг-баранглигидан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланишга номаърифий уринишлар натижасида вужудга келаётган муаммолар назорат қилиб бўлмайдиган, кенг миқёсли ҳалокатлар хавфини туғдириши мумкин. Умуман, кўп жиҳатдан тилсими ечилмаган дунё яна узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган мушкулотлар, муаммолар ва можаролар билан тўқнаш келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти бундай салбий муаммоларнинг XXI асрга ҳам ўтишидан манфаатдор эмаслигига янада кескинроқ хоҳиш билдирмоқда. Тўғри, XXI аср бўсағасидаги жараёнлар, тамойиллар, таҳдидлар гарчи шу макон ва замонда пайдо бўлаётган бўлса ҳамки, улар ўзига хос тарихий илдишларга эга. Уларнинг ҳал этилиши учун мутлақо янги концептуал асослар, ечим моделлари ва услублар зарур. Бундан ташқари уларни келтириб чиқарган сабабларни ҳам аниқлаш ва унга жавоб бериш XX аср охирининг талабига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти. И. Қаримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал илмий асари мана шу ташвишли муаммоларнинг таҳлилига ҳамда дунё яхлитлигини сақлаб қолиш йўлларини излаб топишга йўналтирилганлиги сабабли умумбашарий аҳамиятга моликдир.

Биз ҳамда барча замондошлар яшаётган кўп жи-

ҳатдан сирли, ҳамон бесамар таҳдид ва ташвишларга тўлиб тошган «дунёнинг ўзи нима? Уни асраб қолиш ва ўзгартириш мумкинми? сингари қатор саволларга И. А. Каримов батамом янгича ёндашувлар ва андозалар асосида, бутун дунё хавфсизлиги, унинг тақдирига таҳдид солиб турган: минтақавий можаролар, диний руҳдаги экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро маҳаллийчилик ва уруғаймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экологик муаммоларни кўрсатади¹.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг XXI асрдаги салоҳияти ва мавқеини «миллат ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдавлат сиёсати сифатида қараш лозимлиги» билан чамбарчас боғлайди. Жумладан, жаҳон сиёсат майдонида собитқадамлик билан фаолият бошлаган Ўзбекистон фуқароларига хос бўлган ватанпарварлик, миллий ифтихор ва бағри кенглик, умуман «ўзбек руҳи» давлатлараро муносабатларга ва умумбашарий геосиёсий вазиятга ижобий таъсирини ўтказаетганлиги кишида беихтиёр фархланиш, миллий ғурур туйғуларини уйғотади. Жаҳон сиёсатида нисбатан катта тажрибага эга эмаслигига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси, ўз салоҳияти ва салобати билан халқаро муҳитга маълум даражада вазминлик ва барқарорлик бахш этмоқда.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаш лозим. Тоталитаризм, ирқчилик, ва мустамлака тизимидан демократияга ўтишда XX аср охиридаги улкан ва ўта зиддиятли умумсайёравий бурилишнинг моҳияти, йўналиши ва ечими кенг қамровли ва чуқур сиёсий таҳлилини топиши зарур.

Инсоният тафаккурида ҳукмрон бўлиб келган синфийлик мафқураси ўрнида диний ва дунёвий қарашларнинг уйғунлиги, ҳар қандай мафкура ва манфаатлар тизимига нисбатан инсон манфаатларининг беқиёс афзаллигини, тўғрироғи, бу муаммоларнинг барчасига инсоний мезонлардан келиб чиқилганлигини англаш зарур.

Президент И. А. Каримов, умумбашарий муаммолар

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997, 14-бет.

тўғрисида фикр юритиб, жумладан уйдирма, яъни «ислом таҳдиди» орқали миллионлар руҳиятига қўрқув ҳиссини олиб кирувчиларга қарата исломнинг бошқа жаҳон динлари сингари умуминсоний маънавий қадриятларни асрлар оша асраб-авайлаб ҳозирги авлодга етиб келганлигида беназир хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлар экан, «башарти кимда-ким исломни ва исломий маданият давлатларини янги «ёвузлик салтанати» ва ялпи хавф-хатар ҳудуди деб тасаввур қилса, бу ҳол ХХI асрнинг бутун келажак тарихи учун фожиали хато бўлур эди,—деб кўрсатади¹.

Ижтимоий танглик ва ноаниқликлар, ўзаро ишончсизлик руҳи сақланиб турган бир даврда, шаклланаётган янги халқаро тартиботнинг тақдири ҳақида чуқур ўй ва режалар даврнинг бош лейтмотивининг бири сифатида намоён бўлади. Бу жаҳон жамоатчилигини ва ҳар бир тафаккур соҳибини батамом янги ғоялар тизими сари етаклайди. Жумладан, янги халқаро тартиботлар қарор топиши маданиятлараро, динлараро, давлатлараро муносабатларнинг мақбул меъёрлар доирасида шаклланишининг ўзига мос моделларини танлаш ҳуқуқи берилганлиги ва унинг сўзсиз тан олинishi билан боғлиқ.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистон давлати ҳам ХХI асрда технологик жиҳатдан тараққий этган етакчи мамлакатлар қаторидан жой олажак. Бунинг учун дунёвий муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи сиёсат юргизмоқда. Ўзбекистон давлатининг сиёсатда умумбашарий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этаётганлиги мустақиллик ифодасидир.

Бу хусусда мамлакатимизнинг БМТ, ЮНЕСКО, Интерпол, Европа Кенгаши, Европа қайта қуриш ва тараққиёт Банки, Халқаро валюта Фонди, ЭКОСАН каби халқаро иқтисодий ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлганлиги мавжуд муаммони ҳал этишда фаол иштирок этишга имконият беради.

¹ *И. А. Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёткафолатлари, 48-бет*

**Умумбашарий
муаммолар ва
халқаро
ташкилотлар**

Умумбашарий муаммолар жаҳонда давлатлараро интеграцион жараёнларни кучайтиришни тақозо этади.

Умумбашарий муаммони якка бир мамлакат ҳал эта олмайди. Уни фақат ўзаро ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин. Ҳар бир мамлакатдан жаҳон ҳамжамияти томонидан фақат бир нарса талаб қилинади—у ҳам бўлса имкони борича умумбашарий муаммоларни келтириб чиқармаслик, сайёрамиз (планетамиз) ҳаётига хавф туғдирмаслик чорасини давлат миқёсида назарда тутишдир.

Атом, ядро энергиясидан фойдаланишни назорат этувчи халқаро ташкилот — МАГАТЭга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ошди, унга ғоят юксак халқаро масъулият юкланди. Халқаро носий ташкилотлар—Халқаро ядро физикаси олимлари уюшмаси, Халқаро болалар фонди, Халқаро хотин-қизлар уюшмаси, Халқаро врачлар уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар Чернобыль фалокати умумбашарий эканлигини таъкидлашди ва жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ядровий манбалардан фойдаланишга нисбатан хушёрликка ундади.

Умумбашарий муаммоларга муносабат ҳар бир давлатнинг тузуми, сиёсий тизими билан узвий боғлиқдир. Агар мамлакатда инсонпарварликка, инсон ҳуқуқларини, биринчи галда, унинг табиий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган сиёсат юргизилса, умумбашарий муаммонинг олди олинади.

Агар мамлакатда инсон ҳуқуқлари поймол этилса, давлат халқ учун эмас, балки халқ давлат учун қабилида тоталитар сиёсат юргизилса, миллий ахлоқ, маънавият ва маданият назар-писанд қилинмаса—муқаррар равишда умумбашарий муаммо вужудга келади. Бундай муаммоларда экологик муаммоларнинг сиёсий жиҳати мавжуд. Чунки улар минтақалараро таъсир ва оқибатга эгадир. Шуни таъкидлаш лозимки, экологик муаммоларни сиёсий жиҳатдан баҳолаш умумбашарий табиатни англаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган мунтазам ва давлатнинг изчил сиёсатини тақозо этади. Энг муҳими экологик муаммоларнинг сиёсий таҳлили нафақат сиёсий онг ва сиёсий маданият, шунингдек, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш билан ҳам бевосита боғлиқ.

Орол фожияси —
умумбашарий
муаммо

Орол минтақасида экологик тангликнинг юзага келишининг асосий сабаби ҳукмрон тоталитар сиёсат, сиёсий қарамлик, собиқ шўронинг маҳаллий ҳукуматларда олиб борган сиёсатининг натижасидир. Пахта яккаҳокимлиги туфайли минтақа табиати, унинг табиий мувозанати, она табиатнинг табиий ҳолати бузилди.

Бундан табиат ва унинг бойликларини ўзлаштирмаслик, ундан фойдаланмаслик, табиатдан узоқлашиш, уни ўз ҳолига қўйиш керак, деган хулоса чиқмайди.

Табиат жамиятнинг асосидир. Жамият қачонки табиат билан уйғунлашса, ундан оқилона фойдаланиш йўлларини топа олса, ижтимоий тараққиёт ўзининг истиқболига эга бўлади. Умумбашарий муаммолар инсониятни ядро ҳалокати хавфидан сақлаш, ялли ва умумий тинчликни таъминлаш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраш, қашшоқлик, очарчиликка қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, СПИД ва бошқа юқумли касалликларга қарши биргаликда кураш олиб бориш, кам тараққий этган мамлакатлар аҳолиси турмуш тарзини илғор мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражасига тенглаштириш каби хилма-хил долзарб муаммоларни ўз ичига олади.

Умумбашарий муаммолар, сиёсий жиҳатдан қатор халқаро уюшма ва ташкилотлар фаолияти жаҳон жамоатчилиги, давлат раҳбарлари эътиборига ҳавола қилинади ва мазкур ташкилотларнинг фаолиятида муҳим роль ўйнайди.

Умумбашарий муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари уни ўз вақтида ҳал этмаслик бутун инсониятга хавф туғдириши мумкинлиги билан боғлиқ. Масалан, Ер атмосферасида озон тешигининг, айниқса Арктика осмонида тобора кенгайиб бориши, Орол денгизи, Байкал кўли, Чернобиль атом станциясидаги ҳалокат умумбашарий муаммолар жумласига киради.

XX асрнинг давлатлараро муносабатларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ўта долзарб умумбашарий хусусиятга эга муаммо бўла бошлади. Бу ҳозирги замон илмий-техника тараққиётининг табиий муҳитга, унинг инсон саломатлигига кўрсатаётган таъсири билан боғлиқ.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг

умумий муаммосига айланди. Шунинг учун ҳам уни ҳал этишда жаҳон сиёсати, турли хил сиёсий институтлар, сиёсий ва носиёсий ташкилотларнинг ўзаро ҳамжиҳат иш олиб боришлари муҳим.

Рим клубининг «XXI аср йўли» деб аталмиш тадқиқотларида кўрсатилганидек, ер юзида тупроқ қуриши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши кабилар рўй берди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки 1950 йилларда улар 1/4 қисми эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин камаймоқда. Натижада турли хил касалликлар кўпаймоқда. Табиий захиралардан фойдаланиш ортмоқда. Бетўхтов давом этаётган қуроолланиш пойгаси, атом, кимёвий қурооллар ва оммавий қирғин қуроолларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш инсоният яшайдиган муҳит учун жуда катта хавф туғдирмоқда.

Инсон табиатнинг хўжайини деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Бу жараёнлар Ўзбекистонга ҳам бевосита дахлдор бўлиб, улар: «биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Республиканинг 447,4 минг кв.км. ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдолари ташкил этади. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги, айниқса юқори бўлиб, 1 кв.км. 51,4 киши тўғри келади, бу рақам Қозғистонда—6,1, Қирғизистонда—22,7, Туркменистонда—9,4 ни ташкил этади. Республикамизда, ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозғистонда—1,54, Қирғизистонда—0,26, Украинада—0,59, Россияда—0,67 гектар экин майдони тўғри келади¹.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги, радиоактив ифлосланиш ҳам катта хавф туғдираётганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт нафолатлари 117-бет.

Орол муаммоси ҳам ана шундай кескинлик касб этмоқда. Оролни қутқариш бўйича турли лойиҳалар таклиф этилди, бироқ бундай лойиҳалар қоғозда қолиб кетмоқда. Энди Орол муаммоси том маънода давлатлараро муаммога айланди. Чунки экологик танглик ҳаво, сув ва ер қуррасининг зарарланиши билан боғлиқ. Бизнинг планетамиз бир бутун бўлган атмосфера, биосфера ва ноосферага эга бўлган танглик муқаррар равишда бутун ер қуррасига таъсир қилади. Яқингача экологик танглик ер шарининг у ёки бу ҳудудида жойлашган давлатларнинг ички иши; деб тушунилар эди. Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмида шундай экологик танглик юзага келдики, улардан кўз юмиб бўлмайди. Экологик муаммолар 80-йилларга келиб умумбашарий аҳамият касб этди. Бунда умумжаҳон миқёсида бепарқлик, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу хусусда жаҳон ҳамжамиятининг эътиборли ва таъсирчан уюшмаси—Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, унинг қатор тармоқлари, жумладан ЮНЕСКО, ЭКОСАН, Рим клуби ва ҳ.к. ташкилотларнинг фаолиятини алоҳида кўрсатиш мумкин. Энди экологик муаммога бепарқ бўлган бирор бир халқ ва мамлакат қолмади. Экологик муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари шундаки, ҳар бир давлат ўзи жойлашган табиий муҳитга ва унинг ҳолатига инсоният тақдири нуқтаи назардан ёндошиши, инсоният манфаатларини кўзлаб ўзини ички иқтисодий, илмий ва маданий сиёсатини юргизиши лозим.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва инсоният фожиаларидан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Агар 1911—1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб. км., сувнинг юзаси 66 минг кв. км. ва минераллашув даражаси 1 литр сувда 10—11 граммни ташкил этган бўлса, 1994 йилга келиб, унинг сатҳи 32,5 метрга, сув ҳажми—400 куб.км., сув юзасининг майдони эса, 32,5 минг кв. км. тушиб қолди. Оролнинг сатҳи 20 метр пасайди.

Ҳар бир давлат экологияга оид халқаро конвенцияларга қатъий ва мунтазам риоя қилиши ҳам экологик муаммоларнинг сиёсий аҳамиятидан далолат беради. Экологик муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари экологияга оид ҳуқуқий сиёсатни юргизиш билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳуқуқий асосга қўйилган. Ўзбекистон бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини давлат муҳофазасига олган. Давлат миқёсида Орол денгизини қутқариш, денгиз атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳалар мавжуд бўлиб, мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳудудларига давлат маблағлари имтиёзли миқдорда ажратилмоқда.

Бу муаммоларни ҳал этиш жуда катта моддий маблағларни талаб қилиб қолмасдан, шунинг билан бирга, изчил экологик сиёсатни, халқаро экологик мезонларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни ҳам талаб қилишни таъкидлаш лозим.

Айрим ҳолларда давлатлар томонидан халқлар ҳаётига қарши қаратилган сиёсатнинг олиб борилиши инсониятга қимматга тушмоқда. Масалан, Америкадаги ўрмонлар, Осиёда Сибир тайгаси Ер куррасининг «ўпкаси» деб тан олинган. Бразилия ҳукумати етакчи мамлакатлар сингари ўз хўжалигини тараққий эттириш мақсадида Амазонка водийсидаги тропик ўрмонларни ўзлаштириши, бунинг учун дарахтларни кесиб экин майдонларига айлантириши халқларининг ҳаётини хавф остида қолдирмоқда. Айни пайтда бундай хатти-ҳаракатлар жаҳон жамоатчилигининг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Зеро, экология, табиий муҳит, сув ва ҳаво ҳавзаларини сақлаш умумбашарият эҳтиёжидир. Демак, экология масалалари сиёсат билан узвий боғлиқ ва алоқадордир.

Наркобизнес-нинг инсониятга таъди

Инсон ҳаёти учун хавфли бўлган наркобизнес муаммоси ҳам жаҳон мамлакатларининг мўътабар ташкилоти БМТ диққат марказида туради. Наркобизнеснинг сиёсий жиҳатлари асосан қуйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлади:

а) Мамлакатнинг ички иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётига салбий таъсир қилади, жиноятчиликни кўпайтиради, фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилади, аҳолининг муайян қатламларини, айниқса ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатдан четлаштиради, уларда ижтимоий бефарқлик, боқимандалик кайфиятларини юзага келтиради;

б) ташқи сиёсатда наркотик моддаларни экспорт

қилиш, чегаралар орқали контрабанда йўналишларига йўл бериш божхона хизматининг, миллий хавфсизлик хизматининг фаоллигини ва маъсулиятини бўшаштириш жаҳон ҳамжамиятининг норозилигини туғдиради. Бундай мамлакатларга нисбатан халқаро ташкилотлар орқали вето, эмбарго ва иқтисодий санкциялар қўллашга мажбур бўлиши мумкин. XX асрнинг 80-йилларига келиб СПИД касаллиги (киши организмнинг касалликка қаршилиқ кўрсатишининг заифлашуви) жаҳонни ларзага солган касалликка айланади. У дунёнинг турли мамлакатларида тарқала бошлади ва инсониятни ғоят ташвишлантириб қўймоқда. Бу хавфли ҳалокатга қарши ҳар бир давлат ўз сиёсатини юритмаса, у кишиларнинг оммавий равишда касалланишига олиб келиши мумкин. Унинг олдини олиш умуминсонийлик манфаати ҳисобланади.

Умуминсонийлик ғоясининг умубашарий муаммога айланишининг бош сабаби — турли давлатларнинг халқлари ўз тақдирини умубашарият тақдири билан боғлашга интилаётганлиги билан изоҳланади. Бу жараён мамлакатлар, қитъалар ўртасидаги алоқаларни янада тезлаштиради ҳамда умубашарий муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Умубашарий муаммолар нима?
2. Умубашарий муаммолар қандай намоён бўлди?
3. Умубашарий муаммолар билан боғлиқ қандай халқаро ташкилотлар мавжуд?
4. Экологик муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари нимади?

16-мавзу

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ

**Терроризм
тушунчаси**

Терроризм — XX асрнинг энг мудҳиш ижтимоий-сиёсий ҳодисаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов дунё хавфсизлигига таҳдид солиб турган «халқаро терроризм» деб аталмиш жиноий ҳодиса тўғрисида тўхталиб: «Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай да-

ромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигини гапирмаса ҳам бўлади» — деб алоҳида таъкидлайди.¹

Терроризм ўз моҳиятига кўра жиноий ҳодиса бўлганлиги сабабли жиноий ҳаракатларнинг кўриниши сифатида жаҳон мамлакатлари жиноят кодексларида унга нисбатан тегишли таъриф берилган. Хусусан мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят кодекси»да терроризм ва унинг кўринишларига махсус тасниф берилган.

«Жиноят кодекси»нинг 155-моддасида «терроризм», деганда халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш учун ифво қилиш ёки Ўзбекистон Республикасидаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадига давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон ҳаракат содир этишга ёки бирон ҳаракат этишдан ўзини тийишга қаратилган ҳаракатлар, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда тутиб ёки шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиб, халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига ҳужум қилиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар тушунилади².

Терроризмнинг юқорида келтирилган таснифида унинг фақат бир кўриниши-халқаро муносабатлардаги ифодаси назарда тутилади. Аслида эса терроризм ҳодисаси кенг қамровли бўлиб, унинг кўринишлари хилма-хилдир.

Шуниси маълумки, XX асрнинг сўнгги йилларига келиб терроризмнинг шакллари ва халқаро ҳамжамиятдаги қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Жаҳон ҳам-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т. «Ўзбекистон» 1997, '95—96-бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси. Т., «Адолат» нашриёти, 1995, 76-бет.

жамияти бундан ташвишга тушмоқда. Терроризм жаҳон давлатлари учун ўта жиддий хавф туғдирмоқда. Бундай шароитда сиёсий тузумнинг характеридан қатъи назар, жаҳоннинг ҳар бир мамлакати ўзаро келишувга, терроризмга қарши муросасиз кураш олиб боришга мажбур бўлмоқда.

Терроризм у ёки бу шаклда XX асрнинг 20—30-йилларида пайдо бўлди. У жиноятчиликнинг алоҳида бир кўриниши бўлганлиги учун Европа мамлакатларининг жиноят кодексларида терроризмни таърифлашга илк уринишлар 20-йиллардан бошлаб кузатилди. «Терроризм», деганда давлат ҳокимиятида у ёки бу шаклда ижтимоий тартибни бузишга, уни ичдан ноқонуний қўпоришга қаратилган муайян гуруҳнинг ёки шахснинг хатти-ҳаракати тушунилади. Миллатлар Лигаси томонидан 1937 йили терроризмни жазолаш ҳақида Конвенция, шунингдек Халқаро жиноят судини тузиш ҳақидаги Конвенция қабул қилинди. Мазкур конвенциялар, амалда ишламаган бўлса-да, уларнинг қатор моддаларини давлатларнинг ҳуқуқий дастурларида террор билан боғлиқ бўлган жиноятни жазолаш, универсал кўринишдаги юрисдикцияга эга бўлиш, жиноятчини таъқиб этиш ёки уни судга топшириш каби мажбуриятлар шаклида ўз аксини топди.

Терроризмга қарши курашувчи халқаро ташкилотлар

Терроризмга қарши курашнинг асосий ҳуқуқий дастурлари иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлди. XX асрнинг сўнгги йилларига келиб терроризмнинг ўнга яқин кўринишлари пайдо бўлди. Унинг ўта жиддий ва ашаддий бўлган маҳаллий ва халқаро ташкилотлари, гуруҳлари ва ваколат марказлари вужудга келди. Террорчилик хатти-ҳаракатлари нафақат битта давлат фуқароси, балки бошқа давлатлар манфааларига ҳам хилоф шаклда амалга оширилиши терроризмни халқаро ҳодиса, деб баҳолашга асос бўла бошлади. Бу масалан, ҳаво ва денгиз лайнерларини куч ишлатиб гаровга олиш, бошқа мамлакатларга зўрлик билан олиб қочиш, портлатиш ва ҳоказоларда кўринади. Шунинг учун БМТ ва унинг махсус сиёсий тармоқлари ИКАО, Халқаро граждан

Авиацияси ташкилоти, МАГАТЭ (Атом Энергияси бўйича Халқаро Вакиллик) ва бошқа ташкилотлар ёрдамида халқаро терроризм, инсон ҳуқуқларини бузулишига қарши қаратилган халқаро ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжат-

лар тизими 60—70-йиллардаёқ вужудга келди. Бундай ҳужжатлар жумласига Токиода қабул қилинган «Ҳаво лайнери бортида содир этиладиган террор ҳаракатига қарши Конвенция» (1963), Гаагада қабул қилинган «Ҳаво лайнерларини ноқонуний эгаллашга қаратилган Конвенция» (1970), Монреалда қабул қилинган «Граждан авиацияси йўловчиларининг ҳаётига суиқасдга қарши Конвенция» (1971), «Дипломатик ходимларни ҳимоя қилишга бағишланган Конвенция» (1973), «Гаровга олишга қарши халқаро Конвенция» (1979), «Ядровий материалларни жисмоний ҳимоя қилиш ҳақида Конвенция» (1980), «Денгиз кемаларини хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Конвенция» (1988), «Ҳарбий конфликтлар жараёнида террор ҳаракатларини таъқиқлаш, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари асосида айрим портловчи моддаларни чеклаш ҳақидаги Конвенция» (1991)лар киради.

Терроризмга қарши қаратилган халқаро уюшмалар ҳам қарор топди. Булар жумласига БМТ ва уни махсус тармоқларидан ташқари, Америка мамлакатлари Ассоциацияси (АМА), Жанубий Осиё регионал ҳамкорлик Ассоциацияси (ЖОРҲА), Европа Кенгаши, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги Кенгаши (ЕХҲК) ва ҳ.к.лар киради.

Терроризмга қарши кураш халқаро ташкилотлардан ташқари давлатлараро шартномалар асосида ҳам амалга оширилади.

Терроризмга қарши курашга қаратилган ҳамкорликка оид шартномалар Италия ва Туркия, Франция ва Испания, Франция ва Венесуэла, АҚШ ва Италия давлатлари ўртасида ҳам тузилди.

Терроризмга қарши кураш мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг ҳам ажралмас қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи ва ички ишлар вазирликлари орқали БМТнинг терроризмга қарши курашувчи махсус халқаро ташкилотлари, Европа кенгаши, Интерпол ва ҳоказо Уюшмалар билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномаларни имзолади ва унга риоя қилади.

Ҳўш, терроризмга қарши шунчалик жиддий халқаро муносабат шаклланган экан, у конкрет шаклда қандай оқибатлар асосида вужудга келди, деган савол туғилади.

Агар 20-йиллар шўроларнинг «қизил террорини», 60-йилларнинг бошида АҚШ президенти Жон Фицджеральд Кеннедининг ўлдирилишини, АҚШ негрлар ҳуқуқларининг оташин ҳимоячиси Мартин Лютер Кингни 1974 йилда ўлдирилишини ҳисобга олмасак, яқин 15 йил ичида жаҳонни ларзага солган қатор террор ҳаракатлари содир бўлди. Бунинг натижасида минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Кўзга кўринган давлат арбобларининг аллақанчаси айнан террор ҳаракати эқибатида бу дунёдан бевақт кўз юмдилар. Бунга аниқ мисол тариқасида Миср Президенти Анвар Саодат (1981), Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди (1984), Швеция Бош вазири Уолф Пальме (1986), Покистон Президенти Муҳаммад Зиё-ул-Хақ (1988), Ливан Президенти Рене Маввад (1989), Ҳиндистон Бош вазири Раджив Ганди (1991) Жазоир Олий давлат кенгашининг раиси Моҳаммад Будиаф (1992), Шри-Ланка Президенти Рапасингхе Премадаса (1993), Руанда Президенти Жювеналь Хаби-Яримана (1994), Бурунди Президенти Сиприен Нтарямира (1994), Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин (1995) террорчилар томонидан турли ҳолатларда ўлдирилиши каби фожиали воқеаларни кўрсатиш kifойадир.

Терроризм якка шахс ёки гуруҳ томонидан содир этилсада, унинг орқасида муайян ташкилотлар ва ҳаракатлар туради. Ҳозир ўзининг шафқатсиз фаолияти билан жаҳон халқларини даҳшатга солувчи бундай ташкилотлар жумласига Шимолий Ирландиянинг Ольстер шаҳрида «Ирландия Республика армияси», ислом террор ҳаракатининг сардори «ХАМАС», Шри-Ланкадаги «Тамил илама»ни озод этиш йўлбарслари», Афғон «Толибон» ҳаракатларини киритиш мумкин.

Давлат терроризми «Давлат терроризми»нинг моҳияти шундаки, террор ёрдамида у ёки бу давлатга ёки муайян гуруҳларга мақбул бўлган ҳукуматнинг арбобларига суиқасд уюштириш ёки давлат тўнтаришини содир этишга уринишдир. Шунинг учун террорчилик, қўпоровчилик, руҳий таъсир орқали у ёки бу давлатни заифлаштириш, ҳолдан тойдириш айрим давлатларининг «сирли» қуролларида бирига айланиб қолган эди. Жаҳоннинг турли мамлакатларига яширин тарзда қурол-аслаҳа етказиб бериш, у ерларда ҳарбий тангликларни юзага келтириш, ҳаттоки ядровий материаллар ва хом ашёларни ҳам террорчилар қўлига

Ўтказишга ҳаракат қилиш XX асрнинг 70—80 йилларида ўзининг юқори нуқтасига етди.

Зўрлик, қўрқитиш воситасида маълум сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий мавқега эришиш тактикаси ҳамон қатор ижтимоий ва диний-мазҳабий гуруҳлар, миллатчи-шовинистлар томонидан қўлланилмоқда. Бу ҳақда Европа хавфсизлик Кенгаши, МАГАТЭ, Интерпол ва бошқа халқаро ташкилотлар рўй-рост гапиришмоқда.

Давлат терроризмига барҳам бериш бутун инсониятнинг эзгу орзусидир. Бироқ айрим давлатларнинг геополитик манфаатлари бундай эзгу ниятларнинг амалга ошишига ҳалақит бермоқда. Айрим давлатлар мустақилликка қадам қўйган янги ёш давлатларни мустақил тараққиёт йўлидан тойдиришга, миллатлар ўртасида низо солишга, бир-бирларига қарама-қарши қўйишдан воз кечолмаяптилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, терроризм ўзининг турли-туман кўринишларига эга. Давлат сиёсати, мафкураси ва сиёсий мақсадларини ифода этувчи, уларни ҳимоя қилувчи шахсларга жисмоний ёки маънавий тазйиқ ўтказиш, агар улар ўз мақсадларидан қайтмаса йўқ қилишгача бориш—террорчилик намояндаларининг машъум режасидир. Улар ҳукуматнинг обрўсини тўкишга, жамятда айрим сиёсий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларига зид келувчи ислоҳотларнинг, ўзгаришларнинг ўтказилишига қаршилик кўрсатади. Терроризм сиёсий руҳ билан суғорилганлиги ва сиёсий мақсадларга асосланганлиги билан молиявий, иқтисодий, мафкуравий ва диний кўринишлардан фарқ қилади. Давлат терроризмининг мақсади ҳокимиятда тўнтариш қилиш ёки истеъфога чиқариш ва пировард мақсадда эса ўз сиёсий манфаатларига мос келувчи қўғирчоқ «ҳукумат»ни барпо этишга қаратилгандир. Терроризмнинг энг мудҳиш ва жирканч кўринишларидан бири мустабид тузум даврида Туркистон ўлкасида кузатилди. Натижада кўзга кўринган давлат арбоблари, зиёлилар, фан ва маданият арбоблари қатағон қилинди. Миллий озодлик ғоялари учун курашган айрим сиёсий ва халқ ҳаракатларига «босмачилик» ҳаракати, деб сиёсий тамға босилди.

Фашизм ва терроризм моҳияти, мақсад нуқтаи-назаридан жуда яқин ҳодисалардир. Терроризм мамлакатда сиёсий плюрализмнинг, кўппартиявийликнинг, ҳақиқий демократиянинг қарор топишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун терроризм ҳар қандай мамлакат учун

миллий ёжиа, ҳалокатдир. У мамлакатнинг иқтисодий, маданий ва маънавий равнақини секинлаштиради кишиларда умидсизлик, тушкунлик, давлат ишларига лоқайдлик ва ишончсизлик кайфиятларини туғдиради.

Террор
тоталитаризмга
хос хусусият

Тоталитаризм ва террор бир-бири билан узвий боғлиқ. Тоталитаризмнинг муҳим жиҳати давлат механизми воситасида ҳақиқат билан зўравонликни

узвий боғлашга уринишда кўринади. Бунда куч, зўравонлик ҳақиқатни белгилайди. Большевизм, нацизм, фашизм кучли террорни амалга оширувчи тоталитар давлат ҳокимиятига таянган эди. Буларга нацизм лагери, собиқ Совет гулаги ҳаётий гувоҳдир.

Тоталитар сиёсий режимда, террор гуноҳсиз кишиларни олдиндан ўйлаб тўқилган баҳоналар асосида ҳам йўқ қилади. Масалан, Гитлер Германиясида яҳудийларга нисбатан ўрнатилган террор, собиқ тоталитар шўро-жамиятида эса «синфий душман»ларга қарши кураш ниқоби остида амалга оширилди. Терроризм шунинг учун сиёсий мазмунга эгадир. У ўзининг турли кўринишлари орқали табора кенг миқёсда намоён бўлмоқда. Булардан бири—сиёсий терроризмдир.

Сиёсий терроризм мазмуни, табиати ва мақсадлари нуқтаи назаридан давлат терроризмига жуда яқиндир. Бироқ улар ўртасида маълум фарқ ҳам мавжуд. Сиёсий терроризм собиқ советлар давлатида жуда кенг ривожланган эди. Сиёсий терроризмни гоҳида «қатағон» ҳам деб аташади. «Қатағон» йиллари алоҳида машъум саҳифа тарзида халқимиз хотирасида абадий қолди. Халқимизнинг ажойиб ва мард ўғлонлари, қизлари «қатағон» домида фарқ бўлишди.

Мавжуд давлат тартибини сақлаб қолиш ёки уни ҳимоя қилиш учун сиёсий террор қўлланади. Сиёсий террор шунингдек, давлат тартибига қарши экстремист, миллатчи ёки ўта «сўл» кучлар томонидан ҳам сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш, давлат аппаратини қўлга олиш мақсадида ҳам ишлатилади.

Сиёсий терроризм ва давлат терроризми ўртасида ўхшашлик, умумийлик бўлишлиги билан бир қаторда улар ўртасида маълум тафовут ҳам мавжуд. Бу фарқ террор ҳаракатларининг шакли ва услуби орқали намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий терроризм турли

шаклда амалга ошириладиган ва турли оқибатларга олиб келадиган сиёсий ҳодисадир.

Халқаро жиноятчиликнинг барча турлари шу жумладан, терроризм кенг кўламдаги хавфсизликни сақлаб туриш истиқболларини шубҳа остида қолдирмоқда. Марказий Осиё минтақаси ана шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро жиноятчи уюшмалар учун «ширин луқма» эканлигини бизнинг ташқи ва ички сиёсатда ҳисобга олинаётганлиги тасодифий эмас. Бу минтақа жаҳон коммуникациялари туташган жой бўлиб, у наркотик моддалар билан савдо қилувчи корхоналар эътиборини доимо тортиб келади. Марказий Осиёни халқаро террорчиларни синовдан ўтказиб олинadиган майдон деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳуқуқни ҳимоя қилувчи тизими ўз хавфсизлигига ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи бундай ҳодисаларга ҳушёрлигини оширмоқда. Жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда бу соҳада фаол ҳамкорлик қилиш чораларини кўрмоқда.

XXI аср бўсағасида халқаро терроризмнинг янги-янги турлари пайдо бўлмоқда. Шундай янги турларидан компьютер терроризми хусусида тўхташ жоиздир. Маълумки, XX асрнинг сўнгги йилларида умумжаҳон ахборот, коммуникация тизими шаклланди. Интернет, электрон почта ва ҳ.к. системалар тобора кенг қулоч ёймоқда. Шунинг билан бирга маълумотлар банкига «йўл» топишга уринишлар ҳам секин-аста кузатилмоқда. Масалан, давлат мудофаа қудрати, миллий хавфсизлик билан боғлиқ бўлган маълумотларга компьютер алоқалари воситасида эга бўлишга уриниш ҳам халқаро терроризмнинг бир кўринишидир. Чунки бундай хатти-ҳаракатларнинг заминиди айрим давлатлар сиёсий туруҳ ва ташкилотларининг манфаатлари яширинган бўлади.

Компьютер терроризми илғор технологиялар лойиҳасини ва истиқбол режалар билан боғлиқ бўлган маълумотларни эгаллашга қаратилган жинойи ҳаракатдир. Буни таъқиқловчи халқаро битим ёки конвенция ҳозирча мавжуд эмас, унга эҳтиёж эса халқаро сиёсатда эътибор беришни тақозо этади.

Терроризмга қарши курашни бир ёки бир неча мамлакатлар кучларининг тарқоқ ҳолатида амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун барча мамлакатларнинг яқдиллиги зарурдир. Бугунги кунда жаҳон мамлакат-

ларининг аксарият қисми буни яхши тушунмоқдалар ва бу йўлда ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда.

Халқаро терроризм ва унинг кўринишларига қарши кураш инсониятнинг тинчлик учун курашининг ажралмас қисмидир. Бунинг боиси-терроризм ўз асос эътибори билан давлатнинг ичида ва халқаро муносабатларда тинчлик ва осойишталикни бузадиган ҳодиса эканлигидир.

Халқаро терроризм XX аср учун характерли бўлган ва жаҳон ҳамжамиятига талафот етказаётган сиёсий-жиноий ҳодисадир.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Терроризм нима ?

2. Терроризмнинг қандай кўринишлари мавжуд?

3. Террор ҳаракатининг сиёсий жиҳатлари нималарда памоён бўлади?

4. Терроризм қачон пайдо бўлган?

5. XX асрда террор ҳаракатларига доир мисоллар келтиринг?

6. Терроризмга қарши курашаётган қандай халқаро ташкилотларни биласиз?

7. Ҳозир қандай террорчи ташкилотлар мавжуд?

ФУҚАРОЛИҚ ЖАМИЯТИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ

17-мавзу

**ЯНГИ СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙИЙ ТУЗУМ:
МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Янги сиёсий-
ижтимоий тузум-
га ўтиш: моҳият
ва вазифалар**

Мустақиллик туфайли жамиятда бўлаётган ўзгаришлар инсонларнинг жамият ривожини ва қурилишини тўғрисидаги мавжуд қарашларини, тасаввур ва унга ёндошув тамойилларини ўзгартирди. Ўзбекистон Республикаси ўзига хос дунё ҳамжамияти сиёсий макони билан мувофиқ равишда янги сиёсий-ижтимоий тузумга ўтмоқда.

XX асрнинг охириги чораги сиёсий макондаги ўзгаришларда алоҳида бир босқич сифатида, фикр тарихидан жой олди. Мустақиллик кўпгина давлатларга янги сиёсий ижтимоий тузумга ўтиш имкониятини яратди. Собиқ жамиятда шаклланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий асослар ислохотлар руҳига, мазмуни ва моҳиятига тўғри келмасдан қолди.

Маълумки, собиқ иттифоқ сиёсий, иқтисодий, маънавий тузуми қўйидаги жиҳатларга асосланар эди. Жамиятнинг умумхалқ давлати бўлиб, синфсиз мавҳум коммунистик жамиятни қуришни ўзининг олий мақсади қилиб қўйган эди. Жамиятнинг иқтисодий негизи ишлаб чиқариш воситаларига, ижтимоий мулкчиликка таянди, давлат-умумхалқ мулки ҳамда колхоз-кооператив мулки унинг асосини ташкил этди ва унга нисбатан давлат монополияси таъминланди.

Марксча-ленинча мафкура эса маънавий ҳаётнинг асосини ташкил этиб, давлат мафкурасига айланди. Жамиятнинг ривожига синфий тамойилдан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлинди.

Собиқ иттифоқнинг сиёсий тизими федерация та-

мойилларига асосланиб, унинг таркибида бўлган итти-
фоқдош республикаларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий
ва маънавий ривожланиш имкониятларига, мустақиллик,
эркинлик каби тамойилларга зид кела бошлади. Ижти-
моий-иқтисодий ривожланишда бир томонламаликка йўл
қўйилди, жамиятнинг демократиялашиши, инсон ҳуқуқ-
лари, миллатларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш би-
лан боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормалари бузилди. Жамият
ривожланиши билан халқларининг хоҳиш-иродаси ўр-
тасида ўзига хос номувофиқлик вужудга келди. Бу ас-
та-секин жамият ривожланишига салбий таъсир кўр-
сатди, жиддий муаммоларнинг тўпланиб, дунёвий та-
момойиллардан орқада қолиб, зимдан ўзаро келишмовчи-
лик, ихтилофларнинг кучайишига сабаб бўлди.

Мустақиллик ва эркинликка бўлган эҳтиёж табиий
равишда халқларнинг хоҳиш-иродаси сифатида намо-
ён бўлди. Унинг амалга ошиши жамият олдида янгича
ижтимоий-сиёсий асосларда давлат ва жамият қури-
лиши ишларини амалга оширишни тақозо этди. Мус-
тақиллик туфайли давлатлар сиёсий тизимида улкан
ва жиддий ўзгаришлар юз берди. Аввало, давлатнинг
ҳуқуқий пойдевори яратилди. Энг юксак демократик
талабларга жавоб берадиган мустақил Ўзбекистон Рес-
публикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.
Собиқ Совет давлати халқимиз ҳаётига четдан зўра-
вонлик билан жорий этилганлиги, унинг шакли ва мо-
ҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қад-
риятларига ўзаро мос тушмаганлиги учун ҳам уни ис-
лоҳ этмасдан янги жамиятни қуриш мумкин эмас эди.

Шунингдек, мустабид тузум ўз халқининг тарихи-
ни, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодла-
рини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг
учун ҳам эски тузумнинг байроқларида ва шиорларида
баён қилинган ғоялар амалдаги ишлардан анча узоқ
эди. Худди шу боис бу давлатнинг сиёсий тизими би-
лан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди.
Яъни инсон, унинг моддий, маънавий миллий қадрият-
лари топталди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи олдида
шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, миллий дав-
латчилик негизларини аниқлаш, маданий-маърифий ме-
росимизга, анъаналаримизга мос янги жамият қуриш-
дек буюк вазифа вужудга келди. Янги жамият қури-
лиши, янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий

негизларга қўйилди. Бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин очиқ, демократик давлат қуриш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк, бошқа мулк шакллари дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги — белгилаб қўйилди.¹

Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланган умуминсоний тамойилларга асосланиши белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикасида қонуннинг устуворлиги тан олинди. Адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш, янги ижтимоий тузумга ўтишнинг асосий йўналишини ташкил эта бошлади.

Бу мураккаб, ўзига хос қийинчиликлар, ихтилофлар ва зиддиятлар асосида амалга ошиши муайян даврни, ўтиш даврини тақозо этиши намоён бўлди. Ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари олдида турган вазифаларни амалга ошириши ана шу ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатидир. Бу умумий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий маънавий қонуният сифатида мустақил тараққиёт йўлида ривожланган ҳамда бир ижтимоий-сиёсий тизимдан иккинчисига ўтган барча давлатларда кузатилди.

Ўтиш даврининг мақсади, вазифаси ҳамда моҳияти «капитализмдан социализмга ўтиш даври» тўғрисида-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 18—19-бетлар.

ги қарашлардан фарқ қилишини ҳисобга олишни, уни айнан тушуниш мумкин эмаслигини билдиради. Бунинг муайян сабаблари мавжуд. Булар:

биринчидан, тоталитар тузумнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий инқирози натижаси сифатида пайдо бўлди;

иккинчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янгича тамойиллар асосида ислоҳ этиш шаклланган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий тизим ўрнида янгича тизимни ва муносабатни шакллантиришни заруриятга айлантирди;

учинчидан, шу давлатнинг тарихи, миллий, маданий-маърифий мероси, анъаналарини қайта тиклаш ҳамда қарор топтириш билан боғлиқ;

тўртинчидан, инсонлар онги ва тафаккурини эскича қарашлар, мафкуравий ақидалардан халос этиш мустақиллик тафаккурини шакллантириш билан боғлиқ;

бешинчидан, ўтиш даврида мустақиллик, эркинлик, халқларнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ танланган тараққиёт йўлидан бориш миллий истиқлол вазифасини амалга ошириш ва мафкурасини шакллантириш билан боғлиқ;

олтинчидан, янги эркин, демократик, ҳуқуқий, адолатли, фуқаролик жамиятини қуриш вазифаси, мақсади билан алоқадор эканлигини ҳисобга олиш зарур. Чунки бу ишларни амалга ошириш жуда катта ташкилий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Янги жамиятни қуриш мақсади ва вазифалари миллий хусусиятларни инкор этмайди, аксинча бу хусусиятларга таянган ҳолда дунёвий тажрибаларни ҳисобга олади. Давлат ва жамият сиёсий тизимида муҳим ўзгаришлар киритади, давлат ва жамият муносабатларини янгича асосларга қўяди.

Ўтиш даврининг биринчи босқичи ислоҳ қилиш жараёнининг қийинчиликларини, айти пайтда табиий иқтисодий муносабатларни тиклашга ёндошишлар бир хил андозада ва одатий эмаслигини кўрсатади. Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, миллий давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, эскича фикрлаш тарзларини ўзгартиришдан иборат эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди.

Республикада янги жамиятни қуришга ўтиш даврида иккита вазифани бирданга ҳал қилишга тўғри келди. Бу билан маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва шу билан бирга республиканинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат бўлган вазифа ҳал этилди. Қисқа даврда иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 200 дан ортиқ асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўрисида», «Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида» ги қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари тизимдаги ўзгаришларга, ҳўжалик юритишга доир, инсонни ҳуқуқий жиҳатидан қўллаб-қувватлайдиган, давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини яратиш, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишга доир, нархларни эркинлаштиришга ва бозор инфраструктурасини шакллантиришга доир ва ташқи иқтисодий ислоҳотлар, иккинчи босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш, макро иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш, миллий валюта қадрини ошириш, кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш янги жамиятни барпо этишнинг муҳим вазифаси сифатида белгиланди.

**Фуқаролик
жамияти тўғрисида
даги қарашлар**

Сиёсий фикр ривожини тарихида кўпгина политологлар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар «фуқаро» ва «фуқаролик» жамияти муаммосини таҳлил этишга алоҳида эътиборларини қаратиб, ўз қарашларини ва нуқтаи назарларини билдирганлар. Давлат ва жамият муносабатини қандай бўлиши кераклиги муаммоси билан қизиққанлар. Турли давлатлар сиёсий тизими, унда фуқаро билан жамият, давлат муносабатлари алоҳида ўрганилган. Бундай қарашлар хилма-хил бўлиб, уларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ана шундай қарашларда Аристотелнинг алоҳида ўрни бор. Унинг «Сиёсат» асарида, фуқаролик жамияти муаммосига эътибор берилади. Аристотель «Полис»га инсоният жамиятининг бахтли ҳаётини таъминлашнинг энг олий шакли сифатида қарайди. Давлат тузумларини ўрганиб, Платон лойиҳасини таҳлил этади, унинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатади. Аристотель давлат тузумининг олти хил кўринишини қайд этади. Шундан учтасини тўғри, учтасини эса нотўғри шакллари сифатида келтиради.

Аристотелнинг нуқтаи назарича: давлат тузумининг тўғри шакллари а) подшо ҳокимияти; б) аристократия; в) полиция ҳисобланади. Тирания, олигархия ва демократия эса давлат тузумининг нотўғри шакллари сифатида қайд этилади. Уларнинг ҳар бирини қайд этиш билан бирга, уларнинг характерли жиҳатларини, хилма-хил бўлиш сабабларини ҳам асослайди.

Подшо ҳокимияти умум манфаатга асосланган бир кишининг бошқаруви бўлса, тирания эса ўзининг хусусий манфаатига асосланган бир кишининг бошқарувидир.

Аристократия — давлатни барча фуқаролар манфаати йўлида нисбатан кўпчилик бўлмаган кишилар томонидан бошқарилиши бўлса, олигархия эса, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, бадавлат ҳисобланган, нисбатан кўпчилик бўлмаган кишиларнинг бошқарувидир. Полиция умумий фаровонликни ўйлайдиган, маълум қоидалар асосида танланган кўпчиликнинг бошқарувидир. Демократия эса ҳеч қандай мулкка эга бўлмаган кўпчиликнинг манфаати йўлидаги бошқарув эканлигини таъкидлайди.

Аристотель давлат бошқарувининг тўғри шакли асосига умумманфаат ва фозилликни қўяди, фозиллик йўқ бўлса, у намунали, фозил давлат қурилиши муаммосига алоҳида эътибор беради ва яхши ташкил этилган давлат тузилишига бахтли тасодиф билан эмас, балки илм ва онгли режа асосида эришиш мумкинлигини таъкидлаб, «тўла ҳуқуқли фуқаро» ва «тўла ҳуқуққа эга бўлмаган фуқаро» тушунчаларини ишлатади. Ёшликда ҳарбий бўлган, ёши катталашиб борганда ҳукмдор, судья ва ҳоказо бўлиб борганларни тўла ҳуқуқли фуқаро деб тушунса, ҳунармандчилик, савдо ва деҳқончилик билан шуғулланганларга алоҳида ижтимоий қатлам сифатида қарайди. Ҳар бир давлатнинг вужудга кели-

шини табиий ривожланишнинг натижаси деб ҳисоблайди.

Аристотель давлат ва жамият муносабатини таҳлил этар экан, қандай тузилишга эга бўлган, ким томонидан ва қандай асосларда бошқарилган жамиятни «адолатли» деб айтиш мумкин деган муаммога ўз муносабатини билдиради. Жамиятни бошқаришда унинг қонуний асосига эътибор беради. Қонунларнинг тўғри ва адолатли бўлишини, давлат фаровонлиги ҳамда умум манфаатга хизмат қилишини таъкидлайди. Адолатнинг шахсга муносабатини таъкидлаб, табиатан ўзаро тенг бўлишлари кераклигини кўрсатади. Айни пайтда «тенглик» ва «тенгсизлик» тушунчаларининг таҳлилин билдиради. Давлат тизимининг тўғри шаклига мувофиқ бўлган қонунларни адолатли эканлигини, давлат тизимининг нотўғри шаклига мувофиқ қонунларни эса адолатсиз бўлишлигини кўрсатади.

Платон ва Аристотелнинг жамият ва давлат тўғрисидаги қарашлари Абу Наср Форобий томонидан атрофлича ўрганилган. «Фозил одамлар шахри» асариди Форобий ўз қарашларини ифода этган, Платон ва Аристотелнинг жамият ва давлат тўғрисидаги қарашларини янги назарий хулосалар билан бойитган. Асарда жамиятнинг тузилиши, фозил жамият ва унинг фуқаролари тўғрисида, фозиллик ва жоҳиллик сабаблари, фозиллар шахри ҳокими, унинг фазилатлари тўғрисида буюк аллома ўзининг қимматли фикрларини билдиради. Бошқаришнинг жамоатчилик асослари тўғрисида дастлабки ғояларни илгари суради.

Форобий Фозиллар шахри ҳокими фазилатлари тўғрисидаги фикрини билдирар экан, унинг (яъни ҳокимнинг) тўрт мучали соғлом бўлиши кераклигини; табиатан нозик, фаросатли, суҳбатдошининг фикрини тез англаб оладиган; эшитган, кўрганларини хотирасида тўлатуқис сақлаб қола оладиган, барча тафсилотларда ўзини тия оладиган, ҳақиқатни севадиган, ёлғончиларни ёмон кўрадиган ўз қадрини билувчи, туғма олий ҳимматли, мол-дунёга қизиқмайдиган, табиатан адолатпарвар, ўзи зарур деб ҳисоблаган ишларда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур каби фазилатларини 12 сифатга ажратиб, унинг зарурлигини кўрсатиб берган. Давлат ва жамиятни бошқариш ҳамда фуқаролик жамияти қуриш талаблари нуқтаи назаридан ёндошганда ҳам бу

сифатлар бугунги кунда ўзининг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамиятини сақлаб турибди.

Давлат ва жамият тўғрисидаги қарашлар И. Кант, Гегель каби мутафаккирларнинг асарларида ҳам учрайди. Умуман шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсониятнинг пайдо бўлиши билан давлат ва жамият муносабатлари тўғрисида ҳам турли хил қарашлар пайдо бўлиб, ривожланиб борган. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Греция, Шарқ ва Урта Осиё, Европа мутафаккирлари қарашлари, шунингдек ҳозирги даврда ҳам давлат ва жамият тўғрисида муайян ғоялар, қарашлар илгари сурилмоқда.

Бу соҳада инсоният тафаккури катта маънавий ютуққа эришди ва тажриба тўплади. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоийнинг асарларида давлат ва жамият муносабатига доир жуда қимматли фикрлар учрайди. Хусусан, фуқаролик жамияти қурилишининг асосида турадиган, қонунийлик, адолат, умуминсонийлик тамойилларига алоҳида этибор берилганлиги, давлат бошқаруви, таълим, тарбия, оила билан боғлиқ ҳолда ўрганилганлиги эътиборни ўзига жалб этади. Бу қарашлар доимо ривожлантириб келинган. Айниқса XIX аср охирида шаклланган «Жадидчилик» ҳаракати қарашларида мустақиллик, эркинлик, илм-маърифат билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган ва ёндошилган. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашларни ўрганганда, Ж-Ж. Руссо, И. Кант, Гегель қарашларини назарий жиҳатдан ўрганиш характерлидир.

Масалан, Ж. Ж. Руссо «Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари» тўғрисида фикр юритиб, ижтимоий шартнома фуқаролар ўртасида ўзаро тенглик ва ҳуқуқ нормаларини таъминлашнинг муҳим омили эканлигини ва тенгликнинг узвий боғлиқлигини, сиёсат, сиёсий ҳокимият, давлат тузилиши ва шаклларини таҳлил этади.

И. Кант, фуқаролар жамиятининг ривожланиши давлатнинг ривожланишига нисбатан кейинроқ пайдо бўлсада, фуқаролар жамияти оила билан давлат ўртасидаги намоён бўладиган ажралишдир деб таърифлайди. «Давлат, — деб, давом эттиради И. Кант. — алоҳида шахслардан иборат, уларнинг бирлигини, гарчи у шунчаки умумийликдан иборат бўлсада, уни фуқаролар жамияти деб тушунадилар. Янги давр муаммоси

билан шуғулланувчилар давлатга нисбатан бошқача қарашни ифодалай олмадилар»¹.

Демак, Кант ҳар бир шахсга хусусий ҳол сифатида қарайди, аммо бу хусусийлик энг умумий жиҳатлар билан узвий боғлиқ. Чунки инсонлар бир-бирлари билан турли хил шахсий ўзгача мақсад билан боғлиқ бўлсада, аммо бу мақсад хусусийлик сифатида, бошқалар билан бўлган муносабатда энг умумий кўринишни олади. Гегельнинг ҳуқуқ фалсафасида ҳам фуқаролик жамиятига доир қарашлар илгари сурилган.

Собиқ Иттифоқ даврида эса давлат ва жамият тўғрисидаги қарашлар, ягона мафкурани давлат сиёсати даражасида амал қилиши оқибатида, бирмунча сийқаланди. Инсонларда «давлат», «пролетариат диктатураси», умумхалқ давлати» тўғрисида мавҳум қарашлар, давлатга қарамлик руҳияти шаклланди. Жамият билан давлат ўртасида ўзига хос узилиш пайдо бўлди. Қонунчилик, демократия, инсон ва сиёсат муносабатларида фуқароларнинг мавқеи тушиб борди. Айна пайтда, бошқа ривожланган мамлакатларда сиёсат, давлат ва жамият муносабатлари, сиёсий ҳокимият тизими, эркинлик, мустақиллик муаммолари янгича тамойиллар асосида янгича назарий ҳулосалар билан бойиб борди.

Ўзбекистонда
фуқаролик жамия-
ти қурилиши

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсий тизимини ислоҳ этиш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида ҳам аниқ вазифаларни белгилаб олишини тақозо этди. Ўзбекистонда қандай давлат қурилади? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Давлат ва жамият муносабатлари қиёфаси қандай бўлади? Фуқаролик жамияти қандай бўлади? Бу саволларга жавоб топиш фуқаролик жамияти қурилиши, мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон фуқаролик жамиятини қуришга интилаётганлигини таъкидлаб, бу жамиятнинг маъносини характерлаб: «бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли-хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини-ўзи

¹ Анталогия мировой философии в 4-томах Т-3, М.: 1991, 338-бет.

бошқариш органларини янада ривожлантириш демак-дир», дейди¹.

Демак, давлатчилик ривожланиши билан боғлиқ ра-вишда давлат ва жамият, уни бошқариш тизимида му-айян ўзгаришлар содир бўлиб боради. Бу ўзгаришни давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳаларига бўлган муносабатида аниқ кўриш мумкин. Бунда, икки хил ҳо-лат доимо кўзга ташланади. 1. Жамият сиёсий тизими, унинг мақсади ва вазифаси билан боғлиқ равишда дав-лат сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт со-ҳаларига бевосита аралашishi мумкин. Бунда давлат монополияси таъминланади. 2. Аксинча, давлат ижти-моий-иқтисодий ва маънавий соҳаларига бевосита ара-лашмайди.

Жамият ривожига сиёсий нуқтаи назардан қара-ганда, бу икки хил ҳолат қандай, унинг моҳияти, нати-жалари тўғрисида нималар дейиш мумкин. Маълумки, ҳар бир мамлакат сиёсий тизими, унинг характери, иж-тимоий базаси, ҳаракатлантирувчи кучлари, бошқарув шакли хилма-хил бўлиб, бир давлат иккинчи давлатга шаклан ва мазмун жиҳатидан амал қилиш механизми нуқтаи назаридан айнан ўхшаши мумкин эмас. Ҳар бир давлат ўзига хос хусусиятга эга бўлиши табиий. Дав-латнинг моҳиятига кўп жиҳатдан жамият ҳаётида тут-ган ўрни, унга муносабати, амал қилаётган тамойил-ларига қараб баҳо берилади. Юқорида қайд этилган биринчи ҳолатда давлат ва жамият муносабатида фу-қароларнинг иштироки юқори эмаслиги, бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик ҳолатлари кучайиб, бошқариш-нинг демократик асослари топталади.

Инсонларда ҳамма нарсани давлат ҳал этади, деб унга умид боғлаш, унга таяниб қолиш руҳияти шакл-ланади. Бу эса бошқаришнинг демократик асослари би-лан бирга, ҳуқуқий, инсонлар эркинлиги билан боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий адолат нормаларининг бузи-лишига сабаб бўлади. Бундай асосда фуқаролик жамия-тини қуриш мумкин эмас. Жамият иқтисодий ҳаётини бошқаришда давлат органларининг бошқарувчилик фа-олияти эмас, қонун устувор бўлади. Бундан давлат ўз мавқеини тўла йўқотар экан деган хулоса келиб чиқ-майди. Аксинча, давлатнинг бош вазифаси ўзгаради. У

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий, иқтисодий та-тараққиётининг асосий тамойиллари «Ўзбекистон», 1995.

иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўз маромида ишлаши учун зарур шарт-шароитларни, қонуний асосларни яратиб беради. Бу давлат ва жамият муносабатларининг иккинчи ҳолати фуқаролик жамияти қурилиши талаблари ва хусусиятларига ҳам тўла мос келади. Бу давлатнинг бош ислоҳотчиси сифатида, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеига янгича ёндошиш амалга ошаётганлигини кўрсатади.

Бугунги ўтиш даврида Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда унинг бошқарув идораларида шундай тизим шакллантирилди. Янги тарихий жараёнда ўтмишда синалган анъанавий бошқарув—ҳокимликлар қайта тикланди.

Фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида давлат икки хил йўл билан, яъни жамият ҳаётининг қонуний асосларини яратиш ҳамда қатъий назорат ўрнатиш орқали яратувчилик ишларини амалга оширишга шарт-шароит тайёрлаб беради. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пулмолия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир. Ўзбекистонда янги жамият қуришда ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтиришда, миллий равнақимизнинг асосларини ривожлантиришда, ўз-ўзини бошқаришни амалга оширишда маҳалла муҳим роль ўйнайди.

Янги жамият қуриш жараёни жамиятнинг ижтимоий тузилишида, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, миллий муносабатлар, оила-турмуш муносабатларида ҳам муайян ўзгаришлар билан характерланади. Давлатнинг ўрни ва мавқеига янгича қарашнинг амалда жорий этилиши билан ижтимоий муносабатларда инсон ва умумиқсоний тамойиллар, қадриятларга алоҳида аҳамият берила бошланди. Сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар ижтимоий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топди. Жамият ривожиди маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати ошиб борди.

Фуқаролик жамияти қуриш жараёни моддийлик ва маънавият уйғунлигига эришишга алоҳида эътибор беришни тақозо этади. Давлат унинг ҳомийси сифатида уни қўллаб-қувватлайди, тарбия маънавий соҳанинг

асосий йўналиши бўлиб, янги жамиятни қуришда ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Давлат ва жамият муносабатида «фуқаролар жамияти» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларини, улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни ҳисобга олиш керак. «Фуқаролар жамияти» тушунчаси ҳар бир жамиятнинг фуқаролардан ташкил топишини англатади. «Фуқаролик жамияти» тушунчаси жамият муносабатларида янги босқич бўлиб, фуқароликни чуқур англаган ҳолда, давлат ва жамият қуриш жараёнида, жамиятни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиб, ўз-ўзини бошқаришга ўтиб бориши билан боғлиқ бўлган жамият ривожининг янги сифат ҳолатини билдиради.

Ўзбекистон давлат сиёсатида бўлган ўзгаришларнинг туб моҳияти, янги жамият қуришнинг мақсади ва вазифаси ҳам ана шунга қаратилган. Мақсад шунчаки фуқаролар жамиятини эмас, балки «Фуқаролик жамиятини» қуришдан иборат эканлигидадир.

Бу вазифани бажариш ва унга эришиш жуда хилма-хил. Чунончи, жамият ҳаётининг демократлашиши, муқобил сайлов тизими, кўппартиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги, мулкчилик шаклларининг кўпайиши, давлатнинг ўрни ва мавқеига янгича ёндошув, қонунга устуворлик берилиши истиқболда Ўзбекистонда янги жамият қуриш вазифасига хизмат қилади.

Янги жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш қонуннинг устуворлигига асосланади. Қонун устуворлиги амалда таъминланган жамиятдагина ҳуқуқий давлат негизлари яратилади. Фуқаролик жамияти қурилишининг мақсади ҳам буни тўлиқ тақозо этади.

Фуқаролик жамияти инсон ва давлат ўртасидаги муносабатда инсон манфаатларининг устуворлиги таъминлигига асосланади. Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъи назар, ишлаб чиқиляётган ва муҳокама этиляётган пайтда, шунингдек, уни амалда таъминлашда инсон манфаатлари, ҳуқуқларига қанчалик мос тушиш даражасига қараб, ҳуқуқий давлатга эришиб бориши мумкин. Қонун олдида ҳамманинг тенг эканлиги, қонуннинг ҳамма учун бир хил кафолат бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёни бир-бири билан узвий боғлиқ. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари иш жараёнида қонун асосида фаолият кўрсатади, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва уни қўриқлаш ишига сафарбар этади. Қонун инсон эҳтиёжлари, мақсад ва манфаатларини ифода этган тақдирда, улар жамият сиёсий тизимини қўллаб-қувватлаш билан бирга, амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жараёнларда фаолроқ иштирок этади, уларнинг фаоллиги жамият сиёсий тизими билан ўзаро мувофиқлашиб боради. Шунда инсонлар ўзларини эркин ҳис этадилар ҳамда эртанги кунга ишонч билан қарайдилар. Давлат ҳокимияти бўғинлари билан улар ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлиги асосий тамойилга айланиб боради.

Янги жамият вазифалари фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кенгайтириб боришни тақозо этади. Бунда, суд, конституцион суд, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти тамойилларига мувофиқ келадиган қонунларнинг мавжудлиги ҳали жамият фуқароларининг, давлатнинг ҳуқуқларини билиши, мавжуд қонунларини ҳурмат қилиши ва унга амал қилиши уларнинг ҳуқуқий онг ва маданият даражаларига қанчалик боғлиқ бўлса, қонунларнинг жамият ривожини босқичи, халқларнинг миллий, ўзига хос хусусиятларини, тарихий анъана ва меросларини ҳисобга олишига ҳам шунчалик боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий давлат ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолларини маъмурий йўллар билан эмас, аксинча суд йўли билан, инсон ҳуқуқларини бузмаган ва унга қатъий амал қилган ҳолда қўриб чиқилишига зарур шарт-шароит вужудга келтиради.

Ҳуқуқий давлат фуқароларга берилган эркинлик даражаси билан белгиланади. Фуқароларнинг эркинлиги қанчалик ошиб борса, фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабат ўзаро мувофиқлашиб, айрим зиддиятлар, келишмовчиликлар бартараф этиб борилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари қанчалик кафолатланса, қонун устуворлиги, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ошиб бориши билан фуқароларнинг жамият олдидаги маъсуляти ҳам ошиб боради.

Фуқароларнинг амалий фаолияти қандай тамойил асосида қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Қонун ҳам инсон ва умуминсоний тамойилларга асосланган тақдирда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий аҳволи, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, уларнинг қонун олдида тенглиги таъминланади.

Ҳуқуқий давлатда фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғланади. Бу муносабатлар жамият ривожидавомида қонун асосида тартибга солиниб, ўзаро мувофиқлаштирилиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек, «фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт»¹.

Ҳуқуқий давлат Конституция асосида, инсонлар ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига алоқадор бўлган умумий қоидаларни, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар ва бурчларни белгилаб беради ҳамда кафолатлайди.

Ҳуқуқий давлатни қонун устуворлигига асосланиши умумий жиҳат бўлиб, у мамлакат ичкарисида Конституцияни ишлаб чиқишда дунёвий давлат тажрибаларига, мавжуд қонунларнинг умумий, ўзаро аҳамиятли бўлган жиҳатларига таянади ва ҳисобга олади.

Маълумки, тоталитар тузум шароитида давлат ҳокимиятининг ҳаддан ташқари марказлашуви натижасида, фуқаролик жамияти ва давлат муносабатида деформация содир бўлди. Давлат монополияси таъминланди. Фуқаролик жамиятини қуриш вазифаси яқка мафкура, синфийлик, партиявийлик тамойилларини инкор этади. Фуқаролик жамияти қурилишида қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи—инсон деган ғоя асосида «фуқаро—жамият ва давлатнинг» оқилона ҳуқуқий ечими топилади. Фуқаролик жамиятини қуриш вазифалари жамиятда сиёсий, миллатлараро ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-бет.

самарали тизимга асосланган қонунларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мулкнинг хилма-хиллигига ўтилганлиги одамлар ўртасида мулкдорлик даражаларининг турли хил бўлишига табиий шарт-шароитни вужудга келтиради. Фақат қонуний асосда топилган бойликлар мулкдорлик даражасида ноқонуний равишда тафовутларнинг кучайиб боришининг олдини олиш талаблари билан тўла мос келади. Ўзбекистон сиёсий тизимида муҳим сиёсий институтлардан бири бўлган олий қонунчилик органи Олий Мажлис ана шу ҳуқуқий механизмни вужудга келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Давлат ҳокимияти бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятга, вилоятдан шаҳар ва туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш орқали ўз-ўзини бошқариш аста-секин жамоатчилик ташкилотларининг жамиятни бошқаришда ўрни ва мавқеини ошиб боришини таъминлайди. Бу фуқароларни жамиятни бошқаришга кенг иштирок этишларини таъминлаш билан бирга, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш қонуниятлари билан тўла мос келади.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларига хизмат қилади. Фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларининг амалга оширилиши, инсонлар онгида шаклланган давлатга қарамлик кайфияти ҳолатларига барҳам беради. Давлат, унинг идоралари ва мансабдор шахсларининг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул эканлиги қонуний асосга қўйилди. Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, давлат томонидан кафолатланади. Жамият билан давлат муносабатида қонуний асосларда оқилона муносабат қарор топмоқда. Бу ҳуқуқий давлат қуриш талаби билан ҳам тўла мувофиқдир. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ҳам барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституция ва қонунларнинг устунлигини амалда таъминланишидир. Соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганидек «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Зеро, қонун устуворлиги фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий дав-

лат қуришнинг асосини ташкил этади. Шу орқали Ўзбекистон давлати ҳам ҳуқуқий, демократик, адолатли фуқаролик жамияти қурилишида янада янги ютуқларга эришиб бормоқда.

ТАҚРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда жамият қуриш вазифалари нима?
2. Утиш даври нима учун керак?
3. Фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
4. Давлат қандай вазифаларни амалга оширади?
5. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қандай тамойилларга асосланади?

18-мавзу

ДЕМОКРАТИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Демократия тушунчаси «Демократия» ўз мазмунига кўра грекча (demos—халқ, kratos—ҳокимият) сўзларидан иборат бўлиб, «халқ ҳокимияти» маъносини англатади. Демократия моҳиятига кўра халқ билан ҳокимият муносабатларига оиддир. Демократия халқ ҳокимиятининг манбаи, фуқаролар эркинлигини ва тенг ҳуқуқлигини эътироф қилувчи жамият бошқарув шакллариининг биридир.

Политологияда «демократия» тушунчаси турли хил мазмунда таҳлил этилади. «Демократия» тушунчаси **биринчидан**, бошқарувнинг илк шакли мазмунида, сиёсий қарорлар қабул қилиниши барча фуқаролар томонидан амалга оширилганлигини билдиради, шунга мувофиқ кўпчиликнинг ҳокимият бошқарув иродасини ифодалайди. **Иккинчидан**, у жамиятни идора этишнинг шундай шаклики, унда шахслар ҳокимиятни бошқаришда бевосита иштирок эта олмайди, аксинча, уни ўз вакиллари орқали амалга оширади. Бу «вакиллик демократияси», деб ҳам юритилади.

Ҳозирги замон хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқшунослари, давлат ва жамият арбоблари фикрларига кўра демократик ҳуқуқий давлатни қуриш учун барча мамлакатларга хос бўлган умумий хусусиятлар мавжуд. Улар қуйндагилардир: 1. Сайловлар. 2. Сайлов якунларини аниқлаш усули. 3. Тенг ҳуқуқлилиқ. 4. Фикрлар эркинлиги. 5. Кўппартиявийлик. 6. Ўзини-ўзи бош-

қариш. Бизнинг республикамизда юқорида кўрсатилган демократик давлатларга хос бўлган асосий белгилар қонунда ҳам, амалда ҳам мавжуддир¹.

Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради².

Бу тамойиллар Конституция томонидан кафолатланган бўлади. Демократияни ривожлантириш унга асосланган қонунларни такомиллаштириш ва демократиялаштириш орқали амалга ошади.

«Демократия» тушунчасини сиёсий жиҳатдан таҳлил қилганда «умуман демократия», «мутлақ демократия», бўлмаслигини эътироф этиш зарур. Жамият турмушидан, халқ ҳаётидан ташқарида, улардан узилган ҳолдаги демократия ғайри демократиядир.

Демократия фақат номигагина бўлмай, у халқ ҳаётига тегишли, халқнинг жамиятни бошқарув тизимига, ҳокимият ишига фаол иштироки билан белгиланади.

Демократия тарихий ҳодисадир, у шаклланиб, ривожланиб боради. Инсоният тарихий ҳаёти тажрибасини таҳлил қилиш асосида демократиянинг ривожланиш даврини ва уларга тўғри келадиган назарий аъъаналарини қуйидагича фарқлаш мумкин:

1. Антик давр назарияси ва амалиёти, 2. Урта асрлардаги давлат бошқаруви кўриниши, 3. Ҳозирги замонда Республика—давлат ҳокимияти тузилиши шакли билан боғлиқ бўлган аъъаналар.

Демократияни амалга оширишда икки асосий шаклнинг мавжудлигини фарқлаш зарур. Жаҳон жамиятшунослиги кашф этган қонуниятларга кўра халқ ўз қўлида тўпланган ҳокимиятни икки усулда амалга оширади.

¹ А. Азизхўжаев. Демократия — халқ ҳокимияти демақдир. «Ўзбекистон овози», 1996 йил 25 январь.

² И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар. 3-том. «Ўзбекистон», 1996, 8-бет.

1. **Бевосита демократия.** Бунда халқнинг ҳеч қандай вакилларсиз, ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи амалга ошириши тушунилади. 2. Демократияни амалга оширишнинг иккинчи усули **вакиллик демократиясидир.** Бунда халқ ўз ҳокимиятини билвосита амалга оширади. Яъни халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган—Олий Мажлис, Маҳаллий кенгаш депутатлари воситасида амалга оширади. Демократияни бевосита шакллантиришда демократик ҳодисалар халқнинг тўғридан-тўғри иштирокида бўлиб ўтади. Унга мисол тариқасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ муҳокамасига тақдим этилиши, умумий овозга (референдумга) қўйилишини келтириш мумкин. Яъни халқнинг ўзи ялпи умумий сайлов йўли билан ўз продадини намоён этади. Бундай ҳолатда халқ оммаси тўғридан-тўғри ўз фикрини билдиради. Демократик жараёнларда фуқароларнинг бевосита қатнашиши мамлакат Конституциясида белгиланиб, кафолатланган бўлади.

Лекин ҳар бир мамлакатнинг давлат тизими, унинг ҳокимият иши, жамиятни бошқарув масалаларининг мажмуаси демократиянинг фақат бевосита шакли билан амалга оширилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам демократияни бевосита йўли билан бир қаторда унинг билвосита амалга ошириш йўли ҳам мавжуд. Демократиянинг билвосита институтлари халқ томонидан, яъни халқнинг ваколатли органлари томонидан сайланадилар. Масалан, мамлакат парламенти халқнинг сайланган вакиллари ҳисобланади, улар сайловчилар номидан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб фаолият кўрсатадилар.

Демократиянинг бевосита ва билвосита шакллари бир-бирларига зид эмас, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирларини тўлдириб туради.

Уларнинг ҳеч бирини мутлақлаштириш мумкин эмас, аксинча, иккаласи ҳам ўзаро алоқадорлик ҳолатида туради.

Инсоният тараққий этган сари, фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёнида давлат ишида фуқароларнинг иштироки ошиб боради. Бу жамиятнинг тарихий-табиий ривожини сифатида демократик жараёнлар шуни тақозо этади.

Демократия ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида сиёсий бошқарув билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг моҳияти

ижтимоий маънога эга. Демократик тамойиллар ўз-ўзидан ҳаракат қилмасдан, инсон турмуши, ижтимоий борлиқ билан боғлиқ бўлиб, улар инсон ҳаёти билан узвий алоқада ривожланади. Демократик тамойиллар, қоидалар фақат демократия тушунчасига хос бўлмасдан, инсон ҳаёти билан биргаликда фаолият кўрсатади. Демократия демократия учун эмас, балки у инсонларнинг жамиятдаги ҳаёти, ҳокимиятга муносабатларига тегишли бўлиб, фуқароларнинг жамиятдаги эрклари ва ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлади.

Демократиянинг қандай меъёри (мезони) бор деганда, аввало, унинг халқ ҳаёти билан боғлиқлиги назарда тутилади. Яъни ҳар бир давлат қурилиши, сиёсий партияларнинг, муҳолафат кучларнинг, жамоат бирлашмаларининг иши, дастур, низомлари, вазифалари, сиёсий йўналишлари, халқ манфаатларига тўғри келиши лозим. Демократик институтлар фаолиятининг самарадорлиги халқ ҳаёти ривожланишининг даражаси билан белгиланади.

Демократия билан халқ ҳаёти мутаносиб бўлиши шарт. Халқ манфаатларига тўғри келадиган демократик жараёнлар миллат ва фуқаролараро ҳамжиҳатликка асос бўлади.

Демократиянинг шаклланиши Демократиянинг шаклланиши ўзига хос икки йўлдан боради: бири — демократиянинг яратувчилик йўли бўлиб, унинг шаклланиши, такомиллашиб бориши халқ турмуши билан узвий боғлиқ ва унинг халқ манфаатларига хизмат қилиши билан белгиланади. Бу ҳолатда демократия халққа фаровонлик, юртга барака, тинч-тотувлик ва бахт келтиради. Бу демократия тараққиётининг манбаи, сиёсий омили ҳисобланади. Бунинг учун ҳокимият, давлат институтлари халқпарвар, адолатпарвар бўлишлари ва тўғри сиёсат олиб боришлари лозим. Давлат раҳбарлари халқ манфаатларини ўзлариникидан устун қўйишлари халққа хизмат қилишни олий масъулият, муқаддас иш, деб билишлари керак.

Иккинчиси, демократиянинг бунга зид бўлган, бузувчилик йўли ҳам мавжуд. Бунда, сохта демократик тамойиллар, қоидалар ҳар бир юртга ташқаридан келтирилиб ўрнатилиши натижасида жамият турмуши бузилишига, ижтимоий-сиёсий вайронликка олиб келади. Зўравонликка асосланган демократия халқ турмушидан,

анъаналаридан ташқарида, улардан узилган ҳолда бўлади.

Демократик институтлар умумжаҳон демократик жа- раёнларининг тараққиётида катта роль ўйнайди. Лекин демократия ўз-ўзидан, ташқаридан келтирилиб жой- лаштирадиган нарса эмас. Демократия халқ ҳаётидан, манфаатларидан, унинг турмуш тарзидан четда қолмас- лиги, халққа бегона бўлмаслиги лозим.

Шунинг учун жаҳондаги ривожланган мамлакатлар бошқа давлатларга нисбатан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ниқоби остида буйруқбозлик қилмасликлари, юртнинг ички ишларига аралашмасликлари керак. Мамлакатга амалий ёрдам бериш, унинг халқига эъти- борли бўлиш демократиянинг иқтисодий, илмий-техни- кавий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва бошқа шартла- рининг барпо этилишига самарали, ижобий таъсир қи- лади. Бу ўз навбатида, демократияга кенг йўл очади.

Ҳар бир мамлакатда, айниқса мустақил ривожла- ниш йўлига кирган давлатларда демократик тамойил- лар, қоидалар, нормалар ўша юртнинг иқтисодий, сиёсий ҳаёти, тарихий, маданий анъаналари билан узвий боғ- лиқ бўлиши лозим. Демократик тараққиётни сунъий тезлаштириш ҳам кутилган натижани бермаслиги мум- кин. Масалан, мамлакатнинг ички шароитларини ҳи- собга олмасдан «шок терапияси» йўли билан демокра- тияга, бозор муносабатларига ўтишга уриниш тарихан ўзини оқламади. Буни айрим мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

Демократиядан оқилона фойдаланиш халққа бахт келтиради. Демократия ва инсон ҳаёти мутаносибли- гини таъминлаш жамият сиёсий ҳаёти қонунларидан биридир. Бу қонун ўз моҳияти билан объектив ҳусу- сиятга эга. Демократия инсон сиёсий савияси билан ҳам боғлиқ. Инсонлар демократиянинг йўлларини, зару- рий ва қонуний томонларини ҳисобга олиб, ундан оқи- лона фойдаланишлари ўзларига хизмат қилдиришлари, ўз эркинликларига айлантиришлари мумкин.

Ҳозирги замон демократиясининг халқчиллик харак- тери конституцион асосда амалга оширилади, унда фу- қаро эркинлиги, инсон ҳуқуқлари, плюрализм, шарт- нома тизими ва вакиллик тамойиллари аниқлаб қўйил- ган.

Демократия ҳар бир давлатнинг, жамиятнинг ҳуқу- қий муносабатлар тизими билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш ва демократиянинг ривожланиши ўзаро узвий жараёндир. Барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жамиятда Конституция ва қонун устунлиги, давлат ҳокимиятининг қонуний ташкил этилиши демократиянинг ҳуқуқий асосини яратади. Ҳар бир мамлакатда Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади лозим. Шунингдек, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари зарур.

Конституциянинг биронта қонунга ўша мамлакат фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилмаган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Биронта ҳам қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўша мамлакатнинг, давлатнинг Конституция нормалари ва қонунларига зид келмаслиги, демократия шароитида инсонларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг ҳокимият, давлат қурилишига муносабатлари, қонун йўли билан кафолатланган тақсимланиши ҳам қонуний кафолатланган бўлиши демократик қонунга тўғри келади.

Демократиянинг ҳуқуқий асосларини қуйидаги йўллар билан, яъни :

а) жамиятда сиёсий, миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонунларнинг мавжудлиги; б) барча бўғиндаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладиган қонунлар тизимининг барпо этилганлиги; в) давлат хизматчиларининг мақоми қонун томонидан белгиланиши; г) фуқароларнинг сиёсий жараёнда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ва кафолатланган ҳуқуқий асослари барпо этилган бўлиши;

е) бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётини бошқаришдаги роли кескин ўзгаради. Иқтисодни бошқаришнинг асосий усули давлат органлари бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча қонун бўлиб қолади.

Умуман, демократик, ҳуқуқий давлатнинг ривожланишида жамиятни, кишилар муносабатларини бошқаруви буйруқбозлик, зўравонлик асосида бўлмасдан, аксинча қонун асосида бўлиб, ҳуқуқий кафолатланган тарзда амалга оширилиши лозим. Бу мақсадга эришиш жамият аъзоларининг сиёсий онги, маданий даражасининг ривожланганлик даражаси билан ҳам белгиланади.

Бюрократизм инсон ҳуқуқларини, эркин ва демократик муносабатларни поймол қилади. Демократия бу айрим гуруҳнинг ёки партиянинг, айрим шахсларга берган имтиёзлари бўлмасдан, балки барча фуқароларнинг қонуний, ҳуқуқий кафолатланган ҳаёт нормалари, қондалари бўлиши керак.

Жамият тараққиётининг диалектикасига биноан инсоният ҳаётининг истиқболида демократия халқнинг, маълум даражада эркинлик ва тенг ҳуқуқли фуқаролик жамиятининг анъаналарига айланиши лозим. Бундай ҳолатда демократик нормаларнинг давлатчилик ва сиёсий аҳамияти ошиб, жамият аъзоларининг маданият, ақл-заковат асосида ўз фаолиятларини ташкил этишига ёрдам беради.

Жаҳон миқёсида демократик ҳуқуқий давлатни қуриш оддий ҳодиса бўлмасдан, аксинча, мураккаб, босқичма-босқич амалга ошириладиган тарихий-сиёсий жараён ҳисобланади. Жамият ҳаётини, унинг айрим соҳаларини қисқа муддатда янгилаш мумкин эмаслиги каби, демократик ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши ҳам объектив шароитлар тизими асосида вужудга келди. Аммо бу жараёнда тўғри, демократик мазмунли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий йўналишни, тараққиёт йўлини танлаб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Демократия ижтимоий адолат билан узвий боғлиқдир. Ўз навбатида, демократия ҳам ижтимоий адолатнинг сиёсий асосидир. Жамиятда ишлаб чиқариш, мулк муносабатлари, алмашиш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, эҳтиёжни таъминлаш ҳар кимнинг қобилиятига, тадбиркорлигига боғлиқ равишда давлатнинг ижтимоий асосини ташкил этади. Инсонларнинг ҳаёти, турмуши даражаси ва сифати ҳаммага тенг ҳуқуқ асосида қонуний ташкил топган бўлиши ижтимоий адолат асосида юзага келади. Ижтимоий адолатга асосланмаган демократия ғайри-табиийдир. Демократик тизим ва адолатли тузилган ҳаёт бир-бирларини тўлдиради.

Демократияни жамиятнинг иқтисодий ҳаётисиз, унинг ишлаб чиқариш жараёнисиз, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчиларсиз тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Демократия иқтисодий асоссиз бўлмайди ва аксинча, иқтисод сиёсатсиз, сиёсий омилсиз, демократик шароитсиз ривожлана олмайди. Жамият аъзоларини яшаш учун энг асосий, ҳаётини ҳал қилувчи манфаати иқти-

содий эҳтиёжлар билан боғлиқ. Демократия, ўз навбатида, ҳаётнинг бош омили билан боғлиқ бўлган тараққиётнинг бош сиёсий омили ҳисобланади.

Демократия билан иқтисод ҳаётда бир-бирларидан ажралмасдир, олдин улардан бирини ташкил қилиб, кейин иккинчисини ривожлантириш мумкин эмас. Улар узвий боғлиқ, бир-бирлари билан ўзаро биргалликда ва бир-бирларига асос бўлиб ривожланиши лозим. Иқтисодиётга хизмат қилмайдиган, халқнинг моддий манфаатларини ҳал қилишда иштирок қилмайдиган демократия ғайри демократия бўлиб, халқ ҳаётидан ажралиб қолади.

Шунинг учун жамият тараққиётининг бирдан-бир шарти — демократиянинг иқтисодий ҳаёт билан боғлиқ бўлишидир. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий қарашлари, назариялари, ғоялари ва сиёсий муносабатлари унинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқликда фаолият кўрсатади. Жамият аъзоларининг эркинликлари ва ҳуқуқлари иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ. Жамиятнинг мулкий асоси, ишлаб чиқариш, олди-сотди, меҳнат қилиш ва ишлаб чиқариш муносабатларининг барча томонлари инсонларга ҳуқуқий кафолатланган ҳақиқий эркинлик ва тенг ҳуқуқлик берган бўлиши зарур.

Иқтисодий соҳани демократиялаштириш биринчи галда, мулк муносабатларининг ўзгариши билан боғлиқ. Яъни демократик иқтисодий ҳаёт мулкчиликнинг хилма-хил шакллари эътироф қилиб, уни амалга оширишдан бошланади. Давлат мулки билан бир қаторда фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки, коллектив мулк, аралаш мулк, қўшма мулк ва бошқалар тенг ҳуқуқли қонуний кафолатланган кўринишда фаолият кўрсатиши зарур. Давлатнинг, ишлаб чиқарувчининг, истеъмол қилувчининг, фуқароларнинг меҳнат қилишини, тадбиркорлик билан шуғулланишини ва бошқаларнинг тенг ҳуқуқлигини баб-баравар муҳофаза этишни кафолатлантириши бугунги куннинг талабидир.

Демократияга иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий-сиёсий омили сифатида қараш лозим. Инсон эҳтиёжларининг ичида ҳал қилувчи, белгиловчи омил — кишиларнинг иқтисодий манфаатлари бўлар экан, демократия халқ манфаатларига хизмат қилиши зарур. Уни ҳимоя қилиш таъминланмас экан, демократия ҳа-

қиқий бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий муносабатларни демократиялаштириш жаҳон тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари Демократия инсон ҳаётининг, ҳуқуқининг энг муҳим тамойилларини ўз ичига олади. Уларда аввало, инсоннинг яшашга, ҳаётга бўлган эркинлиги, ҳуқуқи биринчи ўринда туради. Жамиятда кишилар тинч-фаровон яшашга, ўз ҳаёти ва ўз болаларининг ҳаёти ҳимояланишига, инсонга муносиб тарзда ишлаб туриш эркинлигига, унинг ҳуқуқий кафолатига эга бўлиши лозим. Бу ҳол жамият турмушининг асосий негизини ташкил этади. Бусиз демократия халқ фаровонлигига, унинг энг муҳим ҳаётий манфаатларига хизмат қила олмайди. Демократия билан инсон ҳаётининг хавфсизлигини, тинчлигини ҳимоя қилиш ҳаёт шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлиб, бир-бирларини ўзаро тўлдиради.

Инсон ҳуқуқлари расмий қонун-қоидалар сифатида акс эттирган илк ҳужжатлар АҚШ мустақиллиги баёнотномаси (1776 йил) ва Франция инсон ҳуқуқлари баёнотномаси (1789 йил) да қабул қилинган эди. Ушбу баёнотномаларда ҳур фикр юритиш, эътиқод эркинлиги, мажлисларда, уюшмаларда, давлатни идора қилиш ишларида иштирок этиш-этмаслик масаласи, шунингдек, шахсга нисбатан зўрлик ва таъйиқлар ўтказиш нотўғри эканлиги биринчи бор расман ошкора таъкидланиб, бу борада давлат зиммасига муайян вазифалар юкланган эди.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қоидалар даврлар ўтиши билан такомиллаша борди.

Жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилоти бўлган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тузилиши инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг бош мақсади тинчлик учун курашиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашдан иборат қилиб белгиланган эди. У 1948 йилда инсон ҳуқуқлар баёнотномасини қабул қилди. Ушбу баёнотномада барча давлатларга тегишли бўлган сиёсий ва шахсий дахлсизлик (3-модда), қулликни тақиқлаш (4-модда), одил судлов (6—10-моддалар), сиёсий бошпана топиш ҳуқуқи (14-модда), мулк ҳуқуқи (17-модда), ҳурфикрлик ва эътиқод эркинлиги (18-модда) каби муҳим ҳуқуқлар қатъий белгилаб қўйилади.

Инсоннинг меҳнат қилиш, маълум иш жойини эгаллаш, ўзига хос касб, мутахассисликни танлаб олиш, ўз манфаатларига тўғри келадиган жойда ишлаш, меҳнатда ўз қобилиятидан тўла баҳраманд бўлиб фойдаланиш, меҳнатининг жамият учун самарали бўлиши, эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги таъминланган бўлиши лозим. Бу инсон ҳаёти демократик хусусиятларининг асосини ташкил қилади. Ишсизлик инсоннинг энг муҳим, яъни меҳнат қилиш ҳуқуқини поймол қилади. Демак, демократия, жамият иқтисоди кишилар меҳнати билан боғлиқдир. Зеро, демократик эркинликдан баҳраманд бўлишнинг асоси меҳнатдир. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин!»¹.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт тажрибаси кўрсатадики, ҳаётга ўзбошимчилик, кўр-кўрона қараш демократияга олиб келмайди. Балки фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, уларнинг бурчлари ҳам ҳуқуқий кафолатланган бўлиши лозим. Ҳуқуқ нормаларини билиш билан бирга фуқаролар ўз бурчларини ҳам билиб, амал қилиши уларнинг сиёсий маданий даражасини ифодалайди.

Демократия маълум бир жамият ҳаётининг маҳсулоти ва ижтимоий-сиёсий омил сифатида юзага чиқади. Шунинг учун демократия жамият муносабатларининг мажмуасига тегишли бўлиб, маълум бир иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий шарт-шароитлар асосида шаклланади ва ривож топади.

Демократия ҳар бир жамиятнинг, мамлакатнинг, халқнинг, миллатнинг маданияти, ижтимоий онги, анъаналари билан боғлиқ. Демак, меҳнат қиладиган, моддий ва маънавий бойликларни яратадиган халқнинг ўзидир. Демократия барча инсонларга, уларнинг касби, эгаллаб турган мансаби ёки миллатидан қатъи назар умумий ҳуқуқ беради.

Ҳар бир миллатнинг, мамлакатнинг давлат ишида халқнинг иштирок қилиши, бошқариши, бошқарув жа-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. «Ўзбекистон», 1995, 1-бет.

раёнидаги фаолиятига тегишли анъаналари мавжуд. У маълум сиёсий маданият даражасида содир бўлади. Демократик тамойиллар, нормалар, институтлар фаолияти ана шу тарихий анъаналарни қамраб олиши керак. Демократия халқнинг маданияти, жамиятнинг илмий-техник тарақиёти, ижтимоий онги даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади ва шундагина ўз навбатида, у жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига сиёсий омил сифатида фаол таъсир қилади ҳамда тарақиёт манбаига айланади.

Демократия ижтимоий онг, тафаккур билан узвий алоқадордир. Тафаккур воситаси билан жамият аъзолари демократия тамойилларини, уларнинг моҳияти, зарурлигини, ундан фойдаланиш йўлларини билиб оладилар.

Демократия ҳақидаги назария, таълимот ҳам инсон эрки ва тенг ҳуқуқлигини эътироф этишда, уларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Демократия ҳақидаги таълимот, демократик тафаккур амалий ҳаётга нисбатан фаол бўлиб, ундан олдин юради ва демократик амалий турмушнинг тарақиёти учун маънавий манба ҳисобланади. Тафаккур инсон эрки, ҳуқуқларининг моҳиятини, уларни ҳаётда амалга ошириш йўлларини, уларни англаб олишнинг муҳим омилдир. Кишилар жамиятнинг сиёсий ҳаётини чуқур билсалар, ўзларининг демократик фаолиятларини ҳам ақл-заковат билан амалга оширадилар. Шунинг учун демократик назариялар онгдан, тафаккурдан бошлаб ижтимоий амалиётда ўзининг ифодасини топади. Демократия ҳақидаги назария, тафаккур билан жамиятнинг демократик амалиёти бир бутун демократик жараёни ташкил қилади. Бу жиҳатдан кишиларнинг ижтимоий онги, фикрлари катта ўринга эга.

Демократиянинг шаклланиши, ривожланиши ва янги сифат даражаларига чиқиши жамиятнинг маънавий ҳаёти, қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари ва мафкураси билан боғлиқ ҳолда кечади.

Ҳокимият билан халқнинг муносабатида давлатнинг алоҳида роли мавжуд, Давлат ҳокимияти демократиянинг ривожланишига таъсир қилувчи, назорат олиб борувчи, такомиллаштириш йўлларини белгиловчи асосий сиёсий институтдир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, демократия кишиларга тақсимлаб бериладиган нарса эмас, у жамият зарур шароитлари томонидан

яратиладиган эркинлик, тенг ҳуқуқлилик ва кишиларнинг ҳокимият ишида фаол қатнашишидир.

Шунинг учун демократик тамойиллар, қондалар халқга тегишли, унинг сиёсий бойлиги ҳисобланади. Инсонлар ундан оқилона баҳраманд бўлиб фойдаланишлари лозим. Керак бўлса уни кўз қорачигидек асраб-авайлаб сақлашлари зарур.

Демократия ўзини-ўзи ҳимоя қила билиши ҳам керак. Бунинг учун жамиятнинг ҳуқуқий омиллари, давлат тизими, жамоат бирлашмалари ва бошқалар бўлиши лозим. Демократияни муҳофаза қилиш, демократик қондаларни, қадриятларни ривожлантириш ва халқ ҳаётида амалга ошириш мамлакатнинг Конституцияси ва қонунлари томонидан кафолатланган бўлиши зарур. Демократик эркинликлар, ҳуқуқлар халқ томонидан ҳимоя қилиниши керак. Ўзини ҳимоя қила олмаган демократияни сақлаб бўлмайди, у ривожлана олмайди ва бундай ҳолат юзага келса у халқ манфаатига зид келади. Бу ҳолатда демократия бюрократизмга, зўравонликга, диктатурага айланиши ҳам мумкин.

Шарқона демократия

Демократия барча давлатлар, халқлар, миллатлар ва шахслар учун умумий белгиланган меъёрлар даражасида амал қилади. Шунинг билан бирга унда жузъийлик ва хусусийлик каби кўринишлар ҳам мавжуд.

Демократияда ҳар бир мамлакат халқларининг тафаккур тарзи, анъаналари, сиёсий тизимга нисбатан шаклланган қадриятлари ўз ифодасини топади. Бу сиёсий фикр тарихида ва ҳозирги замонда «Ғарб» ва «Шарқ» демократияси тарзида ишлатилади. Бу демократиянинг умумэътироф этилган дунёвий жиҳатларини тан олган ҳолда, табиий ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто, фожиали натижаларга олиб келади»¹.

Бундан шуни хулоса қилиб кўрсатиш мумкинки, де-

¹ И. А. Каримов. Ваган саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-том, «Ўзбекистон», 1996, 8-бет.

мократиянинг турли хусусиятларга, кўринишга эга бўлиши табиий эканлигини тан олиш билан бирга, демократик жараёнларда, «инқилоб»нинг ўрни тўғрисидаги сиёсий қарашни инкор этиш орқали «эволюцион» тараққиёт йўли тан олинади.

Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этади. Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши унинг ўзига хосдир. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этади.

Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келган. Тўймаъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳли-сиз ўтмаган. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлганлиги ҳам маълум. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қондалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларини ҳисобга олмасак, қудратли эркин, демократик давлат қура олмаймиз¹. Буларда шарқона

¹ И. А. Каримов. Асарлар. «Ўзбекистон», 3-том, 9—10-бетлар.

демократиянинг ўзига хос жиҳати яққол намоён бўлади.

Демократия умумжаҳон ҳодисаси бўлиб, унинг юзага чиқишида ҳам хусусий ҳолатлар бўлиши табиийдир. Шарқда демократия, авваламбор шу ҳудуд табиати, тарихи, анъаналари, ишлаб чиқариш жараёнларини бетакрор жиҳатлари билан узвий боғлиқ. Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари бор. Шарқда демократик жараёнлар узлуксиз равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, хатто фожиали натижаларга олиб келади. Шунинг учун демократиянинг жаҳонда таркиб топган тамойилларига амал қилган ҳолда, унинг ҳудуд ва халқ учун хос бўлган хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шарқ демократиясининг ўзига хос кўринишларида бири унинг халқ анъаналари билан боғлиқлиги, уларга таянишидир. Жумладан, Шарқ халқларига хос бўлган демократияга асос бўлувчи ўзига хос хусусиятлар қуйидагиларда кўринади:

— авлод-аждодларга бўлган ҳурмат, ўтганларнинг яхши томонларини эслаш;

— кексаларга, ота-оналарга ҳурмат кўрсатиш;

— тарих, маънавий бойликларни қадрлаш, уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш;

— имонли кишиларни, раҳбарларни ҳурмат қилиш;

— ижтимоий масалаларни маслаҳат, кенгаш усули билан ҳал қилиш, бир-бирларига ёрдам, меҳр-муруват кўрсатиш;

— низоларни сабр-тоқат, вазминлик, саҳоватлик билан ҳал қилиш;

— маҳалла, жамоатчилик фикрига таяниш ва унинг устуворлигини тан олиш;

— халқнинг қонунга бўлган ҳурмати;

— ахлоқий, маънавий қадриятларнинг сиёсий муносабатлардан устуворлиги;

— маънавий камолатга интилиб яшаш;

— кўп болалик оилаларни, етим болаларни, ночорларни авайлаш;

— қўшниларга ҳурмат-эътиборли бўлиш;

— кечиримлилик, чидамлилик, камтаринлик, инсофлилик, шукроналик қилиб яшаш;

— бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, ваъдага вафоллик, лабзи ҳалоллик; кишиларга меҳр-оқибатли,

меҳмондўстлик, ўзаро иззат-эҳтиром билан муносабат-
да бўлиш;

— Ватан, халқ учун ўзини аямаслик, унга садоқат
билан жонини фидо қилиш;

— инсонпарварлик ва бошқалар.

Бу анъанавий қадриятларни эъозлаш керак. Улар-
нинг чегараси, меъёри ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий
шароитларга биноан ўзгаради. Лекин жамиятда демо-
кратия шаклланганда бу анъаналарни эътиборга ол-
маслик мумкин эмас. Чунки инсон эркинлиги, ҳуқуқ ва
бурчларни улар билан узвий боғлиқдир.

Демократиянинг амалиётда, назарияда ва ижтимоий
онгда ривожланиши ҳар бир мамлакатда ва жаҳонда
бўлиб турган ахборот эркинлигига боғлиқ, ҳар хил ах-
борот олиш инсон ҳуқуқларининг, эркинлигининг муҳим
хусусиятларидан биридир. Оммавий ахборот эркинлиги
ва қонун ассосида фаоллик кўрсатиш берилган ахбо-
ротларнинг тўғрилигига жавобгарлик хусусиятининг
мавжудлигидир. Ахборотлар ўзининг ҳақиқий ва одило-
налиги билан халқ манфаатини ифодалайди ва тарақ-
қиётга таъсир кўрсатади. Демократия ахборотларнинг
нохолисоналигига йўл қўймаслиги керак. Жамиятни
демократиялаштиришда ахборот майдонининг эркин бў-
лиши аҳамиятлидир. Халқ ҳаётига тегишли, тўғри ах-
боротларга кенг йўл очилиши муҳим. Нотўғри маълум-
отлар халқ ҳаётига чалкашлик, нотинчлик олиб қира-
ди. Халқ жаҳон демократик жараёнлари ҳақида қанча
бой ва тўғри маълумот олса, у ўз ҳаётини демократия-
лашга шунча фаол қатнашиши мумкин. Ахборот эркин-
лиги ҳар бир шахснинг сўз эркинлигини амалий ривож-
лантиради, демократик жараёнлар ривожланишига ва
ҳуқуқий давлат шаклланишига ижобий таъсир кўрса-
тади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. «Демократия» тушунчаси нима?
2. Демократиянинг дунёвий тамойиллари қайсилар?
3. Демократия инсоннинг қандай ҳуқуқ ва эркинликлари за-
минида вужудга келади?
4. Демократия ва инсон ҳуқуқларининг ўзаро муносабатини
нималарда кўриш мумкин?
5. «Шарқона демократия» деганда нимани тушунасиз?

ХУЛОСА

Политология кенг қамровли фан ҳисобланади. Аммо олий ўқув юртларида унинг ҳамма мавзуларини ўрганиш имконияти йўқ. Чунки унга ҳам бошқа барча фанларга бўлганидек, белгиланган тартибда соатлар ажратилади. Ана шу ажратилган соатларга биноан дастурлар ишлаб чиқилади ва унга мувофиқ дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари тайёрланади. Бугунги кунга келиб, бу фанга доир кўпгина дастурлар ишлаб чиқилган, ўқув қўлланмалари ва ҳатто дарсликлар ҳам мавжуд.

Бу мавжуд ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, шу жумладан мазкур ўқув қўлланма ҳам олий ўқув юртларида бу фандан ўрганилиши керак бўлган муаммоларни тўла очиб беришда энг сўнггиси бўла олмайди. Бунинг қуйидаги сабаблари бор. **Биринчидан**, мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасидагина олий ўқув юртларида бу фанни ўқитиш имкониятига эга бўлди. Утган қисқа давр ичида уни шакллантириш борасида изланишлар бормоқда. Бунинг устига бу фан бўйича кадрлар ҳам етарли эмас. Уларни махсус тайёрлайдиган алоҳида факультет, бўлимлар ташкил этишга зарурият кучаймоқда. **Иккинчидан**, республикамизда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий соҳада содир бўлган ўзгаришлар кўлами ниҳоятда катта бўлиб, ўтган даврда эълон қилинган ўқув қўлланмалари ва дарсликларда муаллифлар ўз нуқтаи назарлари асосида масалаларнинг у ёки бу томонини ўрганиб, уларни талабаларга етказишга ҳаракат қилишга интилмоқдалар. Аммо мамлакатимизда сиёсий тизим,

сиёсий жараёнлар, демократиянинг шаклланиши, шахсларнинг сиёсийлашуви, Ўзбекистонда демократик давлатни вужудга келтиришнинг ўзига хос модели, давлат ва фуқаро муносабатлари, жамият ташкилотларининг сиёсий тизимидаги ўрни, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва бир қатор масалаларда мамлакатимиз учун хос бўлган янгидан-янги қирралар намойиш бўлмоқда, уларнинг барчасини талабаларга етказиш зарур бўлади. Шу маънода ҳам янги-янги қўлланмаларга эҳтиёж ўсиб бормоқда.

Учинчидан, мазкур фанни олий ўқув юртларида ўқитиш жаҳонда қабул қилинган назарий йўналишларни такомиллаштириб боришни ҳам тақозо қилмоқда. Бу борада жаҳон тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимизда мавжудлари билан таққослаш ва шу асосда жамиятимиз учун устувор бўлган янги йўналишларни ўрганиш борасида ҳам изланишлар олиб бориш зарур бўлади.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда политологияни мустақил ва мукамал фан сифатида шакллантириш учун жуда катта амалий ишларни бажариш лозим.

Қўлингиздаги ўқув қўлланманинг муаллифлар жамоаси политология фанининг мавзулар кўлами ва уни ўқитишни такомиллаштириб бориш талабларидан келиб чиққан ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан эълон қилинган дастурда кўрсатилган мавзуларни ишлаб чиқишга асосий эътиборни қаратдилар. Шунинг билан бирга сайёрамизда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда янги мавзуларни киритдилар ва уларни ўзларининг нуқтаи назарлари бўйича ёритишга ҳаракат қилдилар. Муаллифлар жамоасининг асосий мақсади республикамиз олий ўқув юрти талабалари ва политология фанига қизиқувчиларни бу фаннинг асосий муаммолари билан таништириш ва уларнинг мамлакатимизда фуқаровий жамият қуришда фаол иштирок қилишларига кўмаклашидир.

**ҲОЙДАЛАНИЛГАН ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИ ҲРГАНИШ
УЧУН МАВЖУД БУЛГАН АЙРИМ АСОСИЙ СИЁСИЙ
АДАБИЕТЛАР, ҚУЛЛАНМАЛАР РҲЙХАТИ**

Н. А. Каримов. Танланган асарлар. 4-томлик, 1-4-томлар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.

Н. А. Каримов. Ўзбекистон-XXI аср бўсағасида хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «Ўзбекистон», 1992.

А. А. Азизхўжаев. Демократия — халқ ҳоқимияти демакдир. Тошкент, 1996.

А. А. Азизхўжаев. Давлатчилик ва маънавият. Тошкент, 1997. *Аристотель.* Соч. — Т. 4.—М., 1993;

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси пашриёти.

Алмонд Г., Верба С. Гражданская культура и стабильность демократии//Политические исследования.—1992.—№ 4;

Баллестрем К. Г. Власть и мораль (основная проблема политической этики)//Философские науки.—1991.—№ 2;

Бейнарлович Л. Е. Проблема справедливости и принципы власти в «Государстве» Платона//Вестник древней истории,—1985.—№ 1;

Бердяев Н. А. Философия неравенства.—М., 1990;

Вебер М. Объективность социально-научного и социально-политического познания.—Избранные произведения.—М., 1990.

Власть, очерки современной политической философии Запада.—М., 1989; 26 основных понятий политического анализа//Политические исследования.—1993.—№ 1;

Гаджиев К. С. Опыт введения в политологию//Политические исследования.—1992.—№ 1—2.

Ганнел Дж. Г. Политическая теория: эволюция отрасли//Вестник Московского университета. Серия 12.—Социально—политические исследования.—1993.—№ 1.

Гегель Г. Ф. В. Философия права.—Собр.соч.—Т.VII.—М., 1936;

Гаджиев К. С. Тоталитаризм как феномен XX в.//Вопросы философии.—1992.—№ 2;

- Гаджиев К. С.* Политическая культура: концептуальный аспект//Политические исследования.—1992.—№ 6;
- Гаджиев К. С.* Политическая наука: Учебное пособие.—2-е изд.—М.: Международные отношения, 1995.—400 с.
- Демократия в Японии: опыт и уроки.—М., 1991;
- Джилас М.* Лицо тоталитаризма.—М., 1992;
- Демидов А. И., Федосеев А. А.* Основы политологии. Учеб. пособие.—М.: Высш. шк., 1995.
- Р. З. Жумаев.* Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. ФАН Ак НУз. 1996.
- Т. Жураев, И. Эргашев.* Тараққиётда миллий тикланиш. 1998 йил 28 апрель.
- Запасник С.* Ложь в политике//Философские науки.—1991;
- Ковлер А. И.* Исторические формы демократии: проблемы политико-правовой теории.—М., 1990;
- Констан В. О.* О свободе у древних в её сравнении со свободой у современных людей//Политические исследования.—1993.—№ 2;
- Конституция ва инсон манфаатлари (Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари) Тошкент, 1997.
- Национальное государство: теория, история, политическая практика//Политические исследования.—1992.—№ 5—6;
- Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Тошкент—Адолат 1997.
- С. Отамуратов.* Истиқлол ва кадрлар сиёсати—Халқ таълими. 1995. 5—6-сонлар.
- С. Отамуратов.* Мустақиллик ва шахсининг ижтимоий—сиёсий манфаатлари. Конституция ва инсон манфаатлари. (халқаро илмий-амалий анжуман материаллари) Тошкент, 1997.
- Политология асослари. Тошкент—Университет, 1992.
- Пугачёва.* Основы политологии. М., 1992.
- Право, свобода и демократия (материалы «круглого стола») //Вопросы философии.—1990.—№ 6;
- Празаукас А. А.* Авторитаризм и демократия в многонациональных обществах//Азия и Африка сегодня.—1990—№ 8;
- Принципы ненасилия: классическое наследие.—М., 1991.
- Рамазонов И., Муминов Э.* Политология. Дарслик. Тошкент—Адолат, 1997.
- Сартори Дж.* Вертикальная демократия//Политические исследования.—1993.—№ 2;
- Сорокин П.* Человек, общество, цивилизация.—М., 1992;
- Тоталитаризм: что это такое? — М., 1993.—Т: 1—2;
- Хайек Ф.* Дорога к рабству//Вопросы философии.—1990—№ 11.
- Хусанов.* Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият (ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар). Тошкент, 1996 й.
- Шапири И.* Демократия и гражданское общество. Политические исследования.—1992.—№ 4.
- Шмачкова Т. В.* Мир политических партий. Политические исследования. 1992.—№ 1—2.
- Шмитт К.* Понятие политического. Вопросы социологии.—1992. № 1.
- Ф. Ш. Шарипов.* Сиёсатшунослик. Т., «Ўзбекистон», 1992.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I б ўлим. Политология фанининг илмий-назарий асослари	
1-мавзу. Политология фани ва унинг предмети	6
2-мавзу. Политология фанининг вужудга келиши ва ривожланиши	14
II б ўлим. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти	
3-мавзу. Сиёсат ва сиёсий жараёнлар	41
4-мавзу. Жамиятнинг сиёсий тизими	51
5-мавзу. Сиёсий ҳокимият	65
6-мавзу. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар	73
7-мавзу. Сиёсий онг ва сиёсий маданият	85
III б ўлим. Сиёсий ҳокимиятнинг амал қилиш соҳалари	
8-мавзу. Сиёсат ва ижтимоий ҳаёт	95
9-мавзу. Этник ва миллатлараро муносабатларининг сиёсий жиҳатлари	115
10-мавзу. Кадрлар сиёсати	129
11-мавзу. Сиёсат ва маънавият	145
12-мавзу. Сиёсат ва ёшлар	164
IV б ўлим. Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар	
13-мавзу. Халқаро муносабатлар	178
14-мавзу. Ташқи сиёсат	191
15-мавзу. Сиёсат ва умумбашарий муаммолар	201
16-мавзу. Халқаро терроризм	211
V б ўлим. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши	
17-мавзу. Янги сиёсий ижтимоий тузум: моҳияти ва хусусиятлари	220
18-мавзу. Демократия ва ҳуқуқий давлат	235
Фойдаланилган ва политологияни ўрганиш учун мавжуд бўлган айрим асосий сиёсий адабиётлар, қўлланмалар рўйхати	252
Хулоса	

*Садулла Атамуратович Атамуратов,
Ибодулла Эргашевич Эргашев,
Шавкат Анварович Акрамов,
Анвар Каххарович Кадиров.*

ПОЛИТОЛОГИЯ

На узбекском языке

Рассом *У. Солифов*
Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *С. Собирова*
Мусаҳҳиҳа *М. Йўлдошсва*

Теришга берилди 04.06.98. Босишга рухсат этилди. 05.08.98 Би-
чими 84×108¹/₃₂ Литературная гарнитура. Юқори босма усулида
босилди. Шартли босма табоғи 13,44. Нашр. л. 14,85. Нухаси
5000. Буюртма № 73. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр. № 71—97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-
нинг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
700194, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

Политология: Олий ўқув юртлари талабалари учун қўлланма (С. Отамуротов, И. Эргашев, Ш. Акромов ва бошқалар; Масъул муҳаррир: Р. З. Жумаев — Т.: «Ўзбекистон», 1998.—254 б.).

1. Отамуротов С. ва бошқ.
2. Библиогр.: б. 252.

Ушбу қўлланмада политология фани, унинг вужудга келиши ва ривожланиши, жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий ҳокимият ва унинг амал қилиш соҳалари, жаҳон сиёсати, халқаро муносабатлар, демократия ва Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар баён этилган.

Қўлланма олий ўқув юртларининг талабалари, аспирантлар ва политология фанига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 66.3(5У)я73+66.3(5У)6я73+66.4(5У)я73 .

0802000000—73

II М351(04)98 98

№ 358—98

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси
Нусха 2000

